

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**А.А.Маматов.,
А.Ф.Хуррамов., О.Т.Сатторкулов., М.А.Маматов.**

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНИШИ**

Монография

ГУЛИСТОН – 2014

А.А.Маматов., А.Ф.Хуррамов., О.Т.Сатторқулов., М.А.Маматов
Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб
чиқариш инфратузилмасини ривожланиши.–Т.: «Иқтисодиёт», 2014, 280
бет.

Монография Давлат илмий-техника дастурининг Ф-1-80 «Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш» номли фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида ёзилган.

Монографияда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий-методологик ҳамда илмий-амалий асослари тадқиқ этилган. Жумладан, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тадқиқ этишнинг назарий асослари ёритилган. Унинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти тадқиқ этилган, инфратузилма институтларининг тизимли ўзаро алоқадорлигининг функционал дифференциацияси очиб берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислохотлар даврида қишлоқ хўжалигини ва шу билан бирга қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини ривожланиши, ундаги муаммолар аниқланиб, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографияда қишлоқ хўжалигини ва шу билан бирга қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва хусусиятлари очиб берилган. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлиги илмий асосланган. Республикамизда яқин истиқболда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш параметрларини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг сони прогнозлаштирилган.

Илмий монография илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг магистрант талабалари, профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, фермер хўжалигини бошқариш ҳамда бошқа аграр соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: П.З. Хошимов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

иқтисод фанлари доктори, профессор – **Ф.Т. Эгамбердиев**;
иқтисод фанлари номзоди, доцент – **О.Р.Раимбердиева**.

Гулистон давлат университети илмий Кенгаши
қарори билан чоп этилди.

	КИРИШ	5
--	--------------------	----------

МУНДАРИЖА

1-БОБ	ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	8
1.1.§	АСМда ифратузилманинг моҳияти ва уни тадқиқ этишнинг назарий асослари	8
1.2.§	Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.	31
1.3.§	АСМда инфратузилма институтларининг тизимли ўзаро алоқадорлигининг функционал дифференциацияси.	55
2-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ	70
2.1.§	Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишини ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари.	70
2.2.§	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш босқичлари ва йўналишлари.	94
2.3.§	Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти	119
3-БОБ	ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ	131
3.1.§	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва унинг хусусиятлари.	131
3.2.§	Аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантиришнинг концептуал асослари	160
3.3.§	Фермер хўжаликлари билан инфратузилма корхоналарининг ўзаро алоқаларини тартибга солишнинг институционал ва	173

	бозор механизмлари	
4.БОБ	ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.	190
4.1.§	Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва ундан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.	190
4.2.§	Ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш	207
4.3.§	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	221
	Хулоса	256
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	265
	Иловалар	

КИРИШ

XXI асрнинг биринчи ярмида, инновация динамикасининг хусусияти олимларга ушбу даврни инновация даври деб баҳолаш имконини беради. Жорий аср бошида республикада сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг стратегик курсини танлаш учун биринчи галда жаҳон миқёсидаги ўзаро боғлиқ ижтимоий, технологик ва геоиқтисодий жараёнлар мазмун-моҳиятини англаб етиш, яқин ва узоқ келажакда уларнинг ривожланишини прогноз қилишни билиш лозим. Республикада инновацион иқтисодиётни шакллантириш унинг барча соҳаларида, шу жумладан, агросаноат мажмуида мувофиқлаштирилган тараққиётни талаб қилади. Инновацион ёндашувлар асосида, мамлакат иқтисодиёти мукамаллигини таъминлаш мавжуд ташкилий-бошқарув, молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилишини тақозо этади. Замонавий иқтисодий ривожланиш ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини илмий-техника ютуқларига асосланган интеллектуаллаштириш жараёнлари билан характерланади.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини тизимли ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, талаб ва таклиф асосида шаклланган, кучли рақобатга эга бўлган қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари хизматларидан кенг фойдаланиш, амалиётда ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг самарадорлигини ўсишига олиб келади.

Бугунги инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида айнан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг етарли даражада тараққий этмаганлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми ва самарадорлигини ошириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги энг катта тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. “Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда”¹ дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов.

¹. Каримов.И.А 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т., “Халқ сўзи”, 18 январь 2014 й.

Бу масаланинг ҳал этилиши бевосита қишлоқда фаолият юритувчи турли фермер хўжаликлар, шахслар ва бозор субъектлари ўртасида ўз мазмун ва моҳиятига кўра мутлақо янги сифатга эга бўлган иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши, ривожланиши ва мунтазам такрорланиб туришини таъминлаш билан белгиланади. Ушбу муносабатларнинг боғловчи қисми ҳисобланган қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўзининг кўп қиррали кўрсатадиган хизматлари туфайли барча тармоқ ва корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналаринининг ривожланганлик даражаси қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминланганлик ҳолати билан белгиланади. Бу мавжуд қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни инновацион тизимли ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишни таълаб этади. Шу билан бирга қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини ривожлантириш икки ёқлама жараёндир, биринчидан унинг таркибига кирган корхоналарнинг бир қисми эркин рақобат муҳитида ривожланади, иккинчи қисм корхоналарнинг бозордаги монопол ҳолати уни давлат томонидан тартибга солишни таълаб этади.

Бу қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолиятини ягона бир тизим сифатида инновацион интеграциялаштириш асосида ривожлантиришни таълаб этади. Бунда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жараёни ҳам тизим ичида икки ёқлама тавсифга эга бўлади. Инфратузилма корхоналарининг бир қисмида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш асосида улар ўртасида эркин рақобат муҳити шакллантирилади ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлиги оширилади. Инфратузилма тизимида монопол ҳолатда бўлган корхоналар фаолиятини давлатнинг инновацион сиёсати асосида унинг иқтисодиётни тартибга солиш

инструментлари бўлган: нарх, кредит сиёсати, бюджет ажратмалари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқ тизими ва товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш орқали амалга оширилиб, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлиги оширилади.

Монографияда Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини ривожлантириш яъни (корхоналарни бошқариш объектларини ўзгартириш, иқтисодий-ташкилий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарадорликни олиш мақсадида янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш) йўналишлари ёритилган ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий монография илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг магистрант талабалари, профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар, шунингдек институционал иқтисодиёт, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини бошқариш ҳамда бошқа аграр соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

1.БОБ. ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. АСМда инфратузилманинг моҳияти ва уни тадқиқ этишнинг назарий асослари

Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини оширишда агросаноат мажмуининг роли беқиёсдир. Чунки, АСМ ўз таркибида аграр соҳа учун моддий-техник воситалар ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ва аҳоли ҳамда бошқа бозор субъектлари билан алоқасини таъминловчи инфратузилмани қамраб олган. Президентимиз И.А.Каримов “2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида таъкидлаб ўтадики “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарайиб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда”¹ дейди.

Инфратузилмани вужудга келишининг асосий сабаби ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, самарали фаолият олиб бориши учун асос эканлиги ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга турли хизматлар кўрсатиш жараёнида маълум вазифаларга эга бўлган тармоқларнинг иқтисодий тизими сифатида унинг моҳиятини очиқ беришда муҳим назарий тушунча бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий адабиётларда “инфратузилма” тушунчаси мазмунига нисбатан бугунги кунда бир хил қарашлар йўқ, бу эса мазкур категориянинг моҳиятини очишга нисбатан олимлар орасида турли ёндашувлар борлиги билан изоҳланади. Жаҳон тажрибасида инфратузилма тушунчаси XX аср бошларида биринчи бор ҳарбий қуролли кучларнинг тўлақонли фаолият юргизиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Ғарб давлатлари тараққиёт босқичининг 1940 йилларига келиб

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь.

инфратузилмани моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушунишган.¹ 1970–1980 йиллардан собиқ иттифок республикаларининг иқтисодий адабиётларида, одатда, инфратузилмани муҳандис – техник бино ва иншоотларнинг йиғиндиси сифатида кўрилган.

Иқтисодий адабиётда инфратузилма терминига турлича изоҳ берилган. Луғавий маъносига қарайдиган бўлсак инфратузилма (лотинча *infra* - қуйи, *struktura* - жойлашув, тузилиш) турли туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ушбу тушунча иқтисодий назарияси фани тушунчалари мажмуида дастлаб XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлди. Уни иқтисодий тизимдаги мустақил элемент сифатида қарашга ундовчи сабаблар бир томондан ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашув жараёнлари; бошқа бир томондан эса – инфратузилмани фақат бозор механизми орқали тўлақонли ривожлантириш мумкин эмаслиги билан изоҳланади. Бу эса инфратузилма муаммоларини тадқиқ этишга икки асосий ёндашувни шакллантириш имконини берди. Биринчи ёндашув инфратузилмани ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви нуқтаи назаридан таҳлил этишни кўзда тутса, иккинчи ёндашув эса- инфратузилма ривожланишини тартибга солишда давлатнинг мавқеини ошириш зарурияти ва хўжалик амалиёти нуқтаи назаридан таҳлил этишни ифода этар эди.

Иқтисодий тизимларни ташкил этиш масалаларини ўрганиш асосида инфратузилма тушунчасининг турлича таърифлари ётувчи, кўплаб йўналишларнинг пайдо бўлишига имкон яратди. Мазкур ёндашувлардан бири инфратузилмани ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойдани таъмин этмайдиган, сотишга тайёр бўлган товар кўринишидаги бевосита натижани

¹ Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Автореф. дис.канд. экон. наук.. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 18 с.

бермайдиган жамиятнинг устама харажатлари сифатида қараб чиқишда ифодаланadi. Бошқа бир нуқтаи назар ушбу категорияни корхонанинг устама харажатларини қискартирувчи, шунинг билан биргаликда капитал айланишини осонлаштиргани ҳолда, нафақат бирламчи мақсад- ялпи талаб ва бандликни ошириш, балки бозор секторида фойда меъёрини оширишга кўмаклашувчи шарт-шароитлар мажмуи (йўл тармоғи, транспорт воситалари, ер тузилиши ва бошқалар) сифатида тасаввур этишда ўз аксини топади.

Ғарб илмий ва ўқув адабиётларида яхлит иқтисодиёт тармоқлари инфратузилмаси дейилганда, масалан Америкалик олимлар Макконел К.Р., Брю С.Л. таъкидлашича: инфратузилмани миллий иқтисодиёт даражасида “фуқаролар ва фирмалар томонидан улардан фойдаланиш одатда давлат томонидан таъминланадиган капитал қурилмалардир (йўллар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш қурилмалари, муниципал сув таъминоти тизимлари, аэропорт) ”, шунингдек, “инфратузилма фирма учун – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматлар ва қурилмалардир (сув таъминоти, электроэнергия, ишлаб чиқариш чиқимларини олиб кетиш, юкларни ташиш, илмий – тадқиқот ва лойиха – конструкторлик ишлари, молиявий ва банк хизмати)”¹. Уларни ўз маблағлари билан ташкил этиш қимматга тушганлиги боис давлат ва бошқа фирмалар томонидан таъминланади деб таъкидлаганлар.

Бир қатор тадқиқодчилар “инфратузилма” тушунчасини иқтисодиётга П.Н.Розенштейн-Родан киритган деб ҳисоблайдилар. Унинг фикрича инфратузилмага “барча аҳолининг эҳтиёжларини қондирувчи ва иқтисодиётнинг асосий соҳаларида хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминловчи умумий шарт – шароитлар мажмуаси, ёки асосий соҳалар ...”, деб таъриф берган². Р.Иохемсен ўзининг “Инфратузилма назарияси” номли асарида инфратузилмани ҳудудларда яхлит хўжаликни

¹ Макконел Кэмпбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.

². Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Дис...канд. экон. наук. – Санк – Петербург: 2006. - 19с

ташқил этишга кўмаклашувчи моддий, шахсий ва институционал фаолият турларини ва уларнинг ташкилотларининг йиғиндиси деб талқин этган.¹

Таниқли иқтисодчи олим П.Самуэльсоннинг инфратузилмани ривожлантириш иқтисодиётнинг асосий тармоқларида хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаши учун қулай шароит яратиб беришига олиб келади деб берган таърифи бугунги кунда ўтиш даври шароитида хусусий тадбиркорликни шаклланиши ва улар мавқеининг мустаҳкамланиши учун муҳим назарий ва амалий асосдир².

Рус иқтисодий адабиётларда ҳам инфратузилма тушунчасига нисбатан яхлит фикрлар учрамайди. Россия иқтисодий адабиётида келтирилган кўйидаги таъриф бир мунча умумлашган таъриф ҳисобланади: “Инфратузилма- бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (ижтимоий) соҳаларининг ёрдамчи тармоқлари (кўйи тармоқлари)нинг умумийлигидир.” Инфратузилманинг кўпчилик талқинларида муаллифларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, тармоқлар тўплами назарда тутилсада, аммо тармоқ тўпламларидаги рангбаранглик уни турлича тушунишга олиб келади. Хусусан Н.Ф.Чернявский саноат ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги тармоқлари мажмуини: юк сақлаш омборлари, аэродромлар, кўприклар, портлар, сув омборлари, каналлар, автомобил йўллари қуриш, энергетика хўжалиги, темир йўл транспорти, алоқа, сув таъминоти ва канализация, умумий ва касбий таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва шу каби соҳаларга харажатларни инфратузилма³, деб атайди. Кўплаб тармоқларни санаб ўтишга интилиш одатда тушунчанинг мавҳумлашишига олиб келади, бунинг натижасида эса категориянинг моҳияти ҳам йўқолиб боради.

В.П. Федко ва Н.Г. Федколар “инфратузилмани маълум ҳудудда такрор ишлаб чиқариш объектлари бирлиги ва уларнинг самарали фаолиятини таъминловчи соҳалари йиғиндисидан иборат” деган фикрни

¹ Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Дис...канд. экон. Наук. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 18 с

² Самуелсон П. “Экономика”. М.: Алгон, 1992, т.2. 14 б

³ Чернявский Н.Ф. “Инфраструктура сельскохозяйственного производства. 13 б.”

илгари сурганлар¹.

Л.А.Меркушев инфратузилмага иккинчи соҳа сифатида таъриф бериб, “Умуман бу қўшимча фаолият тури бўлиб, асосий объектга хизмат кўрсатишга йўналтирилган” деб ёзади², унинг жамиятнинг ривожлантиришдаги ролини тўлалигича ёритиб беришга эришмаган. Шунингдек, иқтисодчи олимлар В.Жамин, С.А.Хейнман, С.С.Даросивлар ҳам юқоридаги инфратузилмага берилган таърифларга мазмун жиҳатидан ўхшаш фикрларни билдирадilar.

Инфратузилмага А.Селезнев томонидан келтирилган таъриф ўзининг кенг камровлилиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича «қишлоқ инфратузилмаси минтақадаги субъектлар_ўртасида моддий, молиявий ва маълум шаклланишни таъминловчи объектлар, институционал тузилмалар мажмуи бўлиб, ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол соҳаларини ягона занжирга бирлаштиради. Иқтисодиётда моддий, молиявий ва ахборотлар оқимини айлантиришни тезлаштириш ҳамда ижтимоий ривожланиш самарадорлигини оширишни таъминлайди³

А.А.Говорин инфратузилманинг иқтисодий моҳиятини ёритиш бўйича юзага келган турли ёндашувларни таҳлил қилиш асосида бирлаштириб қуйидагича таъриф беради. Инфратузилма бу ҳудудий меҳнат тақсимооти асосида юзага келган ишлаб чиқариш ва унинг алоҳида тармоқлари ўртасида такрор ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминловчи соҳалар ҳамда аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий-иқтисодий тизимлар мажмуасидир.⁴

Юқорида келтириб ўтилган таърифлар маълум бир авфзалликларга эга бўлишига қарамасдан, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа элементларинигина қамраб олиш билан чекланиб қолганлиги сабабли, яхлит

¹ Федко В.П., Федко Н.Г. “Инфраструктура товарного рынка”. Ростов н/Д: Феникс, 2000-512с. 14 б

² Меркушев Л.А Территориальные системы производства, расселения, инфраструктуры Урала. Вып.2. Пермский гос.ун.т,1976 с180

³ Селезнев А. “Становление рынка и его инфраструктуры” Экономист.1993.№9

⁴ Говорин А.А. Инфраструктура современного предпринимательства: проблемы, теории и практики. М.: 340 “Финстатинформ”, 1999,55б

тарзда инфратузилманинг иқтисодий функцияларини, жумладан макроиқтисодий тизимнинг институционал, молиявий инфратузилма каби муҳим элементларини тўла қонли акс эттира олмайди. Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётида инфратузилма мақсади, турли бозорларда иқтисодий субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлган ўзаро боғлиқ бўлган институтларнинг ўзига хос қуйи тизимини ифода этади, бу эса уни экологик, ахборот, ижтимоий, тижорат институционал, молия-кредит ва ишлаб чиқариш инфратузил-маларининг мажмуи сифатида қараб чиқиш имконини беради.

Ўзбек олимлари томонидан инфратузилма кенг тадқиқ этилган бўлиб унга турлича таъриф берилган. Кўпчилик адабиётларда инфратузилманинг функционал вазибалари ва хизмат турига қараб назариётчи олимлар методологик нуқтаи назардан уни иккита гуруҳга: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлганлар. Шу жумладан А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг ёзишларича: Инфраструктузилма (бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилади) ва ноишлаб чиқариш инфраструктузилмаси мавжуд. Ишлаб чиқариш инфраструктураси ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад яратади; ижтимоий инфраструктузилмаси соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва б.) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, инсон омилларини фаоллаштиришга хизмат қилади¹.

Баъзи адабиётларда “инфратузилма – тақрор ишлаб чиқариш шарт – шароитларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаси - бу энергияни таъминловчи, транспорт ва алоқа занжиридир”². Шунингдек, “инфратузилма – бу халқ хўжалигининг юргизиш туриш учун умумий шароит яратиш берувчи соҳалардир. Уларнинг фаолият натижаси – натура шаклдаги маҳсулотлар эмас,

¹. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Иқтисодий луғат. Т.1995. - Б. 43.

²Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.

балки хизматлардир”¹

Турсунов А. Ғ. ўз тадқиқотларида “инфраструктура мажмуаси – бевосита моддий неъмат ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган (ишлаб чиқариш инфратузилмасидан ташқари), аммо ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуидан иборат”², деб таърифлаган.

А.Ю Шариповнинг назарий фикрлари ўзининг мукамаллиги ва кенг камровлилиги билан инфратузилмага оид илмий тадқиқотлардан ажралиб туради. У ўзининг тадқиқотларида инфратузилманинг ҳозирги даврдаги моҳияти, вазифалари ва роли ҳақидаги турли иқтисодий мактабларнинг асосий фикрларини умумлаштиради “инфратузилма моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи, такрор ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи ички соҳалар йиғиндиси”³ деб таъкидлайди. Шу билан бирга инфратузилманинг ҳосил бўлиш сабабини ишлаб чиқаришнинг ривожланишининг натижаси ўлароқ, такрор ишлаб чиқариш тизимида маълум вазифага эга бўлган тамоқларнинг иқтисодий бирлиги шаклида тасвирлайди. Умуман олганда инфратузилма соҳасига таъриф берганда унинг бир нечта жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади;
- инфратузилманинг ривожланиши ва тараққий этиши кўпгина ҳолларда у хизмат қилаётган соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва аксинча;
- инфратузилма тармоғининг турлари қайси соҳага хизмат қилишига боғлиқ;
- жамият ривожланиши, тараққий этиши билан инфратузилма тармоғининг хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб боради.

¹Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007. - 23 б.

²Турсунов А.Ғ. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш: Автреф. Дис. .. икт.фан.номз.– Т.:БИИТИ, 1998й.–7 б.

³ Шарипов А.Ю. “Экономическая сущность инфраструктуры при социализме. Управление отраслями инфраструктуры в системе региона” Л., 1980

Умуман олганда, инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир. Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалардан иборатдир, деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кулами кенгайиб, бозор инфратузилмаси, институционал инфратузилма, банк инфратузилмаси, биржа инфратузилмаси, инвестицион инфратузилма каби атамалар истеъмолга кириб келмоқда.

Ч.Муродов фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида жамият миқёсида инфратузилма олтига йўналишда, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий – маиший, институционал, шахсий, экологик ва бозор муносабатларига мос равишда ажралиб чиқади ва шаклланади. Бу инфратузилмаларни бир – биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятларин ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.¹ Бугунги иқтисодий адабиётларда инфратузилманинг асосан тўртта турига таъриф бериб келмоқдалар.

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.

2. Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасида, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.


3. Ижтимоий инфратузилма таркиби аграр соҳада ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва

¹. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши. Автореф. иқт.ф.докт.. – Т.:ЎЗБИИТИ, 2001й – 11 -12 б.

химоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари кирази. Ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камолат топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисидир.

4.Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб – қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит муассасалари ва бошқалар кирази.

Бундан ташқари инфратузилма тармоқларини ҳудудий белгилари, соҳа ва тармоқлар белгисига ҳамда фойдаланиш жиҳатларига қараб қуйидагича туркумлаш мумкин. (1.– расм).



1.– расм. Инфратузилма соҳаларнинг вазифасига қараб туркумланиши

Инфратузилма ҳудудий белгиларига қараб – макроиқтисодий, минтақавий ва маҳаллий гуруҳларга бўлинади. Макроиқтисодий инфратузилма мамлакат миқёсидаги инфратузилмасига мансуб бўлиб, улар макроиқтисодиёт таркибига кирувчи секторнинг иш фаолиятига хизмат кўрсатади. Масалан,

моддий техника таъминоти, электр энергия узатувчи линия, минерал ўғитлар ва уруғлар етказиб бериш, маориф, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бу инфратузилмалар бўғинлари мамлакат томонидан ташкил этилиб, улар давлат томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарига ўз хизматини кўрсатадилар. Худудий инфратузилмалари, маълум бир минтақага ўз хизматини кўрсатади. Инфратузилманинг иқтисодий хусусиятларини қуйидагилар белгилаб беради:

а) корхона фаолиятининг бевосита натижаларини ифода этувчи фойда меъёрида эмас, балки истеъмолчи- корхоналарнинг сарф-харажатларининг пасайиши ва фойданинг ўсишида ва айти пайтда эса, аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишида акс этувчи йирик кўламдаги ташқи ижобий самаралар;

б) ҳар бир истеъмолчи томонидан алоҳида тўланиши мумкин бўлмаган ижтимоий неъматлар: маҳсулот ва хизматларини ишлаб чиқаришга ихтисослашув;

в) қўшилган харажатларни пасайиши (бошқа тармоқларда бўлган ўсишга нисбатан), билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши.

Аммо, инфратузилма фаолиятининг иқтисодий-ишлаб чиқариш хусусиятлари функционал жиҳатдан қўшилган харажатларни пасайиши билан боғлиқ эмас. Инфратузилмасининг функционал хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

1) унумдорлик характери билан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида сарфланаётган меҳнатнинг ЯИМ қийматини оширувчи тавсифи;

2) инфратузилма тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида давом этиши;

3) Инфратузилма тармоқлари сақлаш, ахборотларни узатиш, етказиб бериш каби жараёнларни амалга оширганликлари сабабли, инфратузилма тармоқлари маҳсулотларини омборга жойлаш ва захира қилиш имкониятининг йўқлиги;

4) Инфратузилмасини нафақат ёрдамчи балки иккинчи даражали соҳа деб

ҳисоблаш мумкин эмаслиги ва шу кабилар.

Инфратузилманинг ўзига хос хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини тавсифловчи бир қатор атирибутив белгилари мавжуд:

- такрор ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини таъмин этиш;
- фаолиятни сервис-хизмат кўрсатиш тавсифига эга эканлиги;
- ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги шароитида агросаноат мажмуи маҳсулотларини йил давомида истеъмол қилиш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини вақт-макон тизимида ўзаро боғлиқлиги, шу билан бир қаторда муомала соҳасида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- тармоқлараро интеграциялашган ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларининг ўзаро
- уйғунликда бўлишини қўллаб-қувватлаш;
- агросаноат мажмуининг асосий ишлаб чиқариш соҳалари: ресурслар ишлаб чиқарувчи, аграр ва қайта ишловчи корхоналари ўртасида алоқаларни ва ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;
- барча ишлаб чиқариш-қиймат (маҳсулот-гуруҳли, тармоқ) занжирини яхлитлиги ва функционал жиҳатдан амал қилишини таъминлаш.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлилларимиз инфратузилмага таъриф беришда адабиётларда ягона услубий ёндашувнинг йўқлигидан далолат беради. Албатта, бу юқорида таъкидланганидек, инфратузилманинг алоҳида йўналишларини ўрганишга эътибор қаратади. Шунингдек, ҳудуд(вилоят)ни ягона мажмуа сифатида ўрганилган илмий изланишларнинг йўқлиги ҳам бу борада маълум қийинчиликларни туғдиради. Хозиргача инфратузилмани яхлит ҳудуд нуктаи назаридан тўлиқ қамраб оладиган даражада таҳлил қилиб ўрганилмаган. Аксинча, бозор инфратузилмаси, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва шу шаклда ўрганилган. Шунингдек, иқтисодчи олимлардан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаев, Ч. Муродовлар бозор инфратузилмасига атрофлича тариф берган ва Ўзбекистон миқёсида ўрганганлар. Юқоридаги ва бошқа таърифларни танқидий, ижодий ўрганиш

асосида инфратузилмага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Инфратузилма барча хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларининг шаклланишида бевосита иштирок этувчи, уларни манфаатларини мувофиқлаштирувчи, тизимли йўналтирувчи, ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган муассасаларни ўз ичига олувчи бир бутун тизимдир.

Шу билан бирга, бир қатор олимлар ишлаб чиқариш ва саноат инфратузилмасини таҳлил қилганда, унинг қандайдир маҳсулот ишлаб чиқармай, балки уни ишлаб чиқариш учун зарур шароитларни яратишни таъминлайди деб таърифлайдилар. Инфратузилма элементлари иқтисодиётнинг тизимга юклаган вазифаларнинг ўзига хос натижасидир. Бу вазифалар вақт ўтгани сари ўзгариб, асосий ишлаб чиқариш функциялари янада кенгайиб боради.

Инфратузилманинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун умумий шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади. Қоида бўйича, инфратузилма мажмуасида маҳсулот ўз-ўзини яратолмайди, унинг асосий маҳсулоти-хизматлардир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги вазифасига боғлиқ ҳолда инфратузилма материал ишлаб чиқаришда умумий шароитларни таъминловчи ишлаб чиқарувчи ва инсон капиталини ишга тушириш, аҳоли эҳтиёжларининг комплексларини қондириш учун шароитлар яратувчи ижтимоий-иқтисодий кўринишларга эгадир.

Инфратузилма бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи қуйи тизим сифатида тушунилади. Бироқ, унинг тармоқларида бозор муносабатлари кўпгина етакчи жабҳаларни эгалловчи бозор шакли қаторида нобозор секторнинг мавжудлигини аввалдан белгиловчи ўз хусусиятларига ва ишлаш чегараларига эгадир.

Инфратузилма соҳаларининг ривожланиш даражаси ва ундаги объектлар,

шу соҳалар томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан таъминланганлик даражасидаги нотенглик турли минтақалар аҳолиси эга бўлишидаги фарқлар сабаб бўлиб ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда алоҳида минтақаларнинг инфратузилма объектларининг таъминланиши ва ривожланишига нисбатан мақсадли ёндашув зарурияти мавжуд. Масалан, минтақаларда инфратузилма объектларининг ривожлантириш бўйича танланган механизм унинг фаолиятини чеклаши ёки аксинча, рағбатлантиришга сабаб бўлиши мумкин.

Инфратузилманинг ўзига хос хусусияти авваламбор, иқтисодиётда меҳнат самарадорлигини ва шу билан бирга миллий даромад қийматини оширади. Қишлоқ ижтимоий ҳаётини ривожлантириш ва янгилашнинг асосий омили унинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини модернизация қилишдир. Бундай қайта шакллантиришнинг илк шартлари – қишлоқ аҳолисининг ижтимоий хизматларга бўлган талабларини қондирилишини янги ва самарали усулда жорий этиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги мулкчилик муносабатлари конфигурациясини ҳисобга олиш керак.

Инфратузилма минтақанинг кўпгина молиявий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахборот, экология, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқаришнинг самарали олиб борилишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилма муассасалари ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўп ҳолларда давлат томонидан ташкил этилади ёки мавжуд инфратузилма муассасалари давлат томонидан рағбатлантириб борилади.

Шу билан бирга инфратузилма жамиятда инсонларнинг ишлаб чиқаришдаги самарали иштироки учун шарт-шароит яратувчи ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмидир. У жамият ва унинг аъзолари ўртасидаги эҳтиёжлар борасидаги иқтисодий ишларни ифодалайди. Инфратузилманинг умумий тушунчаси шуки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш, бозор ва истеъмолчининг самарали муносабатга киришини таъминловчи тизим бўлиш билан бирга, минтақада ижтимоий вазифани бажарувчи ўзлаштиришнинг сунъий қисми ҳамдир. У аҳолининг ишлаб

чиқариш салоҳияти учун шарт-шароит яратади. Бу тушунчалардан инфратузилма нафақат аҳоли ва уларнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиш доираси, балки кўпинча турмуш тарзи ва ижтимоий шаклланишдаги ислохотда қатнашувчи ишчиларнинг хусусиятларини ривожлантиришни бошқарувчи аниқ механизмдир. Қишлоқда ишлаб чиқаришнинг самарали фаолияти ҳам, ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучларини ташкил қилиш, керакли шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Бу вазифаларни бажариш инфратузилманинг вазифаларидир. Инфратузилманинг бу вазифаси жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмини кўзда тутаяди, улар ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун керакли шарт-шароитларни яратишга мўлжалланган. Инфратузилманинг тармоқлари ялпи маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашмайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши учун шарт-шароитни таъминлайди. Инфратузилманинг роли шундаки, малакали кадрларни тайёрлашда эҳтиёжларни таъминлай олади, уларнинг минтақаларидаги мустақамланишига хизмат қилади, меҳнат хавфсизлигини таъминлайди. Инфратузилманинг бўлимлари ҳам, компания ишчиларининг ҳам, уларнинг оилаларининг коммунал хўжалиги эҳтиёжларини қондиришда, шарт-шароитлар яратишда қатнашади. Инфратузилманинг объектлари ҳам аҳолининг пул воситалари ва компаниялар ҳисобига яратилади, ҳам давлат инвестицияларини уй-жой, мактаблар, маданият уйлари, поликлиникалар, алоқа тизимлари ва бошқаларга самарали ишлатиш методлари асосида яратилади. Қишлоқ жойларда инфратузилма муассасалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи деҳқон ва фермер хўжаликларига ва унда банд бўлган ишчиларга, ва аҳолининг бошқа қисмига ҳам хизмат қилади. Инфратузилманинг шаклланиши ва ривожланишини илмий-тадқиқ қилиш маълум услубий тамойилларга таянади. Жумладан:

1. тизимли ёндашув тамойилига асосан, тармоқларда такрор ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол ўртасида ўзаро боғлиқликда амалга оширишга

- асосланади;
2. ҳудудийлик тамойили минтақанинг ўзига хос алоҳида ҳудудий ва маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асослашни тақозо этади. Ҳар бир тамойил инфратузилмани иқтисодий муносабатларда тутган ўрни, иқтисодиётнинг тармоқ ва минтақаларда мавжуд бўлишининг ўзига хос хусусиятларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди;
 3. инфратузилманинг ривожланиши ва истиқболини таҳлил қилишда динамик ёндашув тамойили, унинг доимий ривожланишини ҳисобга олиб, таркибий жараёнларни иқтисодиётдаги ўзгаришларни ўсишини яхлитликда олиб қарайди;
 4. инфратузилманинг мувофиқлаштириш тамойили такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи барча тармоқлар фаолиятини бир-бири билан боғлиқ шаклда ривожланишига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ммуассасаларининг фаолиятини ўрганишда қулайлик туғдиради;
 5. инфратузилма иқтисодий муносабатлар тизимида бажарадиган вазифалари, мақсадлари ва фаолият йўналишлари нуқтаи назаридан бир қанча таркибий қисмларни ташкил этади.

Инфратузилмага кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шунинг учун инфратузилмани ўзининг муҳим белгилари нуқтаи назардан таснифлаш унинг алоҳида йўналишларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма ривожланган бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, кўп жиҳатдан унинг ишлаб чиқариш ва рақобат имкониятларини аниқлайди ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. инфратузилманинг иқтисодий вазифаси миллий хўжаликнинг муваффақиятли фаолият юритиш учун зарур бўлган бозор сигналларини етказишдан иборат. Бу вазифани бажариш билан инфратузилма қисман аввал халқ хўжалигини режалаштиришга хос бўлган тартиблаш ролини бажариш;

2. инфратузилманинг ижтимоий вазифаси аҳоли бандлиги имкониятларини кенгайтириш ва жамиятнинг ҳар бир эркин аъзосининг ижтимоий маҳнат тақсимооти тизимида ўз ўрнини топишни таъминлашдан иборат турли хизматлар кўрсатувчи воситачи ташкилотлар ишининг ўзига хослиги бу вазифаларни бажаришда нафақат чуқур билим ва профессионализм, балки ижодий ёндашув ҳам керак.

Бизнинг назаримизда, инфратузилма ўзида ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг меъёрида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъмин этишга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва тармоқлар мажмуини ифода этади. У ҳар қандай табиий - ижтимоий хўжалик тизимлари, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келувчи технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни амалга ошириш орқали агросаноат мажмуининг ҳам самарали фаолият кўрсатишига замин яратади ва айни пайтда инфратузилма ягона бозор хўжалиги механизмнинг асаб ва қон- томир тизими функциясини бажаради. Инфратузилма мамлакат худудлари, иқтисодий туманлар, иқтисодиётнинг барча тармоқларини яхлит тизимга келтиргани ҳолда, ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида майдонга чиқади. Тайёр маҳсулот, материаллар, хомашёни ўз вақтида етказиб бериш кўп жиҳатдан хўжалик муомаласида бўлган ресурслар ҳажмини олдиндан аниқлаш имконини беради. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг умумий ҳолатда ўсиши инфратузилма тармоқларининг тизимли қарор топишининг бош меъзони ҳисобланади. АСМ инфратузилмасини имкон қадар тез ривожлантириш зарурияти унинг таркибига кирувчи соҳа ва тармоқларни ўстириш омилларининг ўзгариши билан изоҳланади. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида инфратузилма тармоқлари ва хизматларининг функциялари сезиларли даражада ўзгаришга юз тутди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини моддий-техник ресурслар, техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлашнинг марказлашган тизими мавжуд эмас. Илгари мавжуд бўлган хизматлар ва ишлаб чиқаришлар асосида агросаноат мажмуи корхоналарига

моддий-техник ресурсларни сотиш ва етказиб бериш бўйича турли акционерлик жамиятлари ва ширкатлар ташкил этилмоқда. Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш вазифасидан озод қилиш ва уларнинг бутун диққат – эътиборини асосий ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтириш ҳисобланади. Агросаноат мажмуи инфратузилмаси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини яхшилашга хизмат қилади. Инфратузилма тармоқлари ва хизматлари ўзлари мустақил равишда яқиний маҳсулот ишлаб чиқармасаларда, улар кўп жиҳатдан яхлит тарзда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг самарали фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Мавжуд ёндашувлар ва қарашлар шарҳи инфратузилма фаолиятининг мавжуд хусусиятларини тавсифлашда унинг типологик белгиларини аниқлаш борасида услубий аниқлик бўлиши лозимлигидан далолат беради.

Инфратузилманинг вазифалари фақат ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва сервисдан иборат деб ҳисобловчи иқтисодчилар мазкур тушунчанинг қўлланиш чегараларини чеклаб қўядилар. Хизмат кўрсатиш функциялари билан бир қаторда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шундай бўғинлари ҳам борки, улар бевосита ишлаб чиқариш доирасида амалда бўлиб, асосий ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун асосий ишлаб чиқариш бўғинларига нисбатан ёрдамчи ва тўлдирувчи вазифаларни бажаради. Шу билан бир қаторда маҳаллий ва хорижий иқтисодчилар ўртасида “инфратузилма”, “ишлаб чиқариш инфратузилмаси”, “ижтимоий инфратузилма”, “атроф-муҳит муҳофазаси инфратузилмаси”, “бозор инфратузилмаси” тушунчаларини талқин этишда яқдиллик мавжуд эмас. Уларни таърифлаш ва таснифлаш борасидаги кўп сонли усуллар иқтисодчиларнинг қайси белги ва йўналишларга устуворлик беришлари билан боғлиқдир. А.Н. Захарова таклиф этилган инфратузилма фаолияти турларининг таснифи мазкур соҳани тадқиқ қилишда бир мунча мақбул ҳисобланади.

Ҳар қандай у ёки бу даражада ривожланган иқтисодий тизим ўз олдига тизимнинг яшовчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор узок муддатли глобал мақсадларни кўяди. Барча фаолият турлари, шу жумладан моддий ишлаб чиқаришнинг асосий қисми ҳам утилитар тавсифга эга бўлиб, у ёки бу даражада тизимга хизмат кўрсатади, ёхуд тизимнинг якуний мақсадларини амалга ошишини таъминлайди. Бу, ЯИМнинг асосий қисми – қайта ишлашга мўлжалланган, оралиқ маҳсулотлардан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Инфратузилма ёрдамчи тавсифдаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш хизматларини кўрсатиши билан тавсифланади. О.С. Белокрилова бир қатор ҳаммуаллифлар қаторида хизмат дейилганда меҳнатнинг ўзига хос истеъмол қийматини тушуниш лозимлигини айтади, зеро, хизмат буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўрсатилади, яъни, у бу борада айтайлик бирор бир машина ёки ускунадан деярли фарқ қилмайди.¹

Юқорида тилга олиб ўтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, корхона учун истеъмол қийматини нафақат, моддий тавсифга эга бўлган техник воситаларнинг хизмати, балки, реклама, маркетинг хизматлари, инжиниринг, инвестицион сиёсат ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар бериш каби номоддий кўринишдаги хизматлар ҳам яратади. Улар моддий-техник таъминот ва ишлаб чиқаришга техник хизмат кўрсатиш хизматлари каби ёрдамчи тавсифга эга бўлгани ҳолда, бевосита ёки билвосита асосий ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига таъсир кўрсатадилар. Одатда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг бир вақтнинг ва бир жойнинг ўзида амалга ошиши кўплаб ишлаб чиқариш тавсифидаги хизматларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ҳар қандай тизимнинг амал қилиши маълум бир қонуниятларга бўйсунди, агар инфратузилма тизимининг амал қилиши қонунлари зарурийлик ва етарлилик нуқтаи назаридан баён этиладиган бўлса, у ҳолда

¹ Белокрылова О.С., Германова О.Е., Солдатова И.Ю. Институциональные основы рыночной экономики в России.-М.:Наука,1996.с.43-47.

айтиш мумкинки, иқтисодий зарурият корхонанинг эҳтиёжи билан, етарлилик эса - трансакцион ёки ўзаро таъсир кўрсатиш харажатларини тежаш билан белгиланади. Амалдаги қонунлар типига кўра, инфратузилманинг ички ҳолати кўп жиҳатдан ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлган тизимлар сирасига киритишимиз мумкин. Бу иқтисодиёт институционал тузилма-сининг ишлаб чиқариш инфратузилмасига таъсирида яққол кўзга ташланади. Масалан, транспорт корхоналарининг фаолиятига юк ва йўловчи ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиш катта таъсир кўрсатади, бу эса кўплаб корхоналарнинг қарзга ботишига, нархли рақобатнинг йўқолишига ва соҳага давлат субсидияларининг ажратилиши зарурлигига олиб келади. Аммо мазкур вазиятда юзага келадиган салбий ҳолатлар билан бир қаторда, ижобий жиҳатлар ҳам кўзга ташланишини унутмаслигимиз лозим. Транспорт тарифларини давлат томонидан тартибга солиш субъектларга юк ташиш нархларининг кескин ўсишидан қутилиш, транспорт корхоналарига эса давлат субсидиялари, субвенциялари ва дотацияларини олиш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти инфратузилма хизматларини ишлаб чиқаришга алоҳида талаблар кўяди, чунки бунга барча корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолияти, билвосита эса минтақа аҳолисининг турмуш даражаси ҳам боғлиқдир. Нормал фаолият кўрсатувчи бозор иқтисодиёти учун барча турдаги ресурслар заҳираси бўлиши талаб этилади, инфратузилма қувватлари ҳам бундан мустасно эмас. Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, инфратузилма қувватларининг заҳираси истеъмол қилинаётган қувватларнинг 30-35 фоизи атрофида бўлиши талаб этилади, акс ҳолда эса, хўжалик шартномаларининг бажарилиши қийинлашади, контрактлар бўйича юк етказиб бериш муддатлари барбод бўлади, такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектларининг ўзаро алоқалари, корхоналар таъминотининг бир маромийлиги бузилади.

Ишлаб чиқариш хизматлари қийматга эга бўлади, чунки уларни сотиш учун ресурслар талаб этилади ва айти пайтда улар асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилганликлари учун истеъмол қийматига

хам эга бўладилар. Инфратузилма хизматларини кўрсатишда чекланган ресурслардан фойдаланилади, шунга мос тарзда хизматларнинг ўзи ҳам чекланган ҳисобланади, улар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмайди. Ишлаб чиқариш хизматларининг бу хил барча сифатлари унинг навфлилиги, чекланганлиги ва ресурс сиғимлилигида намоён бўлади. Инфратузилма асосий ишлаб чиқариш товарлари навфлилиги ва харажатларини шакллантиришда иштирок этгани ҳолда, бозор шароитида асосий товарнинг қиймати ва истеъмол қийматига, ёки унинг навфлилиги ва харажатлари даражасига таъсир кўрсатади.

Асосий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира олишга бўлган инфратузилма корхоналарининг лаёқати моддий ишлаб чиқаришнинг даромадлари даражаси; қўлланилаётган ишлаб чиқариш хизматларини ўрнини алмаштириш имкониятлари; моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар сони; янгиликларга интилиш даражасига боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин бўлган ишлаб чиқариш хизматларига талабни шакллантиради.

Инфратузилма корхоналарининг ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари айни вақтда амалда бўлган нархлар (тарифлар) бўйича бозорга олиб чиқилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш тавсифидаги хизматлар таклифини шакллантиради. Худди истеъмол неъматлари бозорларида бўлгани каби, ишлаб чиқариш хизматлари бозорида ҳам талаб таклифни вужудга келтиради. Ҳар бир ишлаб чиқариш хизмати таклифи турлича эгилувчанликка эга бўлади. Бошқа омиллар таъсири ҳам бўлсада, ресурсларнинг чекланганлиги ва камёблиги бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Мисол тариқасида, электр энергияси, табиий газ ва сув таъминотининг муқобиллари йўқлиги ва уларнинг таъминотчилари доимо табиий монополиялар бўлиб келганлиги сабабли ҳам, мазкур хизматлар ноэгилувчан тавсифга эгадирлар. Ишлаб чиқариш хизматлари таклифи иқтисодий ресурслар нархи; ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг технологик ривожланиш даражаси; мазкур соҳадаги корхоналар сони; тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи

омилларнинг мавжудлиги; янгиликларни кутишга боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин. Ижтимоий зарурий инфратузилма фаолиятининг барча кўринишлари, ўзига хос жиҳатлари:

- моддий ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий белгиларига жавоб бермаслиги;
- усиз мумкин бўлмаган, ёки етарлича самарасиз бўлган, бирор бир бошқа асосий фаолиятни меъёрида амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида майдонга чиқиши;
- сервис хизмати ва кўрсатилаётган хизматнинг истеъмоли жараёнларининг вақт ва мазмун бўйича бир-бирига мос тушиши;
- хизмат кўрсатиш объектининг мавжудлиги;
- инфратузилма хизматларининг хизмат кўрсатилаётган объектга ижобий таъсири даражаси ва тавсифи;
- бошқа хизматларда бўлгани каби инфратузилма хизматларини жисмоний кўринишда тўплашнинг мумкин эмаслиги кабиларда ифодаланувчи ранг-баранг утилитар ва якуний хизматлар кўринишида амалга оширилади.

Чунки, моддий ишлаб чиқариш нафақат моддий неъматларнинг, шу билан бир қаторда моддийлашган миллий бойликнинг ҳам асосий манбаи сифатида қаралиб, айти вақтнинг ўзида жамият эҳтиёжларини ўстириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ижтимоий меҳнат воситалар, объектлар ва меҳнат предметлари кўринишидаги иқтисодий салоҳиятни яратувчи ва уларни зарурий ишлаб чиқариш ва товар заҳиралари кўринишида жамғарувчи унумдорлиги бир мунча юқори бўлган меҳнат сифатида ҳисобланар эди. Шу сабабли ҳам, моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи инфратузилманинг барча тармоқлари унумли фаолиятга киритилади.

Масалан, йўловчи транспорти, энергетика тизими, савдо корхоналарининг иш фаолияти мазмуни бир-бирига деярли ўхшаш бўлсада (қайси йўловчилар ва ижтимоий гуруҳларга хизмат кўрсатишларидан қатъий назар), хизмат кўрсатишнинг унумли ва унумсиз объектлари нисбати, инфратузилма

хизматларининг функционал йўналтирилганлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Ҳар қандай ижтимоий фаолиятни у ёки бу зарурий ташкил этувчилар билан таъминлаш таркибига кўра, инфратузилма хизматлари моддий-ишлаб чиқариш; атроф-муҳит муҳофазаси; ижтимоий-маиший турларга бўлинади.

Инфратузилма ижтимоий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини техник-ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотлар ёки меҳнат воситалари (меҳнат қуроллари, меҳнат предмети ва объектлари) кўринишидаги барча зарурий моддий ресурслар билан таъминлайди. Натижада, барча хизматларни уларнинг тавсифидан катъий назар ресурс сифимли ва ресурс сифимсиз хизматларга ажратишимиз мумкин. Моддий, материал сифимли, энергия сифимли деб аталувчи хизматларнинг энг муҳим хусусияти – бу умумий ҳисобда ишлаб чиқарилган моддий (хомашё, материаллар, ёқилғи, электроэнергия, амортизация ва шартли-доимий харажатлар) ва меҳнат ресурсларининг қийматига боғлиқ ҳолда, уларнинг ҳажми, сифати ва самарадорлиги ўртасидаги етарлича аниқ ва узвий боғлиқликдир. Ресурс сифимсиз хизматлар (кичик энергияли хизматлар) таркибига сифати, самарадорлиги, якуний қиймати (нархи) ресурс харажатлари ва маҳсулот ҳажми билан суст корреляцион боғланишда бўлган хизматлар киритилади.

Кўпчилик ҳолларда ресурс сифимли хизматлар моддий-ишлаб чиқариш инфратузилмаси томонидан амалга оширилади. У моддий ишлаб чиқаришга (сервис, яъни ишлаб чиқариш хизматлари кўринишида) хизмат кўрсатсада, моддий ишлаб чиқаришда унинг улуши етарлича катта эмас.

Бироқ, инфратузилманинг тузилмавий-функционал ва таъминот қисмлари ўртасидаги фарқлар билан изоҳланувчи мазкур соҳа хизматларидаги тафовутларни илғаб олиш қийин эмас. Инфратузилманинг тузилмавий-функционал қисми дейилганда моддий ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатувчи савдо-воситачилик тузилмалари, бирламчи хўжалик-ишлаб чиқариш тузилмалари (етказиб берувчи контрагентлар) ва моддий-техник

таъминот бўлинмалари тушунилади. Айнан у ишлаб чиқариш кучлари элементлари ва жамият харид қобилиятининг ўзаро таъсирлашуви натижаси бўлган бутун хўжалик алоқалари тизими ва товарлар ҳаракати: таркиби, йўналиши ва материал оқимларининг тартибини белгилаб беради.

Мазкур оқимлар таҳлили шуни кўрсатадики, материаллар ва товарлар ҳаракати юқорида санаб ўтилган тузилмаларнинг соф кўринишдаги бошқарув воситачилик, информацион ва маслаҳат хизматларидан тортиб, то юклаш, тушириш, ташиш, саралаш, сақлаш, бутлаш, идишларга солиш, қадоқлаш, маркировкалашгача бўлган ресурс сифимли мажмуавий ёки натижани таъмин этувчи тўпламини ифода этади.

Қоидага кўра, бундай корхоналарнинг фаолияти бутунича етказиб берувчи контрагентлар ва воситачилар ўртасидаги хўжалик алоқаларига мос равишда таъминотнинг кенг қамровли дастурларига йўналтирилган бўлади. Масалан, темир йўл, ҳаво, сув ва автомобил транспорти ва шу каби корхоналарда юк ташиш режа ва дастурлари фақатгина, таъминотчи контрагентларнинг ўзаро манфаатли шартнома ва контрактларига асосланган буюртмалари асосидагина шакллантирилиши мумкин. Айнан шу сабабли мазкур хўжалик тизимлари буюртмачилар фаолиятининг кенг қамровли тавсифига нисбатан етарлича индеферент бўлган инфратузилманинг таъминот функцияларини бажаришга ва буюртмаларнинг ўз вақтида, аниқ ва тўла-тўқис бажарилишига йўналтирилган бўлади.

Умумий тарзда айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг инфратузилмавий таъминоти ва асосий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир қуйи тизими алоҳида ҳолатда ҳам катта ўрин эгалласада, бироқ уларнинг биргаликда қўлланишдаги самарадорлиги сезиларли даражада ортади, чунки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини хомашё ресурслари билан таъминлашда асосий ишлаб чиқариш ҳар бир қуйи тизимининг самарадорлиги уларнинг маълум бир тўпламларидан биргаликда фойдаланиш ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш ҳолатида етарлича даражада ўсади.

1.2. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Инфратузилмавий фаолият турларини уларнинг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири нуқтаи назаридан қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси таркибига ишлаб чиқариш, ижтимоий ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўйи тизимлари киради. Ўз таркибига ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрида, давр давомида фаолият кўрсатишини таъминловчи ва уларнинг иш қобилиятини сақлаб қолинишига замин яратувчи тармоқларни қамраб турувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси институтлари тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва инфратузилмавий таъминот тизимларининг функционал вазифалари шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фаолиятининг натижаси моддий объект-маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланса, инфратузилмавий таъминот эса такрор ишлаб чиқариш учун, асосий ишлаб чиқаришни ҳеч қандай муаммоларсиз ва узлуксиз амалда бўлиши учун шарт-шароитларни таъминлаб беради. Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг асосий атрибутив белгиси бўлган аграр соҳада такрор ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини таъмин этишдан келиб чиққан ҳолда, моддий қимматлиликлар, инсон ресурслари табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш учун умумий шарт-шароитларни яратиб берувчи такрор ишлаб чиқариш жараёнлари объектларига боғлиқ равишда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва экологик инфратузилмаларнинг сифат белгиларини аниқлаштириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бозор инфратузилмаси тизимининг иқтисодий-ҳуқуқий асослари шаклланиб такомиллашиб бораётган бир вақтда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиши аграр секторда миқдор ва сифат ўзгаришларга олиб келмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалигида ҳозирги замон ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари хизматлари тизимининг шаклланиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш

билан бирга қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳар томонлама мукамал ривожланишини таъминлашнинг илмий-методологик асосларини яратишда унинг моҳияти, таркиби ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш иқтисодийни модернизациялаш шароитида долзарб аҳамиятга эга.

Мазкур масалаларни ёритилиши буйича турли ёндашувлар бир қатор олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ўрганишда АСМ таркибий тузилишига таянганлар. Албатта, бу бежиз эмас, чунки инфратузилма АСМнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг олди-сотди муносабатларини талаб ва тақлиф қонуни асосида амалга ошиши, АСМ таркибида мустақил ишлаб чиқариш инфратузилма хизматлари тизимини шаклланиб фаолият кўрсатишини тақозо қилади. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларининг АСМнинг асосий фондлари, яъни товар маҳсулоти ҳамда умумий банд бўлган кишилари таркибида нисбатан камроқ улушга эгаллигига қарамасдан у АСМнинг ривожланишига катта аҳамиятга эгадир. Бундай ғояни илгари суришимизнинг яна бир омили – ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзига хос бўлган такрор ишлаб чиқариш учун умумий шароитлар яратиш хусусиятига эгаллигидир. Яъни, инфратузилма АСМ тизимидаги I, II ва III бўғинларини воситачи сифатида кўрсатадиган хизматлари орқали бир-бирини ҳамда истеъмолчилар билан боғлаб туради.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси меҳнат тақсимоли (баъзи ҳолларда авлодлар меҳнати) натижасида вужудга келиб доимий равишда такомиллашиб борувчи қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қишлоқ аҳолисини такрор ишлаб чиқариш талабларига мос умумий шароитларини яратиш берувчи ҳамда соҳа маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ва ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини оширишни таъминлаш учун хизмат қиладиган тармоқлар ва корхоналар мажмуидир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимотини чуқурлашуви натижасида юзага келган ихтисослашув, табиийки, унинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишига тўртки беради. Шундай экан, ихтисослашувнинг такомиллашуви АСМда ишлаб чиқариш инфратузилмаси янада янги ихтисослашган функционал гуруҳларга бўлиниб ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти унинг бажарадиган кўп қиррали функционал вазифаларидан яққол намоён бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси яхлит меҳнат жараёни учун шундай иқтисодий-ишлаб чиқариш шароитларини яратадики, унда ишлаб чиқариш воситалари нормал амал қилиб ўзларининг ишчанлик қобилиятларини узоқ муддатга сақлаб қоладилар. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бош вазифаси миллий иқтисодиётни самарали амал қилиши учун корхоналараро алоқаларни таъминлаш ва уларни яхлит хўжалик субъектига айланишлари учун моддий шароит яратишдир.

Шунга кўра қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг берилган таърифларни ўрганишига асосланиб унинг асосий вазифасини қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини бозор талабларига мос равишда янгиланиши ҳамда соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш учун умумий шароитлар яратишдан иборатдир деб таъкидлаш мумкин.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини бозор талабларига мос равишда янгиланиши ҳамда аграр корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш учун умумий шароитларни яратиш учун хизмат қилади. У ўзининг мослашувчанлик, тезкорлик, боғланувчанлик ва оптималлик принциплари орқали АСМ тизимидаги корхоналарни бир-бири билан иқтисодий алоқаларини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда хизматларини хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ замон, макон ва зарурий меъёردа бозорнинг шароитига мос равишда етказиш орқали корхоналарнинг самарадорлигини оширади.

Бу инфратузилма ўз хизмат кўрсатиш кўламига мос хусусиятларини ўзида мужассам этади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ер таркибини

яхшилаш, ўсимликларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида ишчи кучи такрор ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни янгилашни, соҳа маҳсулотларини нест-нобуд бўлишининг олдини олиш ва сифатини ошириш орқали истеъмолчиларнинг талабини қондиради. АСМ тизимидаги корхоналар билан турли алоқаларининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда инфратузилма хизматларини хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ замон, макон ва зарурий меъёрларда бозорнинг шароитига мос равишда етказиб бериш орқали фермер хўжаликларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.


Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигига асосан техник-технологик, моддий-техник таъминот, уруғчилик ва селекция, илмий-тадқиқот, ахборот-коммуникация, меллиорация-ирригация, агромаркетинг ва агросервис каби хизматларни кўрсатади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мақсади ва бажарадиган функционал вазифаларига биноан уни турлича таснифлаш мумкин.

Б. Салимов хулосасига кўра, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Уларга: ишлаб чиқариш мақсадига йўналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари ва музхоналар, коммуникация тизимлари, почта ва телеграф алоқаси, электр энергияси узатиш линиялари, техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоблаш марказлари ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, бу ерга ўсимликларни ҳимоя қилиш, агротехник, ветеринария, сунъий уруғлантириш, техник - таъмирлаш, ҳуқуқий, илмий ва ахборот каби махсус хизмат кўрсатиш бўлинмаларини ҳам киритади¹.

Б.Салимов томонидан тавсия этилган ва унда АСМда такрор ишлаб чиқариши жараёнига таъсир кўрсатувчи чизмада институтционал- тармоқ таркибига эга бўлган халқ хўжалиги комплексини уч соҳаси ташкил

¹ Коваленко Н.Я. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков.-М. :Тандем, 1998

этадиган қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси категориялари ва институтлари ажратиб кўрсатилган.(2-расм)



2-Расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини шаклланиши

2.-Расм ишлаб чиқариш, ижтимоий ва атроф муҳит муҳофазаси инфратузилмаларининг ўзаро алоқадорлиги акс эттирилган. Бундай ёндашув иқтисодий адабиётда мавжуд "ижтимоий соҳа" ва "инфратузилмавий тармоқлар" тушунчаларини амалда қўллаш борасидаги ноаниқликларни илмий нуқтаи назардан бартараф этишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Афсуски, инфратузилмани ривожлантириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Бугунги кунда айнан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етарлича тараққий этмаганлиги иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги энг катта тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Рус олими А.Р. Белоусовнинг

фикрича: "Россия иқтисодиёти шундай ҳолатга келдики, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасига: энергетика, газ тармоғи, транспорт ва алоқа учун ялпи тарздаги капитал қўйилмалари зарурдир."¹ Бундай ялпи тарзда капитал қўйилмаларни жалб этишга фақатгина, инфратузилманинг ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий функциялари хусусиятини ҳисобга олгандагина эришиш мумкин.

Инвестицион жозибadorлик нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам таркиби бўйича бир турли бўлмасдан, юқори халқ хўжалиги самарадорлигига эга бўлган, аммо тижорат қайтимини таъмин этмайдиган иқтисодий фаолиятнинг юқори фойдали тармоқларини ўзида камраб олади. Лойиҳавий ёндашув миллий иқтисодиётнинг инфратузилмавий мажмуасининг инвестицион фаолиятини бошқаришда муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида мамлакат иқтисодиётидаги инқироз жараёнлари инфратузилма соҳасидаги аҳволнинг ёмонлашувида намоён бўлди. Иқтисодиётнинг кўп тармоқларда янги қурилишлар ҳажми қисқариб, асосий фондларнинг эскириши эса кучайиб борди. Кейинги йилларда инфратузилмавий танқисликларда кузатилаётган кескинлик иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги жиддий тўсиқлардан бирига айланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи турли омилларга боғлиқ тарзда, уларни қуйидаги: табиий-географик, иқтисодий, техника-технологик, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий каби гуруҳларга ажратишимиз мумкин. Санаб ўтилган гуруҳлар доирасида ишлаб чиқариш мажмуасини қуйи инфратузилма тизимига нисбатан барча омиллар таъсир доирасига мувофиқ равишда, иқтисодий тизимида вужудга келувчи ташқи ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси

¹ Қаранг: Пчелинцев О.С. Региональная инфраструктура как условие экономического роста.// Проблемм прогнозирования.-2004.-№6.

субъектлари даражасида намоён бўлувчи ички омилларга бўлинади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир этиш йўналишларига кўра, уларни икки: рағбатлантирувчи ва чекловчи жиҳатдан қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Табиий-географик омиллар блоки ўзига ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи табиий-иқлим, ресурс, географик ва экологик омилларнинг кичик гуруҳларини қамраб олади. Қоидага кўра, уларнинг таъсири ташқи муҳитга боғлашади. Табиий-иқлим шароитлари ва хомашё салоҳияти саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмаси, қурилиш ишлари қийматини ва мазкур соҳаларга хизмат кўрсатувчи соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларини белгилаб беради. Хусусан, тоғли ҳудудларда тоғ кон саноати ва чорвачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш инфратузилмасида автомобил транспорти муҳим ўрин тутди. Чўл ҳудудларида ҳаво, автомобил ва темир йўл транспортларини ривожлантириш мақадга мувофиқ ҳамда деҳқончилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун енгил, озиқ-овқат, химия, машинасозлик саноати ва шу каби соҳаларнинг ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Экологик омиллар тозалаш иншоотлари қуриш ва атроф муҳитни муҳофазалаш инфратузилмасини ривожлантиришни англаб етилиш заруриятига олиб келади.

Техник-технологик омиллар гуруҳи корхоналар ишлаб чиқариш инфратузилмасининг техник-технологик базаси ҳолатини акс эттиради. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Республикаимизнинг кўплаб минтақалари саноат корхоналари янги замонавий технологиялар билан алмаштирилаётгани ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирган технологияларга нисбатан устунлик қилади. Бозор талабини қондириш учун транспорт корхоналарига турли туман асосий ишлаб чиқариш фондлари етишмайди. Устига устак, минтақа ишлаб чиқариш. инфратузилмаси хизматлари сифатига ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий

фондларининг эскирганлиги ҳам, катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига таъсир кўрсатувчи, ташқи ва ички омиллардан таркиб топувчи иқтисодий омиллар нисбатан сезиларли даражада муҳим омиллар блокини ташкил этади. Ташқи омиллар блокига қуйидагилар: иқтисодиётда турли мулкчилик; иқтисодий тизим ва хўжалик алоқаларининг ривожланганлик даражаси; бозор конъюнктураси; инвестицион сиёсат; иқтисодиётни демонополизация даражаси; солиқ сиёсати; давлат томонидан кўллаб-қувватлаш; институционал инфратузилма ҳолати; моддий ишлаб чиқариш корхоналари ҳолати; давлатнинг фискал сиёсати ва шу кабилар.

Ички иқтисодий омиллар блокига умумий ва ўртача харажатлар даражаси; бозор конъюктурасининг ўзгаришининг таъсири; барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги; хусусий инвестицион маблағларнинг мавжудлиги; сотиш бозорлари кўлами кабиларни камраб олади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ички ҳолати кўп жиҳатдан ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлган тизимларга мансублигини ҳисобга олган ҳолда, кейинги босқичларда ташқи омилларга кўпроқ эътибор қаратамиз. Мазкур омиллар таркибида турли мулкчилик муҳим катта мавқе эгаллайди. Жамоа, давлат ёки хусусий мулкка асосланган корхоналар бозор иқтисодиётида тенг ҳуқуқлар асосида фаолият кўрсатишлари керак. Мулк шакллариининг меҳнатнинг ижтимоийлашув даражасига ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига мостлиги меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқариш хажмларини ўсиши, бозорни тўйиниши, корхоналар рентабеллиги ва инвестицион жозибадорлигининг ортишига замин яратади, бу эса, шубҳасиз ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишини рағбатлантирувчи омил сифатида майдонга чиқади.

Иқтисодий тизимнинг барқарорлиги яхлит тарзда капитал қўйилмаларда таваккалчилик даражасини пасайтиради ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари қийматини оширади, бу эса минтақанинг инвестицион муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, мазкур ҳолат товар ва хизматлар

бозоридаги вазиятни башоратлаш ва хусусий капитал жойлаштириш учун энг манфаъатли бозор сегментини аниқлаш имконини беради. Бозор ҳажми ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) динамикаси яхлит тарзда иқтисодий тизим ҳолатининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Жадал суръатлар билан ривожланаётган иқтисодиёт шароитида маҳаллий ва импорт товарлари ички бозорлари кўламининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан сезиларли даражада юқори бўлишини талаб этилади чунки улар иккинчисини юқори суръатлар билан ўсиши учун рағбатлантиради ва унга шарт-шароит яратиб боради. Шуниси аниқки, саноат корхоналари томонидан инфратузилма хизматларига бўлган талаб бу турдаги хизматлар таклифидан ортиқча бўлган ҳолатда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун қулай вазият вуждуга келади. Бу нархнинг ўсишига ва юқори фойда олишни рағбатлантиради, мазкур ҳолат дастлабки сармоя жамғарилиши учун ўта, муҳимдир.

АСМ инфратузилмасини ривожлантириш омиллари ўртасида сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, табиий-географик (тупроқ-иқлим шароитлари, минтақаларнинг рельефи, ер тузилиши ва сув билан таъминланганлиги), йўллар ҳолати ва унинг қопламалари тури, корхоналарнинг жойлашуви, ишлаб чиқариш объектларини жойлашуви, фойдаланилаётган технологиялар, ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва ихтисослашув даражаси каби омиллар алоҳида ўрин тутади. Мазкур омиллардан кўп жиҳатдан яхлит ҳолда нафақат ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиби, балки ички хўжалик бўлинмалари кўлами ва корхоналар функционал фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳам боғлиқдир.¹

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нисбатан мустақил соҳаси сифатида инфратузилманинг шаклланиш жараёни ижтимоий меҳнат тақсимотининг йирик тармоқланиши билан тавсифланувчи бир қатор босқичларни босиб

¹ Салимов Б. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. -М.:Тандем,1998 .

ўтди. Хусусан, хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши, ёки иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти шаҳарларнинг вужудга келишига замин ярата бориб, объектив тарзда шаҳар ва қишлоқлар ўртасида маҳсулот айрибошланишининг кучайишига, ҳамда инфратузилма объектларининг ривожланишига туртки бўлди. Кишилиқ жамияти тараққиётида юз берган учинчи йирик меҳнат тақсимооти- савдонинг деҳқончилик ва саноатдан ажралиб чиқиши хўжалиқ алоқаларига янги минтақаларнинг жалб этилиши эвазига маҳсулот айрибошлашнинг янада кенгайишига олиб келгани ҳолда, инфратузилма соҳасини кенгайтириш заруриятини келтириб чиқарди.

Аграр соҳада инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш - ишлаб чиқариш субъектларининг ўзаро самарали ҳамкорлигининг зарурий шarti бўлиб, агросаноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва тараққий топиши, унда талаб ва таклифни ўзаро боғловчи ва барча ресурсларни ишлаб чиқариш омилларига айлантирувчи, такрор ишлаб чиқариш жараёни умумий асосларини барпо этишга кўмаклашувчи, агросаноат мажмуасини ўсиши ва ривожланиши аграр соҳанинг иқтисодий табиатини ифода этувчи муҳим белги сифатида майдонга чиқа борди.¹

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодиётнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқишининг умумий сабабларига ижтимоий меҳнат тақсимооти бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси меҳнат жараёнининг ўзидаёқ асосий ва ёрдамчи фаолият турларига бўлинади, лекин бу ҳолатда ҳали бевосита маҳсулотга мансуб бўлмасида, муносабатлар алоҳида ишлаб чиқарувчи доирасида амалга ошганлиги сабабли шакллана бошлайди.

Кооперация муносабатларини ривожланиши ва турли шаклдаги корхоналарнинг пайдо бўлиши натижасида кейинчалик ёрдамчи функцияларнинг ажралиб чиқиши юз беради ва улар ихтисослашди. Ушбу вазиятда ҳатти-ҳаракатларнинг ўзини эмас, балки фаолиятнинг маҳсулотга бўлган алоқасини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бозорларнинг

¹ Иванова Н.В. Формирование и развитие социальной и производственной инфраструктурн: автореферат дис.канд.э. наук.-Саратов, 2005


янада ривожланиши, товар-пул муносабатлари чегараларининг кенгайиши ёрдамчи хизматлар ишлаб чиқаришини истеъмолчи компаниялардан, махсус ихтисослашган фирмаларга айланишига олиб келди. Шу тариқа ички ва ташқи ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиб топди. Ташқи ишлаб чиқариш инфратузилмаси ихтисослашган корхоналардан ташкил топган бўлса, ички инфратузилма эса асосий ишлаб чиқариш доирасида ёрдамчи хизматларни ишлаб чиқарувчилардан таркиб топди.

Шундай қилиб, биринчи навбатда функцияларнинг фаолият даражасига кўра асосий ва ёрдамчи бўлиниши, сўнгра корхона ичида, ёрдамчи хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг алоҳида корхоналарга ва аста-секинлик билан тармоққа айланиб бориши содир бўлади. Уларнинг маҳсулоти мустақил, хизматлари эса товар сифатида сотилсада, асосий ишлаб чиқаришнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратишдан иборат бўлган моҳияти ўзгармасдан қолади. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий меҳнат тақсимотида бир-бири билан узвий алоқада бўлган асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ажралиб чиқиши жараёнида айрим функцияларнинг алоҳидалашуви содир бўлади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш фаолияти субъектлари асосий ишлаб чиқаришдан алоҳида бўлганликлари сабабли, асосий ишлаб чиқариш фаолияти субъектлари агентлари сифатида майдонга чиқадилар. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади- асосий ишлаб чиқариш натижаси сифатида маҳсулот яратишдан иборатдир. Товар ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил эта бориб, мақсадга эришиш борасида бевосита иштирок этмайдиган ёрдамчи фаолият субъектларига ўз вазифаларининг бир қисмини юклайдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариши жараёнида агросаноат мажмуи ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари катта ўрин тутади, чунки уларнинг амалда бўлиши чегаравий хусусий нафвлиқдан юқори бўлган ташқи самаралар-экстерналийлар

билан боғлиқдир.

Агросаноат мажмуи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши ва унинг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг аграр секторидаги инвестицион жараёнларнинг ҳолатига боғлиқдир.



3-Расм. АСМни такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси турлари ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларининг фонд маблағлари (ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш лойиҳалари ва режали, атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун мўлжалланган молиялаштиришнинг бошқа манбаларини алмаштирмаган ҳолда) қуйидаги чора-тадбирларни молиялаштириш ва кредитлашнинг қўшимча манбалари сифатида фойдаланилади:

1) атроф-муҳит муҳофазаси аҳамиятига эга бўлган объектларни қуриш, техник қайта қурулантириш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шу жумладан шаҳар канализация тозалаш иншоотлари ва ҳудудий аҳамиятга эга бўлган бошқа атроф-муҳит муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш;

2) назоратни амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, жиҳозларни харид қилиш, ижарага олиш ва яратиш, техник воситалар ва автоматлашган мониторинг тизимларини барпо этиш ва такомиллаштириш;

3) маҳаллий табиатдан фойдаланиш ва экология қўмиталарининг моддий-техник базасини ривожлантириш, машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техникаси, реагентлар ва материаллар харид қилиш;

4) ахборотларни тўплаш тизимини вужудга келтириш, қайта ишлаш ва сақлаш борасида экологик вазият бўйича ахборот инфор­мацион тизимини шакллантириш;

5) кўриқхоналар, миллий боғларни барпо этиш ва ривожлантириш, табиат ёдгорликларини сақлаш;

6) атроф-муҳитни муҳофазалаш ва ресурсларни тежаш бўйича янги техника ва технологияларни яратиш борасидаги тажриба-конструкторлик, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ҳамда экологик хизматлар бозорини ривожлантириш;

7) атроф-муҳитга таъсир этиш даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, объектларнинг давлат экологик экспертизасини ўтказиш;

8) экологик муаммоларни ҳал этиш учун корхоналар барпо этиш;

9) издан чиққан алоҳида табиий экотизимларнинг хўжалик фаолиятини тиклаш ва муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

10) экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича ноширлик ишлари, экологик таълим ва тарбияни ташкил этиш, экологик билимларни тарғиб қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг экологик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- узоқ муддатлилиқ;
- ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларига нисбатан уствор тавсифга эга бўлиш;
- комплекслилиқ, чиқиндиларни утилизация қилиш ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурсларни ўзлаштирилиш даражасини баҳолаш;
- истиқболда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда мамлакат хўжалик мажмуининг таркибий элементи

сифатида табиатни муҳофаза қилиш инфратузилмасини ривожлантириш хусусиятларини таҳлил қилиш;

- йирик шаҳарлар ва шаҳарлар агломерацияси, мамлакатнинг алоҳида минтақаларида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг экологик оқибатларининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий-ташкилий жойлаштириш тизимида АСМ ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш шартларини ўрганиш, уни икки асосий ташкил этувчи - ташқи (шакллантириш омиллари) ва ички (ривожлантириш омиллари) муҳитнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи микдор-сифат тавсифларини ажратиб олиш имконини беради. Ташқи муҳит бир томондан макроиктисодий (экзоген) омиллар таъсири остида бўлса, бошқа бир томондан эса, инфратузилма элементларини ривожлантиришга таъсир этувчи ички омиллар (эндоген)нинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлади.

Республиканинг шарт-шароитлар таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси элементларини ривожлантириш ва шакллантириш жараёнида бошқарув ташкилий тузилмасининг таркиби мувофиқлаштириб борилади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги маҳсулот бирлигига меҳнат, пул ва моддий харажатлар сарфининг қисқаришида, якуний маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши ва йўқотишларнинг камайишида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб, инфратузилма хизматлари, бўлинмалари ва объектларини барпо этишга сарфланган харажатларнинг қопланиш кўрсаткичи ҳисобланади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$O_{и} = K(m)/Mx(c_{\text{ўм}}) \quad (1)$$

Бу ерда: $I_{и}$ - ишлаб чиқариш инфратузилмасига қилинган харажатларнинг қопланиши, $K(m)$ - қишлоқ хўжалигини якуний маҳсулоти қиймати, Mx –

ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишга сарфланган моддий

харажатлар.¹

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини яратишга сарфланган сарф-харажатлар 6-8 йил давомида ўзини қоплайди.² Қишлоқ хўжалиги билан қайта ишлаш ўртасидаги фаол интеграциялашувни таъминлаш агросаноат мажмуини самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири саналиб, унинг таркибига нафақат ихтиёрий тарзда кирган, балки юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг келишилган ҳолдаги иқтисодий ва илмий-техник сиёсатини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беради. Йирик агросаноат бирлашмаси корхоналарининг устунлиги барқарор юқори сифатли маҳсулот ва хомашё йўқотилишининг паст даражаси, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, юқори экологик хавфсизлик, маҳсулот таннархининг етарлича пастлигида ифодаланади. Ягона технологик жараённинг тарқоқ бўғинларини бирлаштириш, ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш ҳисобига эришиладиган иқтисодий самара иқтисодиётдаги бириктирилган жараёнлари учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Бунинг натижасида ҳамкорликдаги жараёнларда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришларининг барча босқичларини ягона тарзда бошқаришни ташкил этишга иштиёқ пайдо бўлади. Оқилона кооперация ва интеграция меҳнат унумдорлиги ва сотиш ҳажмини оширишнинг қўшимча манбаларини очиб беради ва турли хил тайёр маҳсулотларни яратиш бўйича ҳамкорликда самарали ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишга кўмаклашади.³

Фермер хўжаликларининг паст харид қобилияти туфайли агросаноат мажмуида муҳандислик соҳасини ислоҳ қилиш зарурлигини талаб этади. Фермер хўжаликларидаги техникалар билан таъминланишидаги танқисликларни қоплаш мақсадида мавжуд МТПларини ривожлантириш ва

¹ Коваленко Н.Я. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков.-М.:Тандем,1998.

² Минасов М. Стратегия устойчивого развития АПК.// АПК: экономика, управление, 2004.№9

³ Минасов М. Стратегия устойчивого развития АПК.// АПК: экономика, управление, 2004.№9

янгиларини ташкил этиш ва унинг тасарруфидаги машина ва техникалардан юқори самара билан фойдаланилиш, ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг илғор технологияларни жорий этиш бўйича ишларни давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Ердан фойдаланиш, фермер хўжаликларининг иқтисодий аҳволи ва уларнинг амалда ердан унумли фойдаланишлари борасидаги таркиб топган вазиятидан келиб чиққан ҳолда, яқин йиллар ичида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) ердан фойдаланувчиларга иқтисодий ва маъмурий таъсир кўрсатишни кучайтириш мақсадида ердан фойдаланиш борасидаги қонунчиликка риоя этилишини тўлиқ назорат қилиш;

2) ердан фойдаланиш тизими тавсиянома ва кўрсатмаларига монанд равишда агротехника ва алмашлаб экиш технологияларига амал қилиш;

3) ер унумдорлигининг пасайиши ва унинг муоамаладан чиқиб кетишига йўл қўйган, қонунчиликка риоя этмаган ердан фойдаланувчиларни ердан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлардан маҳрум этиш.

Турли фаолият турларининг ихтисослашуви нафақат, хўжалик тузилмасининг у ёки бу бўғини, ҳудудларнинг турли тузилмалари доирасида ҳам амалга ошади. Маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш борасида ихтисослашувга турли йўналиш ва тавсифга эга бўлган омиллар, хусусан:

- қишлоқ хўжалиги учун айниқса хос бўлган, ўзига хос маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаб берувчи табиий-иқлим шароитлари;

- ёқилғи-хомашё ва энергетика ресурсларининг ҳудудий жойлашуви;

- ишчи кучи қиймати, ишлаб чиқаришнинг трансакцион харажатлари ва таваккалчиликка боғлиқ тарзда унинг барқарор фаолиятни амалга оширишда шаффофлик ва бошқарилишга мойиллик даражаси (норасмий тузилмалар улуши) га таъсир кўрсатувчи сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар;

- транспорт -экспедиция ва божхона хизматлари соҳасида ихтисослашув ва савдода воситачилик тавсифини белгилаб берувчи, минтақанинг геосиёсий

майдондаги ўрни каби омиллар таъсир кўрсатади.


Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг алоҳидалашуви бевосита истеъмолчидан оралиқ ёки якуний маҳсулот, хомашёнинг узоклашувида намоён бўлади ва йил сайин юк ташишларнинг ўртача узоклигининг ортиб боришида акс этади. Истеъмолчиларга оралиқ ёки пировард маҳсулотларни ўз вақтида таъминлаб бериш учун уларни кўпроқ даражада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмол қилишнинг мавсумийлик омили ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, фермер хўжаликлар буғдой ва донни фақатгина баҳор-ёз ойларида етиштиришсада, унинг истеъмоли қайта ишлаш саноати томонидан бутун йил давомида амалга оширилади. Ушбу соҳада маҳсулот сотиш ва ишлаб чиқариш тартиби ва маромийлиги, қувватларнинг мос тушмаслиги ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг моддий оқимларини жой, вақт ва етказиб бериш ҳажмлари бўйича мувофиқлаштириш лозимлигидан дарак беради. Бу вазифа инфратузилма институтлари орқали ифодаланувчи, ўзига хос ижтимоий зарурий фаолият тури зиммасига юкланади.

Ҳар қандай у ёки бу даражада ривожланган иқтисодий тизим ўз олдида тизимнинг яшовчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор узок муддатли глобал мақсадларни қўяди. Барча фаолият турлари, шу жумладан моддий ишлаб чиқаришнинг асосий қисми ҳам утилитар тавсифга эга бўлиб, у ёки бу даражада тизимга хизмат кўрсатади, ёхуд тизимнинг якуний мақсадларини амалга ошишини таъминлайди. Бу, ЯИМнинг асосий қисми - қайта ишлашга мўлжалланган, оралиқ маҳсулотлардан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ёрдамчи тавсифдаги моддий ва ижтимоий ишлаб чиқариш хизматларини кўрсатиши билан тавсифланади. О.С. Белокрылова ва бир қатор ҳаммуаллифлар қаторида хизмат дейилганда меҳнатнинг ўзига хос истеъмол қийматини тушуниш лозимлигини айтади, зеро, хизмат буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўрсатилади, яъни,

у бу борада айтайлик бирор бир машина ёки ускунадан деярли фарк қилмайди¹.



4-Расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмавий фаолият турлари таркиби ва мўлжалланиши

Юқорида тилга олиб ўтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, корхона учун истеъмол қийматини нафақат, моддий тавсифга эга бўлган техник воситаларнинг хизмати, балки, реклама, маркетинг хизматлари, инжиниринг, инвестицион сиёсат ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар бериш каби номоддий кўринишдаги хизматлар ҳам яратади. Улар моддий-техник таъминот ва ишлаб чиқаришга техник хизмат кўрсатиш хизматлари каби ёрдамчи тавсифга эга бўлгани ҳолда, бевосита ёки билвосита асосий

¹ Белокрылова О.С., Германова О.Е., Солдатова И.Ю. Институциональние основн рыночной экономики в России.-М.:Наука,1996.с.43-47.

ишлаб чиқаришнинг яқуний маҳсулотига таъсир кўрсатадилар. Одатда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг бир вақтнинг ва бир жойнинг ўзида амалга ошиши кўплаб ишлаб чиқариш тавсифидаги хизматларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ҳар қандай тизимнинг амал қилиши маълум бир қонуниятларга бўйсунди, агар ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимининг амал қилиши қонунлари зарурийлик ва етарлилик нуқтаи назаридан баён этиладиган бўлса, у ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодий зарурият қорхонанинг эҳтиёжи билан, етарлилик эса трансакцион ёки ўзаро таъсир кўрсатиш харажатларини тежаш билан белгиланади.


Амалдаги қонунларга кўра, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ички ҳолати кўп жиҳатдан ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлган тизимлар сирасига киритишимиз мумкин. Бу иқтисодиёт институционал тузилмасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасига таъсирида яққол кўзга ташланади. Масалан, транспорт қорхоналарининг фаолиятига юк ва йўловчи ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиш катта таъсир кўрсатади, бу эса кўплаб қорхоналарнинг қарзга ботишига, нархли рақобатнинг йўқолишига ва соҳага давлат субсидияларининг ажратилиши зарурлигига олиб келади. Аммо мазкур вазиятда юзага келадиган салбий ҳолатлар билан бир қаторда, ижобий жиҳатлар ҳам кўзга ташланишини унутмаслигимиз лозим. Транспорт тарифларини давлат томонидан тартибга солиш субъектларга юк ташиш нархларининг кескин ўсишидан қутилиш, транспорт қорхоналарига эса давлат субсидиялари, субвенциялари ва дотацияларини олиш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларини ишлаб чиқаришга алоҳида талаблар қўяди, чунки бунга барча қорхона ва ташкилотларнинг иқтисодии фаолияти, билвосита аҳолининг турмуш даражаси ҳам боғлиқдир. Нормал фаолият кўрсатувчи бозор иқтисодиёти учун барча турдаги ресурслар захираси бўлиши талаб этилади, инфратузилма қувватлари ҳам бундан мустасно эмас. Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқариш инфратузилмаси қувватларининг захираси истеъмол қилинаётган қувватларнинг 30-35 фоизи атрофида бўлиши талаб этилади, акс

ҳолда эса, хўжалик шартномаларининг бажарилиши қийинлашади, контрактлар бўйича юк етказиб бериш муддатлари барбод бўлади, такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектларининг ўзаро алоқалари, корхоналар таъминотининг маромийлиги бузилади.

Ишлаб чиқариш хизматлари қийматга эга бўлади, чунки уларни сотиш учун ресурслар талаб этилади ва айти пайтда улар асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилганликлари учун истеъмол қийматига ҳам эга бўладилар. Инфратузилма хизматларини кўрсатишда чекланган ресурслардан фойдаланилади, шунга мос тарзда хизматларнинг ўзи ҳам чекланган ҳисобланади, улар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмайди. Ишлаб чиқариш хизматларининг бу хил барча сифатлари унинг нафдлиги, чекланганлиги ва ресурс сиғимлигида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий ишлаб чиқариш товарлари нафдлиги ва харажатларини шакллантиришда иштирок этгани ҳолда, бозор шароитида асосий товарнинг қиймати ва истеъмол қийматига, ёки унинг нафдлиги ва харажатлари даражасига таъсир кўрсатади.



5-Расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига таърифларни шаклланиш схемаси

Асосий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира олишга бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг лаёқати моддий ишлаб чиқаришнинг даромадлари даражаси; қўлланилаётган ишлаб чиқариш хизматларини ўрнини алмаштириш имкониятлари; моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар сони; янгиликларга интилиш даражасига боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин бўлган ишлаб чиқариш

хизматларига талабни шакллантиради.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари айти вақтда амалда бўлган нархлар (тарифлар) бўйича бозорга олиб чиқилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш тавсифидаги хизматлар таклифини шакллантиради. Худди истеъмол неъматлари бозорларида бўлгани каби, ишлаб чиқариш хизматлари бозорида ҳам талаб таклифни вужудга келтиради. Ҳар бир ишлаб чиқариш хизмати таклифи турлича эгилувчанликка эга бўлади. Бошқа омиллар таъсири ҳам бўлсада, ресурсларнинг чекланганлиги ва танқислиги бунинг асосий омиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мисол тариқасида, электр энергияси, табиий газ ва сув таъминотининг муқобиллари йўқлиги ва уларнинг таъминотчилари доимо табиий монополиялар бўлиб келганлиги сабабли ҳам, мазкур хизматлар ноэгилувчан тавсифга эгадирлар. Ишлаб чиқариш хизматлари таклифи иқтисодий ресурслар нархи; ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг технологик ривожланиш даражаси; мазкур соҳадаги корхоналар сони; тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги; янгиликларни кутишга боғлиқ тарзда ўзгариши мумкин.

Ижтимоий зарурий инфратузилма фаолиятининг барча кўринишлари, ўзига хос жиҳатлари:

- моддий ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий белгиларига жавоб бермаслиги;
- усиз мумкин бўлмаган, ёки етарлича самарасиз бўлган, бирор бир бошқа асосий фаолиятни меъёрида амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида майдонга чиқиши;
- сервис хизмати ва кўрсатилаётган хизматнинг истеъмоли жараёнларининг вақт ва мазмун бўйича бир-бирига мос тушиши;
- хизмат кўрсатиш объектининг мавжудлиги;
- инфратузилма хизматларининг хизмат кўрсатилаётган объектга ижобий таъсири даражаси ва тавсифи;
- бошқа хизматларда бўлгани каби инфратузилма хизматларини жисмоний

кўринишда тўплашнинг мумкин эмаслиги кабиларда ифодаланувчи ранг-баранг утилитар ва якуний хизматлар кўринишида амалга оширилади.

Чунки, моддий ишлаб чиқариш нафақат моддий неъматларнинг, шу билан бир қаторда моддийлашган миллий бойликнинг ҳам асосий манбаи сифатида қаралиб, айна вақтнинг ўзида жамият эҳтиёжларини ўстириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ижтимоий меҳнат воситалар, объектлар ва меҳнат предметлари кўринишидаги иқтисодий салоҳиятни яратувчи ва уларни зарурий ишлаб чиқариш ва товар захиралари кўринишида жамғарувчи унумдорлиги бир мунча юқори бўлган меҳнат сифатида ҳисобланар эди. Шу сабабли ҳам, моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барча тармоқлари унумли фаолиятга киритилади.

Масалан, йўловчи транспорти, энергетика тизими, савдо корхоналарининг иш фаолияти мазмуни бир-бирига деярли ўхшаш бўлсада (қайси йўловчилар ва ижтимоий гуруҳларга хизмат кўрсатишларидан қатъий назар), хизмат кўрсатишнинг унумли ва унумсиз объектлари нисбати, инфратузилма хизматларининг функционал йўналтирилганлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Ҳар қандай ижтимоий фаолиятни у ёки бу зарурий ташкил этувчилар билан таъминлаш таркибига кўра, инфратузилма хизматлари моддий-ишлаб чиқариш; атроф-муҳит муҳофазаси; ижтимоий-маиший турларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ижтимоий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини техник-ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотлар ёки меҳнат воситалари (меҳнат қуроллари, меҳнат предмети ва объектлари) кўринишидаги барча зарурий моддий ресурслар билан таъминлайди. Якунида, барча хизматларни уларнинг тавсифидан қатъий назар ресурс сиғимли ва ресурс сиғимсиз хизматларга ажратишимиз мумкин. Моддий, материал сиғимли, энергия сиғимли деб аталувчи хизматларнинг энг муҳим хусусияти - бу умумий ҳисобда ишлаб чиқарилган моддий (хомашё, материаллар, ёқилғи, электроэнергия, амортизация ва шартли-доимий харажатлар) ва меҳнат

ресурсларининг қийматига боғлиқ ҳолда, уларнинг ҳажми, сифати ва самарадорлиги ўртасидаги етарлича аниқ ва узвий боғлиқликдир. Ресурс сифимсиз хизматлар (кичик энергияли хизматлар) таркибига сифати, самарадорлиги, якуний қиймати (нархи) ресурс харажатлари ва маҳсулот ҳажми билан суут корреляцион боғланишда бўлган хизматлар киритилади.

Кўпчилик ҳолларда юқори ресурс сифимли хизматлар моддий-ишлаб чиқариш инфратузилмаси томонидан амалга оширилади. У моддий ишлаб чиқаришга (сервис, яъни ишлаб чиқариш хизматлари кўринишида) хизмат кўрсатсада, моддий ишлаб чиқаришда унинг улуши етарли даражада катта эмас. Бироқ, инфратузилманинг тузилмавий-функционал ва таъминот қисмлари ўртасидаги фарқлар билан изоҳланувчи мазкур соҳа хизматларидаги тафовутларни илғаб олиш қийин эмас. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тузилмавий-функционал қисми дейилганда моддий ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатувчи савдо-воситачилик тузилмалари, бирламчи хўжалик-ишлаб чиқариш тузилмалари (етказиб берувчи контрагентлар) ва моддий-техник таъминот бўлинмалари тушунилади. Айнан у ишлаб чиқариш кучлари элементлари ва жамият харид қобилиятининг ўзаро таъсирлашуви натижаси бўлган бутун хўжалик алоқалари тизими ва товарлар ҳаракати: таркиби, йўналиши ва материал оқимларининг тартибини белгилаб беради.

Мазкур оқимлар таҳлили шуни кўрсатадики, материаллар ва товарлар ҳаракати юқорида санаб ўтилган тузилмаларнинг соф кўринишдаги бошқарув воситачилик, информацион ва маслаҳат хизматларидан тортиб, юклаш, тушириш, ташиш, саралаш, сақлаш, бутлаш, идишларга солиш, қадоқлаш, маркировкалашгача бўлган ресурс сифимли мажмуавий ёки натижани таъмин этувчи тўпламини ифода этади.

Қоидага кўра, бундай корхоналарнинг фаолияти бутунлай етказиб берувчи контрагентлар ва воситачилар ўртасидаги хўжалик алоқаларига мос равишда таъминлашни кенг қамровли дастурларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Масалан, темир йўл, ҳаво, сув ва автомобил транспорти ва шу каби корхоналарда юк ташиш режа ва дастурлари фақатгина,

таъминотчи контрагентларнинг ўзаро манфаатли шартнома ва контрактларига асосланган буюртмалари асоси-дагина шаклланиши мумкин. Айнан шу сабабли мазкур хўжалик тизимлари инфратузилманинг таъминот функцияларини бажаради, буюртмачилар фаолиятининг кенг қамровли тавсифига нисбатан етарлича индифферентга эга бўлган ҳолда, уларнинг буюртмаларнинг ўз вақтида, аниқ ва тўла-тўқис бажарилишига йўналтирилган бўлади. Умумий тарзда айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг инфратузилмавий таъминоти ва асосий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир қуйи тизими алоҳида ҳолатда ҳам катта ўрин эгалласада, бироқ уларнинг мажмуали ҳолдаги фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада ортади, чунки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини хомашё ресурслари билан таъминлашда асосий ишлаб чиқариш ҳар бир қуйи тизимининг самарадорлиги уларнинг маълум бир тўпламларидан биргаликда фойдаланиш ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш ҳолатида етарлича даражада ўсади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси глобализация шароитида рақобат афзалликларига эришиш учун транспорт, энергия таъминотида, алоқа ва бошқа соҳаларда узлуксиз инновацион ривожланиш жараёнини амалга оширишни, бу ўз навбатида хўжалик субъектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, уларнинг ички ҳамкорлигини оширишни таълаб этади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда шундай сиёсат олиб бориш керакки, унда алоҳида олинган корхона, тармоқнинг локал муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлмасин, балки, бутун иқтисодий ягона иқтисодий мажмуа сифатида қараб, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожланишининг умумий масалаларни ҳал этишда, ўзаро таъминот масалаларини ташкил этишда, унинг объектларидан фойдаланишда, ягона фан-техника баъзасини шакллантиришда, илмий асосланган ёндашувларга асосланиши лозим. Бу иқтисодий сиёсат хусусан, автомобил йўллари таъмирлаш ва хизмат кўрсатишда, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарали ривожлантиришга қаратилган бўлиши

керак.

1.3. АСМда инфратузилма институтларининг тизимли ўзаро алоқадорлигининг функционал дифференциацияси

Инфратузилма элементларини кўп режали характерини ҳисобга олган ҳолда, уларни ягона белгилари бўйича таснифлаш имконияти йўқ. Унга кирган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига турлича таъсир этади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараенида ўзига хос ўринга эга. Шунга кўра инфратузилма тармоқларини асосий белгилари бўйича таснифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бу бизга ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимининг алоҳида бир элементи сифатида ва бутун тармоқлари бўйича тутган ўрнини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари унинг тармоқлар-аро алоқаларни ўрганиш ва асосий ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасида оптимал нисбатни белгилаш имконини беради.

Аграсаноат мажмуаси инфратузилмасининг барча элементларини қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мумкин: ишлаб чиқариш жараёнига таъсир даражаси билан; минтақавий тамойили бўйича; тармоқ тамойили бўйича; функционал йўналиши бўйича.

АСМ инфратузилмасини методологик тадқиқ этиш асосларига тизимли тадқиқ этиш киради, унда бир томондан нисбатан барқарор ўз-ўзини тартибга солувчи тизим сифатида асослаш ва тасавур этиш, бошқа томондан эса унинг алоҳида элементлари ва моддий ишлаб чиқариш билан ўзаро муносабатларини аниқлаш. Тизимли таҳлилда асосий тамойил бу мажмуали таҳлил бўлиб ҳисобланади, яъни аниқ ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида ишлаб чиқариш инфратузилмасини турли тузилмаларини ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини белгилаган ҳолда ривожланувчи жараён сифатида тадқиқ этиш. Бу белгилар тизимида биринчи ўринга, моддий ишлаб чиқариш корхоналарини амал қилиши учун ички ва ташқи шарт-шароитларни яратувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуйи тизими сифатида мақсадли функцияси туради. АСМ инфратузилмасини аниқлашда тузилмавий ёндашувга Шадманов Ш. ва

бошқалар¹ томонидан қатор блоклар кўринишидаги ёндашуви мисол бўлади. Уларга; маҳсулотни сотиш, моддий-техник таъминот, ишлаб-чиқариш ва техник хизмат кўрсатиш, молия- кредит таъминоти билан боғлиқ товар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро муносабатлари ҳолатига боғлиқ блок муносабатлар. Бу ерда товар ишлаб чиқарувчи қуйи иккинчи даражали инфратузилмавий хизмат кўрсатишнинг марказида, ядросида туради. Саноат ва қишлоқ хўжалиги бу ерда анъанавий равишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг истеъмолчиси сифатида чиқади. Қурилиш жараёнида бинолар кўринишида моддий маҳсулот яратилади, шунга кўра бу турдаги фаолият моддий-ашёвий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Шунга кўра моддий ишлаб чиқариш сифатида биз фақатгина моддий предметлар, ашёвий қийматлар билан боғлиқ ишлаб чиқаришни яъни саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишни тушунамик.

Шуни таъкидлаш керакки, инфратузилманинг халқ хўжалигида ўтказадиган манфаатларининг муҳимлиги унинг бажарадиган функционал вазифалари ва хизмат турларида янада яққолроқ кўзга ташланади. Кўпчилик адабиётларда инфратузилманинг функционал вазифалари ва хизмат турига қараб назариётчи олимлар методологик нуқтаи назардан уни иккита гуруҳга: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлганлар². Шу жумладан А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг ёзишларича: Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилади) ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад яратади; ижтимоий инфратузилма соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва б.) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, инсон омилларини фаоллаштиришга хизмат қилади³.

А.Турсунов ҳам диссертация ишида инфратузилманинг моҳиятини

¹ Шадманов Ш. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиши. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2012.- Б. 37.

² Кочерга А.И., Мазараки А.А.Народнохозяйственный комплекс и социальные проблемы. - М.:1981. - С.33-34.

³ Ўлмасов А.,Н.Тўхлиев. Иқтисодий луғат..Т.1995. - Б. 43.

ёритишда айнан шундай ёндашувга суянган: «Инфратузилма иқтисодий категория (тоифа) сифатида биринчидан, моддий ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган (соғлиқни сақлаш, савдо, аҳоли ташувчи транспорт, меҳмонхона, ошхона, шаҳар комуникация иншоотлари, ходимларни тайёрлаш масалалари ва ҳж.) ҳамда шунингдек, иккинчидан: моддий ишлаб чиқариш характерига, (умумий транспорт хўжаликлари, электр қувватини узатиш линиялари, табиий ресурслардан фойдаланиш тармоқлари, ахборотни узатиш ва ишлаб беришдаги воситалар ва ҳж.) объектларининг мазмунини ўзида ифода этади»¹.

Албатта, инфратузилманинг ана шундай иккита катта гуруҳга бўлиниши унинг бажарадиган асосий вазифалари ҳамда халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинишига асосланган. Бирок, инфратузилма унсурларининг ўзаро жуда жипс боғланганлиги уларнинг у ёки бу гуруҳга мансублигини белгилашни мушкуллаштиради. Масалан, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт ёки аҳолининг транспорт воситаларини таъмирлаш каби хизматлар ўз хусусиятларига кўра бирга аҳолига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг соҳасидир, бироқ уларда умумий техник-ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу билан бирга бу соҳаларнинг иқтисодий-функционал хизмат вазифаси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги боис ноишлаб чиқариш инфратузилмага мансуб деб топилиши ҳам табиийдир.

Инфратузилма соҳа мутахассислари томонидан турлича тусланган. Айниқса, ислохотлардан олдинги даврда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш (ижтимоий), халқ хўжалиги (ёки магистрал), институционал,; минтақавий, корхона ва соҳалар номи билан юритиладиган инфратузилма турлари илмий адабиётларда кўп ёритилган. Лекин ҳозиргача инфратузилманинг гуруҳларга бўлинишига қарамай унинг таркибий тузилиши, моҳияти ва бажарадиган вазифалари юзасидан ягона фикр шаклланмаган. Масалан, А.Турсунов, инфратузилма қуйидаги тўрт шаклда намоён бўлади деб таъкидлаб, уларнинг

¹. Турсунов А.Ф. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш. и.ф.н. дис- Т.: 1998, - Б. 18 .

таркибини ўз нуқтаи назаридан белгилайди: .

- Ижтимоий инфратузилма;
- Бозор инфратузилмаси;
- Институционал инфратузилма;
- Ишлаб чиқариш инфратузилма.

У. Нигмаджанов эса инфратузилманинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор шаклларига бўлишни тавсия этиб, агросаноат маҳсулотлари ва ресурслари сотилишини АСМ таркибида алоҳида бўғин сифатида ажратиш кераклигини таклиф қилган¹.

" Фикримизча, агросаноат маҳсулотлари ҳамда ресурсларининг сотилиши АСМ тизимида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Чунки, тайёр маҳсулот сотилгандан кейин, товар пул шаклига эга бўлади ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиши учун имконият юзага келади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотилиши ўзига хос шароитларни талаб қилади. Масалан, бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш махсус транспорт ва махсус сақлаш шароитлари ҳамда қадоқлаш воситаларини талаб қилади, яъни, бундай маҳсулотларнинг савдоси ҳам махсус инфратузилма хизматларини яратишни тақазо этади. Шу боис АСМ маҳсулотларини ҳамда моддий-техник ресурсларининг сотилиши алоҳида бўғин сифатида АСМ инфратузилмасига хослигича қолади. Шунинг учун АСМ маҳсулотлари ва ресурсларининг сотилиши инфратузилманинг унсури сифатида талқин қилиниши методологик нуқтаи назаридан маъқулроқдир.

Дарҳақиқат, инфратузилманинг мазкур тўрт шакли кўп адабиётларда талқин этилган ва ёритилган. А.Турсунов инфратузилма шаклларининг унсурларини белгилашда камчилик ва қарама-қаршиликларга йўл қўйган. Масалан, у савдони ижтимоий инфратузилма турига киритади. Чунки,

¹. Нигмаджанов У. Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистане в переходный период к рыночной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук, Т.: 2002. -Б.10.

инфратузилма хизматлари кўрсатувчиларнинг аксарияти (бепул хизматлар кўрсатиш ҳолларидан ташқари) товар ва хизматлар савдоси билан шуғулланадилар. Ёки, тадқиқотчи йўл қурилишини ишлаб чиқариш инфратузилмасига мансуб деб таъкидлаши ҳам унчалик аниқ эмас. Чунки, йўл қурилиши бу иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси, қурилиш индустриясига мансубдир. Лекин йўл ва ундан фойдаланиш инфратузилманинг таркибий қисмидир. Мазкур тадқиқотчининг аҳоли ташувчи транспортни ижтимоий инфратузилмага мансублигини таъкидлаб, кейин транспорт хўжалигининг барча турлари ишлаб чиқариш инфратузилмасига киради дейиши бир-бирига қарама-қарши фикрлардир.

Инфратузилмани гуруҳлашда Ч.Муродовнинг нуқтаи назари ўзининг чуқурлиги ва кўп қирралиги билан алоҳида диққатни жалб этади. Ч.Муродов докторлик диссертациясида инфратузилма: «... ишлаб чиқариш, шахсий, экологик ва бозор инфратузилмаси йўналишларида шаклланиб ривожланади», - деб таъкидлайди ва уларни алоҳида-алоҳида тавсифлаб, таркибини аниқлайди ва бозор инфратузилмасининг тадқиқига алоҳида эътибор қаратади¹.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган номлар билан юритилаётган инфратузилма хизматлари турларининг мавжудлигини эътироф этган ҳолда, инфратузилмани умуммиллий (магистрал ёки халқ хўжалиги), институционал, ижтимоий, бозор ва ишлаб чиқариш шаклларига бўлинади. Таъкидлаш жоизки, инфратузилманинг таснифи жуда мураккаб иқтисодий муаммодир. Унинг ўрганилиши махсус тадқиқот мавзуси бўлиши мумкин. Тавсия этаётганимиз инфратузилма мажмуининг таснифи шартли равишда мазкур соҳада қилинган илмий ишлар асосида ҳамда инфратузилманинг бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётганлигини инобатга олган ҳолда амалга оширилган. Инфратузилма мажмуининг таркибий тузилиши соҳа мутахассисларининг турли методологик ёндашувларининг синтезлаштирилган кўриниши бўлиб, биз уларни ўз илмий тадқиқотларимиз натижасида ишлаб

¹Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожланиши: и. ф.д. дис. -Т.: 2003. 16-28 б.

чикдик.

Тавсия этилаётган инфратузилма мажмуи таснифининг фарқи шундаки, унда инфратузилма учта катта гуруҳга: ишлаб чиқариш, мезоинфратузилма ва ижтимоийга бўлинган. Бунинг асосий сабаби, баъзи инфратузилма хизмат турларининг икки ёқлама характерга эгалигидир. Масалан, лизинг хизмати ўзининг эволюцияси ва мазмуни жиҳатидан бозор инфратузилмасига хосдир. Бироқ лизинг кўп ҳолларда узоқ муҳлат хизмат қиладиган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишга қўлланилади. Биринчидан, лизингга олинган воситалар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадилар. Иккинчидан, лизинг шартномаларига кўра лизинг объектини лизингга олган «шахс» сотиб олиши ёки шартнома муддати тугагач лизинг объекти лизинг олувчининг ихтиёрига қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда лизинг моддий техник таъминот, яъни ишлаб чиқариш инфратузилмаси сифатида намоён бўлади.

Яна бир мисол, умумий темир йўл тармоғидан ҳам йўловчи ташувчи ва ҳам юк ташувчи корхоналар бирдек фойдаланадилар. Шунингдек, ҳуқуқ тартибот институтлари ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига ва аҳолига тенг равишда хизмат қилиши мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мисоллардан кўриниб турибдики, умуммиллий, бозор ва институционал инфратузилма шакллариининг баъзи объектлари кўрсатадиган хизматлари, ҳам ишлаб чиқариш ҳам ижтимоий характерга эга экан. Шу туфайли уларни мезоинфратузилмага мансуб деб топдик. Айнан шу асосда инфратузилма шакллариини ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳоли ҳамда уларни ўзаро алоқаларини белгиладик.

Миллий иқтисодиётни барча тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва мамлакат ишлаб чиқариш кучларини тараққиёти учун умумий шароит яратиш эса умуммиллий инфратузилманинг асосий вазифасидир. Мазкур инфратузилма: миллий темир, автомобил, ҳаво ва сув йўллари ҳамда транспортлари, сув, газ ва нефт қувурлари, суғориш иншоотлари электр тармоқлари, миллий ва халқаро алоқа ва коммуникация тизими ва бошқа миллий мақомга эга бўлган иншоотлари ҳамда инфратузилма

объектлари кабилардан ташкил топган.

Институционал инфратузилма эса жамиятни бошқарувининг узлуксиз фаолиятини, иқтисодий-ижтимоий адолат, мамлакат хавфсизлигини ва демократик ҳамда сиёсий жараёнларнинг барқарорлигини таъминлаш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиши ва ривожланиши учун умумий шароитлар яратишга хизмат қилади. Бу инфратузилма: давлатнинг бошқарув органлари ва ташкилотлари, суд, прокуратура, муҳофаа, химоя, хавфсизлик тизими, демократик, сиёсий, диний, гуманитар ташкилотлар, ҳукуматнинг турли даражадаги миллий ва халқаро институтлари кабилардан иборатдир.

Ижтимоий инфратузилма аҳоли соғлигини сақлаш ва тиклаш, таълим-тарбия, маданият, маориф, маиший-ҳордик, умумий овқатланиш тизимлари, аҳолини ижтимоий химоялаш, газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал ҳамда экологик хизматлар ва бошқаларни қамраб олади. Таъкидлаш жоизки, мазкур инфратузилма шакллариининг кўп қисм хизматлари аҳолини ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга бевосита қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш соҳаларига (икки ёқлама характердаги хизматлар туридан ташқари) билвосита ўз таъсирини кўрсатадилар.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига қуйидагилар: моддий-техник таъминот, турли таъмир сервис хизматлари, ишлаб чиқариш соҳаларига хос (юқоридаги инфратузилмаларга кирмайдиган) товар ҳаракати тизими, йўл транспорти, сув иншоотлари, алоқа электр тармоқлари, маҳсулот тайёрлаш, уни сақлаш, қадоқлаш, сотиш, атроф муҳитни асраш ва бошқалар киради. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларининг роли жуда каттадир. Айниқса, тўйинмаган ва рақобатсиз бозорда аҳолининг товарга бўлган талабини қондириши учун товар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга зарурат туғилади. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга нисбатан бошқа турдаги хизматларга талабнинг ошиши табиийдир. Чунки, бундай бозорларда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун ишлаб чиқарувчилар фаолиятларни кенгайтиради. Натижада

ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш жараёнига кўпроқ миқдорда жалб этила бошлайди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш характериغا эга бўлган хизматлар учун талабнинг ўсишига асос бўлади.

АСМда ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари билан фермер хўжаликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини билишга ва мазкур ҳамкорлик алоқаларнинг иқтисодий ўсиш ва ёки иқтисодий пасайишларга таъсири моҳиятини тушуниб етишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу нисбатан барқарор ва боқий, фаолияти учун институтционал майдонни шакллантирувчи., давлат томонидан бевосита ёки билвосита қўллаб - қувватланувчи ва уларни риоя этилишини давлат томонидан тартибга солинувчи умумий ижтимоий нормалар бўлиб ҳисобланади. Институтларни инсонлар ўртасидаги турли хил муносабатларни (ишлаб чиқариш, сиёсий, иқтисодий ва х.к.) ижтимоий тартибга солувчи деб қараш мумкин. Институт тушунчаси ижтимоий меъёр сифатида инсонларнинг ижтимоий муносабатлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари билан бевосита узвий боғлиқдир.¹

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барча корхоналарини функционал белгиси бўйича ҳам дифференциациялаш мумкин. Уларнинг маълум бир қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва фермер хўжаликларнинг асосий ва ёрдамчи қуйи тизимлари фаолиятини ташкиллаштириш, барпо этиш, ривожлантириш ва айни пайтда уларнинг фаолиятини назорат қилишга бевосита жавоб беради.

АСМда ишлаб чиқариш инфратузилмасини уни шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва амалда бўлишини таъмин этувчи иқтисодий, атрибутив ва бошқа белгилари, шунингдек мазкур жараёнга бевосита таъсир этувчи бир қатор ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш ва унинг корхоналарининг ўзаро уйғунлигини таъмин этиш агросаноат ишлаб чиқаришининг барқарорлашувига ва истиқболда ривож топишига имкон беради.

Агросаноат мажмуи ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари

¹ Белокрышова О.С., Германова О.Е., Солдатова И.Ю. ўша асардан

фаолияти бир бири билан узвий боғлиқ. Хар бир корхонанинг ўрни ва вазифалари алоҳида ҳолатда, унинг ишлаб чиқариш фаолияти ва таъсир кўрсатиш доиралари билан чекланган бўлади. Бир неча корхоналарнинг салоҳиятини, назорат функцияларини ва мажбуриятларини ягона тузилмага бирлаштириш уларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлигини оширади.

Инфратузилманинг амал қилиши: бу бир томондан,- моддий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи инсонни, инсон капитали сифатида такрор ишлаб чиқариш, учинчидан инсонлар ҳаёт фаолияти табиий муҳитини қайта тиклаш каби кўп қиррали тавсифга эга. Бунда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва атроф-муҳит муҳофазаси инфратузилмаларининг, ишлаб чиқариш (бутловчи қисмларни бир корхонадан иккинчисига етказиб бериш), ижтимоий (оёқ кийим, кийим-кечак таъмири) ва атроф-муҳит муҳофазаси (сув, ҳаво, тупроқ ва шу кабиларни тозалаш) соҳаларида хизматлар кўрсатиш йўли билан иқтисодий неъмат сифатида товар қийматининг ўзгариши амалга ошади. Мазкур инфратузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш кўп жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг тўлов қобилиятига, қишлоқ ҳудудларида инвестицион фаоллик даражасига ва айна пайтда агросаноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш хусусиятлари, омиллари ва шарт-шароитларига боғлиқдир.¹

Ишлаб чиқариш, табиий хўжалик ва ижтимоий инфратузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик цикли, ҳамкорлик алоқалари жараёнига тобора кўпроқ хўжалик юритувчи субъектларни қамраб олувчи занжирни вужудга келтирувчи доиравий айланишни ифода этади. Ишлаб чиқариш, табиий хўжалик ва ижтимоий инфратузилмаларининг ўзаро уйғунлигини таъминлашнинг республика ва маҳаллий институтлар кўринишидаги тизими мавжуд. Бозор учун муҳим бўлган иқтисодий ахборотларни тарқатувчи ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет- агентликлари - бу республика институтлар ҳисобланади. Минтақа бошқарув органлари

¹ Иванова Н.В. Ўша асарда.

томонидан ташкил этилувчи тадқиқот марказлари, маҳаллий ахборот агентликлари, маркетинг марказлари, уяли ва бошқа алоқа тизимлари; инфратузилма субъектларини ахборот билан таъминлашга хизмат қилувчи муассасалар; у ёки бу туманда мавжуд бўлган маҳаллий меъёр ва қоидалар, урф-одатлар ва бошқалар маҳаллий институтлар сифатида эътироф этилади.

Инфратузилма корхоналарининг тизим тўлдирувчи ҳатти-ҳаракатларига бир корхонанинг фаолияти қисман бўлсада, иккинчи бир корхонанинг фаолиятига боғлиқликда бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг ҳалқасимон фаолияти сифатида қараб чиқиш мумкин. Яъни бир инфратузилма объектининг тайёр маҳсулоти ёки хизмати бошқа бир инфратузилма объекти учун хомашё бўлиб ҳисобланади унинг асосида мутлақо янги кўриниш ва сифатдаги маҳсулот ёки хизмат ишлаб чиқарилади. Мазкур ҳолатда ишлаб чиқариш ва инфратузилма соҳалари корхоналарининг ўзаро ҳатти-ҳаракатларини тўғри йўлга қўя олиш муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Масалан, қайта ишловчи корхоналар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларсиз, асбоб-ускуналарни таъмирлаш хизматларисиз, таъминотчи ва юк ташувчи фирмаларсиз, сотиш бозорларисиз, фаолиятни тартибга солувчи давлат органларисиз тўла қонли фаолият кўрсата олмайди.

Санитария-ветеренария станцияларининг иш фаолияти маълум даражада ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимояловчи вакцина ва воситаларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда таъминотчилар; бу хил хизматларнинг асосий истеъмолчилари бўлган атроф-муҳит муҳофазаси субъектлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари; сув тармоқлари ва тозалаш иншоотлари юқорида тилга олиб ўтилган устидан назорат қилувчи станциялар бевосита уларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

АСМнинг самарали ва барқарор ривожланишининг муҳим шарти-мажмуа соҳалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, унинг барча ташкил этувчилари ўртасидаги ўзаро нисбат ва мувофиқликни таъминлашдан иборатдир. Мос ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд бўлмаган шароитда,

кўпчилик вазиятларда қайта ишловчи корхоналар ўзларининг харид нархларини пасайтириш ва сотиш нархларини ошириш мақсадида ўзларининг монополь мавқеиларидан фойдаланадилар¹.

Бу қишлоқ туманларида оммавий тарзда гўшт, сут, мойли экинлар уруғи (жувоз), дон (ун тегирмонлари) ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича кичик цехларнинг шаклланишига олиб келди. Унчалик катта бўлмаган қайта ишловчи корхоналарни қуриш фермер хўжаликларидан етарлича катта ҳажмдаги капитал қўйилмаларни талаб этди, лекин комплекс қайта ишлаш имкониятларининг етарли эмас ҳолларда хомашёнинг асоссиз нобуд бўлишига олиб келади. Қайта ишловчи корхоналар ўзларининг хомашё зоналарини йўқота бориб, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаяптилар, қувватлардан фойдаланиш коэффициентининг 20 фоиздан 30 фоизгача ораликда тебраниб туриши хомашёни қайта ишлаш нархининг қимматлашувига, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали модели рақобатбардошлик муҳитида ва кооперацион алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда мавжуд бўлади. Йирик корхоналар учун, уларнинг атрофида майда ва ўрта-ишлаб чиқариш, инновацион, ҳуқуқий ва маслаҳат хизматларини таклиф этувчи сервис корхоналаридан иборат бўлган таъминотчиларнинг самарали тизими шаклланган ҳолдагина рақобатбардош бўлиб борадилар. Шу тариқа, яхлит тармоқ кластери шаклланади. Фақатгина шундай шароитдагина бош корхонанинг эгилувчанлиги ўсиб боради. У тобора яқуний маҳсулотга нисбатан бозор талабларининг ўзгаришига мослашиб боради. Бундай ёндашув инновацияларни тезкор жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шу каби бир қатор авфзалликларга эга бўлиш имконини беради.

Институтлар тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъмин этиш борасидаги муҳим вазифа- кўп сонли тармоқларнинг ўзаро келишилган

¹ Минасов М. Ўша асардан

хамкорликдаги фаолиятини таъмин этишдан иборатдир. Агросаноат мажмуи тармоқлари барча бўғинларини мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш - мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хомашёси билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг муҳим дастагидир. Иқсодиёт тармоқларининг ўзаро мувофиқлашган хамкорликдаги фаолиятида инфратузилманинг катта ўрин тутиши шундай муҳим бир ҳолат билан белгиланадики, у ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг барча асосий: ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол босқичларида иштирок этади.

Унда АСМнинг ҳар бир институти ўзига хос функционал вазифага эга: бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарса, бошқалари уларни қайта ишлаш билан машғул бўлади, учинчиси уни истеъмолчиларга етказиб беради, тўртинчиси сервис функцияларини бажаради, бешинчиси эса бутун тизимни меҳнат воситалари ва предметлари билан таъминлайди. Ҳар бир тармоқнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятлари давомида ўзларининг хўжалик манфаатларидан келиб чиқиб иш кўрадилар ва товар ишлаб чиқарувчи сифатида алоҳидалашган бўладилар. Улар бир асосий ҳолатда ўзаро боғлангандирлар, яъни уларнинг ҳар бири такрор ишлаб чиқариш циклининг аввалги босқичида ишлаб чиқарилган ресурсларнинг истеъмолчисини бўлганлари ҳолда, бир вақтнинг ўзида янги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг навбатдаги босқичида истеъмол қилиш учун мўлжалланган ресурсларни ишлаб чиқарувчиси ҳам ҳисобланадилар.

АСМ ишлаб чиқариш инфратузилмаси институтлари тизими мураккаб кўринишдаги функционал, хўжалик ва ижтимоий тузилмасига эга. У кўплаб агросервис, фан соҳаси, таълим муассасалари ташкилотлари ва бирлашмалари каби кўп сонли корхоналардан иборат бўлади. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг фаолияти кўплаб истеъмолчилар, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига қаратилган бўлса, агро-саноат мажмуининг якуний маҳсулотлари савдо ташкилотлари орқали индивидуал (чакана) истеъмолчиларга етиб келади. Бу пировард маҳсулот ишлаб чиқариш

тузилмасини ижтимоий эҳтиёжлар кўлами ва тузилмасига яқинлаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантиришда алоҳида эгилувачанлик ва маневрчанлик бўлиши лозимлигини талаб этади.

АСМ тузилмасида қуйидаги энг муҳим соҳаларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати ва тайёрлов тизими корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъмин этувчи саноат тармоқлари;

- бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши: чорвачилик ва деҳқончилик;

- қайта ишловчи саноат;

- инфратузилма хизматлари: қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш-техник, агрокимёвий, мелиоратив, атроф-муҳит муҳофазаси, ветеринар хизматлар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сақлаш, ташиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар жамланмаси, ҳамда агросаноат мажмуи маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдо бозорлари .

АСМ таркибига информатсион, илмий -тадқиқот, молиявий, жорий этиш марказлари, консалтинг хизматлари каби бозор тузилмаларини ҳам киритиш лозимлиги тўғрисидаги олимларнинг қарашлари асосли бўлиб ҳисобланади. Яхлит тарзда халқ хўжалиги комплексига қуйидагилар киради:

- 1) қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи ва агросервис корхоналаридан иборат бўлган тармоқлар;

- 2) қишлоқ хўжалиги;

- 3) тайёрлаш ва сақлаш корхоналари;

- 4) агротехник ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлардан ташкил топади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мустақил товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, ҳамда ишлаб чиқариш - қайта ишлаш-сотиш - истеъмол циклининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилаётган

барча субъектлар эндиликда, тўлиқ, ҳаққоний ва ўз вақтида зарур бўлган ахборотларга эга бўлмасдан туриб, бозорда муваффақиятли фаолият кўрсата олмасликлари ҳеч кимга сир эмас. Бошқарувчиларга бошқа ишлаб чиқарувчилар, эҳтимолли истеъмолчилар, бутловчи қисмлар ва технологиялар, хомашё таъминотчилари, товар ва капитал бозорларидаги вазият ва нарх-наво, бизнес оламидаги ҳолат, умумий иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, иқтисодиёт ривожланишининг узоқ муддатли тенденциялари, хўжалик юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар жуда ҳам зарур. Ўтган даврлар тажрибасига, раҳбарнинг интуицияси ва қарашларига таяниб иш кўриш етарли эмас. Тўлақонли ахборот молиявий хавф-хатарни пасайтириш эвазига аниқ устунликка эга бўлиш, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини ўз вақтида илғаб олиш, ташқи муҳитни кузатиб бориш, стратегияни мувофиқлаштириб бориш, фаолиятни ҳаққоний баҳолай олиш, рекламага ишончни ошириш, самарадорликни ошириш каби имкониятларни беради. Бошқариш ахборотни олиш ва қабул қилишдан бошланиб тегишли ахборотлар асосида бошқарув қарорларини бажарилишини назоратини амалга ошириш билан тугалланади.¹

У ёки бу сервис хизматининг амалда бўлиш жойи ва унинг индивидуал, худудий ёки ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларини таъмин этишдаги ўрнини яққол тасаввур этиш амалиётда "фактор-минимум"нинг чекловчи таъсирини бартараф этиш ва агросаноат мажмуида ижобий тузилмавий силжишларни таъмин этишга қаратилган инвестицион сиёсат чоратадбирларини қўллаш борасида АСМ ишлаб чиқариш тизимидаги чекловчи бўғинларни тезда аниқлаб олиш имконини беради.

Дастлаб бу хизматлар ягона сервис маркази бўлган бўлсада, бозорнинг ривожланиши, талаб ва таклиф тузилмасидаги ўзгаришлар натижасида минтақа АСМ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қуйи тизимлари

¹ Овчинников В.Н., Ахохов М.Х. Рыночная стратегия материально-технического обеспечения регионального АПК.-Нальчик Издательский центр «ЭЛЬ-ФА», 1994

² Кочанов М.А., Семенов П.К. Бурланков С.П. Оптимальные формы объединений в АПК //Достижения науки и техники АПК.-2002. №5с.34.

функцияларини ажратишга зарурат туғилди. Шундай қилиб, пировард маҳсулотнинг сифати ишлаб чиқаришнинг бутун технологик занжирининг ишончли фаолият кўрсатишига боғлиқдир. Аммо инсоннинг иштирокисиз юқори сифатли маҳсулот олиш амалда мумкин эмас. Шунинг учун ҳам АСМ юқори малакали кадрлар салоҳиятини мавжуд бўлиши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш ва техник таъмирлашни оптимал хизматларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришда минимал йўқотишларни таъминлаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ташкилий-тузилмавий йўсинда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қуйи тизим чегаралари хизмат кўрсатиш тавсифидаги тегишли тармоқларнинг ишлаб чиқаришга ёки муомала соҳасига мансублиги, функционал белгилари эса - АСМ такрор ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни билан белгиланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг амалда бўлиш соҳалари бўйича унинг турли қуйи тизимларига мансуб бўлган аралаш фаолият турларини моддий-техник таъминот ва техник-таъмирлаш хизматларига бўлишимиз мумкин. Бундай ажратиш ишлаб чиқариш ва муомала соҳасига мансуб бўлган инфратузилма турли қуйи тизимларининг икки ташкил этувчисининг АСМ такрор ишлаб чиқариш тизимида ўзаро боғлиқ тарзда амалда бўлишини кузатиб бориш имконини беради. АСМ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг мустақил ҳолда бошқа корхоналар билан алоҳида ҳолда чекланган фаолияти самарадорлиги даражаси паст бўлади. Барча корхоналар фаолиятини ягона вазифани бажариш ва уларнинг функциялари ва назоратини ягона тузилмага бирлаштириш ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқариш имкониятларини ва самарадорлигини оширади.

2.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРАЖАСИ

2.1. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишини ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланмоқда. Бунда ер ҳақиқий эгасини топганлиги, соҳада изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги мавжуд ҳолатлари ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан зарур кўмак берилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр соҳадаги ислоҳотларнинг негизини ташкил этади. Шу ишларни изчил амалга ошириш мақсадида 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш ва давлат буюртмасига нархларнинг шаклланишини такомиллаштириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий тузилмасини қайта ўзгартириш ҳамда уларнинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликлари учун бугунги кун талабига жавоб бера оладиган замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш, улар тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштиришга эришилди ва барқарор иқтисодий фаолият юритишларининг ташкилий ва иқтисодий асослари яратилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тамойилларига мос Республика фермерлар Кенгаши ва унинг ҳудудлардаги тузилмалари ташкил этилди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга

қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача 6,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2013 йилда 17,5 фоизгача камайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди.

2.1- жадвал

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари¹ (%да)

Кўрсаткичлар	2005й.	2008й.	2011й.	2013й
ЯИМда қишлоқ хўжалиги улуши	26,3	19,7	17,6	17,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари	105,4	104,5	106,6	106,8
Дехқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши	107,0	103,3	106,0	106,4
Дехқончилик маҳсулотининг қишлоқ хўжалигидаги улуши	55,6	56,6	57,8	59,8
Чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши	103,6	105,8	107,6	107,4
Чорвачилик маҳсулотининг қишлоқ хўжалигидаги улуши	44,4	43,4	42,2	40,2
Иқтисодиётга жалб этилаётган жами инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улуши	4,4	2,7	4,6	4,1
Қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг умумий бандликдаги улуши	29,1	27,5	27,2	27,2

¹ . Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Дехқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига деҳқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2013 йилда 59,8 фоизгача ошишига эришилган бўлса, чорвачилик улуши эса 44,4 фоиздан 40,2 фоизгача камайди (2.1-жадвал).

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнининг самарали амалга оширилиши тармоқда нодавлат сектор улуши 99,9 фоиз даражагача етиб, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилганлиги, уруғ ва чорва моллари зотларининг яхшиланиши, агротехнологик тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлиги ҳамда маҳсулдорлигини ўсиши каби агротехнологик омиллар билан бир қаторда, рентабелсиз ёки зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштиришга эришилди ва экин майдонларини оптималлаштириш натижасида ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга ўтиши учун имкон яратмоқда. Бу эса муҳим омил ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари ўртасида республикамиз қишлоқ хўжалиги ўзининг барқарор юқори суръатларда ривожланаётганлиги билан ажралиб туради. 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожланиш суръатлари даражасига кўра – паст, ўрта ва юқори даражадаги ривожланишда Россия (3,5%), Қозоғистон (3,4%), Украина (3,6%) кўрсаткичлар билан ўртача ўсиш суръатларига эга бўлган бўлса, Ўзбекистон 6,1 фоиз ўртача ўсиш кўрсаткичлари билан юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар рўйхатида мустаҳкам ўринни эгаллаб келаётганлиги ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим ижобий натижаларидандир.

Қишлоқ хўжалигида ривожланиш омиллари ҳисобланган-агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқни барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу йўналишда тармоқда қиймат жиҳатдан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради.

2.2-жадвал

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг маҳсулот турлари бўйича таркиби¹ (%да)


Маҳсулот турлари	2005й.	2008й.	2011й.*	2013й
Пахта	17,1	11,8	9,5	8,9
Бугдой	13,8	12,1	10,2	9,4
Сабзавот	7,4	9,4	16,3	14,6
Картошка	3,8	7,4	8,7	10,8
Полиз экинлари	1,1	1,8	2,1	2,7
Мевалар	4,2	6,2	4,9	6,4
Узум	2,6	4,8	5,1	6,2
бошқалар	5,6	3,1	6,0	0,8
Дехқончилик	55,6	56,6	57,8	59,8
Гўшт	24,7	26,6	26,8	24,6
Сут	13,2	12,2	11,5	12,0
Тухум	3,0	2,6	2,9	2,4
Жун	0,1	0,1	0,1	0,1
Қорақўл	0,1	0,1	0,1	0,1
Пилла	0,2	0,3	0,3	0,4
бошқалар	3,1	1,5	0,5	0,6
Чорвачилик	44,4	43,4	42,2	40,2

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил этилаётган даврда деҳқончилик ва чорвачиликдаги нисбатларнинг ўсимлик парваришlash фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хомашёси ва ғалладан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари улушини кескин ўсаётганлиги ҳисобидандир. Жумладан, сабзавот (2005 йилда 7,4% дан 2013 йилда 14,6%га), картошка (3,8% дан 10,9%га), полиз экинлари (1,1 %дан 2,7%га), мевалар (4,2%дан 6,4%га) ва узум етиштириш (2,6%дан 6,2%га) жами 19,1дан 36,6 %га ошганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир. Чорвачилик улушининг пасайиши эса, мос равишда бевосита асосий маҳсулотлар ҳисобланган гўштнинг(24,7 дан 24,6 %га) ошганлигига қарамай, сут (13,2%дан 12,0%га) ва тухумнинг (3,0%дан 2,4 %га) улуши қисқариши ҳисобига содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз (2.2-жадвал).

Албатта, бундай таққослаш бир томондан маҳсулотларнинг ички бозорда шаклланган нархига, аксарият жиҳатдан уларнинг ҳажми, миқдори ва сифатига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Лекин, бугунги кунда шаклланган ушбу таркиб чорвачиликни янада ривожлантириш борасида чорва бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ва мустақкам озуқа базасини яратиш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Умумий ҳисобда, республика бўйича экин майдонларининг умумий ҳажми ўсди (2005 йилдаги 3647,5 минг гектардан 2013 йилда 3656,3минг гектаргача), бироқ пахта майдонлари 1472,3 минг гектардан 1308,8 минг гектаргача қисқарган бўлса, дон экинлари 1616,1 минг гектардан 1642,0 минг гектаргача кенгайди. Жами экин майдонларида пахта экинлари майдонларининг қисқариши ҳисобига картошка ва сабзавот-полиз экинлари майдонлари 222,7 минг гектардан 318,8 минг гектарга, яъни, 91 минг гектарга ёки 1,4 мартага кенгайиб, уларнинг улуши 2005 йилдаги 6,1 фоиздан 2013 йилда 8,6 фоизгача ортди. Ушбу даврда ем-хашак экинлари майдонлари 8,1 фоизга кенгайиб (290,3 минг гектардан 315,2 минг гектарга), 2005 йилда жами экин майдонларидаги улуши 8,0 фоиздан 2013 йилда 8,7 фоизга ошган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

6- Расм. Барча турдаги мулкчилик шаклларида бўлган хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг таркиби (%да)

Экин майдонларининг ўзгариши бевосита хўжалик юритиш шакллари фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Чунки, фермер ва деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари кенгайиши билан бир қаторда ширкат хўжаликларида экин майдонларининг қисқариши тенденцияси жадал суръатларда давом эттирилди. Ширкат хўжаликларининг жами экин майдонларидаги улуши 29,2 %дан 2,1 % гача қисқаргани ҳолда, фермер хўжаликларининг улуши 58,7 %дан 84,9 %гача ва деҳқон хўжаликларининг улуши 12,1 %дан 12,9%га ортган. Бугунги кунда асосий қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича ширкат хўжаликларининг улуши донда - 1,9%, картошка, сабзавот ва полизда - 1,3 % ва ем-хашакда - 8,9%ни ташкил этаётган шароитда, ушбу кўрсаткич мос равишда фермер хўжаликларида - 84,4%, 34,4%, 76,5%ни ва деҳқон хўжаликларида 13,2%, 64,3% ва 14,5%ни ташкил этмоқда. Яъни асосий экин майдонларининг хўжаликлар ўртасида бундай тақсимланиши ва таркибининг шаклланиши асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган мавжуд ерларнинг шароитига мос келсада, аҳолининг сонини кўпайиши ва

эхтиёжини ортишидан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари майдонларини кенгайтиришни талаб этади. Шунинг учун ҳам келажакда ушбу йўналишда бошланган жараёнлар изчил давом эттирилмоғи керак.

2013 йилда 7,6 минг гектар майдонга мевали дарахт кўчатлари экилди, шу жумладан, 2,8 минг гектар ерда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди, 8,5 минг гектардаги боғлар ва 6 минг гектардаги узумзорларда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Пахта экин майдонларининг изчил қисқариб бориши ва бу майдонларда ғалла, сабзавот, полиз экинлари, картошка, ем-хашак экинларининг экилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги ва улар нархларининг кескин ошиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш натижасида, пахта экин майдонларини қисқарганлиги ҳисобига пахта хомашёси етиштириш 2005 йилдаги 3728,4 минг тоннадан 2013 йилда 3460,1 минг тоннага ёки 7 фоиздан ортиқроққа камайгани ҳолда, дон экинлари етиштириш ҳажми (6401,8 минг тоннадан 7140,1 минг тоннагача ошди) 11,1%га кўпайди. Мева-сабзавот экинлари: картошка етиштириш ҳажмлари 2,2 баробар, полиз экинлари етиштириш - 2,3 баробарга, мева ва резавор мевалар етиштириш - 2,1 баробарга ва узум - 1,9 баробарга ошди. Мазкур экинлар етиштиришнинг эришилган даражаси мамлакатимизнинг ушбу экинларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бирга уларнинг барқарор экспортини ҳам таъминлаш имконини берди.

Ресурс тежовчи технологияларнинг жорий этилиши ва бошқа агроинновацион тадбирлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошди, айнан мана шу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлмоқда. Жумладан, пахта хомашёси ҳосилдорлиги 2005 йилдаги 25,3 ц/гадан 2013 йилда 26,4 ц/гага (4,3%), буғдой - 41,5 ц/гадан - 47,3 ц/гага (14,0%), картошка - 170,3 ц/гадан - 203,7 ц/гага (19,6%), сабзавот - 215,8 ц/гадан - 265,6 ц/гага

(23,1%) , мева - 62,3ц/гадан -104,7 ц/гага (68,1%), узум - 64,7 ц/гадан -108,6 ц/гага (67,9%) ошди (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Барча мулк шаклидаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экин турларининг ўртача ҳосилдорлиги¹ (ц/га)

Маҳсулот турлари	2005й.	2008й.	2011й.	2013й
Пахта	25,3	24,0	26,3	25,7
Буғдой	41,5	44,4	47,2	45,0
Картошка	170,3	194,1	195,7	210,2
Сабзавот	215,8	246,4	263,7	277,9
Мева	62,3	82,5	97,3	110,0
Узум	64,7	77,4	97,8	113,2

Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам ширкат хўжаликларида пасайиш кузатилган бўлса, деҳқон ва фермер хўжаликларида ҳосилдорликнинг юқори даражада ўсиш суръатларига эришилганлиги диққатга сазавордир. Ушбу йўналишда фермер хўжаликларининг ўзига хос ўринга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг мавжуд салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланишларига эътибор қаратилиши керак. Деҳқон хўжаликлари кичик ҳажмли майдонларда юқори кўрсаткичларга эришаётган эканлар, демак фермерлар учун яратилган шароитлар уларнинг юксак натижаларга эришишлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири бўлмиш чорвачиликни жадал ривожлантиришда мазкур соҳага ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги зооветеринария ва зоотехник хизматлари кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш масалалари билан бир қаторда кам

¹ . Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ, 2006-2010 йилларда шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омукта ерни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари бемалол олиши имкониятларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳомийлар ва нодавлат хайрия ташкилотлари маблағи ҳисобига кам таъминланган оилаларга сизир тарқатиш самарасида биргина 2007 йилнинг ўзидаёқ, барча турдаги хўжаликларда қорамоллар бош сони 6571,4 мингдан 7042,5 мингга, шу жумладан, деҳқон хўжаликларида 6061,3 мингдан 6537,0 минг бошга ҳамда фермер хўжаликларида 332,3 мингдан 374,7 минг бошга кўпайди. Ушбу жараёнлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосланиб, тўйимли озуқа етказиб бериш ва сотишга ихтисослашган

13 та ҳудудий ва 170 та туман бирлашмалари ҳамда 1448 та ҳудудий шахобчалар ташкил қилинди.

Дехқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига тўйимли озуқаларни узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида 1960 дан ортиқ ем сотиш шахобчалари ташкил қилиниб, улар орқали 2008-2010 йиллар давомида 93 минг тоннадан ортиқ омухта ем, 924,5 минг тоннадан ортиқ шрот ва 686,5 минг тоннадан зиёд шелуха етказиб берилди. “Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йил кимошди савдоларида 20300 бош, 2009 йилда эса 24600 бош қорамол сотилди. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун аҳолига 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 миллиард сўмни ташкил этган. Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан 2008 йилга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди”¹.

2009 йилга келиб барча турдаги хўжаликларида йирик шохли қорамоллар бош сони 8893,4 мингни ташкил этиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 фоизга; шундан сигирлар 3685,0 минг бош (5.6%), қўй ва эчкилар 15277,0 минг бош (6,3%) ва паррандалар 35314,0 минг бош ёки 18,2 фоизга кўпайди.

2010 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида 2835 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 4,0 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 2355 бош қорамол бепул етказиб берилди. Пировардида 2005- 2012 йилларда барча турдаги хўжаликларда йирик қорамоллар 10141,3 минг бошни ташкил қилди (2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайган), шу жумладан, сигирлар сони 3935,0 минг бошга етди (ўсиш 1,4 баробарни ташкил қилди), қўй ва эчкилар ҳам 17128,8 минг бошни ташкил этиб, 1,5 баробар ошганлиги ушбу соҳада эришилган муҳим ижобий натижа бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари

¹. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

етиштириш ҳажмини оширишнинг асосий омилига айланди. Бундай ижобий натижалар замирида чорва бош сонининг асосий қисми жамланган деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarини жадал ривожланиши ҳамда уларни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг самарали тизими яратилганлиги мужассам. Бунинг натижаси ўлароқ, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига йирик шохли қорамолларнинг 94,5%, қўй ва эчкиларнинг 82,7 % тўғри келиб, фермер хўжалиklarида ушбу кўрсаткич мос равишда 5,2% ва 7,4% ни ташкил этмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан Республика “Ўзнаслчилик” корхонаси негизда насли буқа уруғини қадоқлайдиган линия ўрнатилиб, музлатилган насли буқа уруғини мамлакатимизда тўлиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги насли буқалар уруғини қадоқлаш линияси Мараказий Осиёда ягона ҳисобланади.

2007 йилда республикаимизда бир доза ҳам насли буқа уруғи ишлаб чиқарилмаган бўлса, 2010 йилда 1 миллион 437 минг доза насли буқа уруғини қадоқлаш амалга оширилди. (2007 йилда четдан 64210 доза насли буқа уруғи олиб келинган бўлса, 2010 йилда атиги 26500 доза олиб келинди. Сўнги 5 йилда республикаимизга четдан жами 18 минг 191 бош зотли қорамол олиб келинган бўлиб, улардан 21 минг 496 бош насл олинди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хориждан зотдор моллар олиб келишдан ташқари асосий эътибор наслчилик ишларини яхшилаш, мамлакатимиз иқлим шароитларига мос қорамол зотларини ўзимизда кўпайтиришга қаратилиши лозим. Республикаимиз шароитида олинган насли авлодлар маҳаллий шароитларга чидамли ва нисбатан маҳсулдор бўлади.

Чорвачиликда чорва моллари сонини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Натижада таҳлил этилаётган даврда чорвачиликнинг барча асосий маҳсулотлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига эришилди. Хусусан,

гўшт (тирик вазнда) етиштириш -1061,2 минг тоннадан -1672,9 минг тоннага (157,6%), сут - 4554,9 минг тоннадан-7310,9 минг тоннага (160,5%), тухум-1966,7 миллион донадан-3873,7 миллион донага (197,0%), шунингдек, жун-154,7%га, қоракўл тери-162,2%га, пилла-154,3 %га, асал-2,3 ва балиқ -12,6 баробар ортди.

Бундай ижобий кўрсаткичлар, авваламбор, азалдан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчи ўринга эга бўлган деҳқон хўжаликларида (2013 йилда гўштнинг 94,7%, сутнинг 95,9%, тухумнинг 54,6 %, жуннинг 86,1%, қоракўл териларнинг 66,8% улар томонидан ишлаб чиқарилган) ҳамда фермер хўжаликларида (пилланинг 97,2% ва тухумнинг 12,0%) ва ширкат хўжаликларида (тухумнинг 33,4%, қоракўл териларнинг 29,1% ва жуннинг 7,1%) тайёрлангани барқарор ўсиш суръатларига эришилганлиги натижасидир. Демак, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл терилари етиштиришда деҳқон хўжаликларининг юқори натижалари асосий манба бўлган бўлса, пиллачиликда фермер хўжаликларининг эришган натижалари ҳам муҳим манба ҳисобланади.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-Диаграмма. Мулкчилик шакли бўйича барча турдаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (2005 йилга нисбатан % да)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047- сон қарори доирасида гўштни қайта ишлайдиган 39 та ва сутни қайта ишлайдиган 58 та ҳамда сутни қабул қилувчи 43 та сервис марказлари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Республика қишлоқ хўжалиги кўп даражада суғориладиган деҳқончиликка асосланганлиги учун ҳам давлатнинг бевосита аралашуви талаб этилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги асосан, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, сув хўжалиги объектлари фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг техника таъминотини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, 2005-2013 йилларда бир гектар экин майдони учун сарф қилинган қўллаб-қувватлаш харажатлари 306,7 минг сўмдан 530,8 минг сўмга кўпайиб, 1,7 баробар ортган бўлса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси ҳам 7,0 %дан 7,9 %га ўсган.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга сарф қилинаётган ресурслардан самарали фойдаланиш мезони сифатида ҳар бир ажратилган сўмга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, тақослама нархларда 0,73 сўмгача ошганлиги ҳам ушбу даврда ижобий натижаларга эришилганлигидан далолат беради.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

2-Диаграмма. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга сарф қилинаётган ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари (%да)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 725-сонли қарорига биноан ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми амалиётга жорий қилина бошланди. Шу мақсадда 2008 йилда 60 миллиард ва 2009 йилда 120 миллиард сўм ажратилиб, бу иш кейинги йилларда ҳам изчил олиб борилди.

Ушбу жараён янада давом эттирилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелда “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 106-сонли қарори қабул қилинди. Унга асосан йўқотилган ҳосилнинг қийматини қоплашни молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби янада такомиллаштирилди. Ҳосилдорлик даражаси паст ерларда пахта етиштирувчи

фермерларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008-2012 йилларда 610 миллиард сўм миқдорида кўмак берилди.

Жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг ўзгариб туришини инобатга олган ҳолда, 2011 йил пахта ҳосилидан бошлаб, ички ва ташқи бозор баҳоси бўйича юзага келган тафовутни фермер хўжаликларига тўлаб бериш амалга оширилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида”ги 4 февраль 2011 йилги 30–сонли қарори). Дастлаб, ички ва ташқи баҳолардаги тафовутнинг 25 фоизи фермерларга берилган бўлса, 2012 йилдан бошлаб 50 фоизи уларнинг ихтиёрига ўтказилиши белгилаб қўйилди. Фақат 2011 йилда (пахта толаси нархи сезиларли ошган йил) пахта толасининг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушган 1613 миллиард сўмнинг 806,6 миллиард сўми (50%) Жамғармага, 403,3 миллиард сўми (25%) “Ўзпахтасаноат” уюшмасига ва фермер хўжаликларига 403,3 миллиард сўми (25%) ва 2012 йилда тушган 438,4 миллиард сўмнинг 219,2 миллиард сўми (50%) ва қолган 219,2 миллиард сўм жамғармага берилди.

Қўлланиладиган тартибга асосан юзага келган ижобий фарқдан келиб тушадиган маблағ Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасининг махсус ҳисоб рақамида тўпланиб, банк муассасалари орқали пахта тозалаш корхоналарининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Пахта тозалаш корхоналари томонидан эса фермер хўжаликлари томонидан сотилган пахтанинг умумий қийматига мутаносиб равишда уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Фермер хўжаликлари келиб тушган маблағлар тўлов топшириқномаси (инкассо талабномаси)га мувофиқ мутаносиб равишда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларидан ҳамда хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналари томонидан етказиб берилган моддий-техник

ресурслари ва кўрсатилган хизматлари бўйича мавжуд қарздорликларини сўндириш учун йўналтирилади.

Фермер хўжалиklarининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларидан ҳамда хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналаридан қарздорлиги бўлмаган тақдирда, улар бу маблағдан, ўз хоҳишига кўра биринчи навбатда моддий-техник ресурслари ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизматлари учун олдиндан тўлов шаклида фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида долзарб муаммолардан ҳисобланган техника таъминотидаги камчиликларни бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори муҳим омил бўлди. Унинг асосида Молия вазирлиги қошида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил қилиниб, фермер хўжалиklarига лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилиши қишлоқ хўжалигида техника таъминотида янги бозор тамойилларига мос тизимнинг шаклланишига олиб келди. Республикамизда фермер хўжалиklари учун техника воситаларини лизинг асосида харид қилиш механизми жорий этилди. Уларга сотиб олинаётган техниканинг бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини эса 10 йил ичида қайтариш бўйича имтиёзлар берилди. Шу йўл билан фермерлар 2004-2012 йилларда жами 14 ярим мингдан ортиқ техника воситалари сотиб олди.

“Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражасининг юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди ¹.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрда “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини амалга ошириш

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи” газетаси, 9 февраль, 2008 йил.

тўғрисида” ги 718-сонли қарори қабул қилинди ва бу борадаги амалий ишлар бошланди. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури доирасида 130,0 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан 2009 йилда 102 та лойиҳа бўйича 702 километр узунликда коллектор-дренаж тармоғи, 136 километр ёпиқ-ётиқ дренаж, 195 дона тик қудуқлар, 6 дона мелиоратив насос станциялари ҳамда 485 дона кузатув қудуқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 263 та лойиҳа бўйича 12 минг 696 километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди, 1311 километр ёпиқ-ётиқ дренаж ювилди, 1249 дона вертикал дренаж, 57 дона мелиоратив насос агрегатлар таъмирланиб, 48 миллиард 142 миллион сўм миқдаридаги (101,8%) маблағ ўзлаштирилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этилди. Сўнгги беш йилда мазкур жамғарма орқали 800 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, ариқ ва зовурларни тозалашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Натижада 3 минг 500 километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи қурилди ва реконструкция қилинди, 67 минг километрдан ортиқ мелиоратив тармоқ таъмирланди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ерларининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2012 йиллар давомида халқаро молиявий институтлар маблағи ҳисобидан 762 миллион АҚШ доллари қийматидаги 27 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ер ости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларининг мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 2003 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4,9 центнер, ғалла бўйича эса 9,5 центнерга ошди.

Дунёда содир бўлган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, авваламбор, озиқ-овқат

маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда, дастлаб, 2009-йил ҳосилидан бошлаб, пахта хомашёсини (200 минг тоннага), экин майдонларини (75,8 минг гектарга) қисқартириш ҳамда юқори талабга ва даромадга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда “Экин майдонларини оптималлаштириш ва озиқ-овқат экинларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-4041-сонли Фармониға мувофиқ бошоқли дон экинлари майдони 48,8 минг гектарга ва сабзаёт, ёғли ва картошка экинлари майдони 27 минг гектардан ортиқроққа кенгайтирилди.

Президентимизнинг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрь ПФ-4058-сонли Фармониға мувофиқ, 2009 йилда барча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ўртача 5-6 фоизгача ошириш, ҳар бир туманда муқобил иситиш манбаларига эга бўлган 5-6та енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш ва Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида 2 минг гектар экин майдонларида хорижий сармояларни жалб этган ҳолда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ишларини амалга ошириш белгиланган эди. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида қатъий мониторинг ва назорат тизими ўрнатилди. Бу эса, қишлоқ хўжалигида барқарор ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этишда кўмаклашиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари

билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида “Пахтабанк” акциядорлик тижорат банки негизида “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Бугунги кунда замонавий фермер хўжалиги фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, тижорат ва маркетинг фаолиятини юритиш, пуллик хизматлар кўрсатиш, ҳар хил кўринишдаги тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олиши керак. Бунинг учун эса, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодий юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, энг муҳими, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими янада такомиллаштирилмоғи лозим.

Фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, соҳанинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бир томондан фермер хўжаликларининг ўзини-ўзи бошқариш бўйича таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини янада яхшилаш имконини берса, иккинчи томондан фермерларнинг олган мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш борасидаги масъулиятини оширади. Шунингдек, фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмнинг самарадорлигини оширишда фермер хўжалиги фаолияти ичида ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларини ҳамда моддий рағбатлантиришни ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Бироқ, ҳозирги даврда ушбу йўналишда кўп иш қилниши даркор. Яъни, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланмаслик, маҳсулот етиштиришдаги ортиқча харажатлар ва сифатини

пастлиги каби ҳолатларнинг мавжудлиги фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, бир-бирига боғлиқ ички ва ташқи омилларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, бунинг учун эса, авваламбор, мамлакат миқёсида мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, ривожлантириш талаб этилса, бошқа жиҳатдан эса фермер хўжалигининг ички ишлаб чиқариш фаолиятида хўжалик доирасида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар бевосита хўжаликнинг мавжуд салоҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб шакллантирилмоғи лозим.

Лекин, ҳали ушбу йўналишда фойдаланилмаётган жуда катта имкониятлар ва муайян номутаносибликлар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш имкониятларини тўлиқ чекланганлиги шароитида фақат мавжуд салоҳиятдан, биринчи навбатда ер-сув ресурсларидан, иккинчидан, эса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш омилидан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида агротехнологик, иқтисодий-ташкилий ва ҳуқуқий шароитларни таъминловчи институтлар тизими - зарур инфратузилма объектлари мавжуд бўлиши шарт. Ўз ўрнида бозор инфратузилмасининг ривожланиши қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шаклланиши ва тараққий этишига ҳар томонлама ижобий таъсир ўтказди. Бундан ташқари, мазкур инфратузилманинг яратилиши ширкатларни қайта ташкил этиш туфайли бўш қолган, қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган қишлоқ аҳолисининг бир қисмини меҳнат фаолиятига жалб қилиб ва шу орқали аграр ислохотларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш имконини беради.

Бугунги кунда қишлоқларда 1293 та мини банклар, 1641 та муқобил МТПлар, 1504 сув истеъмолчилари уюшмалари, 1357 ёқилғи-мойлаш материаллари, 915та минерал ўғитлар сотиш шахобчалари, 300 консалтинг ва маркетинг марказлари, 2591 зооветеренария хизмати шахобчалари, 346

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари, 115та транспорт хизмати кўрсатувчилар ва бошқа инфратузилма объектлари фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришлари ва уни диверсификациялаш фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қорамолларни аҳоли ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш механизмларини яратиш, имтиёзли мақсадли кредитлар ажратилиши, ветеринар хизматлари кўламининг кенгайиши ва сифати ошиши, зарур миқдорда ем-хашак етказиб бериш билан боғлиқдир. Айни вақтда, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қарор топган қулай тенденцияларга қарамай, фикримизча, унинг ўсишига тўсқинлик қилувчи айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда:

- ғалла (38,7%) ва ғўза (36,0%)га ажратилган майдонлар умумий экин майдонларининг 74,7 фоизини ташкил қилса-да, юқори ҳосилдорликка эришиш учун зарур илмий-асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётир;

- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, техника ва ҳ.к) нархларининг ўсиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи ошиб кетмоқда;

- ер-сув ресурсларининг сифати, агроиклимий шароитлар ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олиб, экин майдонлари тузилмасини янада такомиллаштириш зарур;

- айрим суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда;

- ем-хашак экинлари учун умумий майдонлар улушининг пастлиги туфайли чорвачиликни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг камлиги ва етишмаслиги кузатилмоқда (8,6%). Оқибатда, чорвачилик маҳсулотини етиштириш ҳажмлари (тармоқнинг ўсиш суръатлари барқарорлигига қарамай) оқилона

истеъмол нормаларига мувофиқ аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас;

- қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмларининг ялпи умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 фоиз атрофида бўлиб, бу ҳам буганги кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни йил давомида сақлаш борасида катта амалий тажрибага эга. Шунга қарамай, кейинги йилларда уларни сақлашда қатор муаммолар вужудга келди. Бу ҳам бўлса, аксарият жиҳатдан, совутиш мосламалари ва омборхоналар етишмаслиги билан боғлиқдир. Бу муаммоларнинг ҳал этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, барча вилоятларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун, янги совутиш камераларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш вазифалари белгиланди. Шу мақсадда келажакда 120 минг тонна маҳсулот сақлайдиган совуткичлар тизими ташкил этилади, бу эса, қиш-баҳор мавсумида аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг техника паркани янгилаш, кенгайтириш, унумли ва ресурсларни тежовчи замонавий техникалар билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” ги 2012 йил 21 майда имзоланган ПҚ 1758-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2012 йил 14

июлда тасдиқланган қарори муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарорда 2016 йилга бориб асосий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг 22 тури бўйича янги техникаларнинг улушини 60 дан то 100 фоизгача етказиш вазифаси қўйилган. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигида техника таъминоти сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган узумчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1937 сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор келажакда узумчиликда амалга оширилиши зарур бўладиган кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олган бўлиб, уни мақсадли дастур сифатида қабул қилиш мумкин. Жумладан, 2013-2015 йилларда:

- республика ва вилоятлар даражасида узумчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ассортиментини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш кўрсаткичлари;
- мавжуд токзорларни кенгайтириш ва янги боғлар ташкил этиш;
- фермер ва бошқа узум етиштирувчиларни узум кўчатлари билан етарли миқдорда таъминлаш;
- узум етиштирувчи хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш объектлари тармоғини кенгайтириш;
- сув камчил бўлган ерларда бошоқли дон экинларини қисқартириш ҳисобига янги токзорлар барпо этиш;
- узумчиликни ривожлантиришда молиявий маблағларнинг асосан “Ўзвиносаноат–холдинг” холдинг компаниясининг ривожлантириш ва тараққий эттириш жамғармасининг 80 фоизга яқинини, шунингдек, ушбу холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар соф даромадининг 0,5 фоизга яқинини жалб этиш асосида янги интенсив боғлар ташкил этиш;

- узумнинг истиқболли ва юқори ҳосилдор навларини импорт қилишда 2016 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилиш (божхона йиғимларидан ташқари);

- тижорат банкларида узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига экиш материаллари ва бошқа махсус техникаларни сотиб олишлари учун махсус кредит линияларини очиш;

- жойларда мавжуд узумзорларни таъмирлаш ва янгиларини яратишни “Мева-шарбат” илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси томонидан илмий асосланган хулосаларга мувофиқ амалга ошириш каби вазифалар шулар жуъласидандир.

Шунингдек, узумчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган техника таъминотига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” 2012 йил 21 майда қабул қилинган ПҚ-1758-сон қарорида узумчилик ва боғдорчилик учун 2013-2014 йилларда 9 турда 2100тадан ортиқ янги техникалар ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Албатта, узумчиликда 2013-2015 йилларда мўлжалланган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширилиши, пировардида 22,6 минг гектарга яқин янги токзорлар яратилиши, мавжуд 15,7 минг гектар токзорларда таъмирлаш ишлари амалга ошириш, 217 та хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш ва 32 виночилик ва узумни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни модернизация қилиш ва янгиларини барпо этиш имконини беради. Бу миқдор кўрсаткичларининг ўсиши баробарида учта бирига чамбарчас боғлиқ бўлган масалалар -аҳолини узум маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, аҳоли учун қўшимча даромадлари манбаини вужудга келтириш ва янги иш ўринлари очишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигидаги энг асосий муаммо - бу ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланиши масаласидир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелда имзоланган “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни янада яхшилаш бўйича чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958- сонли қарорига мувофиқ ,мелиорация ва ирригация объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш (25000 гада) бўйича кенг қамровли чора–тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ҳал этилиши келажакда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлади.

Республикамизнинг умумжаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич, дадил кириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикасини оқилона белгилангани билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамлакат келажagini белгилаш ва унинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Пировардида, “...қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ўзгаришларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш негизида маҳсулот етиштириш ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлашнинг асосий шакли бўлган фермерлик институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлади.”¹ Бу эса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш; бозор инфратузилмаси шаҳобчалари фаолиятини ривожлантириш; янги иш

¹Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 128-бет .

ўринлари очиш ва қишлоқда аҳоли бандлиги ҳолатининг яхшиланишига замин яратади.

2.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш босқичлари ва истиқболлари.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши билан бирқаторда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма тизими ҳам юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдин бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ғарб иқтисодий адабиётларида бу жараёни “иқтисодиётнинг сервислашуви” (ингилизча “service” – хизмат) деган атама билан номланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сервислашувига қуйидаги омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказди: ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, аҳоли даромадларининг ўсиши, кредит ресурсларига бўлган талабнинг кенгайиши, илмий – техник тараққиёти суръатларининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг алоҳидалашуви ва диверсификацияси, ресурсларни тежашга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари нафакат бевосита хўжаликнинг ўз имкониятларига боғлиқ бўлади, балки унга хизмат кўрсатувчи қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ижтимоий иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир. У ишлаб чиқариш, технологик , иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган маҳсулотларни сотиш орқали АСМ нинг самарали ишлашини таъминлайди. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси

жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади ва фермер хўжаликларнинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМ нинг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишига йўналтирилган.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлинмаларининг ривожланиб боришидан деҳқон ва фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу хўжалик аъзоларини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикасида Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин ва улар учун хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди.

I – босқич 1995 – 2001 йилларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиш даври ҳисобланади. Ушбу йилларда инфратузилма хизматларига эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши билан характерланади. Бу босқичда паст рентабелли зарар билан ишлайдиган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари вужудга келди ва фермер хўжаликлари таъсисчилари ҳисобланган муқобил МТП, СФУ¹лар ташкил этила бошлади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, бу даврда инфратузилма объектларини шакллантириш учун етарли даражада ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар етарли эмас, ҳамда уларни ривожлантириш механизмлари шакллланмаган эди.

II – босқич (2002 – 2006 йиллар) – қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожлантиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг давлат дастурлари асосида шакллантирилиши кузатилди. Истиқболли хўжалик юритувчи шакл ҳисобланган фермер хўжаликларининг ривожини бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини

¹ МТП – машина трактор парклари, СФУ-сувдан фойдаланувчилар уюшмаси

таъминлашнинг асосий йўналишларнинг бири сифатида қишлоқда фермер хўжалиklarининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш белгиланди.

III–босқич 2007–2012 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури асосида амалга оширилиб хизмат турларини кенгайтириш, сифат даражасини яхшилаш ва истиқболли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашадиган хизмат турларини жадал ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255 – сонли ва 2006 йил 514 сонли қарорлари асосида мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун шарт – шароитларни таъминлаш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳар томонлама эътибор берилди.

IV–босқич 2012 ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу даврда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан яхшилаш даври бўлиб ҳисобланади. Унда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури қабул қилинди. 2012-2016 йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унинг асосий турларини янгилашнинг прогноз

параметрлари аниқланди. 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича технологик асбоб-ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Ушбу қарорда белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва чора-тадбирлар белгиланди. Унга мувофиқ қишлоқ хўжалигида 4та йўналишда амалий ишлар белгиланган: 1) қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни янгилаш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини янги, замонавий юқори унумли ва ресурсларни тежовчи техника билан таъминлаш; 2) қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турларини ишлаб чиқишга тайёрлаш; 3) қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва уларга сервис хизмати кўрсатишни молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш; 4) фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича амалий ишлар белгиланган ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, юртимиз Президенти И.Каримов “мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур¹” деб таъкидлаб ўтди. Шу боис қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий

¹ И.А.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ, № 13.

юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли ҳукумат қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурнинг ижросини таъминлаш учун чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Белгиланган мақсадли параметрларига мувофиқ 2013-2016 йиллар мобайнида ушбу тармоқнинг сервис хизмат кўрсатишни 1,8 мартага, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳадаги хизматларни 1,2 мартага, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, таълим бериш хизматларини 1,6 мартага, қурилиш хизматларини 1,7 мартага, алоқа ва ахборотлаштириш, молиявий, соғлиқни сақлаш хизматларини 1,8 мартага, транспорт, технологик ускуналарини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш, маиший хизматларни 1,9 мартага, компьютер дастурлаш, туристик, савдо ва оммавий оқатланиш хизматларни 2,0 мартага ошириш режалаштирилган. Кўриниб турибдики, қишлоқда техникани таъмирлаш, замонавий технологияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш ва шу каби соҳаларга катта эътибор берилмоқда.

Бу даврда қишлоқда инфратузилма объектлари томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш аҳволи ва натижадорлиги юзасидан ўрнатилган мониторинг натижаларига кўра 2013 йилда 1641 та муқобил МТПлар 19607 та, 1504 та сув истеъмолчилари уюшмаси 51909 та, 1357 та ЁММ сотиш шохобчалари 44302 та, 915 та минерал ўғит сотиш шохобчалари 45006 та, 1293 та минибанклар 32075 та, 341 та консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш тармоқлари 3280 та, 346 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчалари 13724 та, 115 та транспорт шохобчалари 4298 та, 143 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари 1550 та,

2591 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари 5765 та, фермер ва деҳқон хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузган.

Шу билан бирга, барча хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ривожланиш

2.4-жадвал.

2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат соҳасини жадал ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари¹ (хизмат турлари кесимида)

т/р	Хизматлар тури	Хизматларнинг ўсиш суръати прогнози (олдинги йилга нисбатан)				2016 йил 2012 йилга нисбатан
		2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (шу жумладан уяли алоқа, “Интернет” тармоғига кириш, телевизион кабел тармоқлари, почта ва электр тармоғи)	114,7	115,1	115,1	116,1	1,8 марта
2.	Компьютер дастурлаш бўйича хизматлар (шу жумладан, электрон таълим ва маслаҳат хизматлари)	118,5	118,8	119,3	119,7	2,0 марта
3.	Молиявий хизматлар (банк, суғурта, лизинг хизматлари ва бошқалар)	114,9	115,4	115,8	116,2	1,8 марта
4.	Транспорт хизматлари (шу жумладан логистик хизматлари)	116,6	117,0	117,2	117,6	1,9 марта
5.	Қурилиш хизматлари (шу жумладан биноларни барпо этиш ва таъмирлаш, муҳандислик ускуналарини монтаж қилиш бўйича хизматлар)	113,0	113,2	113,8	114,2	1,7 марта
6.	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш	116,7	117,0	117,5	117,9	1,9 марта
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	110,7	111,3	112,2	112,7	1,6 марта
8.	Туристик хизматлар (шу жумладан меҳмонхона хизматлари)	118,0	118,3	118,9	119,6	2,0 марта
9.	Савдо ва оммавий овқатланиш хизматлари	118,4	118,8	119,0	119,1	2,0 марта

¹. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

10.	Маиший хизматлар	115,7	116,2	116,9	117,4	1,9 марта
11.	Таълим бериш хизматлар	110,6	111,5	112,0	112,6	1,6 марта
12.	Соғлиқни сақлаш хизматлар	115,0	115,3	115,8	116,1	1,8 марта
13.	Қишлоқ хўжалиги соҳадаги хизматлар	103,9	104,0	104,5	105,0	1,2 марта
14.	Бошқа хизматлар	110,9	111,2	112,3	113,0	1,6 марта
Жами		114,7	115,1	115,7	116,1	1,8 марта

тенденцияси йилдан-йилга ошиб бориши мўлжалланмоқда. Хусусан, жами хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати 2013 йилда 114,4 7 фоиз, 2014 йилда 115,1 фоиз, 2015 йилда 115,7 фоиз ва 2016 йилда 116,1 фоизни ташкил этади. Бу табиий ҳол, чунки қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш босқичида турибди.

2.5-жадвал.

2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат соҳасини жадал ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари¹ (худудлар кесимида)

т/р	Худудлар	Хизматларнинг ўсиш суръати прогнози (олдинги йилга нисбатан)				2016 йил 2012 йилга нисбатан
		2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	116,0	116,3	116,5	116,6	1,8 марта
2.	Андижон	114,9	115,2	115,5	115,8	1,8 марта
3.	Бухоро	117,8	117,9	118,5	119,3	2,0 марта
4.	Жиззах	117,6	118,7	119,1	119,3	2,0 марта
5.	Қашқадарё	115,3	115,4	115,4	115,5	1,8 марта
6.	Наманган	111,0	112,0	112,5	113,0	1,6 марта
7.	Навоий	117,8	118,4	118,8	119,3	2,0 марта

¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

8.	Самарқанд	116,8	118,1	118,8	119,1	2,0 марта
9.	Сурхондарё	119,3	119,5	119,6	119,7	2,1 марта
10.	Сирдарё	114,8	114,9	115,0	115,2	1,8 марта
11.	Фарғона	110,0	110,2	111,2	112,5	1,5 марта
12.	Тошкент	117,3	117,8	118,0	118,1	1,9 марта
13.	Хоразм	110,9	111,5	111,9	112,3	1,6 марта
Республика бўйича		114,7	115,1	115,7	116,1	1,8 марта

Агар ушбу параметрларни ҳудудлар бўйича кузатадиган бўлсак, хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати Сурхондарё вилоятида 2,1 баробар, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларида 2,0 баробар, Тошкент вилоятида 1,9 баробар, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида 1,8 баробар, Наманган ва Хоразм вилоятларида 1,6 баробар ҳамда Фарғона вилоятида 1,5 баробарни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқда хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръати кейинги беш йилда жами 161,6 фоизга кўпаяди. Бу албатта юқори кўрсаткич, ва уни изчиллик билан таъминлаш учун салмоқли миқдордаги маблағ талаб қилинади. Шу боис мазкур йўналишларда ишларни амалга ошириш учун республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари кредитларидан фойдаланилади. Қуйида келтирилган 2.6-жадвалда 2013-2016 йилларда ҳудудларда тижорат банклари томонидан маблағларни ажратиш прогноз кўрсаткичлари берилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун жами 57,1 млрд.сўм (жами республика кўрсаткичининг 14,0 %) маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қашқадарё вилоятида ҳам тижорат банклари катта миқдорда кредитлар ажратишни режалаштирилган. Улар мазкур йўналишга 44,4 млрд.сўм (ажриталаётган кредитлар умумий ҳажмининг 10,9 %) маблағ ажратиш мўлжалланган. Ушбу ҳудудда мазкур соҳага катта маблағ сарфлашнинг сабаблардан бири - бу ерда

кўп тарихий обидалар ва моддий эскирган ҳамда таъмирлаш ва жиҳозлашга мухтож кўп инфратузилма объектлари мавжуд.

Шунингдек, юқорида номи келтирилган Дастурда қишлоқ жойларда яқин истиқболда хизмат кўрсатиш ва бозор инфратузилмаларни барпо этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 2013-2016 йилларда 243та (2013 йилда 51та) алоқа ва ахборотлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, 419та (2013 йилда 106та) молиявий хизмат кўрсатиш, 42та (2013 йилда 15та) туристик хизмат кўрсатиш, 5,5 мингга яқин (2013 йилда 1,5 мингга яқин) савдо ва оммавий овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш, 10,6 мингга (2013 йилда 2,0

2.6-жадвал.

2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар миқдорининг прогнози¹ (худудлар кесимида, млрд.сўм)

т/р	Худудлар	Жами	шу жумладан:			
			2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	24,0	4,5	5,4	6,4	7,7
2.	Андижон	36,0	6,7	8,0	9,7	11,6
3.	Бухоро	29,9	5,6	6,7	8,0	9,6
4.	Жиззах	17,4	3,2	3,9	4,7	5,6
5.	Қашқадарё	44,4	8,3	9,9	11,9	14,3
6.	Наманган	24,5	4,6	5,5	6,6	7,9
7.	Навоий	12,7	2,4	2,8	3,4	4,1
8.	Самарқанд	57,1	10,6	12,7	15,3	18,4
9.	Сурхондарё	39,8	7,4	8,9	10,7	12,8
10.	Сирдарё	12,2	2,3	2,7	3,3	3,9
11.	Фарғона	39,5	7,4	8,8	10,6	12,7
12.	Тошкент	38,1	7,1	8,5	10,2	12,3
13.	Хоразм	30,6	5,7	6,8	8,2	9,8

¹ . Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

Республика бўйича	406,4	75,7	90,8	109,0	130,8
--------------------------	--------------	-------------	-------------	--------------	--------------

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

мингта) маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 384та (2013 йилда 175та) қишлоқ хўжалиги хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилиши кўзда тутилган. Бевосита фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга келсак, қишлоқ жойларда ушбу даврда қўшимча равишда 111та мини-банк, 70 та зооветеринария хизмати, 157 та минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шохобчалари, 157та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчаларини барпо этиш кўзда тутилган. 2013 йилда 25та (ушбу объектнинг ташкил этилаётган умумий сонига нисбатан 22,5%) мини-банк, 25та (35,7 %) зооветеринария хизмати, 80та (51,0 %) минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шохобчалари, 70та (44,6 %) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчаларини барпо этиш кўзда тутилган. Кўришиб турибдики, ташкил этилаётган инфратузилмаларнинг асосий қисми айнан 2013 йилда ташкил этиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, Давлат дастурида ҳудудий ҳокимият органларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини барпо этиш учун қишлоқ аҳоли пунктларидаги давлат мулки бўлган ва фойдаланилмаётган бинолар ва хоналарни тадбиркорлик субъектларига беришни, «бир ойна» тартиби бўйича хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини барпо этиш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиб берилишини ва бунда ҳудудларни қуришнинг бош режаларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашишни тезлаштирилган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини муҳандислик коммуникацияларига ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасига улаш каби вазифалар юклатилган.

Шунда қилиб, Давлат дастурларида белгиланган погност кўрсаткичлари ва чора-тадбирлар қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш,

хусусан фермер хўжаликларига замонавий янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган инфратузилмаларни барпо этиш ҳамда бозор талабларига мос юқори савияда хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, ва пировардида хизмат бозорини юксалтиришга замин яратиб беради.

2.7-жадвал.

2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда янги объектларни барпо этиш прогнози¹

т/р	Объект номи	жам и	2013 йил	Фоизда	Молиялаштириш ҳажми, (млрд.сўм)	1 та объектга тўғри келадиган маблағ (млн.сўм)
Алоқа ва ахборотлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш объектлари						
1.	Қишлоқ телефон станцияларида терминал ускуналарида хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш шохобчаси	55	10	18,2	0,06	1,1
2.	Почта алоқа бўлими	188	41	21,8	0,4	2,1
Молиявий хизмат кўрсатиш объектлари						
1.	Лизинг компания	49	8	16,3	1,3	26,5
2.	Мини-банк	111	25	22,5	1,5	13,5
3.	Махсус омонат кассаси	259	73	28,2	2,5	9,7
Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш объектлари						
1.	Зооветеринария хизмати шохобчалари	70	25	35,7	1,4	20,0
2.	Минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шохобчалари	157	80	51,0	4,7	29,9
3.	Қишлоқ маҳсулотларини хўжалиги сотиш шохобчалари	157	70	44,6	7,9	50,3

Юртимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини ташкил этиш борасида дастлабки

¹. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

кадам 1999-2001 йилларда санацияга тортилган ва санациядан кейин салбий натижалар билан яқунланган (банкрот бўлган) ҳамда зарар ва паст рентабеллик билан ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини тугатиш билан бошланган. Натижада, 2002 йилга келиб, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган 459 та бозор инфратузилма объектлари ташкил этилди. Кейинчалик бу жараён 2003 йилдан бошлаб ҳам бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилингандан сўнг давом этди. Ҳозирги кунга қадар тугатилган қишлоқ хўжалиги корхоналари негизда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган 10 мингдан зиёд инфратузилма шохобчалари ташкил этилган (4.8-жадвал). Улар ҳукуматимиз қарорлари билан тасдиқланган махсус дастурлар асосида барпо этилган.

Аммо бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан

2.8-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган инфратузилма объектларининг сони¹

Инфратузилма объектлари	1999-2004 йй.	2005 й.	2007 й.	2009 й.	2011 й.	2013 й.
Мини-банклар	442	628	1207	1478	1462	1293
Ёқилғи-мойлаш материаллар (ЁММ)ни сотиш шохобчалари	514	972	1779	1757	1681	1357
Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш шохобчалари	471	821	891	935	917	945
Сув истеъмолчилари уюшмалар (СИУ)	516	867	1676	1712	1487	1504
Муқобил машина-трактор парклари (ММТП)	579	796	1340	1389	1366	1641
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва	-	300	443	424	420	346

¹ . Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

сотиш шохобчалари						
Зотдор молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари шохобчалари	-	252	2180	2411	2596	2591
Ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари шохобчалари	-	202	295	300	318	341
Транспорт хизмат кўрсатиш шохобчалари	-	-	82	82	85	115
Идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари	-	-	78	78	78	143
Жами	2522	4838	9971	10566	10410	10276

бирга ечимини кўтаётган жиддий муаммолар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Хусусан, инфратузилмалар сони етарли эмаслиги, уларнинг хизмат

2.9-жадвал.

Республика ҳудудларда битта инфратузилма объекти хизматларидан фойдаланган фермер хўжалиklarининг ўртача сони¹ (2013 йил 1 январ ҳолатига кўра)

Т/р	Ҳудудлар	Муқобил МТП	СИУ	ЁММни сотиш шохобчалари	Минерал ўғитларни сотиш шохобчалари	Мини-банклар	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари	Зотдор моллар ва зооветеринария хизмат-ларини сотиш шохобчалари	Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари	Транспорт хизмат кўрсатиш шохобчалари	Идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари
-----	----------	-------------	-----	-------------------------	-------------------------------------	--------------	--	---	---	---------------------------------------	--

¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

1	Қорақолпоғистон Республикаси	34	35	35	44	82	122	50	237	4500	750
2	Андижон	56	55	104	152	162	255	62	443	1457	2550
3	Бухоро	51	50	94	101	66	142	38	195	1057	463
4	Жиззах	1280	65	54	320	86	320	50	533	6400	6400
5	Қашқадарё	46	53	49	72	83	172	37	268	1517	1820
6	Навоий	63	58	63	114	110	275	58	220	3300	3300
7	Наманган	53	51	107	183	60	1217	62	608	664	913
8	Самарқанд	51	339	102	134	271	230	29	718	763	1356
9	Сурхондарё	41	31	60	89	109	200	18	192	686	686
10	Сирдарё	74	79	67	129	91	838	108	1675	2233	6700
11	Тошкент	41	41	64	72	75	155	43	439	564	494
12	Фарғона	86	91	131	204	107	288	77	306	2100	4900
13	Хоразм	91	88	90	107	81	576	62	280	9800	9800
Республика бўйича		151	80	79	132	106	368	53	470	2695	3087

Агар республика миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, ташкил этилган инфратузилма объектлари сон жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга инфратузилма объектлари хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сони ҳам ҳар хил. 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра Республикамиз бўйича битта МТП ўртача 151 та фермерга хизмат кўрсатган. Вилоятлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида (1280 та), энг паст кўрсаткич Қорақолпоғистон Республикасида (34 та). Мана шундай ҳолатни бошқа инфратузилма объектлари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Бу вилоятлар бўйича ташкил этилган фермер хўжаликлари ва бозор инфратузилмалари объектлари ўртасида жиддий номуносиблик борлигини кўрсатади.

Таҳлиллар идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш, транспорт хизматларидан фойдаланган фермер хўжаликлари сони кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу турдаги хизматларга талаб юқори, хизмат кўрсатиш эса бошқа инфратузилмаларга нисбатан яхши. Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва минерал ўғитларни

сотиш шохобчалари хизматидан фойдаланган фермерлар сони ҳам нисбатан юқори бўлиб, тегишлича 470; 368; 132 ташкил этади. Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштираётган фермер хўжалиklarининг ихтисослашуви ва йириклашуви натижасида ушбу хизмат турларига талаб ўсиб бормоқда. Унга мос равишда иқтисодий муносабатлар ҳам такомиллашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мини-банклар, СИУ, ЁММ сотиш, зотдор молларни сотиш ва зооветеринария шохобчалари хизматларидан фойдаланган фермер хўжалиklари бошқа инфратузилмаларга нисбатан сон жиҳатдан анча кам.

Кўпгина инфратузилма объектларининг вилоят ва туман марказларидан узоқ жойлашгани ҳам улар томонидан фермер хўжалиklarига хизмат кўрсатишга маълум даражада халақит бермоқда. Бундан ташқари фермер хўжалиklари билан моддий-техника воситаларини етказиб берувчи инфратузилмалар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб механизмининг такомиллашмагани, тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги каби ҳолатлар пировард натижада ҳам инфратузилма ташкилотлари, ҳам фермер хўжалиklари молиявий фаолиятига салбий таъсир этмоқда.

Жойлардан олинган дастлабки маълумотларга кўра муқобил МТПлар томонидан 4,8 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 3,6 млрд. сўми ёки 74,7 фоизи ундирилган, СИУлар томонидан 3.2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 1.5 млрд. сўми ёки 47.2 фоизи ундирилган, зооветеринария хизмати шохобчалари томонидан 2,0 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 1,0 млрд. сўми ёки 48,6 фоизи ундирилган, консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари 556,1 млн. сўмлик хизмат кўрсатилиб, 474,8 млн. сўми ёки 85,4 фоизи ундирилган, шунингдек, 62,4 млрд. сўмлик жами 42,5 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва 128,9 млрд. сўмлик жами 48,4минг тонна минерал ўғитлар хўжалиklarга етказиб берилди. Минибанклар томонидан 124,8 млрд сўмлик хизматлар кўрсатган. Бу даврда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари фаолиятидаги асосий мавжуд муаммолар ва аниқланган камчиликлар қуйидагилардан иборат:.

- Инфратузилма объектларининг ташкил қилиниши ва фаолияти кўрсатишининг ҳуқуқий асослари, шунингдек уларни фермер хўжаликлари билан шартнома муносабатлари такомиллаштирилиб борилмаётганлиги сабабли хўжалик субъектларида мажбурият ва жавобгарлик масъулияти талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Мазкур ҳолат инфратузилма объектларининг фаолияти билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ва шартномавий муносабатларини янада такомиллаштирилишини талаб қилади.

- Инфратузилма объектларининг ташкил қилиниши ва фаолияти кўрсатишининг ҳуқуқий асослари, шунингдек уларни фермер хўжаликлари билан шартнома муносабатлари такомиллаштирилиб борилмаётганлиги сабабли хўжалик субъектларида мажбурият ва жавобгарлик масъулияти талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

- Жойларда ҳисоб-китоб тўғри ташкил этилмаганлиги ва бу соҳада малакали кадрларнинг етарли эмаслиги сабабли хизмат кўрсатувчи тармоқларда айрим фермер хўжаликлари билан солиштирма далолатномалар йўқлиги, тижорат банкларига инкасса қўйилмаганлиги натижасида фермер хўжаликларининг инфратузилма шохобчалари олдидаги қарзлар ўз вақтида тўланмаслиги туфайли устама ва жарималар миқдори кўпайиб кетмоқда.

- Мониторинг натижаларига кўра, пахта ва ғалла етиштиришда фаолият юритаётган фермер хўжаликларнинг 4 та асосий тармоқ олдидаги кредиторлик қарзлари 2013 йил 1 март ҳолатига 871,9 млрд. сўмни, жумладан “Ўзнефтмахсулот” 299,6 млрд. сум, “Ўзкимёсаноат” 459 млрд. сум, “Ўзбекэнерго” 80 млрд. сум, “Ўзагромашсервис” уюшмаси корхоналаридан 32,6 млрд. сўмни ташкил этган.

- Шунингдек фермер хўжаликларининг ушбу тармоқлар олдидаги жами дебиторлик қарздорликлари эса 168,2 млрд. сўмни, жумладан, “Ўзнефтмахсулот” 52,1 млрд. сўм “Ўзкимёсаноат” 99.7 млрд сўм, “Ўзагромашсервис” 14,1 млрд. сўм ва “Ўзбекенерго” компанияси корхоналаридан 2,3 млрд. сўмни ташкил этган.

- Тизимли хизматлар кўрсатиш учун бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларининг ўзларида эркин молиявий маблағларининг етишмаслиги ва улар томондан банкдан кредит олишдаги қийинчиликлар инфратузилма объектларининг барқарор фаолият юритишига салбий таъсир қилмоқда.

- Ташкил қилинган мини банклардан 519 таси ҳанузгача иш бошламаган. Жумладан, Тошкент вилоятида 145 та, Наманган вилоятида 74 та, Бухоро вилоятида 62 та ва Жиззах вилоятида 22 та минибанкларга бугунги кунгача модем алоқаси ўрнатилмаган.

- Андижон, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилувчи корхоналар, консалтинг хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизмат қилишга деярли киришмаган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда истиқболда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш лозим. Бу борада Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: “Қишлоқ жойларидаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур.”¹

Шуни инобатга олиб, ҳамда қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожланириш давлат дастури параметрларига таянган ҳолда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ташкил этишнинг оптимал ўлчовини топишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, меъёрий ва миқдорий кўрсаткичларни аниқлаб, улардан фойдаланиш орқали мўлжалдаги мақсадларга эришиш мумкин. Чунки, миқдорий кўрсаткичлар инфратузилма объектларини миқдор жиҳатдан ривожланганлигини кўрсатса, меъёрий кўрсаткичлар эса улар фаолиятининг сифатли натижаларини кўрсатиб беради. Шунингдек, бу кўрсаткичлар алоҳида ҳудудларнинг реал ҳолатини ва

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.44.

эхтиёжини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилажак инфратузилма объектларини аниқлашга ёрдам беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, машина-трактор парки (МТП) фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи асосий инфратузилма муассасаси ҳисобланади. Паркнинг таркиби ер ҳайдаш, экиш, экинлар қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби агротехник тадбирларни бажаришга кодир бўлган техник воситалардан иборат бўлади. Мазкур ташкилот билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар шартнома тузиш орқали олиб борилади. Фермер хўжаликлариغا техник хизмат кўрсатиш бўйича рақобат муҳитини яратиш, ушбу тизим фаолиятини янада жонлантириш, сифатли хизмат кўрсатишга йўл очиб беради. Аммо ташкил этилган МТПлари жойлашиши талаб даражасида эмас. Бу уларнинг фаолияти самарадорлиги пастлиги, яъни шартномада кўрсатилган хизматни вақтида ва тўлиқ ҳажмда (амалда 95,4 %) бажаришини таъминлай олмасликда намоён бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири туман миқёсида МТПлар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтирувчи асосий шарт, яъни МТПлар сони ва улардаги техника таркиби агротехнологик ишлар ҳажмига мос келмаслиги ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимиз ҳудудларида фермер хўжаликлари ер майдонларининг йириклаштирилишини, агротехник ишловни талаб этувчи майдонлар ва фермер хўжаликлари сонининг ўзгаришини инобатга олиб, тадқиқотимизда фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи муқобил МТПларининг 2013 ва 2016 йилларда талаб этиладиган сонини прогноз қилишга ҳаракат қилганмиз.

Бунинг учун тадқиқотимизда прогноз вариантларини амалга ошириш учун услубий ёндашув ва ҳисоб-китоблар алгоритмлари ишлаб чиқилган. Прогноз вариантлари фермер хўжаликлари сони ва уларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг қуйи ва юқори чегараларининг ўзгаришига асосланади.

Фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи ММТП сонини қуйидаги формула (2.1) ёрдамида прогноз қилиш мумкин:

$$Nn_{\text{ММТП}} = \kappa_{\text{ММТП}} * \kappa_I * Na_{\text{ММТП}}, \quad (2.1)$$

бу ерда $Nn_{\text{ММТП}}$ – ММТПнинг сони (худудлар бўйича); $\kappa_{\text{ММТП}}$ – 1та ММТПнинг хизмат кўрсатиш майдонининг ўзгариш коэффиценти (худудлар бўйича) ($\kappa_{\text{ММТП}} = V_{\text{ММТП}_{\text{ХХКМ}}} / V_{\text{ММТП}_{\text{ОХКМ}}}$); κ_I – фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффиценти (худудлар бўйича) ($\kappa_I = Nu_{\text{ФХС}} / Na_{\text{ФХС}}$); $V_{\text{ММТП}_{\text{ХХКМ}}}$ – 1та ММТП хизмат кўрсатадиган ўртача майдони, минг га; $V_{\text{ММТП}_{\text{ОХКМ}}}$ – 1та ММТП хизмат кўрсатишнинг оптимал майдони, минг га; $Nu_{\text{ФХС}}(Na_{\text{ФХС}})$ – истиқболдаги (амалдаги) фермер хўжаликлари сони, бирл.; $Na_{\text{ММТП}}$ – мавжуд ММТПлар сони (худудлар бўйича).

Юқорида келтирилган (2.1) формула ёрдамида бажарилган ҳисоб-китоблар натижалари 2.10-жадвалда берилган. Ҳисоб-китобларимизга кўра республика бўйича ММТП сони 7,3-9,8 фоизга ошиб, 1907-1952тани ташкил этади.

2.10-жадвал.

Ўзбекистон худудлари бўйича муқобил Машина-трактор парклари (ММТП) сонининг прогноз вариантлари¹

Т/р	Худудлар	Мавжуд ММТПлар сони	2014 йил		2016 йил	
			I- вариант	II- вариант	I- вариант	II- вариант
1	Қорақолпоғистон Республикаси	134	143	144	144	147
2	Андижон	183	193	196	194	198
3	Бухоро	145	157	158	157	159
4	Жиззах	5	6	8	6	8
5	Қашқадарё	197	209	210	209	212

¹ . Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

6	Навоий	52	58	59	58	60
7	Наманган	139	148	150	149	152
8	Самарқанд	241	255	258	256	260
9	Сурхондарё	118	127	131	129	135
10	Сирдарё	91	103	104	103	104
11	Тошкент	193	213	215	214	218
12	Фарғона	171	181	182	181	183
13	Хоразм	108	114	115	114	116
Республика бўйича		1777	1907	1930	1914	1952

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида¹ 2009-2015 йилларда аҳоли сони 500 кишидан ортиқ бўлган ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида камида битта мини-банк фаолият кўрсатиш лозим деб белгиланган. Ушбу ҳолатни ҳамда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш давлат дастурининг прогноз параметрини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган мини-банклар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйида келтирилган (2.2) формула ёрдамида истиқболда юқорида номлари келтирилган инфратузилмаларни ташкил этиш сонини топиш мумкин:

$$Nn_{мб} = \kappa_{мб} * \kappa_1 * \kappa_2 * Na_{мб} \quad (2.2)$$

бу ерда, $Nn_{мб}$ – мини-банклар ташкил этиш сони прогнози (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); $\kappa_{мб}$ – битта мини-банк миқозларининг сонини ўзгариш коэффициенти (ҳудудлар бўйича) ($\kappa_{мб} = Vmб_{хмс} / Vmб_{омс}$); $Vmб_{хмс}$ – ўртача битта мини-банк миқозларининг ҳақиқий сони, киши (ҳудудлар бўйича); $Vmб_{омс}$ – ўртача битта мини-банк миқозларининг оптимал сони, киши (ҳудудлар бўйича); κ_1 – фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффициенти (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); κ_2 – фермер хўжаликлари ер майдонининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» ПҚ-1046 – сонли қарорининг иловаси.

Ўзгариш коэффиценти (вариантлар ва ҳудудлар бўйича) ($\kappa_2 = Wu_{фхм} / Wa_{фхм}$); $Wu_{фхм}$ - истиқболдаги фермер хўжаликлари ер майдони, минг га (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); $Wa_{фхм}$ - амалдаги фермер хўжаликлари ер майдони, минг га (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); $Na_{мб}$ - мавжуд мини-банклар сони (ҳудудлар бўйича).

Ушбу формула орқали мини-банклар сони ва уларнинг ҳудудий жойлашувини топиш мумкин. Ҳисоб-китобларимизга кўра, республикада 2014-2016 йилларда I - вариант бўйича 1353-1364 та, II - вариант бўйича 1371-1392 та мини-банклар фаолият кўрсатиш мумкин (2.11-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида¹ жойларда фермер хўжаликларига консалтинг, бухгалтерия ва бошқа ахборот-маслаҳат хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики республикада ҳудудларида мазкур шохобчалар сони кам, баъзи туманларда умуман йўқ. Шу боис истиқболда ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаларини ташкил этиш сонини қуйидаги формула (2.3) ёрдамида аниқлаймиз:

$$Nn_{атк} = \kappa_{атк1} * \kappa_{атк2} * \kappa_1 * \kappa_2 * Na_{атк}, \quad (2.3)$$

бу ерда $Nn_{атк}$ – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчаларини ташкил этиш сони прогнози (вариантлар ва ҳудудлар бўйича);
2.11-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича мини-банклар сонининг прогноз вариантлари²

Т/р	Ҳудудлар	Мавжуд бўлган мини-банклар	2014 йил		2016 йил	
			I-вариант	II-вариант	I-вариант	II-вариант

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» ПҚ-1046 – сонли қарорининг иловаси.

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

		СОНИ				
1	Қорақолпоғистон Республикаси	55	75	76	76	78
2	Андижон	63	95	96	96	99
3	Бухоро	112	120	121	120	122
4	Жиззах	74	88	90	89	90
5	Қашқадарё	110	131	132	132	134
6	Навоий	30	37	38	37	39
7	Наманган	122	162	165	164	168
8	Самарқанд	45	67	68	68	69
9	Сурхондарё	44	53	55	55	57
10	Сирдарё	74	92	93	92	93
11	Тошкент	106	131	133	132	135
12	Фарғона	138	161	162	161	164
13	Хоразм	121	141	142	142	144
Республика бўйича		1094	1353	1371	1364	1392

Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

K_{atk1} – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчаси томонидан бир шартнома қийматининг ўзгариш коэффиценти (республика бўйича) ($K_{atk1} = \Sigma_{шок} / \Sigma_{шкк}$); $\Sigma_{шок}$ - ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчасининг ўртача бир шартномага тўғри келадиган оптимал қиймати (республика бўйича); $\Sigma_{шкк}$ - ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчасининг ўртача бир шартномага тўғри келадиган ҳақиқий қиймати (республика бўйича); K_{atk2} – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчасининг битта ишчига тўғри келадиган шартномалар сонининг ўзгариш коэффиценти (республика бўйича) ($K_{atk2} = V_{атк_{шос}} / V_{атк_{шкс}}$); $V_{атк_{шос}}$ – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчасида битта ишчига тўғри келадиган шартномаларнинг оптимал сони (республика бўйича); $V_{атк_{шкс}}$ – ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шоҳобчасида битта ишчига тўғри келадиган шартномаларнинг ўртача сони (ҳудудлар бўйича); K_1 – фермер

хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффициенти (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); κ_2 – фермер хўжаликлари ер майдонининг ўзгариш коэффициенти (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); $Na_{амк}$ - мавжуд ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари сони (ҳудудлар бўйича).

Ушбу формула ёрдамида истиқболда ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари сони аниқланган. Уларнинг ҳисоб-китоб натижалари 2.12-жадвалда берилган.

Қайд этиш ўринлики, транспорт хизматини кўрсатиш ҳамда идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари ҳам ҳудудий жойлашуви ва уларнинг фаолият самарадорлиги ҳам талаб даражасида эмас. Шу боис истиқболда мазкур инфратузилмаларни ташкил этиш сонини қуйида келтирилган (2.4) ва (2.5) формулалари ёрдамида топиш мумкин:

$$Nn_{мхк} = \kappa_{мхк} * \kappa_1 * \kappa_2 * Na_{мхк}, \quad (2.4)$$

$$Nn_{умқ} = \kappa_{умқ} * \kappa_1 * \kappa_2 * Na_{умқ}, \quad (2.5)$$

бу ерда $Nn_{мхк}$ ва $Nn_{умқ}$ – транспорт хизмат кўрсатиш ва идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчаларини ташкил этиш прогнози (вариантлар ва ҳудудлар бўйича); $\kappa_{мхк}$ – битта транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат кўрсатиш майдонининг ўзгариш коэффициенти (ҳудудлар бўйича) ($\kappa_{ТХК} = V_{ТХК_{ХХКМ}} / V_{ТХК_{ОХКМ}}$); $V_{мхк_{ХХКМ}}$ – ўртача битта транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат кўрсатаётган ҳақиқий ер майдони, минг га (ҳудудлар бўйича); $V_{мхк_{ОХКМ}}$ – ўртача битта транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат кўрсатаётган оптимал ер майдони, минг га (ҳудудлар бўйича);

2.12-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ахборот таъминоти (АТ) ва консалтинг хизмати (КХ) шохобчалари сони прогноз вариантлари¹

Т/	Ҳудудлар	Мавжуд	2014 йил	2016 йил
----	----------	--------	----------	----------

¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

р		АТ ва КХ шоҳобча-	I- вариант	II- вариант	I- вариант	II- вариант
1	Қорақолпоғистон Республикаси	19	67	68	68	70
2	Андижон	23	82	83	82	85
3	Бухоро	38	133	134	134	135
4	Жиззах	12	42	43	42	43
5	Қашқадарё	34	119	120	120	122
6	Навоий	15	53	55	54	56
7	Наманган	12	42	43	43	44
8	Самарқанд	17	60	60	60	61
9	Сурхондарё	25	91	94	93	98
10	Сирдарё	4	14	14	14	14
11	Тошкент	18	63	64	64	65
12	Фарғона	48	167	168	167	170
13	Хоразм	35	122	124	123	125
Республика бўйича		300	1055	1070	1064	1088

Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

$\kappa_{умқ}$ – битта идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шоҳобчаси хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффициенти (худудлар бўйича) ($\kappa_{умқ} = Num_{қхфхс} / Num_{қофхс}$); $Num_{қхфхс}$ – ўртача битта идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шоҳобчаси хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликларининг ҳақиқий сони, бирл. (худудлар бўйича); $Num_{қофхс}$ – ўртача битта идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шоҳобчаси хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликларининг оптимал сони, бирл. (худудлар бўйича); κ_1 – фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш коэффициенти (вариантлар ва худудлар бўйича); κ_2 – фермер хўжаликлари ер майдонининг ўзгариш коэффициенти (вариантлар ва худудлар бўйича); $Na_{тхк}$ ва $Na_{умқ}$ – мавжуд транспорт хизмати кўрсатиш ва идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шоҳобчалари сони (худудлар

бўйича). Ушбу формулалар ёрдамида республика ҳудудларида истиқбол йилларида транспорт хизмат кўрсатиш ҳамда идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари талаб қилинадиган сонини топиш учун фойдаланилган кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Прогнозларимизга кўра, транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаларининг умумий сони 2016 йилга келиб 93-96 тага, идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчаларининг сони 109-110 тага кўпаяди. Бу фермер хўжаликларини маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнида йўқотишларни олдини олишга хизмат қилиб, трансакция харажатларнинг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, ташкил этилаётган инфратузилма муассасалари ижтимоий муаммони ҳам ҳал этишга қаратилган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳозирги кунда юқорида номи келтирилган қишлоқ инфратузилмалари муассасаларида 21 мингга яқин одам ишламоқда. Истиқболда ташкил этилаётган инфратузилмалари эвазига қишлоқда ишчи ўринлари сони 2014 йилда 26,0-26,3 мингта, 2016 йилда 26,1-26,6 мингтани ташкил этади, яъни уларнинг сони 1,2-1,3 мартага кўпаяди.

Статистик маълумотларга қараганда, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони 29735,7 минг кишини ташкил қилди. Шундан 48,8 фоиз аҳоли ёки 14516,7 минг киши қишлоқ жойларда истиқомат қилади¹. Шундан қишлоқда инфратузилмаларни ташкил этиш ҳисобига бандлик даражаси 0,14 фоиз билан таъминланган. Прогнозларимизга кўра, қўшимча равишда ташкил

2.13 – жадвал.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича транспорт хизмат кўрсатиш (ТХК) шохобчалари сонининг прогноз вариантлари²

Т/р	Ҳудудлар	Мавжуд бўлган	2014 йил		2016 йил	
			I-	II-	I-	II-

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси (2012 йил январь-июль). – Т.: ЎзР давлат статистика қўмитаси, 2012 – Б.38.

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

		ТХК шо- хобчалар сони	вариант	вариант	вариант	вариант
1	Қорақолпоғистон Республикаси	1	2	2	2	2
2	Андижон	7	8	8	8	8
3	Бухоро	7	8	9	9	9
4	Жиззах	1	1	1	1	1
5	Қашқадарё	6	7	7	7	8
6	Навоий	1	1	1	1	1
7	Наманган	11	12	12	12	12
8	Самарқанд	16	17	17	17	18
9	Сурхондарё	7	9	9	9	9
10	Сирдарё	3	4	4	4	4
11	Тошкент	14	15	15	15	16
12	Фарғона	7	8	8	8	8
13	Хоразм	1	1	1	1	1
Республика бўйича		82	93	94	94	96

этилаётган инфратузилмаларда ишчи ўринларни тўлиқ банд қилиш эвазига бу кўрсаткич 0,17-0,18 фоизгача кўпайиши мумкин.

Юқорида келтирилган прогноз кўрсаткичлари, бизнинг фикримизча, истиқболда республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар объектларининг янада самарали фаолият кўрсатишига замин яратиб беради. Бу ўз навбатида фермер хўжаликлари инфратузилма шохобчалари хизматидан тўла фойдаланишга, шохобчалар эса сифатли хизмат кўрсатишга, натижада улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга олиб келади. Шунингдек, тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган прогноз вариантлари бўйича истиқболда республикада хуудларида ташкил этиладиган фермер

хўжаликлари ва инфратузилма объектлари ҳисобига қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланиши 20-30 %га ошади. Пировард натижада аграр соҳанинг рақобатбардошлик даражасини ҳамда қишлоқ аҳолисининг тўлов қобилияти ошади.

Бугунги кунда “Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Хомашё, материал ва тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида олиб келиниши хўжалик айланмасида бўлган ресурс ҳажмини белгилайди. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омиллари тез суръатда ўсишига нафақат қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш маблағларининг миқдоран ўсиши ҳисобига, балки маблағ ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган хизмат тизимини ташкил этилиши ҳисобига ҳам эришилади. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг тармоқ ва ишлаб чиқариш вазифалари ҳам ўзгаради”¹ деб баҳоланмоқда.

2.3. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш, тадқиқотимизда муҳим назарий аҳамиятга эга. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиши:

- меҳнат ресурслари миқдори ўзгармас ҳолда кўпроқ ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқаришни;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайиши;
- Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари ишчиларининг ойлик иш ҳақи миқдорини ўсиши;

¹ Салимов Б.Т. ..Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (ўқув кўлланма). –Т.: ТДИУ. 2004 –Б. 21-22.

- Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиши қишлоқ ишчиларининг меҳнат сарфларини камайтириш ва уларнинг бўш вақтларини кўпайтиришнинг асосий шартидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатлари билан олинган натижанинг нисбатидир. Қанча ресурс сарфлаб қанча ва қандай сифатга эга маҳсулот (ва хизмат)лар яратилгалигини самарадорлик ифодалайди. Унинг бош мезони-пировард натижа ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси-бу ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган миллий даромад. Самарадорлик синтетик ва умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни ўзида бир неча кўрсаткичлар натижасини жамлайди. У маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими ва инвестиция сифимидан келиб чиқадиган ҳосилadır.¹

Биз ҳам ўз тадқиқотимизда ушбу масалага ўз эътиборимизни қаратмоқчимиз. Бунинг учун биринчи навбатда самарадорлик тушунчасига ва унинг таърифига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Самарадорлик тушунчаси мураккаб тушунча эканлигини эътироф этиб, илмий адабиётларда (efficiency – инглизча) бир нечта таржимавий талқинга эга, бирмунча кенг тарқалган «efficiency» иборасини самарадорлик, ҳаракатчанлик, маҳсулдорлик, ҳаракатчанлик қобилияти, оперативлик² каби тушунчалар билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирги вақтда самарадорликнинг кўплаб таърифлари нафақат иқтисодиёт фанларида, балки бошқа фанларда ҳам келтирилган. Иқтисодиёт фанларида «самарадорлик» тушунчаси кенг ва тор маънода талқин қилинади. Кенг маънода «Самарадорлик» тушунчаси – атроф- муҳитга самарали ва адекват ёндашув қобилияти³, нисбий самара, операциялар ва лойиҳалар⁴ сифатида талқин қилинади.

¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.1992. - БЛ 06-107. Экономика сельского хозяйства/ Под ред. В.А.Добрынина -М.:Агропромиздат, 1990. - С. 240, 476 с.

² Мюллер Д.К. – Англо-русский словарь – М.: «Русский язык» 1992 . –С. 233-234.

³ Кравченко С.А. Социально-экономический русско-английский словарь – М.: Астрель, 2004. –С. 511.

⁴ Борисов А.Б. Большой экономический словарь/А.Б. Борисов – М.: Книжный Мир, 1999. – С. 825.

Самарадорлик моҳиятини аниқлашнинг юқоридаги таърифини қарайдиган бўлсак, унинг бир қанча ресурслари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Чунки бу тушунча бир қанча мезонлар, хусусиятлар орқали ифодаланиши мумкин. Шунингдек, самарадорлик категорияси истеъмолни кондириш сифатида ҳам, ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги сифатида ҳам, корхоналарнинг самарали шаклланиши сифатида ва ҳоказо кўринишларда намоён бўлади.

Самарадорлик тушунчаси конкрет тор маънода потенциал ва реал фаолиятлар натижасининг комплекс таснифи бўлиб, бунда асосий эътибор фаолият бўйича олинган натижаларга қаратилади.

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар «Самарадорлик» моҳиятининг қуйидаги асосий жиҳатларини ифодалайди: биринчидан, самарадорлик мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у бир ёки бир неча мезонлар асосида аниқланади; иккинчидан, самарадорлик нисбий тушунча бўлиб, у ҳар доим муайян мақсадлар фаолиятига бўйсунди. Яъни, самарадорликни баҳолаш бош мақсадлар асосида фаолиятларни тавсифлайди. Шундай қилиб, самарадорлик нисбий тушунчадир. Мазкур тушунча ҳақида фикр юритилганида бир неча ҳолатлар таққосланади. Масалан, иқтисодий назарияда – иқтисодиётдаги бирор-бир манфаат билан боғлиқ бўлган фаровонлик даражаси таққосланади. Гап шундаки, жамият фаровонлиги барча жамият аъзоларининг манфаатларини тўғридан-тўғри умумлаштириш натижасидир.

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар, дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда»¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-325 сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640 сонли қарорлари республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тармоқларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш, хизмат турларини кўпайтириш учун ҳуқуқий асосни жадал мустаҳкамлайди. Маълумки, ҳар қандай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади. Шу сабабли ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Самарадорликнинг умумий ҳолати, жумладан, ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий даражасини юксалтиришдир. Иш – инсон камолотини юксалиш, моддий ва ижтимоий фаровонлиги ўсишида, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса, шу қадар юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришган бўлади¹.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодиёт тармоқларидаги самарадорлигини ўрганишда унинг мезонлари ва кўрсаткичларини тўғри тушуниш ва ҳисоблаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Фикримизча, муҳим масалалардан бири бўлган ижтимоий- иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тушуниш учун алоҳида ижтимоий, иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак. Лекин

асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2009, 21 -б.

¹ Абдукаримов Б.А ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (олий ўқув юртлари учун дарслик) -Т.: Фан, 2005. 122-123. –б.

бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эмас, деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, улар узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қилади ва тўлдиради.

Иқтисодий самарадорлик сифат жиҳатдан ҳисоблаб чиқилмаса ва ўлчанмаса, уни мунтазам ошиб бориши бўйича белгиланган ишларни бажариб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликнинг ўсиши - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай шакли ривожланишини объектив қонуниятидир, чунки жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва сифати ортиши, ишлаб чиқариш ва муомала, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун жамғаришни кўпайтиришни талаб этади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак, чунки мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳияти ва асосий вазифаларини ифодалайди, лекин ўлчов ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳал қилади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Фикримизча, Ўзбекистонда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари томонидан хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари иқтисодий самарадорлигини барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади:

- истеъмолчиларнинг турли қатламларига мос хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф этилаётган хизматлар оммабоплигини таъминлаш;

- хўжалик субъектлари фаолиятининг натижавийлигини ошириш;
- сарфларнинг нисбий даражасини пасайтириш;
- соҳада юқори унумдорликни таъминлашга эришиш.

Мазкур мезонлар қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичлари турлича: баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Фикримизча, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гуруҳга: хусусий ва умумлашган кўрсаткичларга бўлинади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Фикримизча, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати; меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кенг тавсифига эга бўлиш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натурал ва қиймат шаклида ҳисобланиши мумкин. Натурал шаклда ҳисобланса, товарлар ҳажмининг ходимлар ўртача сонига нисбати олинади.

$$MU = \frac{T_M}{X_c} \quad (2.6)$$

Бу ерда: T_m – товар- Маҳсулот ҳажми;

X_c – ходимлар (бевосита) сони.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, меҳнат қайтими ва меҳнат сиғими каби кўрсаткичларда аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги бир ишчи томонидан қанча хизматлар кўрсатилганлигини билдиради.

$$MU = \frac{Туш\ x}{Cир} \quad (2.7)$$

Бу ерда: $Туш\ x$ – хизматлар ҳажми;

$Cир$ – ишловчиларнинг ўртача йиллик сони.

Меҳнат қайтими бир сўмлик иш ҳақиға тўғри келадиган кўрсатилган хизматлар сонини тавсифлайди.

$$MK = \frac{Туш\ x}{Mx\Phi} \quad (2.8)$$

Бу ерда: MK – меҳнат қайтими;

$Mx\Phi$ – иш ҳақи фонди;

Меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, бир сўмлик тушумға тўғри келадиган меҳнат сарфини ифодалайди.

$$Mциг = \frac{Mсарф}{Туш.х} \quad (2.9)$$

Бу ерда: $M\ cиг$ – меҳнат сиғими;

$M\ сарф$ – меҳнат сарфи;

Меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати ва маҳсулот меҳнат сиғимининг пасайиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$MU_{ус} = \frac{Mциг \times 100}{100 - Mциг} \quad (2.10)$$

$$MCh = \frac{My_{cx}100}{100 + MU_{yc}} \quad (2.11)$$

Бу ерда: МУ ўс – меҳнат унумдорлигининг базис даврига нисбатан даражаси (%);

MCh – меҳнат сиғимининг базис даврига пасайиши (%);

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши (ΔMU умумий) хизматлар кўрсатиш ҳажми ошиши ва ишловчилар сонининг камайиши ҳисобига бўлади ва у қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Delta MU = \frac{100(\Delta B + \Delta U_n)}{100 + U_n} \quad (2.12)$$

Бу ерда: ΔB – корхонада жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш ҳажми фоизи.

ΔU_n – корхоналарда ишловчилар сонининг камайиш фоизи. Агар ишловчилар сони камаймай аксинча кўпайиб борса, ишловчилар сони фоизи тескари белги билан ифодаланади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми(сони) ўсишининг қанча қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши, қанча қисми кўшимча ресурслар (меҳнат ресурслари)ни жалб қилиш эвазига бажарилишини ифодаловчи кўрсаткич билан аниқланади. Бу кўрсаткич интенсив омил ҳиссаси формуласи деб юритилади.

Бу ерда: Иок = интенсив омил ҳиссаси
$$I_{ок} = \left(1 + \frac{U_{ис}}{U_{тм}}\right) \times 100\% \quad (2.13);$$

$U_{ис}$ = ишчилар сонининг кўшимча ўсиши;

$U_{тм}$ = товар- Маҳсулот ҳажмининг кўшимча ўсиши;

Ўртача меҳнат ҳақи иш ҳақи жамғармасининг ходимлар ўртача сонига

$$ИХ_{урт} = \frac{ИХЖ}{C_{ур}}; \quad (2.14);$$

нисбати билан аниқланади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолияти самарадорлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун самарадорликнинг хусусий кўрсаткичлари билан бир қаторда умумлаштирилган кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Адабиётларда умумлаштирувчи кўрсаткичларга: рентабеллик, харажатлар нисбий даражаси, фонд самарадорлиги, сарфланган барча ресурслар фонд самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Рентабеллик хизмат кўрсатиш корхоналари хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Рентабеллик хизмат кўрсатиш соҳасида – баланс фойданинг корхона асосий фондлари ва айланма маблағлари йиғиндисига нисбатининг фоиздаги улуши билан аниқланади.

$$R_{кор} = \frac{\text{баланс фойдаси}}{\sum A_{иф} + \sum НОМ}; (2.15);$$

Бу ерда: $\sum A_{иф}$ – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

$\sum НОМ$ – айланма маблағлар суммаси.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарадорлигининг асосий кўрсаткичи - инфратузилма объектлари, хизмат ва бўлинмаларини харажатларининг қопланишидир. У куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$O_{и} = C_{в} * M_{и}^1 (1.3.3)$$

Бунда

$O_{и}$ - ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги харажатларнинг қопланиши, сўм,

¹ Коволенко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. - М.: ЭКМОС, 1999.-448 с.

Св - қишлоқ хўжалигининг пировард маҳсулоти, сўм,

Ми - ишлаб чиқариш инфратузилмасининг яратилиш харажатлари, сўм.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инфратузилманинг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги усуллари шаклланган.

1. Инфратузилма харажатлари ва натижаларининг нисбатини таққослаш;

2. Ишлаб чиқарувчи (асосий) соҳаларнинг пировард натижасида инфратузилма хизматларининг улуши, яъни асосий соҳаларнинг ривожланиши учун шароит яратилганлиги даражасининг ифодаси;

3. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳаракатини яхшилаш орқали унинг нес-нобуд бўлиши ва яроқсиз ҳолга келишини олдини олиш даражасини оширишнинг пировард истеъмолга таъсири ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини тежаш;

4. Инфратузилма ҳамда асосий соҳаларнинг ривожланиш кўрсаткичларининг ўзаро нисбатининг таҳлили;

5. Минтақалар, ҳудудлар ҳамда соҳалараро инфратузилманинг омилларини моделлар асосида самарадорлигини белгилаш ва бошқалар.

Албатта, бу усулларнинг қўлланилиши орқали инфратузилманинг самарадорлигини белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ инфратузилмада харажатлар ва натижаларни таққослаш унинг унсурлари самарадорлигини чеклаб қўйиши ҳамда тўла баҳолаш имконини бермайди. Чунки қайд этганимиздек инфратузилманинг бир қатор объектлари: йўллар, омборлар, сув иншоотлари ва бошқалар кўп йиллар давомида хизмат кўрсатадилар. Шу боис уларнинг харажатлари жуда катта бўлиб уларни коплаш даражаси жуда секинлик билан кечади, ҳамда уларнинг кўрсатадиган хизматлари турли соҳаларни қамраб олади ва мазкур хизматларнинг самараси соҳалараро тарқалиб кетиб, улар асосий соҳанинг пировард натижасида қўшилиб, кўринмас бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Фикримизча, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида ижтимоий самарадорлик деганда ходимларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида

уларнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиши таъминлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Инсон ҳар томонлама ва уйғун ривожланиш учун замин яратишни мақсад қилиб қўйган жамиятнинг пировард ижтимоий мақсадга эришуви ижтимоий самарадорликнинг бош мезони ҳисобланади. Ижтимоий самарадорликнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги иккинчи мезони ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига билвосита таъсир қилувчи истеъмол харажатларини камайтиришдир.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма тизимида ижтимоий самарадорликни ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди, чунки соҳа ижтимоий самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар ижтимоий самарадорликнинг мезони унинг мазмуни ва вазифасини ифодаласа, кўрсаткичлари эса самарадорликни ўлчаш ва баҳолаш курали бўлиб хизмат қилади. Меҳнат шароити ва меҳнат характерини тавсифловчи кўрсаткичларга:

- меҳнат жараёнларини автоматлаштириш (янги техника ва технологияларни қўллаш даражаси);
- хизмат кўрсатиш корхоналари бино ва иншоотларини замон талаблари даражасига жавоб бериши;
- хизмат кўрсатишда илғор меҳнатни ташкил қилиш усулларидан фойдаланиш даражаси;
- корхонада фойдаланиладиган технология, асбоб-ускуна ва механизмларни илғорлилик даражаси;
- хизмат кўрсатиш хизматида банд бўлган ишчиларнинг малакаси, маълумоти, мутахассислигининг юқорилиги даражаси;
- соҳа учун зарур бўлган ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш даражаси киради.

Юқорида таъкидланган кўрсаткичлардан алоҳида биттаси қўлланилса, умумий натижавийликни ифодаламайди. Чунки ҳар бир кўрсаткич, ижтимоий самаранинг кичик бир йўналишинигина тавсифлайди. Бу кўрсаткичлар биргаликда қўлланилса, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий

самарадорлигига тўлиқ баҳо бериш мумкин.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини баҳолаш, комплекс таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришнинг методологик асосларини яратиш ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг хизмат кўрсатиш фаолияти – турли шакл ва йўналишларда хизмат кўрсатиш асосида фермер хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Фикримизча, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати; меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг кенг тавсифига эга бўлиш мумкин.

Фикримизча, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида ижтимоий самарадорлик деганда ходимларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Ишда қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини баҳолаш, комплекс таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришнинг методологик асосларини яратиш ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма хизматларини самарадорлигини яна ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини оптимал муддатларда бажарилишини таъминлаш ва етиштирилган ҳосилни нес-нобуд бўлишини олдини олиш ҳам белгилайди. Бу нуқтаи назардан, қишлоқ

хўжалигини инфратузилма объектлари ва хизматлари билан копланилганлик даражасини баҳолаш ҳам инфратузилмани ривожланиши ва уни самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида хизмат қилиши мумкин.

Инфратузилма самарадорлиги ва ривожланиш даражасини юқорида қайд этилган усуллар асосида алоҳида баҳолаш, соҳани истиқболли ва устувор йўналишларини белгилаб, уларни самарали маблағлаштириш имкониятини вужудга келтиради. Шунингдек, мамлакат, минтақа, соҳа, корхона миқёсида инфратузилманинг оптимал ривожлантиришга ҳам бевосита хизмат қилиши мумкин.

3. БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

3.1. Иқтисодий модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва унинг хусусиятлари

Жаҳон иқтисодийнинг ривожланиш тенденцияси шундан гувоҳлик берадики, кишилик жамиятининг барча соҳа ва жабҳаларида, айниқса глобал иқлим ўзгариши таъсирида сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида тобора авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шунингдек уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хўжалик юритиш фаолиятларини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этиб, ушбу жараёни узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда.

Иқтисодий глобаллашувининг янгича шароитида иқтисодий ривожланишнинг асосий белгиси ишлаб чиқаришнинг технологик усули ва уларнинг бутун жамият иқтисодий салоҳияти таъсиридаги ўзгаришлар ҳисобланади. Кўпчилик замонавий тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда рўй бераётган инновацион ўзгаришлар нафақат жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ўзгартиради, балки ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидаги марказий бўғинини ҳам ифодалайди.

Инновацион ривожланишнинг замонавий назариялари ижтимоий ва ташкилий ўзгаришлар концепциялари билан жуда боғлиқдир. Технологик ўзгаришлар илмий тадқиқотлар йўналишларида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда ўзгаришларга олиб келади, кўплаб ижтимоий ва ташкилий-бошқарув инновациялари юзага келишига сабабчи бўлади. Барча даражадаги инновацион тизимлар учинчи мингйилликда иқтисодий ўсишнинг янги модели шаклланишида ҳукмрон ғояга айланади. “Инновация” тушунчаси илмий атамашуносликка XX асрнинг бошларида кириб келган бўлиб, дастлаб бир маданиятнинг айрим элементлари (урф-одатлар, ҳаёт фаолияти усуллари, жумладан, ишлаб чиқариш) бошқа маданиятга кириб боришини англатган.

Ҳозирги пайтда инновацион муаммоларга дахлдор бўлган турли ўқув фанларида ушбу тушунча турлича мазмунда кўриб чиқилади. Масалан, социология маънавий ижод жихатига диққатни тортади ҳамда инновацияни илмий ва ақлий фаолият нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Бу меҳнат фаолияти мотивацияси ҳам, хулқ-атвор усуллари ҳам бўлиб, аввалгиларидан сифат жихатидан фарқ қилади. Иқтисодий тоифа сифатида “инновация” атамаси Й.Шумпетер томонидан таклиф этилган. Ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси» асарида у 1911 йил илк бора “янги комбинациялар”, тадбиркорлик руҳи билан мотивацияланган ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши масалаларини кўриб чиққан ва инновацион жараёнга тўлиқ тавсиф ва таъриф берган. Й.Шумпетернинг фикрича, инновация асосий фойда манбаи ҳисобланади: “фойда, моҳиятан, янги комбинацияларни бажариш натижаси ҳисобланади”, “ривожланишсиз фойда йўқ, фойдасиз ривожланиш йўқ”.

Инновацияларнинг асосий функциялари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) инновациялар меҳнат фаолияти интеллектуаллашувига хизмат қилиб, унинг илмий сиғимини оширган ҳолда инсон салоҳияти ютуқлари, илмий-техник натижаларни ҳаётга татбиқ этиш канали ҳисобланади;

2) инновациялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар доираси кенгайтирилади, уларнинг сифати яхшиланади, бу эса жамият эҳтиёжлари ва уларнинг қониқиш даражаси ошишига хизмат қилади;

3) инновациялар янги ишлаб чиқариш кучларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, маҳсулот ва хизматларни камроқ меҳнат, энергия ва материаллар сарфи билан ишлаб чиқариш имконини беради;

4) бирор-бир соҳада инновациялар рақобати такрор ишлаб чиқариш тузилмасини ўзгарган эҳтиёжлар тузилмаси ва ташқи муҳит тузилмасига мувофиқ ҳолга келтиришга ёрдам беради.

Шундай экан, инновациялар жамият ривожланиши асосий қонунларини амалга оширишнинг зарурий элементи, унинг ривожланиш ва динамиклик шарти ҳисобланади. Жамиятда ташкилотларнинг ривожланиши улар

фаолиятининг барча жабҳаларига дахлдор бўлувчи хилма-хил инновацияларни ўзлаштириш йўли билан рўй беради. Мамлакатимиз ҳамда хорижда фан ва технологияларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлиliga кўра, иқтисодиётни ривожланишнинг инновацион йўлига фан-техника соҳасини илмий тадқиқотлардан тортиб илмий ҳажмдор маҳсулот ишлаб чиқариш ва у билан жаҳон бозорига чиқишгача бўлган жабҳаларда комплексли ислоҳ қилиш шартларидагина ўтказиш мумкин. Бундай ислоҳ қилиш жараёнини шартли равишда учта асосий элементга ажратиш мумкин:

- мамлакат фани жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши эҳтимоли бўлган соҳаларни кенгайтириш имконини берувчи илмий тадқиқотларни ташкил қилиш;
- тармоқ инновацион тизими, жумладан, билимларни самарали тижоратлаштиришни таъминловчи инновацион инфратузилма яратиш;
- инновациялар асосида саноатни модернизация қилиш.

Бу элементларнинг уйғунлашган тарзда ривожланишини ташкил қилиш бўйича ишлар рақобатли устунликларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш ва мос келувчи ривожланиш воситаларини танлашни тақозо этади. Инновацион инфратузилма ривожланишининг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади: миллий иқтисодиёт талаблари ва имкониятларига мослик; максимал мослашувчанлик, халқаро иқтисодиётда рақобатбардошлик ва транспарентлик. Бунда миллий инновацион тизимнинг бир сегменти сифатида функционал-тўлақонли инновацион инфратузилма (технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, технологиялар трансфери марказлари, венчур фондлари, интеллектуал мулк биржалари, маркетинг марказлари, илмий-техник ривожланиш марказлари) яратиш зарур.

Техник жиҳозланиши ва кадрлар таркиби бўйича рақобатбардош илмий-техник маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш, уларни ички ва ташқи бозорларда амалга оширишни таъминлай олувчи, инновацион соҳанинг амалдаги ва сифат жиҳатидан янги субъектларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш кўзда тутилиши зарур. Корхоналарни инновацион ривожлантириш

чора-тадбирларини амалга ошириш қўйидагиларга имкон беради:

- янги ёки такомиллаштирилган технологиялар, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, материаллар ва ҳ.к. жорий қилиш ҳисобига маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш;
- инновацион маҳсулот ҳажми улушини инновацион фаол корхоналар маҳсулотлари умумий ҳажмининг 20%игача етказиш, яъни Европа кўрсаткичларига яқинлашиш;
- фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўшимча иш ўринлари яратиш;
- ИТТКИ ва инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги схемаларини жорий қилиш ҳисобига инновацион соҳага қўшимча ресурслар жалб қилиш;
- зарурий инновацион инфратузилма (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, кичик инновацион-технологик корхоналар ва б.), инновацион фаолият субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратиш ва ривожлантириш;
- инновацион фаолият қатнашчиларининг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий асослар шакллантириш;
- инновацион соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимлари яратиш;
- инновацион фаолият қатнашчиларини ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва инновацион лойиҳаларни бошқариш тизимлари яратиш;
- корхоналар инновацион фаоллигини оширишни таъминловчи, самарали фаолият юритувчи, бозорга йўналтирилган инновацион тизим яратиш;
- янгиликлар киритиш асосида ишлаб чиқаришда жадал таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- маҳсулот (товар, хизмат) рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
- ички ва ташқи бозорларда саноат ва фан-техника маҳсулотларини янада силжитиш учун шароитлар яратиш;

- инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик ва тармоқлараро кооперация илғор тажрибалари ва устунликларидан максимал даражада фойдаланиш.

Рақобатли устунликларга эришишнинг уч хил усули мавжуд:

- маҳсулотнинг ўзига хос ноёблиги (янгилик бўйича етакчилик);
- харажатлар минимал даражаси (нарх бўйича етакчилик);
- истеъмолчилар доирасининг фикри кўникарлилиги (савдо маркази бўйича етакчилик).

Инновацион ривожланиш тизимининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у иқтисодиёт таркибан деформацияланган, инновация жараёнларини бошқариш издан чиққан, қишлоқ хўжалик корхоналари даражасида ахборот вакумининг мавжудлиги шароитларида қисқа муддат ичида тармоқни барқарор юқори суратларда ўсиши учун янги имкониятларни яратади. Бу тизимни шакллантиришда давлатнинг ўрни бекиёсдир. «Қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчиларнинг илмий-техника имкониятлари ва ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалари тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлиш уларни хўжалик юритишнинг инновация усулларига ўргатиш, инновация қоидаларини ўзлаштириш, маслаҳат ёрдамлари бериш орқали АСМнинг инновация фаоллигини кўтаришни таъминлаш учун шароитлар яратади¹.

Бироқ, тан олиш лозимки, аграр тармоқ ўзининг табиий-иқлим омилларига таъсирчанлиги ва боғлиқлиги сабабли инновацияларни яратиш ва татбиқ этишда бошқа соҳаларга нисбатан бир қатор мураккабликларга эга ва шунинг учун ҳам уни инновацион модернизациялаш асосида ривожлантириш ўзига хос ва мос инновацион йўналишларда чуқур илмий-тадқиқот ва тажриба-кашфиётчилик ишларини (ИТТКИ) мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ фан ва техника-технология янгиликларини яратиш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш

¹ Сотволдиев Х. Инфратузилма шохобчаларини ривожлантиришда давлатнинг ўрни // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. - Тошкент. 2008. - № 6. - Б. 39.

жараёнини республикамиз ичидаги тор доирада эмас, балки индустриал тараккий этган хорижий давлатларнинг ушбу йўналишлардаги инновацион фаолият ютуқлари билан уйғун тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Аграр тармоқдаги инновация жараёни илм-фан ютуқлари асосида яратилган, сифат жиҳатидан янги маҳсулотларни, иқтисодий механизмлар, аниқ ташкилий, техник ёки технологик ғояларни бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланишгача етказиш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади. Республика аграр тармоғида юз бераётган иқтисодий ўсиш асосан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар етиштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига юз бермоқда. Бироқ тармоқда илмий сиғимли аграр технологияга асосланган йўналишлардаги инновацион жараённи ривожлантириш талаб даражасида эмас. Бунга тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инновациялар самарадорлигини ошириш йўллари, инновацион ҳавф ва хатарларни, инновацион салоҳиятнинг мавжуд шароитларга мослигини баҳолаш, тармоқда инновацион таваккалчиликни бошқариш борасидаги иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий асослар етишмаслиги салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи кўп сонли деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти шароитида аграр инновация бозори шаклланиши ва фаолияти хусусиятлари, йўналишлари тўғрисида аниқ маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, олинган хулосалардан фойдаланиш борасидаги билимлар етишмаслиги шароитида, илмий ишланмаларни инновацион лойиҳа сифатида амалга оширишга уриниш юз бермоқда. Бу эса инновацион ғояларнинг иқтисодий, техник ва технологик, экологик самарадорлиги пасайишига олиб келади. Бизнингча, аграр тармоқда инновацион ғоялар бозори энг аввало, мамлакатдаги “инновацион муҳитнинг” шаклланиш даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Бозор шароитида инновацион ғоялар товар ҳисобланади ва у талаб мавжуд бўлган ҳолдагина сотилади. Инновацион ғоя муаллифи нафақат ўз лойиҳасини фойда билан сотишдан, балки ушбу лойиҳа натижасидан кейинчалик ҳам даромад олишдан манфаатдор бўлади. Демак, инновацион

ғоянинг аниқ эгаси (муаллифлик ҳуқуқига эга шахс) бўлиши лозим. Бундай тизим ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Мавжуд қонунларимиз республика доирасида инновацион ғояларни интеллектуал мулк объекти сифатида рўйхатга олиш имконини беради ва улардан фойдаланишда муаллиф ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ҳисобига яхшигина даромад олаётган олим ва мутахассислар анчагина. Лекин, шу билан бирга баъзан мазкур муаллифлик ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунлар мавжуд бўлмасада, уни амалга ошириш механизмлари, ёки инновацион ғоялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари етишмайди ёхуд самарадорликни аниқлаш имкони йўқ.

Масаланинг бошқа томони шундаки, аграр тармоқдаги инновацион ғояларни сотувчилар асосан турли илмий муассасалар, илмий марказлар, олий таълим муассасалари, алоҳида олимлар, ихтирочилар бўлишса, инновацион ғоя талабгорлари асосан қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқлар ҳисобланишади. Демак, инновацион ғояларга талаб шаклланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи молиявий аҳволига, хўжалик юритувчи субъектлар мулкӣ ҳуқуқлари кафолатига бориб тақалади.

Маълумки, ривожланган давлатларда хусусий компаниялар замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган, малакали олимлар билан таъминлаган илмий-тадқиқот бўлинмасига эга. Инновация жараёни тижорат билан боғлиқ ҳолда ривож топади. Олинган натижалар рақиблардан сир сақланади ва шу асосда маҳсулот етиштирувчи субъектнинг узоқ муддатли рақобатбардошлиги таъмин этилади. Бу бозорнинг талаби. Инновация ғоясини сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги корхонаси мулкӣ ҳуқуқ кафолатига эга бўлиши керак. Яъни, фермер ўз мулкига ёки ерга ижара муддати давомида тўлиқ эга бўлиш кафолатини олган тақдирда инновациянинг ҳақиқий харидори бўлиши мумкин.

Республикада фермерлар мулкдорлар сифатида тобора мустаҳкам ўринга

эга бўлишмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига аралашувини камайтира бориши билан бевосита боғлиқ ҳолда юз бермоқда. Фермер тадбиркор сифатида инновацион ғояларнинг ҳақиқий харидорига айланиши учун унинг биринчи навбатда иқтисодий эркинлиги кенгайиб бориши лозим. Бу асосан:

- деҳқоннинг ишлаб чиқариш воситаларига, етиштирилган маҳсулот ва яратилган фойдага тўлиқ эгалик имкониятини кенгайтириб боришга;
- экинлар таркибини белгилаш ва агротехник тадбирларни амалга оширишдаги эркинлик даражасини ортиб боришига;
- маҳсулот сотиш каналини танлаш ва баҳо белгилаш борасидаги эркинлиги;
- рақобат муҳитидаги ресурслар бозоридан эркин маҳсулот сотиб олиш имкониятини яратишга;
- рақобат муҳитидаги хизматлар бозоридан сифати ва баҳоси жиҳатидан мақбул хизмат харид қилиш имкониятини кенгайтиришга;
- рақобат муҳитидаги қайта ишловчиларга маҳсулот сотиш имкониятини яратиш тадбирларини амалга оширишга;
- ўсиб боровчи бозор талабини қондиришга қодир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замонавий техникалар, экинларнинг янги навлари, агротехнологик янгиликларни жорий қилишга асосланиши лозим.

Юқоридаги ҳолатлар бозор муносабатлари ривожланишининг дастлабки пайтларида қишлоқ хўжалигида инновацияни ривожлантиришга ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Энди масалага республикамиз қишлоқ хўжалигида инновацион ғоялар бозорини ривожлантириш бўйича шаклланган шарт-шароитлар нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари тажрибасининг кўрсатишича ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда янги иқтисодий механизмларни жорий этиш «синов ва хатолар» услубида амалга оширилади.

Муаммолардан яна бири – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва бозор

инновацияси бўйича юқорида кўрилатган чоралардан ташқари, йиғиб олинган маҳсулотдан самарали фойдаланиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, турли хил истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширади, шунингдек, ички бозордаги сингари ташқи бозорда ҳам рақобатбардошликни маълум даражада кўтаради¹.

Инновацион сиёсатнинг стратегик мақсади – илмий ғоя ва ишланмаларни рақобатбардош товар маҳсулотига айлантириш, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, шунингдек, ҳудудий илмий-инновацион салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожланишни таъминловчи қулай инновацион муҳитни яратишдан иборат². Қишлоқ хўжалигида инновация фаолиятни ривожлантириш бутун бир инновация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Унинг асосий вазифаси ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва сифатини ошириш, экотизимга салбий антропоген таъсирларни камайтириш билан бир вақтда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ундаги деҳқон ва фермер хўжаликлари субъектлари фарлияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган инновацион сиёсатнинг муҳим вазифалари қуйдагилардан иборат:

- асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг тиббий истеъмол меъёрларига мос бўлиши;
- ҳудудлараро алмашиш ва экспорт аҳамиятига эга бўлган истиқболли маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- қўшилган қийматнинг улуши ва иқтисодий самараси юқори бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- майда ва йирик корхонларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир-

¹ Ортиқов И. Аграр соҳада инновациянинг аҳамияти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. - №2. - Б.29.

² Ҳусанов Р., Холмирзаев И., Бабаджанов А. Қишлоқ хўжалигида инновация. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. - № 2. - Б.29.

бирини тўлдирувчи мақбул нисбатда бўлиши;

- экотизимга антропоген таъсирни камайтириш орқали ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши.

АСМда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг муҳим шаклларида бири бу инновациялар бозорига илмий-техник маҳсулотларни киритишни, ахборот-маслаҳат таъминотини, лойиҳаларни экспертизасини, таклифлар ва буюртмаларни, тажриба ишлаб чиқариш баъзаларини ривожлантириш, молиялаш учун молия-кредит тузилмаларни вужудга келишини ташкил этадиган корхоналарни шакллантиришни кўзда тутадиган инновацион инфратузилмани ривожлантириш бўлиб ҳисобланади.

Инновация фаолиятини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятида янги инновацион технологияларни жорий этиш замон талаби экан, инновация фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратиш ва бу борадаги янги қонун қабул қилиниши Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилди. Концепцияда “Инновациялар ва инновацион фаолият” тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланган эди, ҳозирги кунда Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб тегишли идоралар билан келишув жарёнини ўтамоқда.

Аграр соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини ривожлантиришга қаратилган ва ўзида наслчилик ишини ривожлантиришга мақсадли субсидиялар, кимёвий воситаларини сотиб олишда харажатларининг бир қисмини қоплаш, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг оригинал ва элита уруғларини, асосий фондларни янгилаш тадбирлари, ер тузилишини, ердан фойдаланишни яхшилаш ва ер унумдорлигини ошириш, агросаноат

мажмуаси субъектларини кредитлаш ва суғурталашни мужассамлаган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими инструментлари таклиф этилган. АСМда бугунги кунда тармоқни инновацион ривожлантиришнинг илмий-технологик, бошқарув ва ташкилий шарт-шароитларини яратишга қаратилган иқтисодий механизм таъсири остида амал қилиши лозим. Кўриб чиқиладиган механизмни тадқиқ этиш бизга унинг қуйидагича мазмунини шакллантириш имконини беради.

АСМда инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми –бу ИТТКИни ташкил этиш ва ривожлантиришда ўзаро боғлиқ шакл ва йўллар тизими бўлиб, АСМнинг илмий-техник соҳасида бизнесни ривожлантириш ва инновацион жараёнларнинг барча босқичларида (ташкил этиш, тарқатиш, агроинновацияларни жорий этиш ва ўзлаштириш), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланиш даражасини кўтариш мақсадида унинг иштирокчиларининг ўзаро хамкорлиги асосида давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўлиб ҳисобланади.

АСМни инновацион ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб иқтисодий механизмни шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга ошиши лозим:

- Инновацион фаолиятни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини шакллантириш;
- АСМнинг республика ва маҳаллий даражаларида инновацион фаолиятни мақсадли-дастурли ривожлантириш ;
- Давлат-хусусий хамкорлигини ривожлантириш.

АСМни инновацион ривожлантиришни иқтисодий механизмининг мазмунини тадқиқ этиш ундаги ялпи институтционал, инструментал, методологик ва норматив-ҳуқуқий компонентларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Уларнинг ҳар бири аграр ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мустақил шакл ва йўлларини ва шу билан бирга уларнинг асосий ҳал этадиган вазифалар йўналишини белгилаб беради. Уларга: агроинновацияни шаклланишининг барча жараёнларида хўжалик

субъектларини инновацион активлигини рағбатлантириш; хўжалик субъектларининг инновацион салоҳиятини (инновацион, технологик, кадрлар, илмий, иқтисодий ва х.к.) ошириш; тармоқни инвестицион жозибадорлигини ошириш; инфратузилмани ва АСМ маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакли сифатида давлат-хусусий ҳамкорлиги тамойили асосида яъни давлат механизмидан фойдаланиб инновацион жараёнларни ривожлантиришда хусусий бизнесни иштирокини рағбатлантириш, ресурсларни бирлаштириш, фойда ва таваккалчиликни тақсимлаш, рақобат муҳитини шакллантириш ва шу билан бир вақтда-бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга туртки берадиган давлат капиталини иштироки бўлиши лозим.

Хориж тажрибаларини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, аграр секторда инновацион жараёнларни ривожлантириш тармоқ ИТИнинг илмий-тадқиқот фаолиятини, уларга имтиёзлар тақдим этиш орқали рағбатлантиришдан бошлаш, бизнес, олий таълим ва илмий тадқиқот марказларини АСМ соҳасида миллий дастурлар доирасида давлатнинг илмий-техник мавзулари бўйича ишлаётган инновацион кичик корхоналар билан интеграция учун кенг шарт-шароитларни яратиш лозим¹.

Иқтисодий механизмнинг таъсирчан роли натижасида қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантириш шакл ва йўллари тизимини аниқлаш имконини беради. Тадқиқотлар асосида қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг куйидаги шакл ва йўллари классификацияси тизими тавсия этилади. Бу классификация мавжуд қарашлардан давлат-хусусий ҳамкорлик тамойилига асосланиши билан фарқланади.

¹ Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси Ж-л. “Иқтисодиёт ва таълим” 2013 й. №2 – Б. 26-30.

		Давлат-хусусий хамкорлиги		
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ	Йўнал ишлар	Шакли	Йўллари	
			Давлат даражаси	Бозор даражаси
	Молиявий ташкил этувчилар	Солиқлар орқали рағбатлантириш	– солиқ имтиёзлари, шу билан бирга тармоқ ИТИга; – амортизация сиёсати	– солиқ кредити; – амортизация фонди; – капитал қўйилмалар
		Божхона тизими бўйича рағбатлантириш	Божхона расмийлаштирилиши	Таъриф имтиёзлари
		Субсидиялаш	Тўғридан-тўғри молиялаш (субсидия, дотация, займлар)	Инновацияларни жорий этиш фондлари
		Кредитлаш	Фоизсиз ссудалар	Имтиёзли кредитлар
		Венчурли молиялаш	Тавакалли ПИФлар (венчурли) инвестициялар	Инвестицион, венчурли фондлар
	Ташкилий-тадбиркорлик бўйича ташкил этувчилар	НИОКР соҳасида шартномалар ва буюртмалар	Давлат инвестицион буюртма	– лизинг муносабатлари; – инновацион кичик корхоналар
		Информацион қўллаб-қувватлаш	Илмий-техник фаолият, интеллектуал мулк объектларини ҳисобга олиш, натижаларини намойиш этишда қўллаб-қувватлаш	– инновацион марказлар, консултатив хизматлар; – илмий-техник маълумотлар баъзаси
		Фан-таълим – бизнесни интеграцияси	– кластерлар; – эркин иқтисодий ҳудудлар; – давлат буюртмаси асосида инновацион менежерларни таёрлаш; – раҳбар ходимларни малакасини ошириш	– бизнес инкубаторлар; – хамкорликнинг улушли шакли; – агротехнопарклар; – мегалойихалар; – технологик платформалар
Маъмурий-ҳуқуқий ташкил этувчилар	Республика ва маҳаллий дастурлар			
	Ҳуқуқий баъзани такомиллаштириш			
	Маъмурий бошқариш			

7-Расм. АСМда инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми¹.

7-Расмдаги классификациядан кўринадики инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантириш шакллари миқдори етарли даражада турли-туман ва натижада шунга мос равишда уни амалга ошириш йўллари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш майдони ҳам кенгдир. Таъкидлаб ўтиш муҳимки уларнинг ҳар бири мустақил ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, тармоқни

¹ Манба: Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

инвестициялашда давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида уларнинг барчаси бир-бирини тўлдириши лозим.

АСМни инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий механизми амал қилиши, илмий тадқиқотларни ташкил этиш шакллари ва йўлларида, АСМда илмий-техник фаолият соҳасида бизнесни ривожлантириш ва унинг барча иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигида агроинновациянинг жорий этишнинг барча босқичларида давлат томонидан қўллаб-қувватланашга асосланади. Шундай экан, инновациялар жамият ривожланишини асосий қонунларини амалга оширишнинг зарурий элементи, унинг ривожланиш ва динамиклик шарти ҳисобланади. Жамиятда корхоналарнинг ривожланиши улар фаолиятининг барча жабҳаларига дахлдор бўлувчи турли-хил инновацияларни ўзлаштириш йўли билан рўй беради. Негаки, бу яқин истиқболда миллий иқтисодиётда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланишига ишончимиз комил.

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда аграр соҳада илмий-таъминот тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика ҳукумати томонидан ушбу тизимни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида бир катор ислохотлар амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад аграр соҳа илмий-таъминот мавқеини кўтариш, фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этишдан иборатдир.

Жаҳондаги глобал ўзгаришлар, ва аграр соҳа илмий-таъминотининг янги йўналишлари юзага чиқаётган шароитда, рақобатбардошликни сақлаб қолиш бозорнинг доимо ўзгариб бораётган янги талабларига жавобан фермер ва давлат томонидан инновацияни доимий жорий қилиб боришни талаб қилади¹.

Маълумки, фан ва техника соҳасидаги ўзгаришлар тезлик билан амалга ошиб бормоқда. Бозор шароитига мослашиб бораётган товар маҳсулоти

¹ . Бабаджанов А . Аграр соҳа илмий таъминотида инвестиция ва инновация. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №4. 2010. Б.33

етиштираётган фермер хўжаликларининг қурғоқчилик ва ўсимликларни турли касалликларга чалинганлигига қарши туришларида ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда биологик тадқиқотлар ва ахборот технологиясидаги революцион ўзгаришларгина ёрдам бериши мумкин. Бу борада пахтачилик ва деҳқончиликни бошқа соҳаларида кенг миқёсда қўлланилаётган биотехнологияни мисол қилиб келтириш мумкин. Биотехнологияни кенг миқёсда қўлланилиши биринчидан, касаллик ва хашаротларнинг хосилдорликни пасайтириб юборишини олдини олса, иккинчидан, фермерлар даромадини ошишини таъминлайди, учинчидан, турли захарли кимёвий моддаларни ишлатиш миқдорини камайтиради. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, кичик фермер хўжаликларда фан ва технология янгиликларини жорий қилишда бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд. Чунки, технологик инновация билан боғлиқ бўлган институционал ўзгаришларни тез суръатлар билан ҳаётга кириб бориши, инновацияни турли манбаларини ўз ичига олган инновация жараёни мажмуали равишда амалга оширилишини тақозо қилмоқда.

Аграр соҳа илмий таъминоти тизимини инвестицион йўлга ўтказилиши ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаб фермерлар даромадини оширади. Иқтисодиёти кўпроқ аграр соҳага боғлиқ бўлган мамлакатларда, глобал ва миллий даражада бозордаги салбий ўзгаришлар аграр соҳадаги илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилаётган инвестицияларни камайиши ва илмий-тадқиқот натижаларини жорий қилишда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундай ҳолатда, илмий-тадқиқот натижаларига бўлган талабни, бозордаги рақобатбардошликни ва аҳоли даромадини оширишга илмий-тадқиқот ишлари таъсирини таҳлил қилиш учун, давлат ва хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ишларига инвестицияни кўпайтириш ва хусусий сектор, фермерлар, фуқаролик ташкилотлари бирлашиб инвестиция йўналтиришни кенгайтириш лозим. Бундай усулда инвестиция ва институционал инновация, бугунги жаҳон бозоридаги тез юз бераётган ўзгаришлар, ресурслар такчиллигини ошиб

бориши ва келажакда қугилаётган ноаниқликлар шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Аграр соҳа, бу биологик жараён билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу соҳадаги технологик инновация иқтисодий ёнбоқ жабҳаларидан тубдан фарқ қилади. Аграр соҳада олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар ва уй ҳайвонлари генетикасини яхшилаш технологияси асосан, бу жараён амалта оширилаётган ҳудуддагина яхши натижа беради. Республика пахтачилигида кўп йиллар давомида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мамлакатда ғаллачилик дастури тузилиши ва ғалла майдонларини кенгайтирилишида ҳамда шу масалага эътибор бериш сугориладиган майдонларда ғаллачилик бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ғаллачилик институти ва унинг филиаллари ташкил қилинди.


Шу билан бир қаторда, бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, илмий салоҳиятдан тўғри ва оқилона фойдаланиш бир вақтни ўзида муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради; ўсимликларнинг янги навларини яъни технологияни, чорва молларини ҳар бир ҳудуд шароитига мослашғариш ва уларнинг маҳсулдорлигини юқори бўлишини таъминлайди; ушбу илмий салоҳиятдан фойдаланиш вилоятларда илмий ечимлар ва янги технологияларни жорий қилишда катта рол ўйнаши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 80-95 фоизига янги билимларни, технологияларни, янги ускуналарни такомиллаштириш ва кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан эришилмоқда. Янги технологияларни татбиқ қилиш ишлаб чиқариш самарадорлиги, товар ва хизматлар сифатини оширишда асосий омил бўлиб қолди. Иқтисодий реал секторлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодий ривожланишни сустлаштирувчи омилларнинг салбий таъсирини камайтириш, инновацион ишлаб чиқаришга маблағларни сарфлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари таъминотчиси

ҳолатидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи мавқеига олиб чиқади.

Инновациялар корxonанинг рақобат муҳитидаги устунлигини шакллантириш ва мус-таҳкамлаш, истиқболли лойиҳалар асосида уларнинг товар ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларидаги фаоллигини оширади. Демак, ташқи ва ички бозордаги рақобат курашида инновациялардан фойдаланиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Инновациялар ўрта ва юқори рақобатбардошлик афзалликларини шакллантиради. Мутаносиб равишда корхона рақобатбардошлигини инновацион рағбатлантириш деганда, маҳсулотлар сифатини ошириш, харажатларни қисқартириш, истеъмол товар маҳсулотлари ассортиментини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корxonани бошқариш тизимида инновацион рақобатбардошлик афзалликларини яратиш ва амалга ошириш тушунилади.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим йўналишларидан бири узлуксиз инновацион жараёнга ўтиш ҳисобланади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг жадаллиги асосан иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди. Бозордаги шиддатли рақобат кураши шароитида фақатгина илмий-тадқиқот фаолияти учун қулай шароит яратувчи корxonаларгина ғолиб бўлади. Рақобатда устунликни қўлга киритиш ва уни ушлаб қолишга фақатгина инновация орқали эришиши илгари сурилган, бот-бот тасдиқланган қараш бугунги кун корxonаларининг аксиомаси бўлиб қолди. Ҳар қандай илғор корхона шахсий стратегияси бўлишига қарамай, шуни биладикки, доимий янгиланиш ва такомиллашиш ишлаб чиқариш даражасини юқори ва самарали қила олади. Инновациялар асосида товар ва технологияларга рақобат афзалликларини бериш, ўз навбатида, корхонага рақиблардан устидан технологик устун бўлиш имконини беради. Аммо корхона учун рақобат устунлигига эга бўлиш асосий мақсад эмас, муҳими, корхона фаолиятининг тўғри йўналиши бўйича стратегияни танлаб, шу йўналишда моҳирлик билан иш олиб бориш ва пировардида рақобат курашида муваффақиятни қўлга киритишдир.



8-Расм. Рақобатда муваффақият қозониш босқич ва омиллари.

Шундай қилиб, инновацияларнинг рақобатбардошликдаги вазифаси корхоналарга рақобатда технологик устунликка эришиш орқали рақобат курашида ғолиб бўлиш имконини беришдир. Бироқ ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммоси вужудга келмоқда. Ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилишда авваламбор, уларни иқтисодиётнинг қайси соҳасига йўналганлигини инобатга олиш лозим. Энг катта эътиборни инновацион фаолият юритувчи субъектларга, шунингдек янги технологияларни татбиқ қилиш тизимини ривожлантиришга қаратиш зарур, чунки улар тезроқ ўзларини оқлашади.

Иқтисодиётнинг аграр секторида амалга оширилган ислохотлар натижасида пахта хомашёси ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида фермер хўжаликларида ташкил этилади ва ривожлантирилади. Шу билан бирга ушбу хўжаликларда ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги

тармоқлари ҳам ривожланади. Тармоқларнинг бундай уйғунлашуви фермер хўжаликларида ердан, мавжуд бўлган умумий ва ихтисослашган қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, пахтачилик ва қўшимча тармоқлар ривожланишида илмий асосланган инновацион ишланмалар ҳамда агротехнологияларни босқичма-босқич жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда¹”. Шундан келиб чиққанда, қишлоқ хўжалигини истиқболдаги ривожини фермер хўжаликларида ер, меҳнат ва моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали экинлар, айниқса пахта ҳосилдорлигини оширишга, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари молиявий аҳволини барқарорлаштиришга боғлиқдир. Бунинг учун қатор инновация тавсифига эга чоратадбирларни амалга ошириш лозим.

1. Бутун аграр соҳада бўлгани каби, энг аввало, фермер хўжаликларида моддий рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши керак. Фермер хўжаликларида ушбу тизимни такомиллаштириш, уларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасига боғлиқдир. Вақти келиб, қишлоқ хўжалиги техникаси кўпайиб, фермер хўжаликлари ўз ихтиёрида зарур техника мажмуига эга бўлса, ўшанда улар пахта ва ғалла етиштиришда ўзаро рақобат қила олиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, №13.

Масалан, АҚШ да ҳар бир алоҳида фермер хўжалиги зарур қишлоқ хўжалиги техникаси мажмуига эга ва улар пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда АҚШ фермаларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан машина технологиялари базасида амалга оширилади¹. Бу эса фермерлар умумий фойда даражаси ва айти пайтда уларнинг моддий манфаатдорлигини ҳам белгилаб беради.

2. Суғориладиган ерларда тупроқнинг табиий унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш мақсадида деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳамда фермер хўжаликларида пахта, дон ва бошқа экинлар алмашлаб экилишини кенг жорий этиш зарур.

Ҳозирги вақтда пахтачилик билан банд фермер хўжаликлари Ўзбекистоннинг кўп укладли аграр секторидаги суғориладиган ерлардан асосий фойдаланувчиларга айланганлиги боис, республикадаги ушбу ерларнинг тақдири уларнинг қўлида. Пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида алмашлаб экишнинг кенг жорий этилиши нафақат суғориладиган ерлар унумдорлиги сақланиб қолиши, балки уларда барқарор ем-хашак базасининг тикланишига олиб келади. Пахтани алмашлаб ва уни дон билан навбатлаб экишни ҳар бир хўжалик жойлашган ерлар тупроғининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жорий этиш лозим².

Пахта-дон экинлари ва беданинг юқори агротехник самарадорлиги ва суғориладиган деҳқончилик шароитида ундан фойдаланишнинг объектив зарурлиги айнан шундан иборатки, ернинг беда қатламини ҳайдаш ҳамда органик ва минерал ўғитларни қўллаш натижасида навбатлаб экиш усули билан пахта етиштириладиган барча йиллар мобайнида пахтадан юқори ҳосил олинади. Шунинг учун пахта, дон ва бедани алмашлаб экишдан фойдаланишда пахта ҳосилдорлиги экинни узоқ йиллар алмашлаб экишларсиз етиштиришга нисбатан юқори. Кўп йиллик маълумотларга кўра, пахта ва бедани алмашлаб экишнинг жорий этилиши ҳисобидан пахта ҳосилининг кўпайиши ҳар

¹ Зияходжаев М.З. Программирование урожайности хлопчатника. - Т.: Фан, 1982. –84 с.

² Саттаров Д. Сорт, почва, удобрение и урожай. – Т.: Мехнат, 1988. –188 с.

гектаридан 6-10 центнерни ташкил этади¹.

3. Пахта хомашёси нархининг объектив шартланган даражаси пахтачиликда ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи молиялашни таъминлаш талабларига жавоб беради. Асосланган нархлардан фойдаланишда фермер хўжаликларига нафақат оддий, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга молиявий имконият яратилади.

Фермер хўжаликларини ички иқтисодий соғломлаштириш муаммоларини ҳал этмай, қишлоқ хўжалигини молиялаш ва кредитлаш муаммоларини ҳал этиш мушкул, чунки иқтисодий ночор фермер хўжаликлари марказлашган кредитни ҳам, тижорат кредитини ҳам қайтариш, бўнак тўловларини қоплаш ва бошқа молиявий қўйилмаларни оқлаш имконияти камроқ.

Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашдан мақсад уни иқтисодий бақувват, ўз харажатларини ўзи қопловчи ва ўзини-ўзи молияловчи хўжаликларга айлантиришдан иборат. Агар ушбу мақсадга эришилмаса, у ҳолда амалга оширилган молиявий қўйилмалар бефойда сарфланган бўлиб чиқади.

Таклиф этилган услубиятни қўллаш орқали асосланган пахта харид нархи нафақат тасдиқланган бўлиши, балки у бўйича тайёрлов ташкилотлари ва пахта етиштирувчи хўжаликлар ўртасида қишлоқ хўжалиги йилининг бошидаёқ бўлажак ҳосил қийматининг камида 40 фоизини олдиндан тўлаш шарти билан фьючерс шартномалари тузилиши керак. Бу фермер хўжаликларига етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, давлатга эса қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ҳақ тўламаслик тизими билан муваффақиятли курашиш имконини беради.

Тавсия этилаётган нархларда эҳтимолий фойданинг етарли ҳажмлари давлат бюджетига ажратмаларни оширишга кўмаклашади ва банк тизими билан муваффақиятли ўзаро ҳамкорлик қилади. Қишлоқ хўжалиги банкларида

¹ Эргашева Ш.Т. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш.: Иқт.ф.н. дис. авт. – Т.: ТДИУ, 2004. -25 б.

фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолисининг депозитларида бўш маблағлар пайдо бўлади.

Фермер хўжалигида ишловчилар йил мобайнида иш ҳақи ҳамда бошқа даромадга эга бўладилар. Иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланиши қишлоқ хўжалигида ишловчи оила аъзоларининг харид имкониятини ҳам, баъзи жамғармаларнинг жамғарилишини ҳам оширишни таъминлайди. Қишлоқ аҳолиси харид имкониятининг ортиши озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари билан савдо-сотикни жонлантиради. Товар айланишининг ўсиши савдо ташкилотлари ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги молия муаммосини ҳал этишга кўмаклашади.

4. Қишлоқ аҳолиси муаммоларсиз ўз бўш маблағларини банкларга кўйиш имкониятига эга бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим. Японияда, масалан, ушбу мақсадлар учун ҳатто кичик аҳоли пунктларида ҳам почта жамғарма банкларининг тармоғи мавжуд. Банклар, ўз навбатида, миждонинг ҳисоб рақамларидан пулларни биринчи талабга кўра қаршиликларсиз олинишини кафолатлаши зарур. Шу тариқа, бир томондан, хўжаликлар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда, иккинчи томондан, банк тизими ўртасида ўзаро манфаатдорлик кучаяди. Фақат ана шундай шароитда аҳолининг банк тизимига нисбатан ишончи янада ортади.

Фермер хўжаликлари ва аҳолининг депозит ҳисоб рақамларида бўш маблағларнинг кўпайиши уларнинг кредитларга эҳтиёжини қондириш учун қишлоқ хўжалиги банклари кредит ресурсларининг ошишини таъминлайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси учун нафақат адолатли нархни, балки ёқилғи-мойлаш материаллари, маъданли ўғитлар, захарли химикатларни етказиб берганлик, ер ҳайдашдан бошлаб то етиштирилган ҳосилни йиғиб олишгача бўлган бутун қишлоқ хўжалиги йили давомида бажарилган иш ва хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, ўз ходимларига амалда бажарилган ишлар учун ўз вақтида иш ҳақи тўлаш имкониятини ҳам таъминлаш зарур.

Фьючерс шартномалари фермер хўжаликлари банк ҳисоб рақамларига қишлоқ хўжалиги йилининг бошидаёқ бўлажак ҳосил харажатлари учун пул маблағлари келиб тушишини таъминлайди. Бу ёқилғи-мойлаш материаллари, маъданли ўғитлар, заҳарли химикатлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ўз вақтида сотиб олиш имкониятини, шунингдек, ишлар ва хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур чора ўз ходимларига йил давомида иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига имкон яратади.

Фермер хўжаликларининг етказиб берувчи ташкилотлар билан бундай ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши саноат корхоналари билан тўланмаслик занжири пайдо бўлиши эҳтимолини пасайтиради ва умуман уни йўқотиш имкониятини яратади. Шу билан бирга халқ истеъмоли товарлари бўйича ҳақ тўламасликларга ҳам барҳам берилади. Бутун қишлоқ хўжалиги йили мобайнида қишлоқ аҳолиси тўлов қобилиятининг ортиши халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотига талабларнинг ортишига олиб келади. Халқ истеъмоли товарларини сотган корхоналар, ўз навбатида, етказиб берувчиларнинг ҳисоб рақамлари бўйича тўловларни амалга оширишга қодир бўлади.

5. Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш натижасида аграр секторида ем-хашак (беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари) майдонлари йирик хўжаликлардан хусусийлаштирилган чорвачилик (фермер) хўжаликларига деярли тўлиқ топширилган эди. Бундай шароитда аввалги ширкат хўжаликларида пахта узоқ вақтга алмашлаб экишларсиз етиштирилган эди, бу эса тупроқдаги органик моддалар миқдорининг пасайиши каби салбий оқибатларга олиб келади, азотнинг йўқотилиши содир бўлди, тупроқнинг жисмоний хусусиятлари ва ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Бу пахта ҳосилдорлиги ва пахтачиликда меҳнат унумдорлигининг пасайишига асосий сабаб бўлди. Шуларни ҳисобга олганда, пахта ҳосилдорлигини оширишнинг яна бир манбаи бу техника, ўғитлар, заҳарли химикатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ишлаб

чиқариш ресурсларидан ўз вақтида ва тўлиқ меъёрларда фойдаланишни ташкил этиш ҳисобланади. Шунингдек, эътиборга олиб, ушбу ресурсларда фойдаланишнинг ҳудудий меъёрларини такомиллаштириш талаб этилади. Бунда белгиланган ҳосилдорликка эришиш учун ўғитлардан фойдаланиш меъёрларини тупроқ таркибидаги гумус ҳамда алмашлаб экиш даражасига боғлиқ ҳолда белгилаш муҳим шарт ҳисобланади.

6. Фермер хўжаликларини бошқариш, ички хўжалик мониторингини юритиш, агротехник тадбирларини ўз вақтида ўтказишни назорат қилиш, ахборот алмашиувини тезлаштириш мақсадларида республика-вилоят-туман-фермер хўжалиги бўғинларида ахборот-коммуникация технологиясига асосланган автоматлаштирилган ахборот тизими (АИТ) тармоғини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва жорий этиш бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ахборот базасини кенгайтириш ва уларни қайта ишлашни тезлаштириш имконини яратади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг дастлабки босқичида ҳудудий фермерлар кенгаши даражасида (туманда) фермер хўжаликлари паспорти, уларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ҳамда ташқи алоқалари (шартнома) монито-ринггини йўлга қўйиш лозим. Фермер хўжалиги даражасида АИТ тизимининг биринчи навбати қуйидаги бошқарув вазибаларини ҳал этишга қаратилиши лозим:

- фермер хўжалиги фаолияти мониторингини юритиш. Хўжалик паспорти, бизнес режа (1 йиллик, 3-5 йиллик) ва унинг бажарилиш кўрсаткичлари ва бошқа фаолият мониторинги;

- сотиш ва сотиб олиш шартномалари мониторинги. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сотиш бўйича қайта ишловчи корхоналар ҳамда бошқа бозор субъектлари билан тузилган шартномалар бўйича ахборот базаси яратилади ва уларни бажарилиши, пул тушумлари мониторинги олиб борилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш шартномалари тўғрисида алоҳида ахборот базаси юритилиб, уларнинг бажарилиш мониторинги олиб борилади. Ушбу тизимда шартномалар

тузилган ташқи ташкилотлар билан молиявий ҳисоб-китобларни олиб бориш асосий ўрин тутди. Фермер хўжалиги мониторинги тизимида ишга ёллаш шартномалари асосий ўрин тутди. Ёллаш шартномасида кўрсатилган шартнома шартлари билан бирга ёлланган ишчига иш ҳақи тўлаш ҳисобини юритиш муҳим ҳисобланади;

- фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ва шу каби бошқа тезкор бошқарув ишларини юритиш билан боғлиқ норматив маълумотлар, тавсияномалар ва бошқа ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими АИТ да ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган юқоридаги ва бошқа муаммоларнинг ҳар бирини яқка тартибда ҳал этиш яхши самара бермаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам, фикримизча, давлатнинг аграр соҳадаги инновацион сиёсатини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётни бозор муносабатларига мос модернизациялаш стратегиясини, унинг асосий босқич ва йўналишларини қамраб олувчи махсус Давлат дастури ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш истиқболдаги асосий вазифалардан бири сифатида тан олинishi ва ҳал этилиши лозим. Ушбу Дастурнинг асосий таркибий қисмлари сифатида, бизнингча, қуйидагилар белгиланиши мақсадга мувофиқ:

а) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир инновациялар яратувчи ИТТК муасса-салари ва уларнинг инновацион маҳсулотларини истеъмол қилувчи хўжалик юритиш субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва моддий манфаатдорликка асосланган кооперация ва интеграция шакл ва муносабатларини ташкиллаштириш ва ривожлантириш;

б) қишлоқ хўжалигини модернизациялаш самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган экологик тоза сифатли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлар етиштириш ва уларни экспорт қилиш орқали дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш каби устувор вазифаларни ҳал этиш мақсадида республика миқёсида Инновацион жамғарма

ташқил қилиб, унинг молия манбаларини белгилаш ва кенгайтириш. Ушбу жамғармадан маблағлар фақатгина бевосита инновациялар яратиш, уларнинг муаллифлари ва истеъмолчиларини моддий рағбатлантириш, хўжалик юритиш субъектларининг инновацион фаолияти ва фаоллигини ошириш, инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тизимини ривожлантириш каби чора-тадбирларга йўналтириш лозим;

в) ривожланган хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалигида юқори самара бераётган инновация маҳсулот ва ишланмаларини республикамизга олиб кириш, уларни ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитларига мос равишда оқилона татбиқ этиш билан шуғулланувчи субъектларни ўз ичига олувчи махсус тузилма ташқил этиш, унинг мақоми ва функцияларини ишлаб чиқиш ҳамда молиялаштириш манбаларини белгилаб бериш;

г) қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият ва фаолликни ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи ролини янада кучайтириш. Яъни, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ давлат бошқарув органлари, молия, солиқ, суғурта муассасалари, агросервис ташкилотлари ва бошқа тегишли корхоналар томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг инновацияга бўлган талабларини қондириш, уларни самарали татбиқ этиш ва ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини юқори даромад билан яқунлашлари учун тегишли йўналишларда имтиёзли механизмларни қўллаш ва ҳ.к.

Мамлакатимизнинг аграр инновацион сиёсатини илмий-техника тараққиёти талабларига мос ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциялари қуйидаги йўналашларда олиб борилиши, фикримизча, яхши самара беради. Яъни:

- илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишнинг қисқа, ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган йўналиш ва башорат кўрсаткичларини белгилаш;

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тезкор ва кучли туртки берувчи инновацияларни танлаш ва реализация қилиш;

- агросаноат мажмуи тармоқларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестиция ресурсларини кўпайтириш;

- инновация истеъмолчиларининг фан ва техника янгиликларини татбиқ этиш имко-ниятларини кучайтириш учун уларнинг тўлов қобилиятларини таъминловчи иқтисодий-молиявий механизмларни такомиллаштириш ва имтиёзлар тизимини кўллаш;

- хусусий ва кичик инновацион тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва молиявий кўллаб-қувватлаш;

- давлат даражасида қишлоқ хўжалиги тармоғи ва корхоналарининг инновацион фаолияти ва фаоллигини муттасил ривожлантиришга кенг шароит яратиб берувчи инновацион сиёсатнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва ушбу жараён иштирокчиларининг моддий манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва малакали кадрлар билан таъминлаш йўналишларида халқаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва ҳ.к.

Шунингдек, инновациялар ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан давлат томонидан инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришга чамбарчас боғлиқ қуйидаги тузилманинг асосий мақсадларидан бўлиб:

- биринчидан, инновациялар яратувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни ўзаро моддий манфаатдорлик механизмларига асосан ташкил қилиш ва узвий ривожлантириш;

- иккинчидан, инновация маҳсулот ва ишланмаларини товар мақомига етказиш ва уларни экспорт қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- учинчидан, хўжалик юритиш субъектларига фан ва техника-технология янгиликларини самарали жорий этишлари учун барча шароитларни яратиш;
- тўртинчидан, ривожланган хорижий давлатлар билан инновациялар соҳасидаги алоқаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- бешинчидан, хўжалик юритиш субъектлари раҳбар ва мутахассисларининг инновацион билим ва малакаларини ошириш чоратадбирларини амалга ошириш ва ҳ.к.

Иқтисодий адабиётларда давлатнинг инновацион сиёсатини юқорида қайд этилган ва бошқа функциялар доирасида учта сценарий асосида, яъни: а) инерцион ривожлантириш; б) аграр соҳа таркибий тармоқ ва корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларини инновациялар асосида техник-технологик модернизациялаш ва в) мажмуавий инновацион ривожлантириш чоратадбирлари орқали ташкил қилиш ва такомиллаштириш тавсия этилади. Бироқ, бозор муносабатлари ва рақобатлари таъсирининг муттасил кучайиш тенденцияси шароитида инерцион ривожлантириш сценарийси соҳани интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш талабларига етарли даражада жавоб бермайди. Зотан, бу сценарий мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш эмас, балки аввалгиларининг ўрнини айнан муайян турдаги ўхшаш воситалар билан қайта тиклашни назарда тутди. Шу сабабларга кўра ҳам, бизнингча, республикамизнинг аграр соҳаси, айниқса, қишлоқ хўжалигининг жаҳон озиқ-овқат бозоридаги ўрни ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳолини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан, тегишли саноат тармоқларини эса хом ашё билан ички имкониятлардан унумли фойдаланиш эвазига таъминлаш масалаларини ҳал этишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун эса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатида биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёнларини инновациялар асосида техник-технологик ташкил қилиш сценарийсига мувофиқ ривожлантиришга муҳим йўналиш сифатида қаралмоғи лозим. Бу сценарийнинг аҳамияти ва самараси шундан иборатки, инновациялар асосида

такомиллашган техника, технологияларни жорий этиш, биринчидан, ҳам ресурстежамкорлик, ҳам қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва молларини парваришlash тадбирларини ўз вақтида сифатли бажариш имкониятларини кенгайтирса, иккинчидан, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш орқали уларга қилинадиган сарф-харажатларни камайтириб, хўжалик юритиш субъектларининг даромадлилик даражасини юксалтиришга олиб келади. Бу ўз навбатида хўжаликларнинг хусусий маблағлари ҳисобига инновацияларни жорий қилиш, провардида эса уларнинг инвестицион-инновацион фаоллигини ошириш учун мустаҳкам замин яратади. Бироқ, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш самарадорлигини ошириш йўллари ва чора-тадбирлари фақатгина ишлаб чиқариш жараёнларини инновациялар асосида техник-технологик ташкил қилиш сценарийсига таянган ҳолда эмас, балки у билан баравар равишда мажмуавий инновацион ривожлантириш сценарийси назарда тутувчи йўналишларни ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Кейинги сценарий ўзининг кенг қамровлиги жиҳатдан ҳам катта афзалликларга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш, техника-технология, селекция ва генетика, ташкилий-бошқарув, ахборот-коммуникация, иқтисодий-ижтимоий, экология ва айрим вазиятларда сиёсий йўналишларга боғлиқ инновацияларни уйғун тарзда жорий қилишга асосланган. Мажмуавий инновацион ривожлантириш сценарийси доирасидаги инновацион йўналишлар классификацияси ва уларни уйғун тарзда амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инновацион фаолият, қайси тармоқдалигидан қатъий назар, изланиш, қайта ишлаш ва такомиллашган янгилик ҳамда техника-технологияларни ўз ичига олган жараёнлар мажмуаси ҳисобланади. Демак, қўшимча даромад олиш ёки ўша ҳажмни сақлаб қолиш учун техника ва технологияларни инновация ишланмалари билан такомиллаштириб бориш лозим. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш Ўзбекистон Республикасини глобализация шароитида озиқ-

овқат хавфзислиги таъминлаш, меҳнатни моддий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш, аҳолини турмуш сифати ва даражасини яхшилаш, иқтисодиётда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ундаги инқирозий ва инфляцион жараёнларини тўхтатиш, якуний натижада мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

3.2. Аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантиришнинг концептуал асослари

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг асосий секторларидан бири бўлмиш аграр соҳани барқарор ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири инновацион ривожланиш асосида иқтисодий ўсишни янги босқичга олиб чиқиш ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ички ва ташқи бозорлардаги мураккаб рақобат муҳити шароитларида самарали фаолият олиб борувчи хўжалик бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда иқтисодий ривожланишнинг асосан истиқболли йўналишларига маблағларни йўналтириш борасида давлатнинг кўмаги беқиёсдир. Бунда, давлат томонидан тартибга солиш дастаглари жамият фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган инновацион фаолият ва ижодий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, бугунги кунда амалий тадқиқотлар, ишлаб чиқариш кучлари ва технологияларини янгилаш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилиш, илмий-техникавий салоҳият имкониятларидан тўлиғича фойдаланиш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштириш аграр тармоқни барқарор ривожлантиришнинг асосий омиллари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Инновацион жараёнлар эса, аграр тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги ижтимоий аҳамияти нуқтаи-назаридан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг келажагини белгилаб бериши лозим.

Бундай шароитда, узок муддатли истиқболни кўзлаб иш юритиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион фаолиятни диверсификациялаш, инсонларнинг ижодий фаоллигидан юқори даражада фойдаланиш аграр тармоқ корхоналарини бошқаришнинг асосий жихатларидан бири бўлиши зарурдир. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини ҳар томонлама яхшилаш ва янги маҳсулотларга бўлган талабларни рағбатлантириш рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришишдаги асосий омиллар ҳисобланади. Кўплаб инновацион ўзгаришларни амалга ошириш учун йирик ҳажмдаги инвестициялар талаб этилиши муносабати билан, аграр соҳадаги инновацияларнинг асосий қисми деҳқон ёки фермер хўжаликларидан эмас балки, аграр тармоқнинг йирик корхоналарини амалга оширилади.

Шу нуқтаи-назардан аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларидан бири инновация жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш ҳисобланади, бу эса аграр тармоқни, хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари билан изоҳланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида табиат, атроф-муҳит, иқтисодий ва ижтимоий билимларнинг уйғунлигини талаб этилиши тармоқнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ҳозирда, мамлакатимиз аграр секторидан ижобий натижаларга эришилаётганлигига қарамасдан, ушбу соҳа аграр ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи бир қатор кўрсаткичлар бўйича сезиларли даражада ортда қолмоқда. Мавжуд шаклланган вазият ва бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари аграр соҳани бошқаришда инновацион ёндашувни жорий этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда аграр соҳани барқарор ривожлантиришнинг асосий стратегияси инновациялар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади.

Юқоридагиларнинг барчаси аграр тармоқни барқарор

ривожлантиришнинг истиқболини белгилаш, мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва ривожланишини таҳлил қилиш услубиёти бўйича янги назарий ишланмаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бунда аграр тармоқдаги инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновацион жараёнларни бошқаришнинг асосий мақсади аграр тармоқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилари фаолияти кўламларини кенгайтириш учун қўйилган мақсадларга эришишда, бозорларда ўз ўринларига эга бўлишларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини оширишда, харажатларни қисқартиришда, рақобатбардошликни таъминлашда ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз аксини топади.

Ўзбекистон аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий ислохотлар тармоқнинг барча жабҳаларини қамраб олгани каби, инновация жараёнларини тартибга солишга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари ва тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар шароитида фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалалари янада долзарблик касб этмоқда. Ҳозирда, ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда кузатилгани каби, Ўзбекистонда ҳам бозор шароитидаги кучли рақобатга чидамли бўлиб, ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган корхоналар мувафақиятининг асосий омили айнан инновацион фаолият, унинг натижаси эса самарадорликнинг бош омили бўлмоқда. Шунинг учун, бозор муносабатлари иштирокчилари, биринчи навбатда товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари, ўзларининг жорий ва истиқболдаги рақобатбардошликларини таъминлашлари учун аниқ мақсадли инновация сиёсатини шакллантиришлари ва амалга оширишлари зарурдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини янада ошириш ва барқарорлигини таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори технологияларини ўзлаштириш, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан

фойдаланиш, қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши, ер ва бошқа турдаги ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги баҳо номуносаблигини тугатиш, давлат томонидан қишлоқларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш, ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш, сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, ушбу тармоқни бошқаришда замонавий илмий асосланган услублардан фойдаланиш кабиларга бевосита боғлиқдир. Хўжалик юритишнинг бундай истиқболли тизими амалдагиси билан таққосланганда уни ташкил этиш ва фаолият юритилишининг инновацион ёндашувга асосланганлиги – ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради.


Бошқача айтганда, аграр тармоқнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиқишга фақатгина, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновацияларни жорий этиш ва инновация жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришга боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маблағларидан фойдаланилаётган ҳолатларда, асосий турдаги технологияларга эга бўлган, лекин инвестицион маблағларга ва ялпи ишлаб чиқариш тажрибаларига эга бўлмаган бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқдир. Аграр тармоқ доирасида инновацион фаолиятнинг ушбу элементи муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорликнинг бундай кўринишини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин:

- илмий-тадқиқот ишларига инвестициялар киритиш;
- бошқарувчилик ёрдамини кўрсатиш;
- ўхшаш ва номукамал технологиялар вужудга келганда мустақил корхоналарни аниқлаш;
- йирик ва кичик корхоналарнинг устуворликлари ва имкониятларини бирлаштириш;
- истиқболли ва юқори рискка эга бўлган ноанъанавий технологияларни ишлаб чиқувчи мустақил таркибий тузилмани ташкил этиш.

Ушбу вариантларнинг ҳар бирини алоҳида шарт-шароитлар орқали танлаб олинади ва бу узок муддатли истиқболда техник, ишлаб чиқариш ва маркетинг сиёсатларни ишлаб чиқиш учун ўзига хос “технологиялар жамланмаси”ни ташкил этади. Ушбу технологияларни техник-иқтисодий таҳлил қилиш ва апробациядан ўтказиш инновацияларни ташкил этиш учун асосномаларни ишлаб чиқиш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, аграр тармоқни ривожлантиришнинг замонавий инновацион сиёсати стратегиясини амалга ошириш учун тизимли ёндашувни таъминлайди. Бизнингча, ушбу масалани ҳал этиш учун агроиндустриал паркларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, инновацион жараёнларни ривожлантириш ва тартибга солишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи, тармоқнинг ривожланишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқувчи, рақобатбардошлигини оширувчи янги бошқариш тизимини ташкил этиш ҳал қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, аграр тармоқни инновацион ривожлантиришни режалаштиришга ва инновацион сиёсатни ишлаб чиқишга янги ёндашувни талаб этади.

Аграр тармоқда инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг янги ташкилий-бошқарув механизми сифатида, таркибида ишлаб чиқариш йўналишидаги таркибий бўлинма билан бир қаторда кенг кўламли инновацион бўғинга эга бўлган аграр йўналишдаги, йирик, интеграциялашган корхона – агротехнопарк бўлиб ҳисобланади. Унинг янги инновацион ташкилий-иқтисодий моделини таклиф этамиз. Агротехнопарк – бошқарувчи компания ҳисобланиб (МЧЖ ёки ЁАЖ кўринишида бўлиши мумкин) инновацион ривожланиш ва аграр тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган аграр ишлаб чиқаришни юритиш учун бизнес ва фанни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради (9– расм).



9 – Расм. Агротехнопаркнинг ташкилий иқтисодий модели

Агротехнопаркнинг ташкилий моделида стандарт агрохолдинглар фаолиятига мос бўлмаган, лекин мамлакат учун жуда зарур бўлган инновацион, таълим, экологик, ижтимоий, ахборот-реклама каби бир қатор функцияларни бажарилиши назарда тутилган. Шу нуқтаи-назардан, агротехнопаркларни ташкил этишда давлат органларининг иштироки зарурий ҳисобланади, бу хўжалик юритишнинг ушбу моделида агротехнопарк жойлашган ҳудуднинг интеллектуал ва аграр салоҳиятларини фаоллаштириш ҳисобига, биринчи навбатда ушбу ҳудуднинг ўзини-ўзи ривожлантириши учун фойда олишни назарда тутганлиги билан изоҳланади.

Хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари шароитида агротехнопаркларни доимий равишда бюджетдан молиялаштириш кутилган иқтисодий самарани келтирмайди, шунинг учун унинг таркибида асосий бўғин ўзининг асосий фаолиятидан даромад келтирувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ва қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади. Ушбу таркибий жиҳатдан, таклиф этилаётган агротехнопарк агрохолдингга ўхшаб кетади.




10 – Расм. Агротехнопарк даромадларининг тахминий манбалари

Уларнинг ўртасидаги асосий фарқ агротехнопаркнинг ташкилий таркибида аграр тармоқда илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишларининг (НИОКР) амалга оширилишига, инновацияларни амалиётга жорий этилишига, малакали кадрлар тайёрлашга жавоб берувчи илмий бўғиннинг мавжудлиги ҳисобланади. Кейинги асосий фарқи эса, агротехнопарклар нафақат фойда олиш учун балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, эркин пул маблағларининг мавжудлиги ҳам молиявий имкониятларини сезиларли

даражада кенгайтиради. Шундай қилиб, агротехнопарк ишлаб чиқариш – хўжалик – инновация фаолиятини юритишнинг янги модели сифатида, келгусида мамлакатимиз аграр соҳасида инновацияларни амалиётга жорий этиш ва уларнинг тўлиқ фаолият юритишини таъминловчи асосий хўжалик юритиш шаклларида бири бўлиши мумкин.

Аграр тармоқнинг ривожланиши тенденциялари ва тармоқдаги инновацион фаолиятнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари, инновация жараёнларини тартибга солиш тамойиллари ва илмий ёндашувлари аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантириш механизмлари моделини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновация жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини берди. Шунинг билан бирга, аграр тармоқни барқарор ривожлантириш ва тармоқда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция сиёсатини фаоллаштириш лозимдир. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги инвестиция жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан орқада қолмоқда.



11-Расм. Аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантириш механизми модели

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенцивлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг инвестицион салоҳияти имкониятларидан фойдаланган ҳолда

бошқариш ва тартибга солиш тизимини такомиллаштириш зарурдир. Ушбу масалани ҳал этишнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инвестицион салоҳияти самардорлигини ошириш имкониятларини тизимли равишда аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Инвестицион имкониятларни аниқлаш борасида биринчи навбатдаги вазифа тартибга солиш ва бошқаришнинг юқори самарали воситаларини қўллаган ҳолда мамлакат ва аниқ бир минтақалар аграр тармоғининг иқтисодий, табиий, ресурс, ижтимоий, инновацион салоҳиятларидан янада самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини ўз вақтида ва тизимли равишда аниқлаш ва улардан иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда фойдаланишдан иборат бўлмоғи лозим.

Бу эса, мавжуд меҳнат, моддий ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш имкониятларини тизимли равишда ва комплекс ўрганишни, уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида жорий этилаётган янги техникалар, янги турдаги меҳнат воситалари, материаллари ва бошқалар билан янада самарали уйғунлигини таъминлашни, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва сифатини тизимли равишда оширишни, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнларини жадаллаштиришни талаб этади. Бу жараёнда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси, моливий кафолатлар, солиқ имтиёзлари кабилардан ташкил топувчи қулай инвестицион муҳит шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат инвестиция сиёсати ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир бўлаги сифатида тактик ва стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Юқори технологиялар ва илмий тадқиқотларга асосланган ишлаб чиқариш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ривожланган давлатлар қаторига

қўшилиши учун 2025 йилгача Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқиш объектив заруриятдир. Бунда, давлат, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва секторлари корхоналарини инновация жараёнларида иштирок этишлари учун қулай инвестицион муҳит яратиши ва бунда иштирок этиши керак.

Аграр тармоқни 2025 йилгача бўлган даврда инновацион ривожлантириш Стратегияси эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти умумий инновация тизимининг таркибий бўғини сифатида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Аграр тармоқни 2025 йилгача бўлган даврда инновацион ривожлантириш Стратегиясини амалга оширилиши эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дунё бозорларида устувор талабга эга бўлишини таъминлаши лозимдир.

Шундай қилиб, ушбу босқичда ҳам республика ҳам минтакалардаги давлат бошқаруви органлари қулай инвестицион муҳитни шакллантириб, аграр тармоқни узоқ муддатли истиқболда инновацион ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришни амалга оширган ҳолда инвестицион жараёнларнинг ривожланишига янада фаолроқ таъсир этиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аграр тармоқнинг бошқарув органлари томонидан инновацион технологияларни амалиётга жорий этишни фаоллаштириш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида янги инновацион ишланмаларни излаб топишни йўлга қўйиш, инновацион ривожланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш каби асосий стратегик вазифалар амалга оширилиши лозимдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқда инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг стратегик дастурини ишлаб чиқишнинг куйидаги босқичларини таклиф этамиз (12 - расм).

Умуман олганда, давлат инновацион сиёсати тубдан янгитдан яратилган маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишини таъминлашга, шунингдек бу

асосида маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Шу муносабат билан давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:



12 – Расм. Инновацион салоҳиятни ташкил этиш стратегик дастурини ишлаб чиқиш босқичлари

1. Инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини, уни рағбатлантириш механизмларини, институционал ўзгаришлар тизимини, инновацион соҳадаги интеллектуал мулк ҳимояси ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

2. Инновацион фаолиятни комплекс қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илм-фан сиғими юқори бўлган масҳулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортини кўпайтириш. Инновация фаолиятини фаоллаштиришда нафақат давлат бошқаруви органлани, тижорат тузилмалари, молия-кредит муассасалари, балки ҳам республика даражасида ҳам ҳудудий даражаларда жамоатчилик ташкилотларининг иштирокини таъминлаш.

3. Таҳлилларнинг кўрсатишича, аграр тармоқда инновацион жараёнларнинг етарли даражада ривожланмаганлигининг сабаби маҳаллий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигининг паст даражада эканлиги эмас, балки инновацион фаолият инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатбардошликни оширишнинг омили сифатида инновациялардан фойдаланишда рағбатлантириш дастағларининг етарли даражада ишламаётганлиги каби муаммолар натижасидир. Бу эса, маҳаллий амалий илмий тадқиқотларнинг натижаларидан кенг кўламли фойдаланиш имкониятини бермайди. Шу нуқтаи-назардан, инновацион жараёнлар инфратузилмаларини ривожлантириш, бунда ахборот таъминоти, экспертиза, молия-иқтисод, ишлаб чиқариш – технологик қўллаб-қувватлаш, сертификация ва илмий ишланмаларни тарғиб қилиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

4. Кичик юқори технологиялар билан ишлайдиган муассасаларни шакллантириш ва самарали фаолият юртишини учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва улар фаолиятининг дастлабки босқичида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш йўли билан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш.

5. Инновацион лойиҳалар ва дастурларнинг танлов тизимини такомиллаштириш. Давлатнинг кўмағи ва хусусий инвесторлар иштирокида нисбатан кичик ва қисқа муддатда ўзини қоплайдиган инновацион лойиҳаларни амалга оширилиши, юқори истиқболли ишлаб чиқариш субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш имконини беарди.

6. Мамлакатимиз ва минтақалар иқтисодиётининг тегишли тармоқлари, хусусан аграр соҳасини барқарор ривожланишини таъминловчи устувор йўналиш вазифаларини амалга ошириш ва юқори технологияларни жорий этиш. Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга кескин таъсир кўрсатувчи ва

янги технологик жараёнларга ўтилишини таъминловчи зарурий технологияларнинг нисбатан кўп сонли бўлмаган қисмини танлаб олиш инновацион сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишдаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

7. Тезкор мослашувчан ва бир неча мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган технологияларни жорий этиш. Бундай технологияларни қўллаш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга қараб талаб юқори бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш имконини беради.

3.3. Фермер хўжаликлари билан инфратузилма корхоналарининг ўзаро алоқаларини тартибга солишнинг институционал ва бозор механизмлари

Қишлоқ хўжалиги рақобатли бозор тузилмаси ва ўзига ҳос бозор муносабатлари тизимига эга бўлган, миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳалари бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги тармоқ маҳсулоти билан бошқа тармоқлар маҳсулотлари ўртасидаги нархлар номуносабатлигининг ўсиши билан тавсифланувчи вазият юзага келди. Аммо бозор инфратузилмасининг тўла ривожланмаганлиги, агросаноат мажмуининг соҳасида рақобатнинг етарли даражада эмаслиги ва яқиний истеъмолчиларга бирмунча яқин турувчи учинчи соҳа корхоналарининг қулай вазиятдалиги фермер хўжаликларига мавжуд бозор вазиятдан тўлақонли фойдаланишга имкон бермайди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши бир бутун бозор организмини бир меъёردа фаолият кўрсатишини таъмин этувчи ва унга ёрдамчи тавсифга эга бўлган бозор инфратузилмасига маълум даражада боғлиқдир. Бозор инфратузилмаси бозор хўжалигига хизмат қилувчи муассасалар, ташкилотлар, давлат ва тижорат корхоналаридан ташкил топади. Бозорнинг қарор топиши бир қатор иқтисодий асосларга таянади. Улардан энг муҳимлари бўлиб, мулк ҳуқуқининг кафолатланиши, рақобат, бозор институтларининг ҳуқуқий ривожланганлиги, эркин товар айрибошлаш, макроиқтисодий кўламда нарх

тизими орқали товар-пул айрибошланиши эквивалентлигининг тартибга солувчиси сифатида давлат сиёсати ҳисобланади.

Барча бозорлар турли меъзонлардан келиб чиққан ҳолда, тавсифига кўра қуйидагича тарзда таснифланиши мумкин




13-Расм. Бозорлар классификацияси.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида икки хил: товар ишлаб чиқариш ва муомала қонунларига мувофиқ тарзда амалга ошувчи ҳамда эҳтиёжларни ўрганиш ва баланс тузиш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотни режали тақсимлаш воситасида амалга ошувчи алоқалар мавжуд.

Абдуғаниев А.А фикрига кўра бозор бир қатор муҳим иқтисодий функцияларни бажаради¹. Фаолият кўрсатаётган бозорларнинг турли туманлиги уларни қишлоқ хўжалиги; қишлоқ хўжалиги учун моддий-техник ресурслар

¹ Абдуғаниев А.А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2004. –Б. 274 б.

бозори; хизмат кўрсатиш соҳалари бозорларига ажратиш имконини беради. Қуйидаги №14 расмда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ва қатор бошқа функциялари келтирилган.



7

14-Расм. Қишлоқ хўжалигида бозор функциялари

Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сонининг кўплиги, алоҳида ишлаб чиқарувчининг нархга таъсир эта олмаслиги, бозорга кириш тўсиқларининг мавжуд эмаслиги, маҳсулотларнинг бир турлилиги ва стандартлашганлиги, тармоққа кириш тўсиқларининг йўқлиги, эркин рақобатли бозорнинг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги моддий-техник ресурслари бозорига уч йирик тармоқ: қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимёвий

воситалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, озуқа ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотлари келиб тушади. Дилерлик, таъмирлаш-техник, агрокимёвий, мелиоратив ва бошқа ташкилот ва фирмалар фермерларга ва деҳқон хўжаликларига тақдим этилувчи хизматлар соҳаси бозорининг субъектлари бўлиб ҳисобланади¹.

"Сотувчи-харидор" субъектларининг жуфт муносабатлари сифатида қишлоқ хўжалиги техникалари бозорининг амал қилишини тартибга солишнинг асосии элементларининг мавжудлиги эвазига рўёбга чиқади. Қишлоқ хўжалиги техникалари бозорини тартибга солиш услубиётида талаб, таклиф, рақобат, нарх каби бозор элементларига кўп жихатдан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги техникалари бозори ишлаб чиқарувчи сифатида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, истеъмолчи сифатида эса- фермер ва деҳқон хўжаликлари, воситачилар бўлиб майдонга чиқувчи - турли ихтисослашган фирмалар аграр бозорнинг бир бўлаги ҳисобланади².

Бозор механизми давлатнинг аралашувисиз қишлоқ хўжалиги техникалари бозорини мустақил тарзда тартибга солиш имкониятига эга эмас, чунки улар тартибга солишнинг ягона тизимининг бир-бирини тўлдирувчи компонентлари бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги техникалари бозорига давлат аралашувининг пасайиши:

- 1) машинасозлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги нарх номутаносиблигининг кучайишига;
- 2) фермер хўжаликларининг тўлов лаёқатининг пасайишига;
- 3) ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаслик ва энергия қийматининг юқорилиги оқибатида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини инқирозга юз тутишига;
- 4) амортизация фонди маблағларидан мақсадсиз фойдаланишга;

¹ Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш гарови. // Бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш илмий-амалий семинар маърузалари тўплами. А Тошкент, 1998.- Б. 13-16.

² Джалилова Н. Тадбиркорликда даҳқон ва фермер хўжаликлари ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5 . 2011. Б.26.

5) қишлоқ хўжалиги техникасига ҚҚСнинг жорий этилишига;

6) фермер хўжаликларига техникани лизинг асосида етказиб беришда монополияни мавжудлиги;

7) фермер хўжаликларини техникаларни лизинг бўйича харид қилишларида бюджетдан етарлича молиялаштирилмаганлиги;

8) фермер хўжаликларига етказиб берилган техникаларга таъминотчи корхоналар томонидан кафолатли хизматлар кўрсатишнинг мавжуд эмаслиги каби бир қатор салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келди.

Фермер хўжаликлари самарали фаолият олиб боришлари учун доимий равишда қишлоқ хўжалиги бозорларидаги вазият, яъни ички ва ташқи муҳит тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиб боришлари талаб этилади. Фермер хўжаликлари маҳсулотини сотиш фаолияти бўйича таҳлил натижаларидан маркетинг фаолияти тактика ва стратегиясини танлаб олиш ва уни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Маркетинг ва сотиш фаолиятининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишини ва маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчига етказиб беришнинг самарали тизимини жорий этишнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Республикамизда маҳсулотни сотиш бўйича маркетинг концепциясини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари ўртасида иқтисодий манфаатлар мувозанатининг вужудга келтириб, айна вақтда бозорларни барқарор кенгайтириб, АСМда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий шарт-шароитларини оптималлаштиришга замин яратади¹.


Бозор механизмнинг асосий элементлари бўлган: талаб, таклиф, рақобат ва нарх тизимининг мавжудлиги ва уларни ўзаро уйғунлиги эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори амалда бўлади. Мазкур элементларнинг ўзаро ҳамкорлигини мантиғи сифатида шуни ифода этадики, юқори даражада фойда олишга интилиш, фермер хўжаликларидан жамият томонидан катта эҳтиёж

¹ Саидова Д. Фермер хўжаликлари барқарорлиги асоси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №8. 2008. Б. 9.

сезилаётган, жамият аъзолари эса унинг учун пул тўлашга тайёр бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ўз ресурсларини сафарбар этишларини талаб этади. Талаб ва таклиф сотилаётган ва харид қилинаётган товарлар миқдори ва уларга бўлган нарх тизимини шакллантиради. Нарх истеъмолчилар учун ҳам ва айти пайтда фермер хўжаликлари учун ҳам бозордаги вазият тўғрисида ахборот берувчи сигнал вазифасини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, нархлар, ишлаб чиқарилган товарлар хажми ва массаси тўғрисида, уларнинг харажатлари ва унда қўлланилган технологиялар даражаси тўғрисида билвосита равишда тасаввур қилиш имконини беради.¹

Шунга кўра озиқ-овқат маҳсулотлари бозорда (ООМБ), фермер хўжаликлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини якуний истеъмолчисига етказиб бериш борасидаги иқтисодий муносабатларга ва институтлар тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозим. ООМБнинг таркибий тузилмасининг асосий субъектларига, товарлар бозори институтлари тизимини қамраб олган, фермер хўжаликлар, молиявий воситачилар ва якуний истеъмолчилар киради. Бозор субъектлари мавжуд инфратузилмадан фойдаланган ҳолда, бозор муносабатлари тизимида функционал жиҳатдан мустақил иқтисодий фаолият турларини олиб боради. ООМБнинг асосий субъектларига қайта ишловчи корхоналар, аҳоли ва давлат киради.


¹ Иоваленко И.Я. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков,-М.: «Тандем»,1998.



15-Расм. АСМда озиқ- овқат бозорининг таркибий тузилмаси ва муҳити.

Функционал жиҳатидан татқиқ этилаётган ООМБнинг тузилмасига биржалар, улгуржи савдо ташкилотлари, чакана савдо тизими, сотувчи ва харидорлар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоблар, ахборот, маркетинг ва шу каби бошқа хизматларни ўз ичига олган маҳсулотларни сотиш, сақлаш, ташиш, харид қилишнинг моддий-техник ва ташкилий тизимини ифода этади.

Республикада фаолият кўрсатаётган қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб фермер хўжаликлари билан иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик хом-ашёсини олиш шакллари такомиллаштириш Республиканинг хом-ашё туманларидаги фермер хўжаликлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш; хом-ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, маҳсулот йўқотишларни пасайтириш бўлиб ҳисобланади.



16- Расм. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ овқатлари оқимининг таркибий тузилмаси

М. Қутбиддинова фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг рағбатлантирувчи омилларга қуйидагилар киради¹:

1) экологик тоза, табиий маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятлари билан боғлиқ ҳолда, хорижий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан рақобат курашидаги авфзалликлар;

2) етарлича экин майдонларининг катталиги ва қишлоқда яшовчи аҳоли сонининг кўплиги;

3) овқатланиш мувозанатига бўлган эҳтиёж - бугунги кунда Ўзбекистонда оила харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари 55-60 фоизни ташкил этгани ҳолда, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич атиги 15-20 фоизни ташкил этади, аммо улардан фарқли ўлароқ, республикамиз аҳолисининг овқатланиши мувозанатлашмаганлиги билан тавсифланади ва бир қатор ўринларда эса тавсия этилган овқатланиш меъёрларига етмайди.

Мазкур омилларни амалга ошириш ООМБ барқарор ривожланишига замин яратади ва ўз навбатида ички ресурсларнинг асосий истеъмолчиси сифатида майдонга чиқувчи иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ҳам

¹ Қутбиддинова М. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ва маркетинги. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №3. 2010. Б.31.

барқарор ривожланишига туртки беради. Озиқ-овқат бозорининг (алкогол маҳсулотларидан ташқари) бир мунча катта сезиларли сегменти бўлиб картошка, сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари ҳисобланади.

Истеъмол бозорларининг тўйиниши кўпчилик ҳолларда импорт маҳсулотлари ҳисобига таъмин этилади. ООМБларининг айрим сегментларининг импортга боғлиқлиги унинг нобарқарорлигини ва бозор конъюнктурасининг сезиларли даражадаги тебранишларига олиб келади. Республикамизда ООМБ ривожланишининг ижобий жиҳатларидан бири сифатида аҳолига етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг импорт қилинувчи шу турдаги маҳсулотлар сифатига нисбатан яхшиланиб боарётганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

ООМБ ривожлантириш борасидаги чекловчи омиллар таркибига кўйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) кейинги йилларда кузатилаётган аҳоли пул даромадаларининг барқарор ўсиш суръатларига қарамасдан, аҳолининг харид қобилиятининг пастлигича қолиб кетаётганлиги;

2) қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмани етарли даражада ривожланган эмаслиги. фермер хўжаликлар турли бозор сегментларида, унга мос инфратузилма тармоқларининг мавжуд эмаслиги сабабли, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш борасида муаммоларга дуч келмоқдалар. Маҳсулотни сотиш, сақлаш ва ташиш борасидаги мавжуд муаммолар маҳсулот етказиб бериш географиясини, шу жумладан экспортга маҳсулот чиқаришни ҳам чеклаб қўяди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаслигига, рефрежератор вагонлар паркиннинг етишмаслиги каби асосий чекловлар сабаб бўлмоқда.

3) Маҳсулот сотишнинг муқобил каналларининг ривожланмаганлиги ва монопол корхоналар фаолиятининг кучайиши. йирик тармоқли компанияларнинг бозорда иш олиб бориш тажрибаси, етказиб бериш муддатлари ва нархлари борасида фермер хўжаликларига катта талаблар қўйилмоқда. Кўплаб савдо тармоқлари фермер хўжаликларига маҳсулот

етказиб беришда тўловларни кечиктириш шартлари асосида маҳсулотларни харид қиладилар, бу эса фермер хўжаликларининг айланма маблағлари хажмини қисқаришига олиб келади. Бу Республикамиз фермер хўжаликларининг маҳсулот етказиб бериш борасидаги имкониятларини чеклаб, катта молиявий ресурсларга эга бўлган халқаро компанияларга савдо тармоқлари ассортиментидан маҳаллий маҳсулотларнинг сиқиб чиқарилишига ва уларни импорт қилинувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштирилиш учун катта имкониятлар беради;

4) Бозорни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий базасининг етарлича ривожланмаганлиги. Айни вақтда бозорни тартибга солиш масалалари турли қонун ва қонун ости ҳужжатлари, ҳамда амалдаги стандартлар, нормативлар ва бошқа техник ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб борилмоқда. Бироқ, республика қонунчилигида яхлит, барқарор тизим мавжуд эмас, ривожлантиришнинг устиворликлари ва уларни амалга оширишининг аниқ йўналишлари белгилаб олинмаган. Шу сабабли бозорнинг алоҳида секторларини тартибга солиш яқка тартибдаги тавсифга эга, бу эса амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини пасайтириб, белгиланган мақсадларга эришиш борасида тўсқинлик қилади. Бу қишлоқ озиқ-овқат бозорининг бошқа секторларига нисбатан қўлланилаётган тадбирлар жараёнини мураккаблаштириш билан бир қаторда, бозор иштирокчиларининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқаради;

5) Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг паст даражадалиги. Бу барча бозорлардаги рақобат муҳитини бўғиб қўювчи муҳим омилдир. Қишлоқ хўжалигида хануз ўз ечимини топа олмаётган нархлар номутаносиблигида ифодаланувчи бошқа тармоқлар билан маҳсулот айрибошланишнинг ноэквивалентлиги муаммосини ҳал этиш учун соҳага катта молиявий маблағлари талаб этилади;

6) Республикамиз фермер хўжаликлари учун импорт маҳсулотлар билан рақобатлашиш борасида алоҳида товарлар гуруҳи бўйича бир хил шарт-шароитлар таъмин этишда тўсқинлик қилувчи ички бозорнинг етарлича

ҳимояланмаганлиги.

Ўз моҳиятига кўра агросаноат мажмуасини субсидиялаш, турли минтакаларда етиштирилган маҳсулотларнинг яқуний нарҳини ўсмаган ҳолда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан таққосланувчи ҳақ тўлаш тизимини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, бу умумий ҳолда ички истеъмол талабини ўстириш вазифаларини ҳал этишга жавоб беради¹. Нарх сиёсати тўхталадиган бўлсак, у ҳолда нархларни давлат томонидан тартибга солиш тизими, нархнинг юқори ва қуйи чегараларини белгилаш, ва давлат томонидан кўллаб-қувватланувчи шартли нархни белгилашдан иборат бўлади. Тўйинган бозор шароитида нархни тартибга солишнинг муҳим камчилиги бўлиб, нархни ишлаб чиқариш нархи ёрдамида ушлаб туришнинг мураккаблиги, ҳамда давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва ташиш борасидаги ноишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги ҳисобланади. Шунинг учун давлат ишлаб чиқариш ҳажмини тўғридан-тўғри режалаштириш йўли билан нарх механизмини мувофиқлаштиришнинг қўшимча бозор механизмларини қўллаши мумкин. Амалиётда икки шакл қўлланилади: мазкур экин тури майдонларини қисқартириш ва унга мос компенсация механизми кўмагида ерни экин экиш оборотидан чиқариш; ишлаб чиқариш ҳажмини тўғридан-тўғри квоталашни жорий этиш².

Давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлаш ва сотишнинг бозор тизимини шакллантиришни рағбатлантиришга кўмаклашишлари лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини рағбатлантириш мақсадида давлат харид қилиш ва товар интервенцияларини, ҳамда гаров операцияларини амалга ошириши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари гаровида давлатнинг иштирок этиши, ўрнатилган тартибда давлат томонидан харид қилинувчи қишлоқ хўжалиги

¹ Джалилова Н. Тадбиркорликда даҳқон ва фермер хўжаликлари ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5 . 2011. Б.26.

² Қаюмов Н. Фермер хўжаликларига янги билимлар ва инновацион технологиялар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №1. 2010. - Б. 31.

маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича харажатларни қоплаш, кредитлар бериш, бюджет маблағларини ажратиш шаклида амалга ошириши мумкин. А.А. Абдуғаниев фикрига кўра, давлат томонидан тартибга солишнинг асосий дастаклари бўлиб нарх, кредит сиёсати, бюджет ажратмалари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқ тизими ва фермер хўжаликларини ҳимоялаш ҳисобланади¹.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш учун, давлат томонидан тартибга солишга асосланган, мувозанатлашган нарх ва молия-кредит сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий механизми талаб этилади. Аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш вазифаларига, агросаноат ишлаб чиқаришини барқарорлаштириш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасида иқтисодий мутанасобликни таъминлаш, фермер хўжаликларни айланма маблағлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ходимлари даромадларини тенглаштириш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашлар киради. Кейинги йиллар давомида нархлар борасида таркиб топган номутаносибликларни бартараф этиш муаммоси қишлоқ хўжалиги учун ўта долзrab аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлар билан ўзаро муносабатларидаги номутаносиблик нафақат бозор механизми, балки бюджетдан молиялаштириш йўли билан ҳам таъмин этилиши лозим.

Шу нарса аёнки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ва жаҳонда озик-овқат танқислиги бўлган мураккаб иқтисодий вазиятда бюджет дотациялари ва компенсациялари сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Шубҳасиз, дотациялаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади, чунки дотациялар тўлашнинг амалдаги тизими учун бир қатор камичликлар хос, хусусан дотациялар ўзининг манзиллигини йўқотган, даромадлиликка деярли таъсир кўрсатмайди; фермер хўжаликлари ҳар доим ҳам ушбу пул маблағларидан мустақил ва самарали тарзда тасарруф эта олмайди, бу эса бозор муносабатларининг

¹ Абдуғаниев А.А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2004. –Б. 274 б.

ривожланишига имкон бермайди, ушбу пул маблағлари айрим ҳолларда бозордаги бошқа шериклар фойдасига қишлоқ хўжалигидан олиб қўйилиши ҳам мумкин¹.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги устивор йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- 1) давлат капитал қўйилмалари;
- 2) чорвачиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари;
- 3) деҳқончиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари;
- 4) ер тузиш ва ердан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар;
- 5) жалб этилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини қоплаш;
- 6) қайтариб бериш шарти асосида фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 7) балиқчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 8) фермер хўжаликларини илмий-техник тараққиётнинг устивор йўналишлари ва истиқболли технологияларни ишлаб чиқиш;
- 9) фермер хўжаликларида кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- 10) истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг минтақавий фондини шакллантириш;
- 11) минтақада қишлоқ хўжалигининг бошқа харажатларини қоплаш.

Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан дотациялар ажратиш ва бошқарув органлари орқали давлат бюджетини ижро этишнинг белгиланган тартиби ва ҳамда улар ўртасида тузилган келишувлар асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш учун фермер хўжаликларига

¹ Раҳимов Б. Моддий техника ресурслари таъминоти муаммо ва таклифлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2.2007. –Б 56.

нисбатан протекционизмни рағбатлантириш, давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини-ўзи бошқаришнинг уйғунлигига асосланган ҳолда амал қилувчи иқтисодий механизм бўлиши талаб этилади. Бюджет ва кредит маблағларидан фойдаланишнинг устивор йўналишлари бўлиб қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари билан боғлиқ бўлиши лозим¹.

Аммо ижобий силжишларга қарамасдан, АСМ соҳасида инқироз оқибатлари ҳали хануз бартараф этилганича йўқ. Мамлакат ва унинг минтақаларида озиқ-овқат бозорларида етарлича барқарор вазият кузатилмаётир. 1991 йилдан 2013 йилгача бўлган ораликда мамлакатимизда 700-750 минг га ер майдони қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетган бир пайтда, АСМ даги вазиятни меъёрдагидек деб бўлмайди. Чорвачиликда ҳам вазият ачинарлидир, хусусан 1991 йилдан бошлаб фермер хўжаликларида чорва бош сонининг ҳалокатли тарзда камайиши кузатилмоқда.

Таркиб топган ижтимоий-иқтисодий вазиятда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий техник тараққиётни рағбатлантириш, мулк ҳуқуқини тартибга солиш, меҳнаткашларнинг даромадларини ошириш, меҳнат жамоаларининг маъмурият фаолияти устидан назоратини йўлга қўйиш ва ўзини-ўзи бошқарувчи корхоналарни барпо этиш, ишлаб чиқариш ривожланишини давлат томонидан рағбатлантириш, молиявий тизимни соғломлаштириш борасида туб ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади².

Пахтани харид қилишнинг ички паст нархлари шароитида уни экспорт қилишнинг сезиларли даражада ўсиши, сотиш бозорлари моддий-техник базасининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва пахтани харид қилиш интервенциясининг кечиктириб амалга оширилиши Республикамизда "Пахтасаноатсавдо" компанияларининг катта даромадларга эга бўлишини

¹ Саидова Д. Фермер хўжаликлари барқарорлиги асоси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №8. 2008. Б. 9.

² Рахимов Б. Моддий техника ресурслари таъминоти муаммо ва таклифлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2.2007. –Б 56.

таъмин этгани ҳолда, бевосита пахта ишлаб чиқарувчиларга амалда ҳеч нарса бермади. Кейинги йилларда пахта сотиш каналлари сезиларли даражада ўзгаришларга учради. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятида кузатилувчи бир қатор ижобий омиллар, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кучайиши, тижорат воситачилари сонининг кўпайиши натижасида қишлоқда хусусий тадбиркорликнинг турли шакллари ривожланиши фаоллашмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишловчи кооперативлари, турли йўналишдаги хизматлар кўрсатувчи истеъмол, кредит ва суғурта кооперативлари шаклланаётганлиги кўзга ташланади. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш соҳасида тижорат воситачилари сонининг кўпайиши моддий-техник ресурслар таъминотчилари, улуржи, чакана савдо ва агротехник хизмат кўрсатиш ташкилотлари, қайта ишловчи корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқаларни шакллантириш лозимлигини белгилаб қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги бозорларида талаб монопсониясини баргараф этиш, талаб томонидан рақобатни кучайтириш ва кооперацияни ривожлантириш учун қайта ишловчи кооператив корхоналарни барпо этилишини рағбатлантириш таклиф этилади. Агарда фермер хўжаликлари бирор бир шаклда қайта ишловчи корхонани кооператив асосида ташкил этишга қарор қилишса (бу нафақат кооператив, балки жамият ҳам бўлиши мумкин), давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари уларга кредит маблағлари олишда маълум бир кафолатларни беради ва амалдаги тартиб асосида кредит бўйича фоиз ставкаларининг маълум бир қисмини қоплаб беради. Фермер хўжаликлари ўзларининг тасарруфларида бўлган ерларнинг маълум бир қисмини гаровга қўйиш эвазига кредитларни қўшимча кафолатлашлари мумкин.

Кооперативга асосланган қайта ишловчи корхоналар кооперативга бирлашган фермер хўжалиги қишлоқ ишлаб чиқариш фойдаларини кўпайишини таъмин этган ҳолда, уларнинг маҳсулотларини адолатли нархларда сотиб олишлари мумкин. Бу солиққа тортиш нуқтаи назрдан ҳам фойдали ҳисобланади. Кооперативга асосланган қайта ишлаш саноатини

ривожлантириш рақобатни сезиларли даражада ўсишини ва умумий ҳолда фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг яхшиланишини таъмин этади.

Аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида ўз таркибида бевосита фермер хўжаликларнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳамда комбикорма (омухта ем) ишлаб чиқаришларни қамраб олувчи, қишлоқ хўжалиги тавсифига эга бўлмаган бизнес турларини ривожлантирилмоқда. Бундан ташқари, фаолиятнинг бу категориясига қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомобиллар таъмири, транспорт хизматлари кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш, хўжалик аҳамиятидаги биноларни қуриш, ер майдонлари ва боғларга ишлов бериш бўйича хизматлар, турли қишлоқ хўжалиги жиҳозларини тайёрлаш кабилар ҳам мансубдир. Бир қатор фермер хўжаликлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан ўзлари шуғулланадилар. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорларида ўзларининг дўконлари, савдо шаҳобчалари орқали сотиш ҳажми сезиларли даражада ўсганлигини қайд этиш лозим¹.

Республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик юритиш шаклларидаги ўзгаришлар билан бир қаторда ўзаро манфаатлилик асосида турли хил корхоналар, бирлашмалари шаклларини таъминлаш зарур. Ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари борасида бир хил қолип бўлиши мумкин эмас. Мулкчилик шакллари давлат мулкидан, хусусий мулккача бўлган ораликда табақалашган бўлиши мумкин ва улардан бирини эркин танлаш ҳуқуқини бериш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархни шакллантиришнинг рағбатлантирувчи тизими ҳам муҳимдир. Аслини олганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархлар қишлоқ хўжалиги бозорларида таркиб топиши лозим, бироқ давлат томонидан баъзи бир ҳолларда, хусусан ҳосилнинг кескин

¹ Муқимов З. Фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш ва моддий техника таъминоти тизимини ривожлантириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №6.2008.- Б.19.

ўзгаришлари шароитида нархни кафолатлаш тизими қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фермер хўжалиги керакли ҳажмда ва қатъий белгиланган сифатдаги маҳсулотларни етказиб бераётган бир пайтда, саноат эса унга кўпчилик ҳолларда паст сифатли техника, ва бошқа турли хил ресурсларни етказиб бериши парадоксал тескари вазият вужудга келтиради. Айрибошлашнинг номутаносиблиги нафақат саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги кескин тафовутларда, шу билан бир қаторда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан, маҳсулотларни четга чиқаришни таъминлаш механизмида ҳам акс этмоқда.

Бозор шароитида нархлар эркин ва шартномавий бўлиши керак лекин айни вақтда улар унча юқори даражада ўсмаслиги керак, чунки тайёрлов ташкилотларига харид қилиш учун ажратилган маблағлар ҳажми миқёсидагина тасарруф этиш имкониятларига эга ҳолос.

Қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг иқтисодий тизимини барпо этиш, унинг салбий оқибатларни олдиндан кўра билиш ва юмшатиш- каби масалалар бозор иқтисодиётида биринчи ўринга қўйилади¹. Қишлоқ хўжалигини барча даражаларида бошқаришнинг иқтисодий схемаси (тартиби, тархи) тахминан қуйидагича бўлиши лозим. Республикада марказлашган фондларда қанча миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари бўлишини ўзлари белгилайдилар. Шунга мувофиқ равишда фермер хўжаликлари, уни харид қилувчи, қайта ишловчи, сақловчи ва сотувчи тизимлар амал қилиши лозим. Уларнинг ҳар бирида ўзларининг корхоналари: фермер хўжаликлари; тайёрлов соҳасида-пахта, дон, сабзавот, ва қолган барча маҳсулотларни харид қилувчи йирик бирлашма ва корхоналар мавжуд бўлади. Фермер хўжаликлари қайта ишловчи корхоналар билан шартномалар тузадилар, мазкур шартномаларда ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби кўрсатилади. Мазкур мақсадлар учун ҳеч қандай бошқарув органлари талаб этилмайди.

¹ Исақов Ж. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши. №4. 2012.- Б.44.

Фермер хўжаликлари ва йирик таъминот бирлашмалари ўртасида шартномалар тузиш йўли билан қишлоқ хўжалиги таъминоти бозор муносабатларига ўтилади. Маъмурий бошқарув ўрнига келган иқтисодий бошқарув қишлоқ хўжалиги барча бўғинларини бошқаришдаги марказий бўғин ҳисобланади. Шартнома тизими маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортиментининг турли туманлигини таъминлашни рағбатлантиради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозорларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш фермер хўжаликлари ва қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари фаолиятига турлича (хам ижобий, хам салбий) таъсир кўрсатади. Тегишли давлат органларининг назорати бозор иқтисодий муносабатлари ривожланишини тартибга солишда асосий бўғин бўлиб қолмоқда.

4.БОБ. ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва ундан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб равишда ривожланиши унинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатлар тўғри шаклланиши ҳамда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллашиб боришига боғлиқ. Жумладан бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг турли тавсифдаги шарт-шароитларини қамраб олувчи инфратузилма тизимини изчил равишда тараққий эттиришни тақозо этади. Мамлакатимиз Президенти бу борада тўхталиб, "Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман"¹, деб таъкидлашлари мазкур соҳанинг аҳамиятини намоён этади.

Мураккаб иқтисодий жараёнлар рўй бераётган шароитда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан максимал фойдаланган ҳолда иш юритиш лозим. Шу боисдан мамлакат иқтисодиётида инфратузилмани ривожлантиришда жаҳон амалиёти тажрибасидан ўтган илғор усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Инфратузилма соҳасида сезиларли ривожланиш даражасига эришган жаҳон тараққиётининг технологик ядросига кирувчи АКШ, Япония, Германия, Англия ва Франция давлатлари тажрибаси мисолида янгича тизим асосида туб ўзгаришларни амалга ошириш давр талабидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда илмий-инновацион тараққиётини уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

¹ . Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи 2013 йил 19 январ.

- илм-фанда етакчи бўлишга йўналтирилган, одатда, илмий-инновацион салоҳиятнинг харбий соҳадаги улуши унчалик юқори бўлмаган, илмий-ишлаб чиқаришнинг барча циклларини қамраб олган йирик миқёсли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган мамлакатлар (АҚШ, Англия ва Франция); янгилик (инновацион маҳсулот)ларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш,

- бутун иқтисодий тузилмани самарадорлигини оширишга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция ва Швейцария);

- турли секторлар ҳаракатларини фан ва технологиялар соҳасида мувофиқлаштиришга, илмий-техника тараққиёти ютуқларига сезувчанлигини таъминлашга, инновацион инфратузилмани ривожлантириш орқали янгилик яратишни рағбатлантиришга йўналтирилган мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея). АҚШда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ташкилотлари қуйидагилар:

- Америка илмий жамғармаси (асосан амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади);

- Америка илмий кенгаши (асосан саноат ва университетларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади);

- НАСА (Миллий космик агентлик);

- Миллий стандартлар бюроси;

- Миллий соғлиқни сақлаш институти;

- Мудофа вазирлиги;

- Саноат тадқиқотлари миллий маркази;

- Миллий фанлар академияси;

- Миллий техника академияси;

- Илм-фанни ривожлантиришга кўмаклашувчи Америка ассоциацияси.

Сўнгги тўртта тузилма аралаш, қолганлари федерал бюджетдан молиялаштирилади. 1995 йилда ИТТКИга харажатлар ЯИМнинг 2,6 %ини

ёки 173 млрд. долларни ташкил этган¹. Давлат венчур фирмалари ва тадқиқот марказларини рағбатлантиради. АҚШ Миллий илм-фан жамғармаси маълумотиغا кўра, юқори самарали тадқиқот марказлари ва венчур фирмалари биринчи 5 йилликда федерал бюджетдан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилиши мумкин. Давлат юқори самарали фан ютуқларини кенг кўламда талаб этадиган тадқиқотларни уларнинг мураккаблиги, кўп харажат талаблиги, тавакалчиликни юқорилиги ва халқаро майдонда рақобат кучлилиги туфайли тўлиқ молиялаштиради.

Технологик ядронинг бошқа мамлакатларидаги сингари АҚШда ҳам венчур фирмалар (“тавакалчилик” капиталли фирмалар) ва “спин-офф” фирмалари (“Ёт, бегона” фирмалар, олий таълим муассасаларининг мустақил тадқиқот институтлари, давлат тадқиқот марказлари ва йирик саноат корхоналарининг махсус лабораторияларидан ажралган ҳолда мустақил фаолият юритадиган фирмалар), инвестиция фондлари фаолият юритади. Давлат “спин-офф” фирмаларини йирик нотижорат илмий марказлар ва университетлар орқали фаол субсидиялайди. Ундан ташқари, мамлакатда “спин-офф” фирмалар орқали илмий ютуқларни тарғиб этишга кўмаклашиш мақсадида АҚШ Миллий илм-фан жамғармаси томонидан молиялаштирилувчи бир неча инновацион марказлар фаолият юритади.

АҚШда ўзининг “спин-офф” фирмасини ташкил этишни хоҳловчилар (одатда, университет ўқитувчилари ва талабалари) кичик фирмаларни шакллантиришни енгиллаштирувчи махсус курсларда тайёргарликдан ўтишади. Таъкидлаш лозимки, АҚШда давлат мулки ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган тадқиқот институтлари томонидан патентланган кашфиётларни тижорат мақсадларида текинга бериш амалиёти ҳам кенг қўлланилиб келинади. Инвестиция жамғармаларининг фаолияти филантропик характерга эга. Улар кичик инноватор фирмалар ва алоҳида якка кашфиётчиларни молиявий қўллаб-қувватлашни ўз мақсади сифатида

1. Власкин Г.А., Ленчу к Е.Б. Промышленная политика в условиях перехода к инновационной экономике: опыт стран Центральной и Восточной Европы и СНГ. Серия №2,3-М.: Экономика, 2007. С. 195.

белгилаб олишган¹. Кичик фирмаларни инвестициялашда АҚШ Миллий илм-фан жамғармаси муҳим аҳамият касб этади. У нафақат инновацион корхоналарга кредит бериш билан, балки уларга беминнат мақсадли субдиялар бериш билан ҳам шуғулланади.

Инвестиция жамғармасига ўхшаш яна бир жамғарма - АҚШ энергетика вазирлигининг инвестиция жамғармаси фаолият кўрсатади. Ушбу жамғарма кичик фирмалар томонидан амалга ошириладиган тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш билан бирга, яқка кашфиётчиларни субсидиялаш билан ҳам шуғулланади. Жамғарма бошқа лойиҳаларга нисбатан “барбод бўлиш rischi юқори” бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни афзал кўради.

АҚШда инновацион жараёнларни бевосита қўллаб-қувватлашнинг муҳим элементи бу давлат инновацион инфратузилмасини шакллантириш ҳисобланади. Давлат инноваторларга хизмат кўрсатувчи марказлар, маслаҳат марказлари ва янгиликлар тарқатиш марказлари тармоғини яратиши, инновациялар бозорини шакллантиришга (кўргазма, биржа ва ярмаркалар ташкил этиш ва ҳ.к.) кўмаклашиши ва ўзи унинг агента сифатида, лицензиялар хариди ва сотилишида иштирок этиши мумкин.

Давлат ташкилотлари ички бозорда ва чет мамлакатларда инновацион жараёнларни мониторинг қилиб бориш ва башоратлаш билан ҳам шуғулланишади. Кўпчилик ҳолларда ушбу ташкилотлар самарали замонавий технологияларни топиш ҳамда уларнинг оммавий жорий этилишини таъминлаш билан шуғулланишади. АҚШда инновацион лойиҳаларни давлат экспертизасидан ўтказиш тизими мавжуд бўлиб, ушбу экспертизадан ўтган инновацион ташкилотларга турли имтиёзлар берилиши мумкин (электр энергия тўловлари, алоқа хизматлари ва бошқа тўловлардан озод этиш). Инновацион жараёнларни билвосита тартибга солиш чора-тадбирлари орасида авваламбор, солиқ имтиёзларини қайд этиш лозим. Фойдани

2. Каменецкий М. И. Инвестиционная сфера и строительный комплекс: ситуация, государственное регулирование и рыночное взаимодействие //Проблемы прогнозирования, 1997, N. 6.

имтиёзли солиққа тортиш солиққа тортиладиган базани қисқартириш, солиқ ставкаларини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Қўшма Штатларда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида 1984 йилда “ИТТКИ соҳасида кооперациялар” қонуни қабул қилинган. АҚШда бошқарув қарорларини башоратлаш, стандартлаштириш, оптималлаштириш, инновацион лойиҳаларнинг давлат экспертизаси, инновацияларнинг давлат статистикасини юритишга катта эътибор қаратилмоқда.

Япония саноатини ривожлантириш стратегиясини белгилаш, саноат ИТТК ишларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишда ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) таянч аҳамият касб этади. Давлатдаги илмий-техник потенциал йўналишлари назоратини Фан ва техника бошқармаси олиб боради. ТССВ қошида лицензиялар экспорта ва импорти билан шуғулланувчи Япон саноат технологиялари ассоциацияси ҳам фаолият юритади. Давлатни илмий-техник ривожлантиришга қаратилган, узоқ муддатга мўлжалланган дастур қабул қилинган бўлиб, дастур доирасида идмий тадқиқотларни рағбатлантириш ва лицензияларни чет элдан харид қилиш ишлари амалга оширилиб борилади. Японияда илмий-техник салоҳиятни амалга оширишда йирик саноат корхоналарининг ўрни катта.

Мамлакатда ИТТК ишларига давлат томонидан қилинадиган ҳаражатларнинг улуши ЯИМ нинг 3,5 %ини ташкил этади. Ушбу маблағлар асосан амалий тадқиқотларни ва ботамом янги ғояларни яратишга йўналтирилади. Япония сиёсати давлатни яқин келажакда лицензиялар импортёридан экспортёрига айлантиришга қаратилган. Японияда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари информацион тизимлар, механотроника, биотехнология ва янги материаллар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Япония илмий-техник ривожланиш. фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш модели шундан иборатки, бунда фан ютуқларини кенг қўламда талаб этадиган ишлаб чиқариш ва ИТТК ишларини

Ўзида мужассамлаштира оладиган батамом янги шаҳарлар - технополислар барпо қилиш кўзда тутилади.

Япония давлатининг мустаҳкам технологик етакчилиқни эгаллашга қаратилган стратегик “олти устувор йўналиш”ларидан бири ҳам технополислар яратиш ҳисобланади. Ушбу “олти устувор йўналиш” дастури 1982 йилда Япония давлати ТССВ, марказий ва маҳаллий ҳокимликлар, академик ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлиги остида ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, Япония давлати томонидан халқаро интеграция ва кооперацияни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Бунга мисол сифатида, 1988 йилда Америка ва Япония давлати ўртасида фан ва техникани ривожлантиришга қаратилган икки томонлама келишув имзоланганини келтириш мумкин.

Япония иқтисодиёти ривожланишининг ўзи хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда асосий эътибор корхона капитали ва саноат ишлаб чиқаришини концентрациялашга, микроэлектроника техникаларини қўллаган ҳолда кам энергия сарф қиладиган технологияларга ўтишга, йиғувчи ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришга қаратилган. Япония давлати халқ хўжалигининг етакчи тармоқларига информатика, интеграл схемалар ва электрон техникалар ишлаб чиқаришни киритиш мумкин.

Германия, Англия ва Франция Европа Иттифоқи давлатлари ичида етакчи ҳисобланади. Германияда ЯИМ нинг 2,3 %и ИТТК ишларига йўналтирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича у дунёда АҚШ ва Япониядан кейин учинчи, Англия эса тўртинчи (ЯИМнинг 2,4 %и) ва Франция бешинчи (ЯИМнинг 2,2 %и) ўринларни эгаллайди. Ушбу давлатларда федерал бюджетнинг 35-45%и ИТТК ишларини молиялаштиришга йўналтирилади. Экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ЯИМдаги улуши 20- 25%ни ташкил этади.

Европа Иттифоқида инновацион фаолиятни тартибга солувчи ва ривожлантиришга қаратилган асосий ҳужжат “Халқаро инновацион инфратузилмани ва технологияларни тарқатишни ривожлантириш дастури”

ҳисобланади. Ушбу дастур 1985 йилда қабул қилинган. Унинг асосий мақсади Европа Иттифоқи бўйлаб инновациялар тарқалишига кўмаклашиш, миллий ва халқоро даражада илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнларини енгилаштириш ва тезлаштириш ишларини амалга оширишдир. Дастурнинг “Инновация соҳасида давлатлараро кооперация” деб номланувчи бўлими мавжуд бўлиб, у инновацияларни бошқариш ва замонавий технологияларни тарқатиш билан шуғулланувчи консалтинг хизматлари кўрсатувчи фирмаларни ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришни, инновацияларни жорий этишга қаратилган ўзига хос миллий инфратузилмани ташкил этишни кўзда тутди¹.

Дастурнинг иккинчи бўлими инновацион жараёнлар бажарилишини мувофиқлаштиришга, учинчи бўлими стандартлаштириш, патентлар тизимини мукамаллаштириш, инновацион технологиялар орқали ахборотларни тарқатиш тизимини яратишга, тўртинчи бўлими эса ривожланиш даражаси паст бўлган давлатлар (Греция, Ирландия) инновацион салоҳиятини кўтаришга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлардан иборат.

1988 йилдан буён Европа Иттифоқида “ВЭЛЪЮ” деб номланувчи дастур амал қилиб келади. Ушбу дастур ИТТК ишлари натижалари Европа Иттифоқи давлатларида жорий этилишига ҳизмат қилади. ИТТК бюрolarини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш мақсадида, Европа ахборот марказлари ва уларнинг бўлимлари ташкил этилган. 1995 йил маълумотларига кўра, Буюк Британияда 21 та гуруҳ, Европанинг бошқа давлатларида 210 та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, улар бир-бирига бевосита электрон алоқа билан таъминланган. Европа ахборот марказлари 25 % молияни Европа Иттифоқидан олади, 75 % пул маблағлари эса публик хизмат кўрсатиш ва ҳомийлар маблағлари ҳисобланади².

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур

-
3. Яковец Ю. Стратегия стабилизации и развития производства Ж-ль. Экономист, 1999, № 10.
 4. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. -Питер, 2010. С. 59

шарт- шароитлар, кулайликларни яратиш орқали иқтисодий самарадорликнинг ошиши ҳамда рақобатбардошликнинг кучайишига имкон яратади. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари таъсирида рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда етакчи мамлакатлар айнан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қиладилар. Бу борадаги эътиборсизлик ёки муҳим чоратадбирларни кейинги ўринларга суриш соҳа рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, 2005 йилда АҚШ инфратузилмаси иқтисодий рақобатбардошлиги жиҳатидан биринчи ўринда турган бўлса, 2010 йилга келиб, 15-ўринга тушиб қолган. Халқаро экспертлар фикрига мувофиқ, бунинг бош сабабларидан бири сифатида АҚШ ҳукумати инфратузилма соҳасига етарлича инвестицияларни жалб этмаётганлиги кўрсатилмоқда. 2008 йилда рўй берган рецессияга қадар АҚШ ҳукумати транспорт инфратузилмасига киритадиган инвестициялари билан етакчи ўринлардан бирида турар эди. Глобал рецессиядан кейин жаҳон мамлакатлари ҳам транспорт инфратузилмасига диққат-эътиборни кучайтира бориб, мазкур соҳага ажратилаётган маблағ ва бошқа шу билан боғлиқ кўрсаткичлар юзасидан АҚШдан илгарилаб кетишди.

Кўплаб мамлакатлар транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёнларига инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар орқали ёндаша бошладилар. Жумладан, 2010 йилда Канада, ўз ялпи ички маҳсулотининг 4 %ини транспорт тизимига инвестиция ҳамда бошқа сарф-харажатларни қоплаш мақсадида ажратган, Хитой эса мазкур соҳага ЯИМнинг 9 %ини ажратган. Маълумот тариқасида айтиб ўтиш жоизки, АҚШда транспорт соҳасига ЯИМнинг 1,7%и сарфланган¹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда жаҳоннинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда муайян тенденциялар кўзга ташланмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг ўрта муддатли (5

¹ . www.bafuture.org/sites/default/files/Report_0.pdf.

йилгача) ва узоқ муддатли (15-20 йилгача) миллий дастур ёки режаси ишлаб чиқиши, ушбу режа ва дастурни амалга ошириш учун йирик ҳажмдаги молиявий ажратмалар (фондлар) шакллантирилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида унинг турли объектларининг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда турли субъектлар бошқарувига берилиши (масалан, давлат, хусусий ва аралаш (давлат-хусусий), федерал, минтақавий, маҳаллий ва ҳ.к.) кабилар шулар жумласидандир.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида Хитой ташқи бозорлардаги талаб кескин қисқариши ҳамда бунинг натижасида экспорт ҳажми пасайиши, шунингдек, жиддий муаммога айланаётган оммавий ишсизликининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасини кенг ривожлантиришга асосий эътибор қаратди. Инқирознинг дастлабки босқичидаёқ ХХР ҳукумати ишлаб чиқариш инфратузилмасини янгилаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 586 млрд. долл. миқдорида маблағ ажратишни режалаштирди. Бу мамлакат ЯИМининг 18 фоизини ташкил этади. Шу ўринда таққослаш ўринлики, АҚШ молия бозоридаги инқирозни жиловлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Полсон режаси" ЯИМнинг 6 фоизини ташкил этган эди. Экспертлар фикрига кўра, "Хитой ҳозирда давлат сарфлари ва арзон кредитлар орқали айнан инфратузилма объектларига инвестицияларни янада жонлантириш орқали иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда"¹.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликлари механизация ишларини асосан ўз техникалари ёрдамида амалга оширадилар, аммо техникаларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш хусусий сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчалари томонидан амалга оширилади. Хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари юксак даражада ривожланган ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари асосан хусусий сектор зиммасига тўғри келади.

¹ .<http://expert.ru/expert/2013/02/poterya-kapitala/>.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бир бўғини ҳисобланган биргина техникавий сервис хизматини олиб қарайдиган бўлсак, ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келаётганларнинг 90%и хусусий диллерлар зиммасига тўғри келмоқда. Қолган 10% и эса машинасозлик заводларнинг бевосита вакили ҳисобланади. Дилерлар орқали амалга ошириладиган техникавий сервис хизмати ўз ичига сотув олди сервис хизматлари, техникаларни сотиш, ижарага бериш, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, сотувдан кейинги сервис, техник хизмат ва таъмирлаш–тузатиш ишлари, техникаларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича маслаҳатлар бериш, муҳандис ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишни олади. Ҳар бир дилерлик пунктида эҳтиёт қисмлар омбори, таъмирлаш устахонаси, техникаларни сақлаш майдонлари, кўчма техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси бор.¹

Чет эл фирмалари уч хил турдаги техник хизмат кўрсатишади: сотув олди, кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат. Ишлаб чиқарувчи фирмалар сотишдан олдин, харидорга максимал даражада яқин жойда жойлашган бош агент устахоналарида машиналарни махсус тайёргарликдан ўтказишади. Сотуволди сервис ўз ичига: техникаларни ташиш, қадоқидан ечиб олиш ва ишга тушириш, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни бартараф этиш; ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан берилган техник нормативларни текшириш, зарур бўлган вақтда уни созлаш; харидор талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ускуналар ўрнатиш. Заводдаги носозликларни ишлаб чиқарувчи ҳисобига бартараф этилади, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни-суғурта ҳисобига, қўшимча ускуна ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса сотув нархининг калькуляциясига киради.

Сотуволди ва кафолатли хизмат турлари бепул бажарилади, чунки унинг харажатлари янги техника қиймати таркибига киради. Кафолатли хизмат вақтида дилер машиналарнинг асосий узелларнинг диагностикасини ўтказган ҳолда учта техник хизматни бажариши лозим. Ишлаб чиқарувчи корхоналар

¹. Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари: Дис. ... иқт.фан.номз.–Т.:БИИТИ, 2004. – 78 б.

дилерларга машиналарни 25–30%га арзонлаштирилган нархда сотади, шу ҳисобига дилерлар 10–15% даромад қилишади. Техникага кафолатдан кейинги хизматни маълум вақт давомида, уни ишлаган вақтига қараб ва мавсум олди ўтказишади.

Фермер хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатиш Канадада ҳам дилерлар зиммасига тўғри келади. Ушбу мамлакатда 1,5 мингдан ортиқ дилерлик пунктлари мавжуд, бошқалари эса ишлаб чиқарувчи фирмаларга қарашли. Сўнги йилларда дилерлик пунктларнинг йириклашув жараёни кузатилмоқда, бу эса уларнинг меҳнат унумдорлигини оширади ва харажатларни камайтиради.

Россияда фермерларга сервис хизмати хизмат кўрсатиш кооперативлари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу кооперативлар бажараётган ишларига қараб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кооперативлари, савдо кооперативлари, ишлаб чиқариш–техник хизмат кооперативлари ва кредит кооперативларига бўлинади.¹ Умуман олганда, хизмат кўрсатиш кооперативлари, нафақат Россия мамлакатада, балки бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Польша, Франция, Канада, Норвегия, Дания, Швеция ва бошқа мамлакатларда кенг жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам фермерлар кенгаши таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур деб, ҳисоблаймиз. Чунки, кенгашга фермерларнинг ўзи аъзо бўлиб, уларга яқин бўлган жойда жойлашган бўлади, натижада нархларнинг сунъий ошишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, техникаларга сервис хизмат кўрсатишда ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам жалб қилиш бу соҳада рақобатни кучайтиради. Фермерлар механизация, техника воситаларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини қисқартириш эвазига олинган пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб қилиши ва фойдани кўпайтиришлари мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ

¹ Рашидов Ж. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари. Дисс... иқт.ф.н. – Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 78 б

хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва интенсивлаштириш мақсадида аграр ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий-техникани мустаҳкамлаш борасида мақсадли сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини самарали бошқаришнинг намунаси сифатида Ирландия мамлакатини кўриб чиқишимиз мумкин. Ирландияда қишлоқ хўжалигини юқори интенсив характерга эга эканлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Фермерларнинг жами харажатларидан 46% моддий ресурсларга (ЁММ, ўғит, уруғ ва бошқалар), техникага кетадиган эксплуатация харажатлари 43% ни, иш ҳақига эса атиги 11% ни ташкил этар экан. Демак, ишлаб чиқаришдаги иқтисодий натижалар деярли унинг моддий-техника таъминотига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Давлат, Европа Иттифоқи ишлаб чиқариш харажатларининг 20–40%гача ёпиб, фермерларга катта молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ушбу ёрдамнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришни яхшилаш, уни механизациялаштириш, прогрессив технологияларни қўллаш;
- хўжалик юретишнинг экологик шароитларини яхшилаш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш;
- наслдор чорва молларни кўпайтириш, чорвачиликда селекция ишларини олиб бориш;
- айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш чекланганлиги сабабли (ортиқча маҳсулотнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида) фермерларга компенсация бериш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи томонидан берилаётган субсидияларнинг асосий қисми унумдорлиги паст бўлган ерларда жойлашган, ноқулай иқтисодий шароитларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига техникаларни сотиб олиш, уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига ажратилмоқда. Бу фермерларга берилаётган моддий ёрдамнинг асосий қисми хўжаликларнинг моддий–

техника базасини мустаҳкамлашга кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бундай ёрдамсиз фермерлар ўз ишлаб чиқаришларини нормал молиялаштира олмасдилар, кўплари эса зарар билан ишлайдиган ва паст рентабелли хўжаликларга айланиб қолардилар.

Ирландияда давлат субсидиясидан ташқари, фермерларига молиявий ёрдамни “Эгрикалчер кредит корпорейшн” аграр тижорат банки кўрсатиб келмоқда. Ушбу банк орқали фермерлар ўзларига қулай бўлган йилига 4%ли узоқ ва қисқа муддатли кредитлар олмақдалар. Бундан ташқари Ирландия фермерлари лизинг хизматидан ҳам кенг фойдаланиб келмоқдалар. Умуман олганда, Европа мамлакатлари ичида Ирландияда инвестицияларнинг умумий ҳажмида лизингнинг ҳажми каттадир. Бу ерда барча инвестицияларнинг 45% ни лизинг ташкил этади, ваҳоланки ушбу кўрсаткич Германия ва Францияда 20%, Англияда 30%, Италияда – 15% ва Россияда 2,5%дан камроқни ташкил этади. Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам лизингнинг ривожланиши бўйича ҳам Ирландиядан анча ортда қолмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистонда лизингнинг асосан молиявий тури кенг жорий қилинган. Ривожланган мамлакатларда лизингнинг икки тури ҳам кенг тарқалган. Оператив лизинг тури ўз навбатида яна икки турга бўлинади: сервиссиз лизинг ва сервис хизматларини ўз ичига олган лизингдир. Оператив лизингнинг иккинчи тури, айниқса, кенг жорий этилган. Бунда ишлаб чиқариш воситаси лизингга берувчи томонидан лизингга олувчига фойдаланиш учун берилади, аммо мулкнинг барча иқтисодий ва юридик ҳуқуқлари лизинг компаниясида қолади. Натижада компания иқтисодий хавф – хатарни тўлиқ ўз зиммасига олади. Техник хизмат харажатлари компания томонидан лизингга олувчининг ҳисоб–китоблари асосида амалга оширилади. Лизинг компанияси сервис хизмат кўрсатувчи корхонани танлайди ва у билан хизмат кўрсатиш тарифлари бўйича шартнома тузади.

Шундай қилиб хорижий мамлакатларда лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича катта тажриба тўпланган ва бунинг асосида республикада фермерларни қиммат техникани лизинг орқали харид қилишда уларни

молиявий қўллаб–қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг орқали харид қилишнинг самарадорлик мезони, авваломбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамда АСМнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг манфаатдорлиги билан ўлчаниши лозим. Лизинг операцияларини амалга оширувчи молия институтларининг манфаатдорлиги айнан шу мезонга бўйсунуши керак, акс ҳолда лизингнинг асосий мақсади ҳисобланган-хўжалик юритувчи субъектларни янги техника харид қилишга кўмаклашишга зид бўлган бўлар эди. Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархлари ўртасида вужудга келган кескин номутаносиблик натижасида кўпгина хўжаликларнинг тўлов қобилияти пасайиб кетди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи субъектларнинг тараққий этиши кўп жиҳатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, фан-техника тараққиёти суръатларига нечоғлик мувофиқлиги, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатларда янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2004 йилда АҚШнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқот ишларига 2,5 миллиард доллар маблағ ажратган¹. Америка фермерларига ва бошқа аграр тармоқда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда кўмаклашувчи дастурлардан бири “Экстеншн – сервис” марказининг иш фаолияти диққатга сазовордир. “Экстеншн–сервис” тизимида маҳаллий штат университетининг вакили штатда жойлашган фермерлар, агробизнес ва бошқа тадбиркорлик

¹ http://www.usda_programs. Один из важнейших факторов развития сельского хозяйства США – государственное регулирование

субъектларини янги билимлар ва фан–техника ютуқлари билан таништириб боради. Шу билан бирга уларнинг муаммолари ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотларни университетнинг илмий ходимларига ишлаб чиқиш учун етказиб туради. Америка қишлоқ хўжалиги ва агробизнесдаги асосий ютуқлар айнан шу тизим орқали амалга оширилди деб ҳисоблашади. Ушбу тизимни молиялаштиришга ажратиладиган маблағнинг фақат 5 фоизи федерал ҳукумат томонидан келиб тушади, асосий қисми штатлардан молиялаштирилади. Ҳозирги кунда “Экстеншн–сервис” марказлари нафақат АҚШда, балки Польша, Буюк Британия, Франция ва Голландияда ривожланган. Ушбу марказ Россияда ҳам 1990 йиллардан бошлаб тажриба сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий- иқтисодиёт соҳалардаги ислохотларнинг стратегик вазифалари ва устивор йўналишларига мувофиқ ҳолда республика илмий-техника тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш тажрибасини ўрганиш асосида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга узок муддатли дастурий ёндашув алоҳида аҳамият касб этиб, айна пайтда бундан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, иқтисодий ўсиш суръатларини рағбатлантириш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш каби масалаларни самарали ҳал этишда кенг фойдаланилмоқда. Бу борадаги илмий тадқиқотлар асосида Ўзбекистон шароитида уларни қуйидаги йўналишларда қўллашни тавсия этган бўлар эдик:

- жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхлит тизим сифатида ривожлантиришнинг турли (қисқа, ўрта ва узок) муддатларга мўлжалланган режа

(дастур)ларини ишлаб чиқиш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

- қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини молиялаштириш ва бошқаришда уларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда хусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим;

- иқтисодиётдаги циклик тебранишлар салбий оқибатларини олдини олиш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасини ривожлантиришдан муҳим дастак сифатида фойдаланиш;

- ҳозирги шароитда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини молиялаштиришда давлат бюджети, хусусий сектор ва хорижий маблағларнинг аралаш шаклларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарига техник-сервис хизмати тайёрловчи заводлар билан ўртасида дилерлик хизматларини ташкил этиш ва такомиллаштириш. Ушбу хизмат турининг негизини тайёрловчи заводлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида савдо воситачи ролини бажарувчи “Ўзагромашсервис” ва “Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг” ташкилотлари бўлиши лозим. Дилерлик тизими кафолатланган давр мобайнида техниканинг яроқлилигига ва таъмирлашга жавобгар бўлган ва фойдаланишнинг бутун даври мобайнида эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги техникаси тайёрловчи заводлар билан яқин ҳамкорликда ишлаши керак;

- фермерлар кенгаши таркибида моддий – техника таъминот ва техник сервис хизмат кўрсатувчи кооператив ташкил этиш. Маълумки, туманларда ташкил этилган фермер хўжаликлари кенгаши фермер хўжаликларини мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланади ва фермерларнинг манфаатидан келиб чиқиб фаолият юритиши керак. Аммо ҳозирги кунда жамият маълумот тўпловчи ва фермерларни назорат қилувчи яна бир органга айланиб қолган. Хизмат кўрсатувчи кооперативлар вилоятнинг ҳар бир туманида хизмат кўрсатишнинг ҳар бир соҳаси бўйича бир нечта бўлишини тавсия этамиз;

- ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархлари ўртасида вужудга келган кескин номутаносиблиги натижасида тўлов қобилияти пасайиб кетган қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамда АСМнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда лизинг операцияларини амалга оширувчи молия институтларининг манфаатдорлигини шу мезонга бўйсундириш орқали лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва бунда давлатнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини кучайтириш;

- ўқув жараёни ва ОЎЮлардаги илмий–тадқиқот ишлари билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган вазифасини бажарадиган “Экстеншн – сервис” марказларини ташкил этиш. Умуман олганда, “Экстеншн – сервис” маркази қишлоқ хўжалиги тармоқларига фан–техника тараққиёти натижаларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига фанни яқинлаштириш ва шу орқали ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда ривожлантириб боришга кўмаклашади. “Экстеншн - сервис” хизматини ривожлантиришнинг дастлабки йилларда давлат бюджети “Фан” йўналишига ажратилаётган маблағ ҳисобидан молиялаштирилиши, келажакда туман бюджети ва бошқа хусусий секторнинг инвестициялари ҳисобига молиялаштирилиши тавсия этилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг меърий-ҳуқуқий асослари, механизмлари, инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ишлаб чиқилган. Республикамизда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ташкилотлари, тадқиқот марказлари фаолияти, патент бериш, ИТТК бюрolari ва технополислар, кадрлар билан таъминланганлик, венчур фирмалари фаолияти билан боғлиқ хорижий тажрибалардан фойдаланиш фойдадан холи эмас, деб ҳисоблаймиз.

4.2. Ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш.

Ҳоҳ ривожланган мамлакатларда бўлсин, хоҳ ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган давлатларда бўлсин, кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири унинг доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлигидир. Бу ҳолат Ўзбекистонни бугунги жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини кучайиши шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши доимий равишда муаммоли тарзда кечиши табиий. Чунки, биринчидан, иқтисодиётнинг асосий муаммоси – ресурсларнинг чекланганлиги иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ҳам йирик бизнесдан «ўз улушини тортиб олиш»га мажбур этади. Бунга эса, қачонки инновацион тадбиркорлик ўз ишлаб чиқаришининг нисбатан самарали эканлигини исботлаган тақдирдагина эриша олади. Иккинчидан, инновацион тадбиркорликнинг ривожланишидаги зиддиятли, муаммоли ҳолатлар унинг иқтисодий табиатидан ҳам келиб чиқади.

Маълумки, иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан инновацион тадбиркорликнинг имкониятлари нисбатан чекланган. У йирик корхоналар сингари кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Бундан ташқари, бозор конъюнктурасининг бирмунча ўзгариши ҳам кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Инновацион тадбиркорликнинг бундай жиҳатлари ўзига нисбатан алоҳида ғамхўрлик, ҳимоя ва парваришни тақозо этади. Учинчидан, бу муаммолар жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини кучайиши шароитида янада кескинроқ, жиддийроқ кўринишда юз бермоқда.

Ривожланган мамлакатларда кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳаётий фаолияти барқарорлигини таъминловчи самарали дастак ва механизмлар аллақачон изга тушириб олинган бўлса, Ўзбекистонда бу борада ҳали жиддий ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Бозор иқтисодиётида давлатга жиддий вазифа юклатилади - бозорда ҳаракат қилаётган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Биринчи навбатда мулк ҳуқуқи таъминланиши лозим. Ўз мулкининг дахлсизлигига тўла ишончи бўлмаган мулкдор, уни мулкдан ажратиш ва мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини чеклашдан қўркиб, ишлаб чиқаришда ўзининг барча ижодий ва моддий салоҳияти имкониятларидан фойдаланмайди. Шу нуқтаи назаридан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонунлар тизимининг мавжудлиги иқтисодиётни нормал ривожлантиришнинг ажралмас шартларидан биридир. Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

Ўзбекистонда кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги тамоийил жорий этилди. Фақатгина 2013 йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2-март ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5-март қисқартирилди. Натижада “Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди”.

Кичик кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Республикамизда кичик инновацион бизнес

ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнесни давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланиши натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўсиб бормоқда, “Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000-йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди¹” дейди Президентимиз И.А.Каримов. Шу жумладан, 2013 йилда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан характерланади. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий йўли тараққиётнинг инновацион йўлидан бориш ҳисобланади. Бу кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлиги ўз фаолиятини фан ютуқларига асосланган ишланмалар, қишлоқ хўжалигида кенг кўламли илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш, шунингдек, илмий ихтиро натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Маълумотларга кўра XX асрдаги 61 та яратилган йирик кашфиётларидан 48 таси кичик кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари улушига тўғри келмоқда. Ушбу омиллар иқтисодиётда кичик инновацион бизнес шаклланишига асос бўлади. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг зарурлиги ва шу билан бирга унда кичик инновацион бизнесни ривожлантириш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //Халқ сўзи 2014 йил 18 январ.

Биринчидан, XXI асрга келиб ахборот комуникация технологиялари кичик инновацион бизнес корхоналар фаолиятини юритиш услубларини ўзгартиради. Ахборот комуникация технологиялари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиб, ишлаб чиқарилган товарлар, хизматларни ва мавжуд ахборотларнинг жисмоний мазмунини ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бугунги глобализация даврида жаҳонда ва Ўзбекистонда ҳам ахборот комуникация технологиялар соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот комуникация технологиялар соҳасини ривожлантириш орқали инновацион иқтисодиётга ўтишининг катта имкониятлари мавжуд.

Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши зарурлиги бу унинг иқтисодиёти томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотлар таркибида инновацион маҳсулотлар улуши бугунги кунда 12-15%ни ташкил қилмоқда. Зеро бу кўрсаткич АҚШда 62%ни Японияда 95%ни ташкил этмоқда. Бу соҳада бизнинг имкониятларимиз жуда катта.

Учинчидан, бизнинг қишлоқ хўжалигимизда ҳамда қишлоқ ишлаб чиқариш унфратузилма корхоналарида инновацион ғоялар ва лойиҳаларни жорий этиш даражаси бугунги кунда жуда кўйи даражани ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигини технологик таъминотини ва унинг механизациялаш даражасини кескин оширишни таълаб этмоқда. Масалан бугунги кунда республикамизда пахта хосилини териб олишни механизациялаш даражаси 8-10%ни, АҚШда 85-90%ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кичик инновацион бизнесни фаол ривожлантиришда республика Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 15 июль ПҚ-916-сон қарори муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу қарор асосида ҳар йили Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ўтказилиши белгилаб берилди.

2008-2010 йилларда ўтказилган учта инновациялар ярмаркаси мобайнида умумий ҳолда қиймати 41 миллиард сўмдан иборат илмий ва техник ишланмаларни жорий этиш тўғрисидаги 1196 та шартнома имзоланди. Шартномаларнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда - агар биринчи ярмаркада олим ва хўжалик юритувчилар томонидан 292 та шартнома тузилган бўлса, 2010 йилдаги ярмакада бу кўрсаткич 456 тани ташкил этди. Ҳозирда бу шартномаларнинг кўплари амалга оширилиб, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги ўнлаб йирик ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига аҳамиятли таъсир кўрсатди.

2011 йил 13—15 апрель кунлари бўлиб ўтган тўртинчи ярмаркада 600 га яқин истиқболли технологиялар, лойиҳалар ва инновацион ғоялар намойиш этилди. Улар орасида 471 та янги, шунингдек, 91 та олдинги ярмаркаларда намойиш этилган, ҳозирча ишлаб чиқаришга жорий қилинмаган, бироқ, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ишланмалар намойиш этилган. Ярмаркада намойиш этилган ғоя, технология ва лойиҳаларнинг 195 таси саноатни модернизациялаш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, 110 таси қишлоқ хўжалигига, 87 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тармоқларига, 51 таси ахборот технологиялари соҳасига ва 28 таси фан ва таълим соҳасига мўлжалланган¹. Ярмаркада иштирок этган инновацион ишланмаларнинг 50 га яқини «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ишланмалар» деб номланувчи алоҳида бўлимда намойиш этилди².

Илмий-тадқиқот натижаларини қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилишда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Уларни жумладан: фермер ва деҳқон хўжаликлари инновацион технологияларни жорий қилишга тайёр эмаслиги, чунки, уларнинг билим ва малакаси пастлиги, илмий ишланмалар

¹ <http://news.olam.uz/business/1785.html>.


² IV Республиканской ярмарки инновационных идей, технологий и проектов // <http://www.mineconomy.uz/innovation>

натижаларини жорий қилишдан олинадиган фойда тўғрисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ишончли маълумотларга тўлиқ эга эмаслиги; фермер ва деҳқон хўжаликларида инновацион технологияларни жорий қилиш учун дастлабки маблағлар етарли эмаслиги боис, уларга айнан инновацияларни жорий қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш механизми йўқлиги кабилар билан изоҳлаш мумкин. Инновацион ишланмаларни жорий этиш бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган муммолар нафақат илм-фан, балки, қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида илмий-инновацион жараёнларни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- олиб борилаётган илмий ишланмаларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш;
- олинган илмий-инновация натижаларини амалиётга кенг жорий этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш, яъни инновацияларни жорий этиш учун инвестицияларни жалб қилиш ва имтиёзли кредитлар ажратиш;
- илмий-инновацияларни аниқ буюртмачилар (фермер ва деҳқон хўжаликлари) талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига (фермер ва деҳқон хўжаликларига) илмий-инновацияларни жорий этиш ҳисобига фойда олиш кафолатини ошириш;
- илмий-инновация ишланмаларини жорий этишда фермер ва деҳқон хўжаликларининг билим ва малакаларини ошириш учун жойларда ўқув-семинарлар ташкил этишни кенг йўлга қўйиш.

Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини кучайиши унда эркин рақобат муҳитини шаклланиши шароитида кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий

механизмларини таомиллаштириш, фикримизча, қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим. Биринчидан, кичик инновацион бизнесни институционал қўллаб-қувватлаш (17-расм). Улар қуйидагилардан иборат:



17-Расм. Кичик инновацион бизнесни ривожлантириш

- мамлакатда индустриал-инновацион йўналтирилган ва мослашувчан ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантириш;
- инновацион кодекс доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини яратиш, унда инновацион фаолиятни тартибга солувчи, илм-фан сиғимига эга тадбиркорлик соҳасида асосий атамаларни аниқлаштирувчи, кичик инновацион бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (республика ва ҳудудий даражада) чоралари, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор асосий қонунларни акс эттириш;
- кичик инновацион бизнесни пайдо бўлиши ва ривожланишига замонавий молия-кредит механизми билан кўмаклашаётган тизимларга рағбатлантириш механизмини яратиш, кичик инновацион бизнес фаолиятини молиялаштираётган тижорат банкларига махсус имтиёз ва периференциялар тизимини ўрнатиш;

- кичик инновацион бизнес фаолиятини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари ва солиққа тортиш умумий даражасини пасайтириш йўли билан уларнинг хўжалик юритиш шароитини такомиллаштириш, венчурли молиялаштириш тизимини кенгайтириш, йирик компаниялар, тижорат банклари, суғурта ташкилотларнинг кичик инновацион бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилиш қизиқишларини ошириш;

- кичик инновацион бизнесни бозорлар "муҳит" ва "сотиш" ўртасидаги муносабатни кенгайтириш, бунда уларнинг қимматли қоғозлар, биринчи навбатда, корпоратив бозорда, меҳнат ва ресурслар бозорларида, шунингдек, биржалар, сотувларда, ярмаркалар ва аукционларда фаол қатнашишини таъминлаш;

- давлат ва кичик инновацион бизнес ўртасида шериклик алоқаларининг турли шакллари жорий қилиш. Бу давлат ва кичик инновацион бизнес ўртасида кооперация алоқаларининг турли шакллари амалга ошириш, кичик технологик фирмаларни рағбатлантириш ва молиялаш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, илмий-техник маҳсулотлар бўйича давлат буюртмалари тизимини кенгайтиришни назарда тутати;

- инновацион-фаол корхоналар учун консалтинг хизматлари бозори инфратузилмасини шакллантириш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича бозор институтларини ривожлантириш, профессионал инновацион менежмент тизими, инновацион лойиҳаларни мустақил илмий экспертиза қилиш стандартини яратишда давлат иштирокини таъминлаш;

- кичик инновацион бизнес вакилларида ташкил топган республика ва ҳудудларда уюшмалар, бизнес марказлар, шунингдек, халқаро тадбиркорлар уюшмаларини ташкил қилиш;

- инновацион менежмент бўйича махсус курсларни ташкил қилиш ва ушбу йўналиш бўйича мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш, шунингдек ўқув, илмий, услубий, маълумот адабиётларини кенгайтириш ва инновацион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича дастурлар яратиш.

Шундай қилиб, кичик инновацион бизнесни институционал қўллаб-қувватлаш давлат томонидан тартибга солиш воситалари ва барча бозор механизмларидан фойдаланишга асосланган чора-тадбирлар мажмуасини узида акс эттириши лозим. Хусусан, кичик инновацион бизнес субъектларини рағбатлантиришга ёндашув кичик инновацион бизнеснинг эришган натижалари, улар фаолиятининг ташқи ёки ички бозорга йўналтирилганлиги, унинг қайси тармоққа мансублиги, миқдори ва муддатлари бўйича табақалашган бўлиши зарур.

Иккинчидан, фермер хўжаликларни инновацион кластерлар билан ҳамкорлигини рағбатлантириш. Ушбу йўналиш фермер хўжаликларни илмий-тадқиқот ташкилотлари, йирик саноат корхоналари, молиявий тузилмалар ва ҳукумат органлари билан кластер бўғинлари доирасида кооперация алоқаларини ўрнатиши ҳисобланади. Бу жараёнда иштирок этаётган инфратузилма субъектлари учун ўзаро барқарор манфаатли алоқаларни шакллантириш, ташқи ва ички бозорларда рақобат устунликларга эришиш учун асос бўлади.

- Ўзбекистонда инновацион кластерларни шакллантириш ва уларга кичик инновацион бизнесни кириши учун шарт-шароит яратиш давлатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва у алоҳида кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилишигина эмас, балки турли ҳажмдаги ва турдаги фаолиятни бирлаштирувчи "юқори технологиялар" тизимини ривожлантиришни рағбатлантиришга асосланмоғи лозим. Шунингдек, кичик инновацион бизнесни инновацион кластерларга киришини таъминловчи ташкилий ва услубий тадбирларни амалга ошириш, ахборот таъминоти бўйича қўллаб-қувватлаш, кластерлар доирасида фаолият юритаётган ҳукумат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳат марказларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Кластерлар доирасида кичик инновацион бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш давлат ва хусусий тармоқ шериклиги шароитида амалга ошириш

мақсадга мувофиқ ва бу жараёнларга давлат ва маҳаллий бюджет маблағларинигина эмас, балки венчур фондлар, йирик компаниялар ва тижорат банклар кредитларини жалб қилиш зарур. Шу билан бир қаторда, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва жалб қилишга масъул бўлган франчайзинг компанияларни шакллантириш лозим. Шунингдек, инновацион кластер субъектлари томонидан олинган кредитларни кафолатлаш тизимини жорий қилиш, кредит кооперацияси ва суғуртасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, кичик инновацион бизнес ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш. Шу жумладан, рақобат барқарорлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият тизимида кичик корхоналар манфатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакат экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини-ошириш мақсадида, фикримизча, кичик корхоналар экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Унда қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ташқи бозорларга чиқиш учун тадбиркорларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кичик инновацион корхоналар учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро стандартлар бўйича лицензиялаш, берилган қарзларни давлат томонидан кафолатлаш шарти билан экспорт фаолиятини кредитлаш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ сиёсий, тижорат, молиявий ва бошқа хатарларни суғурта қилишни таъминлаш, экспортёрларга ахборот-маслаҳат кўмагини ташкил қилишда махсус имтиёзлар тизимини тақдим этиш;

- инновацион маҳсулотлар ярмаркаси ва кўرғазмаларини ўтказиш, рекламани ташкил қилиш ва хорижий давлатларда шерикларни топишда кўмакпашиш;

- инновацион-технологик инфратузилмаларни такомиллаштириш;

- халқаро бозорларда миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича шарт-шароитлар яратиш.

Кичик инновацион бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ушбу йўналиши хўжалик юритиш субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўз хизмат кўрсатиш кўламига мос хусусиятларини ўзида мужассам этади. У ер таркибини, ўсимликларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида ишчи кучи такрор ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни янгиланиши, соҳа маҳсулотларини нест-нобуд бўлишининг олдини олиш ва сифатини ошириш орқали истеъмолчиларнинг талабини қондиради. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари ва фермер хўжаликлар рақобатбардошлигини, уларни АСМ тизимидаги корхоналар билан турли алоқаларининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда инфратузилма хизматларини хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ замон, макон ва зарурий меъёрларда бозорнинг шароитига мос равишда етказиб бериш орқали фермер хўжаликларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Уларга: кичик инновацион тадбиркорлик субъектлари бўлган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари ва музхоналар, коммуникация тизимлари, техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоблаш марказлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, агротехник, ветеринария, сунъий уруғлантириш, техник - таъмирлаш, коньсалтинг ва ахборот таъминоти корхоналари киради. Иккинчи томондан инфратузилма тизимида монополь ҳолатда бўлган корхоналар: ёқилғи қуйиш ва минерал ўғит сотиш шаҳобчалари, почта ва телеграф алоқаси, электр энергиясини узатиш линиялари, уруғчилик ва селекция, илмий-тадқиқот, меллиорация-ирригация, банк хизматларини кўрсатиш мумкин.

Бироқ бугунги кунда яратилган имкониятлар ва берилган имтиёзларга

карамасдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида кичик инновацион тадбиркорлик субъектлари фаолияти жуда секинлик билан ривожланмоқда. Бунга қуйидаги муаммолар сабаб бўлмоқда:

- Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий соҳаларида айниқса моддий-техник таъминоти (минерал ўғит, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ёқилги-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва бошқаларни етказиб бериш) соҳасида эркин рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги ва айрим ҳолларда мазкур соҳада корхоналарнинг юқори мавқеига эгалликларининг намоён бўлиши;

- Хусусий, кичик инновацион бизнес ва микрофирмаларнинг корхоналарининг айланма маблағларининг етарли бўлмаганлиги;

- Эркин ташқи савдо муносабатларида қатнашиш учун барча бозор объектларига тенг имкониятларнинг яратилмаганлиги;

- АСМ тизимида корпоратив тадбиркорликни паст суръатлар билан шаклланаётганлиги.

- Сервис хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш маданиятининг ҳамда шартнома муносабатларининг даражасининг пастлиги;

- Қишлоқ хўжалиги, саноат маҳсулотлари ва хизматларнинг нархларини номутаносиблиги;

- Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий-иқтисодий соҳадаги билим савияларининг талаб даражасида эмаслиги;

- Ресурслар ва захираларни алоҳида институтлар томонидан тақсимланиши ҳамда соҳада юзага келган бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;

- Ахборот ва маркетинг хизматлари кўрсатиш тизими бугунги талабдан ортда қолганлиги;

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизмат кўрсатувчи субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи институтларнинг йўқлиги;

- Тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятларига ҳокимият ва маҳаллий органларининг аралашуви ҳолларининг мавжудлиги;

- АСМ тизимида корхоналараро дебиторлик ва кредиторлик қарзлар занжирининг юзага келганлиги ҳамда нақд пулнинг етишмовчилиги ва бошқалар;

- Қишлоқ хўжалигида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг оқсоқлиги.

Умуман олганда аграр соҳанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасида юқоридаги муаммоларга қарамасдан кичик инновацион тадбиркорлик субъектлари шаклланиб фаолият кўрсатмоқдалар. Инновацион тадбиркорликни АСМ тизимида ривожлантириш учун унинг тараққиётига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ечиш ҳамда соҳада хусусий, кичик бизнес корхоналарини давлат томонидан тартибга солишнинг янги дастак ва воситаларини ишлаб чиқиб амалга тадбиқ этиш зарурдир. АСМ корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларига ҳам фермер хўжаликларидек имтиёзли 3-5 фоизлик кредитлар беришни жорий этилиши соҳада тадбиркорликни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш чумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан инновацион тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги тенденцияларига, яъни глобализация ва постиндустриализм масалаларига кам эътибор берилмоқда. Глобаллашув монополиялар янги турларининг шаклланишига олиб келмоқда. Маълумки ҳозирги даврда монополиялар нафақат бир тармоқда балки бутун жаҳон миқёсида ҳам амал қилмоқда. Глобаллашув шароитида юзага келган янги трансмиллий монополиялар учун миллий давлатлар чегаралари йўқолиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бутун жаҳон савдо ташкилотига кириши арафасида кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш сиёсатини фаоллаштириш лозим.

Давлат томонидан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солишда постиндустриализм таълаб этадиган янги замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Глобаллашув

жараёни ва электрон алоқалар тизимининг тараққиёти маконда нафақат моддий ресурсларнинг ва шу билан бирга информацион ахборот ресурслари ҳаракати харажатларининг ҳам кескин камайишига олиб келди. Замонавий ахборот тизимлари ва ахборот коммуникация технологиялари тизими имкониятларидан кичик инновацион бизнес корхоналарни бошқаришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда давлат ташкилотлари билан хусусий тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларда замонавий техник алоқа воситаларидан, масалан, интернетдан фойдаланиш самаралироқдир. Бу ҳокимиятнинг ижрочи органларида ортиқча навбат кутишларни ва турли бюрократик тўсиқларни ва шу билан бирга коррупциянинг ривожланишидан қутулиш имкониятини яратади. Интернет технологияларининг ривожланиши давлат тендерларининг очиклигини ва ресурслар тақсимотининг шаффофлигини таъминлайди. Шу билан бирга, қонунчиликда йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги тасдиқланиши лозим. Ҳусусан давлат буюртмаларини тақсимлашда кичик инновацион корхоналарнинг иш бажариш бўйича иштирок этиш квоталарини таъминлаш зарур.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этишдаги иштирокини янада фаоллаштириш учун янги имкониятларни яратади. Кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси нафақат давлат бошқарув органларига балки йирик кампаниялар ва тадбиркорларнинг турли ижтимоий ташкилотларига ҳам тегишлидир. Бунинг учун кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликга нисбатан ягона давлат ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш лозим.

4.3. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Бугунги инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юқори суръатларда юз бораётган ва миллий иқтисодиётга жаҳон иқтисодиётини босими ўсиб бораётган бир даврда Ўзбекистонда қисқа муддатлар ичида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожланиш йўлига ўтишни таъминлаш ва стратегик муҳим тармоқни сифат жиҳатдан бугунги замон таълабларига жавоб берадиган янги техник-технологик асосга қўйишни таълаб этади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг муҳим шаклларида бири бу инновациялар бозорига илмий-техник маҳсулотларни киритишни, ахборот-маслаҳат таъминотини, лойиҳаларни экспертизасини, таклифлар ва буюртмаларни, тажриба ишлаб чиқариш баъзаларини ривожлантириш, молиялаш учун молия-кредит тузилмаларни вужудга келишини ташкил этадиган корхоналарни шакллантиришни кўзда тутадиган инновацион инфратузилмани ривожлантириш бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилларга қараганда бугунги кунда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма шахобчалари билан таъминланганлик даражаси ўта паст бўлиб, бундай ҳолат уларнинг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда¹. Натижада аксарият фермер хўжаликларида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлиги паст бўлаяпти. Таҳлиллар натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- қишлоқ хўжалигини моддий-техник таъминоти соҳасида тадбиркорлик жуда секин ривожланмоқда;

- инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасида шартномаларни аниқ бир тизим асосида тузилмаслиги натижасида томонлар

¹ Сотволдиев Х. Инфратузилма шахобчаларини ривожлантиришда давлатнинг роли. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №6. 2008. -Б. 39.

ўртасида ўз мажбуриятларни бажарилишига масъулиятсизлик билан қаралмоқда;

- қишлоқ хўжалигини эҳтиёт қисмлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар, уруғлик чигит ва дон билан таъминлашда монополиялар вужудга келган ва бу ҳолат моддий-техника воситаларини эркин ҳаракати ҳамда истеъмолчиларнинг танлаш имкониятларини чекламоқдалар ҳамда уларга етказиб берилаётган моддий-техника воситаларининг нархини сунъий равишда ўсишига олиб келмоқда;

- республикамиз қишлоқ хўжалигининг моддий-техник таъминот соҳасида иккиламчи ресурслардан фойдаланиш механизми яратилмаган;

- моддий-техника таъминоти соҳаларида эркин бозор муносабатларини шаклланмаганлиги туфайли импорт қилинадиган моддий-техника воситалари билан фермер хўжаликларини таъминлашуви талабдан ортда қолмоқда;

- таъминот корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида иқтисодий манфаатдорлик йўқлиги, таъминотчиларни моддий-техник воситаларини етказиб беришда ва хизматлар кўрсатишда сифат кўрсаткичларига масъулиятсизликларни оширмоқда.

Давлат томонидан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашдан асосий мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида прогрессив янгиликлар бўлишини рағбатлантириш, тармоқлар ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Давлатнинг инновацион соҳадаги асосий вазифалари қаторига илмий тадқиқот ва инновацияларга йўналтирилган маблағларни жамлаш, инновацион фаолиятларни мувофиқлаштириш, инновациялар ва рақобатни рағбатлантириш, инновацион. рискларни суғурталаш, эскирган ёки сифатсиз маҳсулотларни чиқаришга санкция белгилаш, инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, инновацион фаолиятни кадрлар билан таъминлаш, инновациялар инфратузилмасини шакллантириш, тармоқларда инновация жараёнларининг инстатационал таъминотини яратиш, инновациялари ижтимоий

йўналтирганлигини таъминлаш, инновацион фаолиятнинг жамиятдаги мавқеини ошириш ва ҳ.к.

Жаҳон ва республика тажрибалари шундан далолат берадики, давлатнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларида илмий тадқиқотларни кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, рақобат муҳитини яратиш, инновациялар сармояланишини рағбатлантириш ва ахборот базасини яхшилаш киради. Мамлакатимизда буларга давлат эътибори юқори ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун аграр тармоқда зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу боис бизнингча, инфратузилма шохобчаларини ривожлантириш ва уларга қулай шароитлар яратиб беришни давлат ўз зиммасига олиши керак. Бу эса давлатнинг мувофиқлаштириш, солиқ, суғурта, баҳо ва молиялаштириш каби ташкилий-иқтисодий инновацион дастаклари орқали амалга оширилиши лозим. Шунда аграр соҳада давлат сектори иштироки кучаяди. Давлат томонидан фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этишнинг билвосита усул ва механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Давлат томонидан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизми сифатида кўйидагиларни таклиф этамиз:

- хусусий тартибда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма шохобчаларининг ҳуқуқий ҳамда меъёрий асосларини янада такомиллаштириш;
- агробизнес билан шуғулланувчи субъектларни давлат томонидан зарур ахборотлар билан таъминлаш ва уларга консалтинг хизматларини кенг жорий этиш;
- давлат томонидан турли фондлар ва бошқа молиявий манбалар ҳисобидан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси шохобчаларини ташкил этишга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга узоқ муддатли

имтиёзли кредитлар ажратиш, шу билан бирга ўз-ўзини молиялаштириш мақсадида турли кредит иттифоқлари за ўзаро кредитлаш жамиятларининг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг ноанъанавий ва истиқболли хизмат турларини кенгайтиришини рағбатлантирувчи механизмни амалиётга кенг жорий қилиш;

- инфратузилма шохобчаларини ташкил этишда маъмурий тўсиқларга барҳам бериш, ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш орқали хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш;

- инфратузилма шохобчаларида ишловчилар малакасини ошириб бориш, маркетинг, менежер, қимматбаҳо қоғозлар бўйича ва бошқа замонавий мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарини улар билан таъминлаш (бутлаш) тадбирларини молиялаштиришнинг асосий қисмини давлат ўз зиммасига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қишлоқ жойларда 2013-2016 йилларга мўлжалланган бир қатор Давлат дастурлари, хусусан, “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш Дастури” ҳамда “2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш Дастури” ишлаб чиқилган. Мазкур дастурларда 2013-2016 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техник базасини янгилаш, сервис хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишдаги ишларни бажариш, шунингдек шу соҳада хизмат кўрсатувчи 20 мингга яқин инфратузилма объектларни барпо этиш ҳамда уларга қўлайликлар ва енгилликлар яратиш бўйича чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсив ташкил этиш шароитида пахта ва дон ҳосилини йиғиштириб олиш ва маҳсулот йўқотилишини камайтиришнинг муҳим заҳираларидан бири бўлиб механизациялаштирилган дала ишларини сифатли амалга ошириш

ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда агротехник тадбирни ўтказмаслик ёки кечикиб ўтказилиши ҳосилдорликни маълум миқдорда пасайишига олиб келади. Бу эса маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини пасайишининг асосий сабабларидан бири бўлмоқда.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, механизациялашган дала ишларини операцион технологияларда келтирилган агротехник талаблар асосида бажариш интенсив технологиялардан фойдаланиш ҳисобига олинishi, кўшимча ҳосилни йиғиштириб олиш имконини беради. Технологик операцияларни ўз вақтида яқунлаш учун фермер хўжаликлар раҳбарлари кўпчилик ҳолларда МТПларнинг хизматларига мурожаат қилишади. Шунга боғлиқ тарзда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг хизмат кўрсатишининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини баҳолашга зарурат пайдо бўлади. МТПлар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, қачонки техник воситалар умумий унумдорлигининг ўсишидан самара агротехник хизмат кўрсатиш ҳаражатларидан ортиқча бўлса. Мазкур шартни қуйидаги тенглама кўринишида ифода этишимиз мумкин:

$$\text{МТП х.ф.} = \text{Тв.у.с} > \text{Х а.х.х.}, (4.1)$$

Бу ерда: МТП х.ф хизматларидан фойдаланиш; Тв.у.с - техник воситалар умумий унумдорлигининг ўсишидан самара; Х а.х.х.- агротехник хизмат кўрсатиш ҳаражатлари.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг бозорда монопол ҳолатни сақлаб қолиши ва хизмат сифатини паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Сервис хизмати кўрсатишда рақобат муҳити ва корхоналар ўртасида рақобатни йўқлиги хизмат баҳоларни назоратсиз ошиб боришига олиб келмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришда сервис хизмати имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш орқали маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиб маҳсулот етиштирувчи бир кишига хизмат кўрсатувчилар сонини 4-5 кишига етказиш, 4-5 йил давомида сервис хизмати хажми ва турларини

2,5-3,0 баробар кўтариш имкониятини беради, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиради. Шундай қилиб, сервис хизмат турларини ва хизмат хажмларини кўпайтириш қишлоқ жойларда қўшимча 1,5-2,0 млн. янги иш жойи ташкил қилиниши имкониятини беради.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига кўрсатилаётган сервис хизмати нархларини белгилаш, тартибга солиш ва назорат қилиб бориш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Нарх белгилаш қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари ихтиёрига ташлаб қўйилган ва улар хоҳлаган нархларини белгилайдилар. Шунинг учун бир хил иш турига (жумладан, ер хайдаш, экинни экишга ерни тайёрлаш, ғаллани ўриш, ветеринария хизмати кўрсатиш, маҳсулотни ташиб бериш ва ҳақозо) турли ҳудудларда турлича нарх белгиланмоқда. Бундай нархлар орасидаги тафовут баъзи ҳолатларда 25-30 фоизгача бўлмоқда. Бу масала ҳам ўз ечимини топиши керак. Бизнинг фикримизча, бу борада ҳам хизмат ҳақи нархини белгилаш услубиётини ишлаб чиқиш, хизмат ҳақларини ҳар хил русумли машиналар билан бажарилишига қараб юқори ва пастки даражаси чегараланиши лозим. Бундай белгиланган нарх бир томондан фермер хўжаликлари маҳсулотлари таннархини кўтарилиб кетишига йўл қўймаслиги ва иккинчи томондан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари учун ҳам маъқул бўлиши ва уларни хизмат нархларини пасайтиришга ҳаракат қилдирувчи омил бўлиши лозим. Шунинг учун сервис хизмат баҳоларини пасайтириш бугунги кунда нафақат ғаллачиликда ва пахтачиликда, балки қишлоқ хўжалиги барча турдаги маҳсулотларини етиштиришда, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажми энг аввало об-ҳаво шароити ва сув таъминотига боғлиқ. Барча мамлакатларла сув хўжалиги инвестицияга муҳтож бўлиб, соҳанинг ривожланишида инвестициянинг роли тухтовсиз ортиб боради. Агар соҳанинг йирик инвестори ҳамisha давлат бўлиб келган ва бюджетдан ажратилаётган инвестициялар қуйидаги йўналишларда ишлатилар: ирригация тармоқларидаги гидротехник

иншоотларни, гидростанцияларни таъмирлаш, насос станциялари, энергетика ва алоқа бирлашмаларидаги насос агрегатларини, янги мелиоратив иншоотларни қуриш ва уларни ишлатиш харажатларини қоплаш, дренаж тармоқларини таъмирлаш, суғорилалган ерларни реконструкция қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ва ҳ.к. Истикболда инфратузилма корхоналарининг ривожланиши кўп жиҳатдан ушбу соҳада яратилаётган инвестицион муҳит ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмизмига боғлиқдир¹.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини техника воситалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита шакллари таъкидлаб ўтиш мумкин. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини техника воситалари билан таъминлашни давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватлашга, бюджет томонидан, инфратузилма корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир этадиган шаклига, давлат бюджетидан аграр соҳани ривожлантиришга ажратилган молиявий ресурслар, субсидиялари, кредитлар киради. Тадқиқот натижаларини кўрсатишича инфратузилма корхоналарида таъминотнинг гаров шакли учун гаров предметининг мавжуд эмаслиги ёхуд гаров предметини амалдаги тартибда расмийлаштириш учун маблағларнинг мавжуд эмаслиги инфратузилма тизими субъектларининг кредит маблағларидан унумли фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда².

Бу муаммонинг ечими сифатида техника воситалари сотиб олиш учун кредит олиш истагида бўлган инфратузилма корхоналарини гаров муаммоси долзарблигини ҳисобга олган ҳолда олинадиган кредитни қайтариш учун давлат кафолатини беришни жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Давлат кафолатини бериш усули бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибасида муваффақиятли синовдан ўтган. Бу тадбир жойларда барқарор кўрсаткичлар билан фаолият юритиб келаётган илғор инфратузилма корхоналарига тадбиқ

¹ . Шадманов Ш. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши. Ж-л Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012 йил.№2. – Б.37.

². Исаков Ж. Хизмат кўрсатиш тизимини кредитлаш ва лизинг қонунчилигини такомиллаштириш. Ж-ль. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012 йил. №8. - Б. 44.

этилса, бошқа инфратузилма корхоналарини ҳам ана шундай фаолият кўрсатишга рағбатлантиради. Шу билан биргаликда, тижорат банкларига кишлоқ хўжалиги техника воситаларини сотиб олиш учун кредит беришни рағбатлантириш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олишга бериладиган кредитлардан олинadиган фойдадан солиқ олмаслик, агар банк ўз фаолиятида олган фойдасидан мана шу мақсадлар учун маблағ йўналтирса, ана шу йўналтирилган маблағни ҳам солиқлардан озод қилишни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Давлат кафолатини бериш усули халқаро ва ҳорижий молия институтларидан олинadиган кредитларга ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳорижий ёки халқаро молия ташкилоти ўз ваколатхона ёки филиаллари орқали кишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарига техника сотиб олиш учун бевосита кредит тақдим этади. Олинган кредитни қайтарилишини эса давлат кафолатлайди. Бу тадбир ҳам асосан барқарор фаолият юритаётган МТПларга қўлланилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати инфратузилма корхоналарини лизинг асосида техника воситаларини харид қилиш шарт-шароитларини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси № 266 сонли 2007 йил 21 декабрь қарорига кўра “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этилди. Бу компания фермер хўжалик корхоналарини мелоратив техника воситаларига бўлган таълабини ўрганиб, умумлаштириб, ушбу таълабни ишлаб чиқариш корхоналарига жойлаштириб, лизинг бўйича шартномалар тузиб, ўз вақтида ҳисоб китоб ишларини олиб бориб, техникани лизинга беришни ташкил этиш вазифалари юклатилди. Лизинга берилadиган техника истеъмолчига 10 йил муддатга берилиши кўзда тутилмоқда¹. Лекин бугунги кунда инфратузилма корхоналарига техника воситаларини лизинга беришда, лизингни расмийлаштиришни кўп босқичлилиги, юқори кафолат қиймати ва лизинга бериш муддатларини

¹ “Норма”. №1, 11 январ. 2008 йил 2-бет.

қисқалиғи каби омиллар уни ривожланишига катта тўсиқ бўлиб турибди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектлари фаолияти ривожланишида “Лизинг” амалиётларининг роли юқори бўлсада, лизинг учун аванс тўловлари миқдорининг ва фоиз ставкаларининг юқорилиғи мазкур амалиётдан фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўйган. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун фикримизча, лизинг берувчи даромади бўлган устама фоиз ставкасини лизинг хизматидан фойдаланишнинг бутун даврида лизинг объекти қолдиғига нисбатан фоиз ставкасини қўллаш асосида даромад олиш ўрнига, лизинг берувчининг фоиз кўринишидаги даромад ставкаси меъерини лизинг объекти қийматига бир йўла киритиш ва ҳосил бўлган янги қийматни жадвал асосида бир ҳилда тақсимлаш йўли билан тўловларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лизинг учун тўловнинг бу усулида фойдаланиш:

- Лизинг олувчиларда ойлик устама фоиз ставкасининг ўз вақтида тўламагани учун (неустойка) тўлашдан халос этади.

- Лизинг учун фоиз ставкасининг қолдиқ қийматга нисбатан қўлланмаслиғи мижозлар ўртасида лизинг амалиётларига қизиқиш уйғотади ва бўш пул маблағларининг пулни-пул топади ақидаси сифатида ҳаракатланиши тезлашиб даромад олиш имконияти кенгаяди.

- Лизинг берувчига бир меъёрда даромад олиб бориш имкониятини келтириб чиқаради.

Мазкур таклифларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига киритилиб, амалиётда қўлланилиши Республика ҳудудида инфратузилма тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кредит муносабатларининг ролини нафақат ошириши мумкин, балки кредит маблағларининг жамият иқтисодиётини молиялаш самарадорлигини ҳам таъминлайди деб ўйлаймиз.

Ишлаб чиқариш ёки бирор бир турдаги маҳсулотни етиштириш корхона ёки тармоққа кўзланган фойдани келтирмаслиғи мумкин. Лекин мамлакат миқёсида бу маҳсулот, ёки кўрсатилаётган хизматдан келадиган фойда-катта бўлиши мумкин. Масалан, сув таъминотини яхшилаш, ирригация ва дренаж

тармоқларини қуриш, ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кабилар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам капитал қўйилмалар самаралорлигини баҳолашга яхлит иқтисодиёт самарадорлиги нуқтаи назаридан ёндашиш соҳани комплекс равишда ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда тармоқлараро номутаносибликка йўл қўйилмаслик ҳамда пировард натижада аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини ва ерларнинг сув таъминотини яхшилаш, ирригация ва дренаж инфратузилмасини қайта тиклаш ва талаб даражасига келтириш бўйича 2015 йилгача бўлган давр учун тадбирлар Дастурида 1463 млрд сўм маблағ талаб қилиши баҳоланган. Шундан 851 млрд сўм (58%) давлат капитал қўйилмалари 351 млрд сўм (24%) сўмдан фойдаланувчилар ҳисобидан ва қолган 261 млрд сўм (18%) хорижий инвестициялар ҳисобидан қоплапиши режалаштирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакат иқтисолиётига ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш ва ЯИМ ишлаб чиқаришида тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялар ролини ошириб бориш;
- миллий ва хорижий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳуқуқий меъёрий асосларини такомиллаштириш;
- мамлакадаги инвестицион муҳит тўғрисида хорижий инвесторларга аниқ ва тўлиқ маълумот бериш;
- инвестиция бўйича солиқ ва божхона тизимларини такомиллаштириш;
- қўшма корхоналар ва хорижий сармоялар иштироқидаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишни содалалаштириш;

- интернет тармоқларида мамлакатлар хориж сармояларлари учун яратилаётган имтиёзлар на инвестиция талаб этиладиган инфратузилма корхоналар тўғрисида маълумот бериш.

- хорижий сармояларни жалб этишнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш асосида улар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш. Бу соҳада зарур кафолатларни ва имтиёзларни амалиётга қўллашнинг самарали тизимини яратиш ҳамда уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни техник-технологик ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилишини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш;

- аграр тармоқда қишлоқ хўжалик субъектларида хизмат кўрсатувчи корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлашга, ҳамда етиштирилаётган хомашё, мева ва сабзавотларни, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳ.к;

- республикамизда инвестицион фаолликни оширишни, молиявий барқарорлик чора-тадбирлари билан умумлашган ҳолда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири табиат билан чамбарчарс боғлиқлигидир. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосилни етиштиришга табиатнинг турли инжиқликлари, кўзда тутилмаган тасодифий ҳодисалар (қурғоқчилик, сувсизлик, сел, дўл, бўрон, кучли шамол, ер силкиниши, гармсел ва ҳ.к.) турли даражада таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолатларнинг юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмаслиги ўз-ўзидан объектив равишда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришини зарур бўлса маблағ билан таъминлайдиган ва махсус амалий ёрдам уюштира оладиган хизматларнинг бўлишини тақозо этади. Мамлакатимизда фермер хўжаликларини турли тасодифий ҳодисаларнинг зараридан ҳимоя эта оладиган хизматни амалга оширувчи - "Ўзагросуғурта" давлат-акциядорлик

суғурта компанияси бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Фермер хўжалиklarининг асосий фаолият манбаи бўлган ердан самарали фойдаланишнинг асоси она-табиат билан мустақкам боғлиқлигини ёдда тутиш лозим. Шундай экан, айрим ҳолларда кўзланган ҳосилни олишга турли табиий офатлар тўсқинлик қилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ўз навбатида суғурта маблағига эҳтиёжини туғдиради ёки суғурта хизматининг аҳамиятини янада оширади.

Шунингдек, фермер хўжалиklarининг фаолиятида суғурта хизматининг бошқа бир қатор турлари ҳам катга аҳамият касб этади. Жумладан, фермер хўжалиklarининг бўлғуси ҳосилни етиштириши учун контракция шартномасида кўзда тутилган маҳсулотларини етиштиришга берилган имтиёзли кредитлар, кредит учун гаровга қўйиладиган мол-мулклар, боғлар, узумзорлар, чорва моллари, пилла қуртларидан турли табиий офатлар таъсирида кам ҳосил олиши туфайли юзага келадиган молиявий зарарларни ихтиёрий суғурта қилиш кабиларни таъкидлаш жоиз.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари лизингга олаётган техника воситаларини ҳам ихтиёрий суғурта қилишлари мумкин. Ушбу масалаларни ҳал этиш, фермер хўжалиklarининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, даромадини кўпайтириш, пировардида мамлакатимиз иқгисодиётининг янада юксалишига хизмат килади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда СИУлар фаолиятида қатор муаммолар мавжуд. Бунинг оқибатида улар кўнгилдагидек самарага эриша олмаяпти, деб бўлмайди. Бундай ҳолатларнинг асосий сабаблари:

1. Маҳаллий ҳокимият томонидан СИУлар фаолиятига етарли эътибор берилмаётганлиги;
2. СИУни молиялаштириш механизми турли хил сабабларга кўра амадда яхши ишламаётганлиги;
3. СИУлар кўрсатилган хизматлари учун фермер хўжалиklари билан ўзаро далолатномаларни вақтида тузмасликлари ҳамда фермер хўжалиklarнинг

банклардаги ҳисоб рақамларига қўйилган инкассаларни банкларнинг масъул ходимлари томонидан тўлаб берилмаётганлиги;

4. кўп ҳолларда СИУ ҳисобига носоз ва ишга яроқсиз техникалар берилган бўлиб, СИУларда эса уларни соз ҳолатга келтириш учун маблағнинг мавжуд эмаслиги;

5. СИУларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи аниқ бир ташкилот ёки идоранинг йўқлиги;

6. СИУ раҳбари, ҳисобчиси ва ходимлари малакасининг пастлиги ҳамда уларда мутахассислар етишмаслиги натижасида СИУ фаолиятини тўғри йўлга қўйилмаганлигидадир.

Булар эса СИУнинг тўлақонли фаолият юритишига тўсқинлик қилиб, СИУ ходимларининг ўз вақтида иш ҳақини ололмаслигига, бизнес режада белгиланган тадбирларни бажарилмаслигига олиб келиб, натижада СИУдан мутахассисларнинг кетиб қолишига, сув ҳисоб-китобини олиб бориш, ички суғориш тармоқларида сувни бошқариш иншоотлари билан жиҳозлаш, насос станцияларини ишлатиш ҳамда суғориш ва зовур тармоқларини тозалашда муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, СИУларда малакали гидротехникларнинг йўқлиги сабабли хўжалик ички суғориш тармоқларида айланма сув таъминотини ҳамда сувдан фойдаланувчилар ўртасида навбатлаб суғориш йўлга қўйилмаган. Бу эса ўз навбатида суғориш тармоқларида катта миқдордаги сувнинг йўқолишига олиб келмоқда. Юқорида келтирилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. СИУ ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш;

2. СИУларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш (пахта ва ғалла етиштириш учун фермер хўжаликларини кредитлаш низомига тегишли ўзлартиришлар киритиш);

3. СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги насослар сотиб олишда истеъмолчиларга имтиёзлар бериш;

4. кўрсатилган хизматаар учун фермер хўжаликлари билан ўзаро далолатномаларни ўз вақтида тузиб, фермер хўжаликларининг банклардаги ҳисоб рақамларига инкассалар қўйиб боришни ташкил этиш;

5. СИУ томонидан қўйилган инкассаларни ундириб беришда банк ходимларининг масъулиятини ошириш;

6. СИУларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи аниқ бир ташкилот ёки идора ташкил этиб, СИУларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва халқаро инвестицияларни жалб этиш;

7. СИУларнинг фаолиятини схемалар орқали имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўйиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ғуза, ғалла ва қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар, турли касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилишга катта эътибор берилиб келинмоқда. 2000 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Қишлоқ хўжалик ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш» тўғрисидаги 117-П сонли махсус қонунни қабул қилди. Қабул қилинган қонундан мақсад: «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, турли касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлигига, атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини олдини олиш билан боғлиқ бўлган муносабатларини тартибга солишдан иборат» бўлиб, асосан қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар, турли касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биологик ҳимоя асоси бўлган, уйғунлаштирилган курашни кенг жорий этилишига қаратилган.

Шу мақсаддан келиб чиқиб республикамиз ҳудудларида хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи биолабораториялар ташкил этилган. Биолабораторияларнинг асосий вазифаси белгиланган ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларини фитосанитария ҳолатини, барча ердан фойдаланувчи ташкилотлар, фермер хўжаликлар,

ширкат ва деҳқон хўжаликларида зараркунандалар, турли касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини ўтказишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

Атроф муҳитни ифлослантормайдиган инсон саломатлиги учун безарар бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш усулини тадқиқ этишни ривожлантириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ишларида уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқади. Биолобараториялар фермер хўжаликларга хизмат кўрсатишда истиқболли ва самарали биологик ва кимёвий усулларда ҳимоя қилиш воситалари ва дефолиантларига бўлган талабни аниқлаш ва уларни кузатув башоратномалари асосида тақсимлаш, ўсимликларни хавфли ва зарарли организмларни оммавий тарқалишини бартараф этиш мақсадида зарурий пестицидлар захирасини яратади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича биолобараториялар фермер хўжаликларга хизмат кўрсатиш жараёнида кўрсатилган хизматлар учун фермер хўжаликлар томонидан ўз вақтида тўловларини тўлалигича амалга ошира олмаяпти. Фермер хўжаликлар асосан МТП, минерал ўғитлар ва ЁММ учун тўловларни биринчи ўринда амалга оширади ва биолобараториялар учун тўловлар қолдиқ тамойилига кўра молиявий ресурс танқислиги сабабли амалга оширилмай қолмоқда. Хусусий тадбиркорлик субъекти бўлган биолобараториялар ўзларига бириктирилган ҳудудларда фермер хўжаликларига ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича катта хизматларни амалга оширади бироқ кўрсатилган хизматлар учун молиявий тўловлар ўз вақтида амалга ошмай қолади. Натижада хусусий тадбиркорлик субъекти бўлган қатор биолобараториялар кўрсатилган хизматлар учун даромад олмай қолади ва натижада қилинган сарф харажатлар қопланмай, корхона молиявий инқироз ҳолатига тушиб қолмоқда. Бу Республикамизда қатор биолобараторияларни инқироз ҳолатида ёпилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Чунки биолобараториялар, фермер хўжаликларга хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган брагон ва трихограмма, олтинкуз биомахсулотларини ўзлари ишлаб чиқаради. Бунинг учун уларга биомахсулотларни ишлаб чиқариш учун катта хажмда маргарин, сут

ачитқиси, ун 2 навли, макка уни, шакар, мева қоқи, сут, мум, куя курти, бракон, арпа, асал, олтинкўз капалаги керак бўлади.

Бу маҳсулотларни биолабараториялар ўз маблағлари ҳисобидан бозордан харид қилишади. Қатор биолабараториялар кўрсатилган хизматлар учун фермер хўжаликлардан тўловларни ўз вақтида қабул қила олмаслиги ва баъзи ҳолларда умуман ҳисоб китоблар амалга ошмай қолиши натижасида, ушбу маҳсулотларга ва иш хақи харажатлари копланмай қолмоқда. Ваҳоланки хусусий тадбиркорлик субъекти бўлган хар қандай корхона фойда олиш мақсадида фаолият кўрсатади.

Бу муаммо қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруратидан келиб чиқмоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги ва шу билан бирга фермер хўжаликлари доимо ўсимликларни биологик ва кимёвий усулларда ҳимоя қилишга эҳтиёж сезади. Ўсимликларни биологик ва кимёвий усулларда ҳимоя қилиш хизматларисиз фермер хўжаликлар самарали қишлоқ хўжалик фаолиятини олиб бора олмайди.

Биолабараториялар фойда олмасдан самарали фаолият ва фермер хўжаликларга самарали хизматлар кўрсата олмайди. Шунинг учун хусусий тадбиркорлик субъекти бўлган биолабараторияларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун керекли бўлган хом-ашё ресерсларининг 50% харажатларини давлат томонидан субсидиялар ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу бир томондан биолабараториялар фаолиятини самарадорлигини оширса иккинчи томондан фермер хўжаликларида ўсимликларни биологик ва кимёвий усулларда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширган бўлар эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хар қандай хўжалик субъекти ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши учун маълум ахборот ва маълумотларга эҳтиёж сезади. Энг керакли ахборотларга эга бўлган корхона эса кучли рақобат шароитида ҳам яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусиятларини сақлаб қолади, пировардида барқарор фаолият кўрсата алади. Бозорга кўпроқ, арзон ва сифатли товар ишлаб чиқариш жараёнида тадбиркорларнинг молиявий ҳолати, моддий-техника базорининг нечоғлик мустақкамлиги каби

омиллардаи ташқари зарур ахборотлар билан таъмиилаиғанлик даражаси юқори бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда фермер хўжаликларни ахборот билан таъминлаш, умуман, уларга турли маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш борасида талайгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликларига инфратузилмалар, жумладан, ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилмоқда. Лекин таҳлиллар кўрсатишича, мазкур инфратузилмаларни инновацион ривожлантириш учун ҳали имкониятлар талайгина.

Ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш марказлари вилоятлардаги минтақавий бўлинмаларини шакллантиришга етакчи илмий-тадқиқот институтларини жалб қилиб, уларнинг илмий салоҳияти ва моддий техника имониятларидан фойдаланиш лозим. Минтақавий даражадаги тармоқ маслаҳат тизимларини шакллантириш қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

- АСМ инновация фаоллигини ошириш учун аграр илмий-тадқиқот ва жорий этиш ташкилотлари ишларини бирлаштириш;
- олимларнинг инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш фаолиятига фаол тарзда жалб этиш;
- истиқболли, илмий техник ва инновацион ишланмаларининг ахборот банкини тузиш ва ушбу ахборот банк маълумотларидан марказнинг вилоят ва туман бўлинмалари, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари фойдаланишларини таъминлаш;
- инновация маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг қарама-қарши алоқаларини йўлга кўйиш;
- жорий қилинган инновациялар ҳисобини олиб бориш, улардан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш, бу борадаги эҳтиёж мониторингини ўтказиш ва шу асосда кейинги илмий техника ишланмаларини режалаштириш;
- тармоқнинг инновацион ривожланиш йўналишларини мувофиқлаштириш, илмий-тадқиқот ишлари бўйича фаолият ва уларнинг устуворлиги стратегиясини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг техник-

технологик даражасини кўтариш.

Инновация тизимининг қимматли жиҳати шундаки, у иқтисодиёт таркибан деформацияланган, инновация жараёнини бошқариш издан чиққан қишлоқ хўжалик корхоналари даражасида ахборот вакуми шароитларида, қисқа муддат ичида тармоқни таназулдан чиқариш учун янги имкониятлар таклиф қилади. Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг илмий техника имкониятлари ва ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалар тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлиши, уларни хўжалик юритишнинг инновация усулларига ўргатиш, инновация қоидаларини ўзлаштириш, маслаҳат ёрдамлари бериш орқали АСМ инновация фаоллигини кўтаришни таъминлаш учун шароитлар яратади¹.

Инвесторлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши технологиялари бўйича билимдон эмаслиги, жойларда бу йўналишдаги ихтисосликка эга мутахассислар йўқлиги интенсив навларни, инновация технологияларини, энергияни тежовчи, юқори унумли машиналар ва бошқа самарали воситаларни танлашда юқори малакали маслаҳатчилар имкониятлари ва билимлари жалб қилинишини талаб этади. Қарама-қарши инновация таклифлари мажудлиги улар томонидан илмий-техника ишланмалари ва юқори самарали инвестицияларга бўлган талабни кескин оширади.

Қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларни зарур ахборотлар билан таъминлаш ва турли маслаҳат хизматларини кўрсатиш, уларнинг билим ҳамда малакаларини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга ошириш керак. Жойларда фермер хўжаликлари учун инфратузилма объектлари ташкил этилиб, уларни керакли ресурслар билан таъминлаш ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Лекин уларни ахборотлар билан таъминлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизмати (АКХ) кўрсатиш тизимининг асосий мақсади фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, барча аграр соҳа тадбиркорларига хўжалик

¹ . Ортиқов И. Ахборот маслаҳат марказларининг АСМда инновацион фаолликни оширишдаги ўрни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2009. Б. 28.

фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш ҳамда истиқболни белгилашга оид ташкилий, иқтисодий, молиявий, агротехнологик ва бошқа қарорлар қабул қилишда уларда нисбатан объектив фикр, тасаввур, қараш ва ғояларни шакллантириш ва оқилона ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишларига кўмаклашиш мақсадида ахборотлар мажмуини маълум тартиб, қоида, тизим ва тасниф ҳамда тамойиллар асосида узатишдан иборат. Бугунги кунда, ушбу мақсадларга эришиш учун ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатувчи марказлар қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқдалар:

- хўжаликни самарали бошқариш, маркетинг, молиявий ва инвестицион таҳлилни амалга ошириш, экологик ва тиббий меъёрларни инобатга олган ҳолда барча турдаги ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш борасида консультациялар ташкил этиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳамда бошқа барча аграр тадбиркорлик субъектарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларининг турли жиҳатларини қабраб олувчи, айниқса, янги ва инновацион технология ва замонавий хўжалик юритиш усулларига доир объектив ва доимо янгиланиб туриладиган маълумотларни етказиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи (хизмат/иш бажарувчи)ларга инновацион фаолиятни амалга оширишга кўмаклашиши, амалдаги ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, ривожлантириш ва янгисини барпо этиш учун сармоядорлар ва ҳамкорларни излаб топишга кўмаклашиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қатор йиллар давомидаги хўжалик фаолияти ва истиқболда ривожланиш ҳолатларини таҳлил қилишни рағбатлантириш;

- товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик юритиш ва ташкилий қарорлар қабул қилиш борасидаги илғор тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва тарқатиш, илмий-техникавий ахборот

хизматлари кўрсатиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш фермер хўжаликларида зарур ахборотларга бўлган талабни қондириш ва инновацион фаолликни кучайтиради.

Мутахассислар, олимлар ва амалиётчиларнинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва бунда ҳар бир ҳудуднинг хусусияти ҳисобга олиниши, ўқитиш мавзуларини камроқ назарий ва кўпроқ амалий машғулотлар тарзида ўтилиши зарур. Ушбу мавзуларни шакллантиришда фермерларнинг талаб ва истакларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Уларнинг истаклари ва замон талабларини уйғунлаштирган ҳолда тузилган ўқув модуллари амалда самараси юқори бўлиши шак-шубҳасиздир.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, ўқитувчиларни аввало танлаб олиш жараёни ва уларни ўқитишнинг зарур усуллари билан таништириш мақсадга мувофиқ. Бунинг бир қатор мезонлари ишлаб чиқилиши лозим. Жумладан, ўқитувчи олий маълумотли бўлиши, таълим бериш йўналишида камида беш йиллик стажга ва фермерларни ўқитиш бўйича эса камида уч йиллик иш тажрибага ҳамда одамлар билан тил топиша олиш сифатларига эга бўлиши, шунингдек, тренинг ўтказилмоқчи бўлган ҳудуднинг табиий-иқлим, тупроқ ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари, агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятлари, деҳқончилик маданиятини яхши билиши мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларига тренинг машғулотларни ўтишда энг аввало интерактив (жонли мулоқот) усул устувор бўлиши, бундан ташқари кўргазмали майдонларда амалий машғулотлар ўтилиши самарали бўлади. Бу борада фермерлар дала мактабларини, очиқ эшик кунларини ташкил этиш ҳамда туман фермерлар кенгаши вакиллиги томонидан ҳар чоракда махсус бюллетень чоп этиш, буклет ва тақвимлар тарқатиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади¹.

Хориж тажрибаларини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ ишлаб

¹. Халилов Х. Ахборот маслаҳат хизмати ва тадбиркорлик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2011. - Б. 35.

чиқариш инфратузилма корхоналарида инновацион жараёнларни ривожлантириш тармоқ ИТИнинг илмий-тадқиқот фаолиятига имтиёзлар тақдим этиш орқали рағбатлантириш, бизнес, олий таълим ва илмий тадқиқот марказларини АСМ соҳасида миллий дастурлар доирасида давлатнинг илмий-техник мавзулари бўйича ишлаётган инновацион кичик корхоналар билан интеграция учун кенг шарт-шароитларни яратиш лозим¹.

Мамлакатимизда АЖ МТПлар хусусий мулкга асосланган тижорат корхоналари сифатида ташкил этилган. МТПлар хизматининг асосий истеъмолчилари бўлган фермер хўжаликлари фаолиятида қарорлар қабул қилишда деярли иштирок этишмаган. Шунинг учун муҳим вазифа МТПлар билан фермер хўжаликлари ўртасидаги тўғри иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш бўлмоқда.

МТПларнинг техника воситаларини йиллик ишлашини ўсиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йўқотилишининг камайиши, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга имконият яратилиши ва бошқа ижобий томонлари билан биргаликда техникаларнинг етарли даражада комплектлашмаганлиги, машиналарнинг агрегат тизимининг мукамал эмаслиги ва фермер хўжаликлар фаолиятининг пировард натижасига жавобгар эмаслиги каби салбий жиҳатларга эга.

Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири техник хизмат кўрсатувчи МТПларни фермер хўжаликлар томонидан маҳсулот етиштиришнинг пировард натижасига жавобгарлигини оширадиган ва уларнинг манфаатдорлигини пировард натижага боғлайдиган инновацион ташкилий механизмни таъминлашдир². Маълумки, маҳсулот етиштиришнинг пировард натижаси жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Мана шу омиллардан бири механизация билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳисобланади. Якуний натижага таъсир этувчи

¹ Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси Ж-л. “Иқтисодиёт ва таълим” 2013 й. №2 – Б. 26-30.

² . Султонов Д. Комплекс сервис хизмати кўрсатиш субъектларини такомиллаштириш. Ж-ль “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2012 й. №11. – Б.42.

омиллар ичида техник хизмат омилини алоҳида ажратиб олиш ва унга баҳо бериш қийин масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммони ҳал қилишнинг қулай инновацион ташкилий йўллари излаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун МТПлар томонидан механизатор-операторларни аниқ белгиланган фермер хўжаликларга бутун мавсум бўйича бириктириб бериш, бунда фермерлар ҳошиш-истагини инобатга олиш, мавсум якунида фермер пировард натижага қараб механизатор-операторни рағбатлантириши хизмат кўрсатиш шартномасида кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ. Бу ерда кўп йиллик синовдан ўтган ўзаро муносабатлар омили ҳам муҳим рол ўйнайди.

МТПларда техникаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу мавжуд юқори унумли техникалар қувватидан унумли фойдаланишдир. Республика қишлоқ хўжалигида бугунги кунда юқори қувватли “Магнум” русумли тракторлардан фойдаланилмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпгина иш турлари, айниқса, ерга экин экиш олдида ишлов бериш ишларида МТПларда тракторлар ўзига мос бўлмаган тиркамалар билан ишлатилмоқда. Шу билан биргаликда тракторнинг бир марта далага киришида бир нечта технологик операцияни бажариш имконияти бўлишига қарамай тракторлар ҳар бир алоҳида операция учун алоҳида-алоҳида далага киритилмоқда. Бу биринчидан, ортиқча иш вақти, ёқилғи-мойлаш материалларидан ортиқча сарфланиши, механизаторга ортиқча иш ҳақи тўлаш каби қўшимча харажатларни келтириб чиқарса, пировардида техникадан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда.

Бу муаммони ижобий ҳал қилишнинг инновацион механизми бу ҳар бир хизмат кўрсатувчи машина-трактор паркида ўз хизмат кўрсатиш ҳудудида экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари, кўзда тутилган иш ҳажми ва турларидан келиб чиққан ҳолда зарурий агрегатлар тизимини яратиш, юқори қувватли тракторларга бир нечта агрегатлар тизимини ўзида бирлаштирган инновацион тизимни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бир нечта машина-трактор агрегатларини ягона инновацион тизим сифатида бутлаш керакки, тракторлар тури ва бажарадиган ишидан келиб чиқиб

уларнинг қувватидан 85-90фоиз фойдаланишга эришиш мумкин бўлсин.

Фермер хўжаликларни техника билан қуролланганлик даражасини ошириш, машина трактор паркларининг мақбул таркибини яратиш ва пировардида мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун юқори қувватли ва кенг қамровли тракторлар базасида унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бу минимум миқдорда техника воситаларига эга бўлиш натижасида энергия ресурслари ва меҳнат сарфини камайтириш имконини беради. Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, кейинги 15-20 йил ичида ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги механизациялаш худди мана шу йўлдан олиб борилмоқда. Кейинги йилларда бу мамлакатларда юқори қувватли техникаларни қўллаш натижасида техникалар сонини сезиларли даражада қисқартиришга эришилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суғорма деҳқончиликка асосланган соҳа маҳсулотлари 90–95 фоизи шу майдонларда етиштирилади. Экинларни парваришлаш ва ҳосил етиштириш бир неча агротехник тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилади. Шулардан бири–ерларни текислашдир. Маълумотларга кўра, анъанавий усулда ерларни текислаганда, ҳар бир гектар дала майдони рельефи энг камида 10–15 см.га фарқ қилиши мумкин экан.

Бир қарашда ушбу текислашдаги дала рельефи жуда кам фарқ қиладиган, ёки бўлмаса, ўта аниқ қилиб текисланган бўлиб кўринсада, аслида ҳар бир гектарга ортиқча сув сарфи 1000–1500 м³ни ташкил қилади. Чунки, даланинг ўша 10–15 см бўлган баланд жойини ҳам суғориш керакда! Агар 100 гектар дала суғориладиган бўлса, дала майдон рельефи нотекислигидан 100.000–150.000 м³ ортиқча сув сарф қилишга тўғри келади. Бунга қўшимча равишда, агар дала майдон насос билан суғориладиган бўлса ҳар бир куб сув учун 1сўмдан ҳисобланганда ортиқча сув учун керагидан ортиқ 100.000–150.000 сўм пул тўлаш керак бўлади. Қолаверса, дала нотекислигидан суғоришга

кетадиган ортиқча вақт ва қўшимча ишчи кучлари ҳам ҳисобга олинса, кўрсаткичлар янада ортиши мумкин.

Шунинг учун бугунги кун, суғорма деҳқончилиги олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигида ерларни ўта аниқ қилиб текислайдиган янги инновацион технологияларни тадбиқ қилишдан иборат. Шундай технологиялардан бири суғорма деҳқончиликда ерларни лазер нивелирида текислашдир. Ерларни лазер нивелирида текислаш деганда, дала майдон юзасидаги энг паст ва баланд жойлар фарқи 1-3 см.дан ошмайдиган даражадаги, махсус жиҳозли лазер нивелирли қурилмалар ёрдамида текислаш усули тушунилади.

Ерларни лазер нивелирида текислаш бўйича олинган амалий тадқиқот натижаларга кўра, ушбу технологиянинг бир неча афзал томонлари мавжуд. Унда биринчидан, суғориш суви ўртача 20-25 фоизга тежалди; иккинчидан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги ортади; учинчидан, суғориш суви орқали ортиқча туз келишининг олди олинади; тўртинчидан, суғоришга кетадиган вақт, ишчи кучи ва энергия тежалди; бешинчидан экинлар бир текис унувчанликка эга бўлади; олтинчидан, экинлар бир хил меъёردа озиқа моддалар ва намлик билан таъминланади; еттинчидан, далага суғориш сувлари орқали келадиган бегона ўтлар миқдори камаяди; саккизинчидан, 1 гектар майдондан қўшимча 5–7 ц. ҳосил олишга эришилади; тўққизинчидан, қўшимча олинган ҳосил ҳисобига иқтисодий даромад 15-20 фоизга ортади; ўнинчидан, агар ерга ишлов бериш ишлари тўғри олиб борилса, дала майдон 3–5 йилда лазер нивелирида қайта текисланиши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Хукуматимиз томонидан қўйилган тежамкорлик тизимини қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарига жорий этиш бўйича ўз таклифларимизни ишлаб чиқдик. МТПларда ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги тўртта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу йўналишлар ўз навбатида қисмлаштирилган омилларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин. Бу соҳа ва йўналишларга қуйидагилар киради.

1. ЁММ ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг биринчи йўналиши уни ташкил этиш ва таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Унинг омилларига:

- ЁММларини марказлашган ҳолда таъминлаш;
- Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари омборхоналари, қуйиш шаҳобчалари, қабул қилиш ва тақсимлаш пунктларининг жиҳозларининг техник ҳолати;
- ЁММларини сотиб олиш каналлари ва муддатларини оптималлаштириш;
- ЁММдан фойдаланиш сифатини назорат қилиш;
- ЁММ сарф-харажатларини нормалаш ва ҳисоблаш;
- ЁММларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

2. ЁММ ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг иккинчи йўналиши қишлоқ хўжалик техник воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий омилларига қуйидагилар киради:

- МТПга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш;
- Техникани таъмирлашда юқори сифатни таъминлаш;
- Ёқилғи ёғини алмаштиришнинг самарали муддатларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;
- Қишки мавсумда техникани юргизишнинг енгиллаштирувчи ва киздирувчи воситаларини жорий қилиш;
- МТПдаги баъзи турдаги техника воситаларини тежамли ёқилғи турларига (газ, биоёқилғига қтказиш);

3. ЁММ ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг учинчи йўналиши қишлоқ хўжалик техник воситаларининг самарали фойдаланиш ҳолатини яхшилаш бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий омилларига қуйидагилар киради:

- Машина трактор агрегатларини самарали бутлаш;
- Харакатнинг самарали тезюрар режими ва схемаси бўйича дала майдонини таёрлаш;
- Ўрнатилган агротехник муддатларда ишларни бажариш;

- Техникани ўз иш жойида харакатланувчи воситалар орқали ёқилғи билан таъминлаш;

- Юк ташишни самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтириш.

4. ЁММ ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг тўртинчи йўналиши қишлоқ хўжалигида меҳнатни самарали ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий омилларига қуйидагилар киради:

- Кадрлар малакасини ошириш;
- Меҳнат ва маиший шароитларни яхшилаш;
- ЁММларини тежаганлиги учун моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- Ишлаб чиқаришга илғор технологияларни ва тажрибаларни тадбиқ этиш.

Қишлоқ хўжалигида асосий капитални жисмоний ва маънавий эскириши натижасида МТПларда техника паркани ва унинг технологик салоҳиятини ривожланган мамлакатларда фойдаланилаётган техника парки даражасидан сифат жиҳатидан кескин орқада қолиш хавфини вужудга келтирмоқда. Маълумотларга кўра АҚШ, Япония ва Европа давлатларида қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўртача эксплуатация муддати 6 йилдан ошмайди. Республикамиз қишлоқ хўжалигида эса “чоппик тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди”¹ дейди Президентимиз И.А.Каримов. Бугунги кунга келиб Марказий Осиё давлатларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган техника воситалари миқдори 1991 йилга нисбатан 20%га қисқарди ва унинг 85% и 15 ва ундан ортиқ йиллик иш муддатига эга².

Таҳлилларга кўра ўтиш даврининг илк босқичларида Марказий Осиё

¹ . Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролар жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир – Т.: Uzbekiston, 2011. – 360 б.

² Доклад о мировом развитии. Развитие и новое поколение. 2008 год. С.50 .

мамлакатлари ўртасида қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминланганлик даражаси бўйича Ўзбекистон энг қуйи ўринларда турган. Натижада МТПлар ўзларининг олиб бораётган ишлаб чиқариш фаолиятидан ва олаётган даромаддан катта йўқотишлар қилмоқда ва уларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва янги техника ва технологиялар манбаъларига чиқиш учун имконият ва шарт-шароитлари жуда чекланган.

Шу билан бирга бугунги кунда МТПларнинг етарли молиявий ресурсларга баъзасига эга эмаслиги уларнинг мавжуд техника паркани тўла янгилаш имкониятлари чеклаб қўймоқда. “Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига агротехник нормативлар бўйича техника воситалари билан тўлиқ таъминланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим. Чунки агротехник нормативларга кўра Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йилига ўртача 15-20 минг барча турдаги тракторлар, 200-300 та ғаллайиғувчи комбайнлар, 3-8 минг плуглар, 2-3 минг культиваторлар ва 1-3 минг пахта экиш сеялкалари керак”¹.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида бу муаммони ва салбий тенденцияларни бартараф этиш учун кенгайтирилган инновацион молиялаш йўли билан қишлоқ хўжалигини инновацион ва шу билан бирга инвестицион жозибadorлигини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва унинг рентабеллик даражасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширишни таълаб этади. Кейинги иккинчи стратегик йўналиш бу инновацион молиялаш яъни давлат томонидан қишлоқ хўжалигида ИТКИ (илмий тадқиқот ва конструкторлик ишлари)ни ривожлантиришга давлат инвестицияларини ошириш бўлиб ҳисобланади.

МТПларда инновация жараёнларига инвестиция қилишнинг асосий манбааларидан бири бу амортизация фонди бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун МТПларда амортизация сиёсати самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Бу

¹ Воронин С. “Финансирование механизации сельскохозяйственного производства”. “Бозор, Пул ва Кредит”. №3. 2008 й. 34-36 б.

сиёсат инерцион ёки инновацион шаклларда бўлиши мумкин. Масалан инерцион шаклда мисол учун МТПда техниканинг жисмоний ва маънавий эскириш даражасига қараб амортизация ажратмалари шаклланиб боради ва натижада оддий такрор ишлаб чиқариш жараёни юз беради. Бу шаклда МТПда асосий фондларни бойитиш, уларни янгилаш имкониятларини чеклайди. Инновацион шаклда унда асосий фондларни экстенсив кенгайтириб бойитиб ва уларни янгилаб бориш ҳисобланади. Буни қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин. Масалан МТПда 100 та техника 10 йиллик амортизация ажратмалари билан фаолият олиб бормоқда. Амортизация ажратмаларига йиллик реинвестиция даражаси ошириш ҳисобига МТПга йил якунига келиб мавжуд 100 та техникага қўшимча янги 10 та қўшимча янги техника сотиб олишга ва иккинчи йилга келиб эса янги 11 та техника мавжуд 110 та техникага ҳисобидан сотиб олиш имкониятларини беради. Орадан 10 йил ўтгач МТПда жисмоний ва маънавий эскириб асосий фонддан таркибидан чиқарилган 100 та техника ўрнига йиллар давомида ишлаб чиқариш оборотига киритилган миқдор жиҳатидан кўп, қиймат ва сифат жиҳатидан бойитилган янги техникага ва асосий фондларга эга бўлади. Бу шаклда янги сотиб олинаётган техника сони хар йили жисмоний ва маънавий эскириб чиқиб кетаётган техника сонидан кўп бўлади. Бунда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга фойдаланилган амортизация фонди миқдори (P) ва (t) йиллар давомида асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматини ўсиш миқдори қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$P = C - Q = Q \sum_{i=1}^t \frac{(t+1)^{i-1} - t^{i-1}}{t^i} \quad (4.2)$$

Бунда

C- амортизациянинг умумий суммаси;

Q – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;

t – асосий воситаларнинг амортизация ажратмаларининг муддати.

МТПларда амортизация сиёсатининг инновацион шаклида ўзида “фан –

техника (технология) – ишлаб чиқариш – истеъмол” босқичларини мужассамлаштирган инновацион жараёнларни жорий этишни белгилайди.

Инновацион амортизация сиёсати, инновацион жараёнларни амалга оширишга, яни илмий тадқиқот ва ишланмаларни янги техника ва технологияларга оқимига ўзгартирадиган, натижада ишлаб чиқариш воситаларини нафақатгина кенгайтирилган ва шу билан бирга миқдор ва сифат жиҳатдан такрор ишлаб чиқарашни таъминлайдиган бўлиши лозим. Шу билан бирга унда шаклланган амортизация фондларидан унумли яъни асосан янги инновацион техника ва технологияларни сотиб олишга фойдаланишни рағбатлантиришни таълаб этади.

Бугунги кундаги мавжуд амортизация ажратмалари инновацион характерда эмас балки солиқ ажратмалари шаклида тавсифланади. Чунки бугунги кунда асосий капитални ҳисобдан чиқариш амалиётида инвесторлар манфати нуқтаи назаридан яъни ишлаб чиқариш инновацияларида капитал кўйилмалар таваккалчилиги, инфляциянинг таъсири ва асосий фондларнинг маънавий эскириши кабиларни ҳисобга олинмаяпти. Шу билан бирга амортизация ажратмалари кўп ҳолларда бугунги кунда тўғридан-тўғри мақсадли яъни янги техника ва технологиялар сотиб олишга эмас балки асосан айланма воситаларни сотиб олишга фойдаланилмоқда. Амортизация ажратмалари нормасини қайта кўриш ҳам мавжуд ҳолатни ўзгартирмайди.

Бугунги кунда жаҳонда барча мамлакатларда инновацияларнинг роли ўсиб бораётган бир даврда Ўзбекистонда ҳам инновацияларга инвестицион капитал кўйилмаларни рағбатлантириш лозим. Инновацион ривожланиш йўлига ўтишда асосий фондлар қийматини ҳисобдан чиқариш механизмида кескин ўзгаришларни амалга оширишни таълаб этади. Янги амортизация тизими, инвесторларни Ўзбекистон учун самарали бўлган янги инновацион вариантга йўналтириши лозим. Бу жараёнда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг замонавий технология билан жиҳозланиш даражаси юқори суръатларда ўсиши кузатилади. Бундай амортизация режимининг тезлашишини биринчи навбатда республикамизнинг энергия ва ресурсларни

сиғимли соҳаларда қўлланилиши юқори самарали ҳисобланади¹.

МТПларда асосий капитални такрор ишлаб чиариш жараёнида амортизациянинг инновацион ролини ошириш учун, амортизация сиёсатида кескин ислохотларни амалга оширишни таълаб этади. Бунинг учун асосий капиталнинг актив қисмида жадаллашган амортизация ажратмаларни жорий этиш амалиётини кенгайтириш керак. Шу билан бирга амортизация ажратмаларидан мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш лозим. Ушбу таъкидлаб ўтилган тадбирларни амалга ошириш МТПларда инновациялар асосида асосий фондларнинг интенсив янгиланиш коэфцентини юқorigа кўтариш имконини беради. Амортизация ажратмаларининг инновацион сиёсати қишлоқ хўжалигида ва шу билан бирга МТПларда нафақатгина оддий ва шу билан бирга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мабаи ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида соҳадаги хизматни бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда шакллантириш учун кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Истиқлол йилларида ветеринария хизматини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда шакллантириш юзасидан аниқ чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш, ҳайвонлар турли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш, аҳолининг сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар қачонгидек бугун ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу муҳим масалаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан ветеринария ходимларига боғлиқ. Мазкур хизмат туринини ривожлантириш, мукамал, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва мутахассислар малакасини ошириш учун хорижий инвестициялар ҳам жалб этилмоқда. Лаборатория мутахассислари асосан юқумли ва ўта хавфли ҳисобланган касалликларни аниқлаб, ташхис қўйиб бериш ҳамда деҳқон бозорларидаги

¹.Махмудов Н, Ишбаева Ш. Инфратузилма корхоналарини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш омиллари. Ж-ль “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2012 й. №4. – Б.33.

маҳсулотларни текшириш юмушлари билан шуғулланишади¹.

Ветеринария хизмати инфратузилма корхоналари фермер хўжаликларига ва чорва моллари бор хонадонларга хизмат кўрсатишни яхшилашга жиддий эътибор бермоқда. Бу ишларнинг барчаси бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда. Мазкур дастур республикамизда чорва сонини кўпайтиришга, мол зотларини яхшилашга, ҳайвонларда учрайдиган ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга, зотли молларини сотишни йулга қўйишга, жойларда кўплаб зооветеринария шохобчаларини очишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари билан фермер хўжаликлар ўртасида моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади. Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, микдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади. Хўжаликларнинг розилиги билан моддий-техника ресурслари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва хўжаликлар томонидан қабул қилинган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўланади ва сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда моддий-техника ресурсларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, шартнома шартлари ҳаддан ташқари кўп трансакция харажатларни келтириб чиқарса, ва уни бажариш назорати каттиқ бўлмаса, ёки ундириш сўммаси кичик бўлса, шартни бажарилмаслик эҳтимоли юқори бўлади. Шу боис шартномаларни тузиш пайтида шартнома

¹Жумаев У. Ветеринария: эҳтиёжни қондириш бош мезон. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №10. 2010. Б. 21.

шартларини бажаришнинг барча қоида ва меъёрларни аниқ кўрсатиш, бажарилмаслик ҳолатларда эса қаттиқ чоралар кўриш лозим. Бунинг учун шартномаларнинг институционал таркибини ўрганиш, республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг институционал хусусиятларини инобатга олиб, маъсулиятини кучайтирадиган меъёрларни аниқлаш орқали шартнома муносабатларнинг институционал асосларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу фермер хўжаликлари томонидан шартнома шартларининг бажарилмаслик ҳолатларнинг келиб чиқишини олдини олади ва пировардида бутун қишлоқ хўжалиги фаровонлиги ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари раҳбарлари шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни яхши билиши ва ўзининг шартномавий ҳуқуқлари бузилганда зудлик билан тегишли идораларга мурожаат қилиши лозим¹. Бу ҳолат уларнинг шартномавий муносабатларда иқтисодий томондан зарар кўришини, йил якуни бўйича ўз шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун бошқа ташкилотлар олдида жавобгар бўлишининг олдини олади. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, адлия идоралари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкилотлар томонидан шартномаларнинг тўғри тузилиши, бажарилиши бўйича доимий мониторинг юритилиб, назорат олиб борилмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этиш ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар борасида муаммолар мавжуд. Хусусан, муайян инфратузилма объектини ташкил этиш маъсул ташкилот томонидан катта маблағ сарфлашни, аксарият ҳолатда инфратузилмалар узоқ масофада жойлашгани (асосан туман ва вилоят марказларида) боис буюртмачилар (фермерлар) ва моддий-техника воситаларини етказиб берувчи шохобчалар ўртасида ҳисоб-китоб

¹ . Расулов Ш. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2012. Б.

механизмларининг такомиллашмагани ҳамда тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуд. Бу нафақат фермер хўжаликлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки ташкил этилаётган инфратузилма объектлари фаолиятининг рентабеллик даражаси пасайиб, натижада уларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, ўз фаолиятини тугатишга олиб келиши мумкин. Шу боис, истиқболда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни оптимал вариантини топиш лозим. Бунинг учун бозор инфратузилмаларини ташкил этишнинг энг мақбул усулини топиш борасидаги илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Истиқболда фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатадиган қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида асосий вазифа - меъёрий ва миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланишдир. Чунки бу кўрсаткичлар алоҳида ҳудудларни реал ҳолатини кўрсатиб беради ва ушбу ҳудуднинг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши лозим бўлган инфратузилма объектларини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, республикамызда 2014-2016 йилларда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 1,90-1,95 минг муқобил МТП, 1,35-1,39 минг мини-банк, 1,05-1,08 минг ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 93-96 та идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш, 109-110 та транспорт хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш мақсадга мувофиқ. Натижада қишлоқда барпо этилаётган инфратузилмалар орқали ишчи ўринлари сони 1,2-1,3 мартага кўпаяди ва қишлоқда инфратузилмаларни ташкил этиш ҳисобига бандлик даражасининг улуши 0,14 фоиздан 0,17-0,18 фоизгача кўпаяди. Бу эса қишлоқда инфратузилмалар фаолиятининг самарасини оширади, фермерларнинг харажатларини камайтиради ва аграр соҳанинг рақобатбардошлик даражасини ҳамда қишлоқ аҳолисининг тўлов қобилиятини оширади.

Тадқиқот хулосаларимизга кўра инновацион иқтисодиётни шакллантириш

шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш ва инновацион ривожлантириш учун қуйидаги чоратadbирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- инфратузилма шахобчаларини молиялашда давлатнинг ролини ошириш; инфратузилмаларни ташкил этишда маҳаллий инвесторлардан фойдаланишни кучайтиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш; давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган пахта ва ғалланинг харид нархларини мақбуллаштириш;

- инфратузилма шахобчаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, шу билан бирга ўз-ўзини молиялаш мақсадида турли кредит кооперациялари ва ўзаро кредитлаш жамиятларининг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш;

- инфратузилма объектларини туманлар бўйича фермерларга хизмат кўрсатувчи кооперативларга бирлаштириш орқали улар хизматини алоҳида-алоҳида эмас, балки марказлашган тизимга келтириш;

- бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчининг муваффақиятини таъминловчи сифатли уруғ, илғор технологиялар, янги илм-фан ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминловчи ахборот консалтинг марказлари ишини фаоллаштириш;

- инфратузилмалар ва фермер хўжаликлари фаолиятини самарали олиб боришда илғор хориж тажрибаларини тадбиқ этиш;

- ахборот-консалтинг хизматларини фермер хўжаликлари жойлашган ҳудудлар яқинида ташкил этиш;

- банк-молия, солиқ ва бошқа тизимларда ишлаган ёки ишлаётган ходимларни, жумладан ҳуқуқшуносларни доимий ёки ўриндошлик асосида ишлашга жалб этиш; хусусий тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириш;

- кичик улгуржи дўконларнинг сонини рақобатчилик асосида ташкил этиш. Бундай кичик улгуржи дўконларнинг кўплаб барпо қилиниши тадбиркорларга моддий ресурсларни топиш учун имкон беради.

Умуман юқоридаги тадбирларни амалиётга жорий этиш фермер хўжаликлари учун зарур хизмат турларининг кўпайишига, хизмат ҳажми ва

сифатининг ошишига, истеъмолчилар учун танлаш имкониятларини кенгайтиши ҳамда пировард натижада қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлиги ва унинг турмуш даражаси ва даромадаарининг ошишига муҳим замин яратади

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир. Инфратузилма барча хўжалик субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг шаклланишида бевосита иштирок этувчи, уларни манфаатларини мувофиқлаштирувчи, тизимли йўналтирувчи, ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган муассасаларни ўз ичига олувчи бир бутун тизимдир.

2. Иқтисодиётда инфратузилманинг ишлаб чиқариш, бозор, ижтимоий ва институционал шакллари мавжуд. Инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келувчи технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни амалга ошириш орқали агросаноат мажмуининг ҳам самарали фаолият кўрсатишига замин яратади ва айти пайтда инфратузилма ягона бозор хўжалиги механизмининг асаб ва қон- томир тизими функциясини бажаради. Инфратузилма мамлакат ҳудудлари, иқтисодий туманлар, иқтисодиётнинг барча тармоқларини яхлит тизимга келтиргани ҳолда, ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида майдонга чиқади.

3. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини бозор талабларига мос равишда шаклланиши ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш, уларга умумий шарт-шароитларни яратиш учун хизмат қилади. У ўзининг мослашувчанлик, тезкорлик, боғланувчанлик ва оптималлик тамойиллари орқали АСМ тизимидаги корхоналарни бир-бири билан иқтисодий алоқаларини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда хизматларини хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ замон, макон ва зарурий меъёردа

бозорнинг шароитига мос равишда етказиш орқали корхоналарнинг самарадорлигини оширади.

4. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигига асосан техник-технологик, моддий-техник таъминот, уруғчилик ва селекция, илмий-тадқиқот, ахборот-коммуникация, меллиорация-ирригация, агромаркетинг ва агросервис каби хизматларни кўрсатади. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мақсади ва бажарадиган функционал вазифаларига биноан уни турлича таснифлаш мумкин.

5. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодийнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқишининг умумий сабабларига ижтимоий меҳнат тақсимооти бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси меҳнат жараёнининг ўзидаёқ асосий ва ёрдамчи фаолият турларига бўлинади, лекин бу ҳолатда ҳали бевосита маҳсулотга мансуб бўлмасда, муносабатлар алоҳида ишлаб чиқарувчи доирасида амалга ошганлиги сабабли шакллана бошлайди.

6. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги маҳсулот бирлигига меҳнат, пул ва моддий харажатлар сарфининг қисқаришида, якуний маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши ва йўқотишларнинг камайишида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб, инфратузилма хизматлари, бўлинмалари ва объектларини барпо этишга сарфланган харажатларнинг қопланиш кўрсаткичи ҳисобланади.

7. Республикамининг умумжаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич, дадил кириб бориши мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикасини оқилона белгилангани билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамлакат келажагини белгилаш ва унинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим роль ўйнайди.

8. Қишлоқ хўжалигида инновация жараёнлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, тупроқ унумдорлигини ошириш йўли билан ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини ошириш; табиий муҳитнинг

бузилиш жараёнларини бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришни экологизациялаш; энергия ресурслари сарфини пасайтириш ва ўсимликшуносликнинг табиат омилларига қарамлилигини камайтириш; суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни тежаш; атроф-муҳитни, экологияни сақлаш ва яхшилашга йўналтирилиши керак. Шу муносабат билан соҳасидаги инновация сиёсати селекция усуллариини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдор янги навларини яратиш, деҳқончилик ва уруғчиликнинг илмий асосланган тизимларини ўзлаштиришни тақазо этади. Шу нуқтаи-назардан аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларидан бири инновация жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш ҳисобланади, бу эса аграр тармоқни, хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари билан изоҳланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида табиат, атроф-муҳит, иқтисодий ва ижтимоий билимларнинг уйғунлигини талаб этилиши тармоқнинг ўзига хусусияти ҳисобланади.

9. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, бу агросаноат ишлаб чиқариши, унинг таркибига кирувчи қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари хусусиятларидан келиб чиқади. Биринчидан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарининг бир қисми хусусий мулк субъектлари бўлиб, уларга; муқобил МТПлар, СИУлар, зооветеринария хизмати шохобчалари, консалтинг ва маркетинг хизмати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сотиш шохобчалари, транспорт хизмати шохобчалари, тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари киради. Бу турдаги корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш эркин рақобат муҳити шакллантириш асосида амалга ошади. Иккинчи тур инфратузилма корхоналари иқтисодиётда монопол ўринга эга бўлиб уларга; ЁММ сотиш шохоблари, минерал ўғит сотиш шохобчалари, мини банклар, бу турдаги

корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш тармоқда институтчионал ислохотларни амалга ошириш ва улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни йўлга қўйиш билан амалга ошади.

10. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инновациянинг: селекцион-генетик; техник-технологик ва ишлаб чиқариш; ташкилий-бошқарув ва иқтисодий; ижтимоий-экологик каби тўртта тури мавжуд. Инновациянинг ушбу турларини аграр соҳада амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш учун қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарида инвестицион шарт-шароитлар яратишни таълаб этади.

11. Инновацион инфратузилма ривожланишининг асосий тамойиллари қўйидагилар ҳисобланади: миллий иқтисодиёт талаблари ва имкониятларига мослик; максимал мослашувчанлик, халқаро иқтисодиётда рақобатбардошлик ва транспарентлик. Бунда миллий инновацион тизимнинг бир сегменти сифатида функционал-тўлақонли инновацион инфратузилма (технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, технологиялар трансфери марказлари, венчур фондлари, интеллектуал мулк биржалари, маркетинг марказлари, илмий-техник ривожланиш марказлари) яратиш зарур.

12. Аграр соҳадаги инновация жараёни-бу илм-фан ютуқлари асосида яратилган ва сифат жиҳатидан янги маҳсулотларни, иқтисодий механизмлар, аниқ ташкилий, техник ёки технологик ғояларни бевосита ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ушбу ишланмаларни аграр ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмига айлантириш бўйича амалга ошириладиган муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

13. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда жаҳоннинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда муайян тенденциялар кўзга ташланмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг ўрта муддатли (5 йилгача) ва узоқ муддатли (15-20 йилгача) миллий дастур ёки режаси ишлаб

чиқилиши, ушбу режа ва дастурни амалга ошириш учун йирик ҳажмдаги молиявий ажратмалар (фондлар) шакллантирилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида унинг турли объектларининг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда турли субъектлар бошқарувига берилиши (масалан, давлат, хусусий ва аралаш (давлат-хусусий), федерал, минтақавий, маҳаллий ва ҳ.к.) кабилар шулар жумласидандир.

14. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлиги ўз фаолиятини фан ютуқларига асосланган ишланмалар, қишлоқ хўжалигида кенг кўламли илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш, шунингдек, илмий ихтиро натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирганлиги билан белгиланади. Маълумотларга кўра XX асрдаги 61 та яратилган йирик кашфиётларидан 48 таси кичик корхоналар улушига тўғри келмоқда. Ушбу омиллар иқтисодиётда кичик инновацион бизнес шаклланишига асос бўлади.

15. Жаҳон ва республика тажрибалари шундан далолат берадики, давлатнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларига илмий тадқиқотларни кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, рақобат муҳитини яратиш, инновациялар сармояланишини рағбатлантириш ва ахборот базасини яхшилаш киради.

16. Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизмати (АКХ) кўрсатиш тизимининг асосий мақсади фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, барча аграр соҳа тадбиркорларига хўжалик фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш ҳамда истиқболини белгилашга оид ташкилий, иқтисодий, молиявий, агротехнологик ва бошқа қарорлар қабул қилишда уларда нисбатан объектив фикр, тасавур, қараш ва ғояларни шакллантириш ва оқилона ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишларига кўмаклашиш мақсадида ахборотлар мажмуини маълум тартиб, қоида, тизим ва тасниф ҳамда тамойиллар асосида узатишдан иборат.

17. Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди. Келажақда қишлоқ хўжалиги ривожланишини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб қувватлаш ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун мўлжалланган бюджет маблағларини давлатнинг асосан илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва агроконсалтингдан фойдаланиш, инсон омилига қўйилмалар, ижтимоий инфратузилма, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва айрим бошқа йўналишлар билан боғлиқ чекланган инвестициявий йўналишларига йўналтириш зарур.

18. Давлат инвестиция сиёсати ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир бўлаги сифатида тактик ва стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Юқори технологиялар ва илмий тадқиқотларга асосланган ишлаб чиқариш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши учун 2025 йилгача Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқиш объектив заруриятдир. Бунда, давлат, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва секторлари корхоналарини инновация жараёнларида иштирок этишлари учун қулай инвестицион муҳит яратиши ва бунда иштирок этиши керак.

19. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоғини 2025 йилгача бўлган даврда инновацион ривожлантириш Стратегияси эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти умумий инновация тизимининг таркибий бўғини сифатида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Аграр тармоқни 2025 йилгача бўлган даврда инновацион ривожлантириш Стратегиясини амалга оширилиши эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дунё бозорларида устувор талабга эга бўлишини таъминлаши лозимдир.

20. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг ташкилий механизми сифатида биз, таркибида ишлаб чиқариш йўналишидаги таркибий бўлинма билан бир

каторда кенг кўламли инновацион бўғинга эга бўлган аграр йўналишдаги, йирик, интеграциялашган корхона – агротехнопаркнинг ташкилий-иқтисодий моделини таклиф этамиз. Агротехнопарк – бошқарувчи компания ҳисобланиб (МЧЖ ёки ЁАЖ кўринишида бўлиши мумкин) инновацион ривожланиш ва аграр тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган аграр ишлаб чиқаришни юритиш учун бизнес ва фанни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

21. Агротехнопаркнинг ташкилий моделида стандарт агрохолдинглар фаолиятига мос бўлмаган, лекин мамлакат учун жуда зарур бўлган инновацион, таълим, экологик, ижтимоий, ахборот-реклама каби бир қатор функцияларни бажарилиши назарда тутилган. Шу нуқтаи-назардан, агротехнопаркларни ташкил этишда давлат органларининг иштироки зарурий ҳисобланади, бу хўжалик юритишнинг ушбу моделида агротехнопарк жойлашган ҳудуднинг интеллектуал ва аграр салоҳиятларини фаоллаштириш ҳисобига, биринчи навбатда ушбу ҳудуднинг ўзини-ўзи ривожлантириши учун фойда олишни назарда тутганлиги билан изоҳланади.

22. Шартнома институти – иқтисодий фаннинг нисбатан янги йўналишдир, унинг кўплаб муҳим масалалари ҳалигача умум қабул қилинган ечимларини топа олгани йўқ. Шартнома – иккала томоннинг ихтиёрий муносабатларини ўрнатишни кўзда тутувчи яққол кўринишга эга бўлмаган келишувдир. Шартномавий муносабатларнинг муҳим омилларидан бири ихтиёрийлик ҳозирги кунгача етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу боис қишлоқ хўжалигида институционал жараёнларни, шу жумладан фермерчилик ҳаракатини эътиборга олган ҳолда, шартнома муносабатларидаги муаммоларини шартноманинг муайян турини чуқур институционал таҳлил қилиш йўли билан самарали ечимини топиши мумкин.

23. Қишлоқда инфратузилма объектлари томонидан фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

А). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини моддий-

техник ресурслар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини моддий-техник ресурслари ўз вақтида етказиб бериш ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш ва уларни самарали ишлатилиши устидан мониторингни кучайтириш лозим.

Б). Фермер хўжаликларида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш мақсадида ҳар бир туман фермерлар кенгашлари таркибида қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказларини ташкил этиб улар томонидан фермер хўжаликларига малакали бухгалтерия хизматини кўрсатиш талаб этилади.

В). Фермер хўжаликларига тармоқ корхоналари томонидан маҳсулотлар етказиб берилишида олдиндан тўловларни амалга ошириш шартларига қатъий риоя этиш, шунингдек, моддий-техника ресурсларини фақат асосий ишлаб чиқариш харажатларига мақсадли йўналтирилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишни таъминлаш талаб этилади.

Г). Қишлоқда бозор инфратузилмасини моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун етарли шароит яратилиши зарур, яъни уларга лизинг техника беришни, тижорат кредитларни олиш жараёнини соддалаштириш;

Д). Агрофирмаларга етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган махсус омборларни қуриш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиб бериш жараёнини соддалаштириш;

Е). Минибанкларни белгиланган тартибда тегишли техник жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, телефон ва электр тармоқлари узлуксиз таъминотини ташкил этиш;

24. Ташкил этилган инфратузилма объектлари томонидан дехкон ва фермер хўжаликларига кўрсатаётган хизмат турларини мунтазам кўпайтириб боришлари лозим. Шу мақсадда вилоятларнинг наъмунали инфратузилма объектларида тажриба алмашиш учун мунтазам равишда семинарлар ўтказилиши лозим.

25. Тадқиқот хулосаларимизга кўра инновацион иқтисодиётни

шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- инфратузилма шахобчаларини молиялашда давлатнинг ролини ошириш;
- инфратузилмаларни ташкил этишда маҳаллий инвесторлардан фойдаланишни кучайтиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;
- давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган пахта ва ғалланинг харид нархларини мақбуллаштириш;
- инфратузилма шахобчаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга узок муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, шу билан бирга ўз-ўзини молиялаш мақсадида турли кредит кооперациялари ва ўзаро кредитлаш жамиятларининг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиш;
- инфратузилма объектларини туманлар бўйича фермерларга хизмат кўрсатувчи кооперативларга бирлаштириш орқали улар хизматини алоҳида-алоҳида эмас, балки марказлашган тизимга келтириш;
- бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчининг муваффақиятини таъминловчи сифатли уруғ, илғор технологиялар, янги илм-фан ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминловчи ахборот консалтинг марказлари ишини фаоллаштириш;
- инфратузилмалар ва фермер хўжаликлари фаолиятини самарали олиб боришда илғор хориж тажрибаларини тадбиқ этиш;
- ахборот-консалтинг хизматларини фермер хўжаликлари жойлашган ҳудудлар яқинида ташкил этиш;
- банк-молия, солиқ ва бошқа тизимларда ишлаган ёки ишлаётган ходимларни, жумладан ҳуқуқшуносларни доимий ёки ўриндошлик асосида ишлашга жалб этиш; хусусий тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириш;
- кичик улгуржи дўконларнинг сонини рақобатчилик асосида ташкил этиш. Бундай кичик улгуржи дўконларнинг кўплаб барпо қилиниши тадбиркорларга моддий ресурсларни топиш учун имкон беради.

Умуман юқоридаги тадбирларни амалиётга жорий этиш фермер

хўжаликлари учун зарур хизмат турларининг кўпайишига, хизмат ҳажми ва сифатининг ошишига, истеъмолчилар учун танлаш имкониятларини кенгайтириши ҳамда пировард натижада қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантириш ва аҳоли бандлиги, унинг турмуш даражаси ҳамда даромадаарининг ошишига иқтисодиётда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ундаги инқирозий ва инфляцион жараёнларини тўхтатиш, якуний натижада мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 2003 йил 7 май.
3. Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 7 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 29 август 1996 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. 30 апрел 1998 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 25 декабр 2007 й.
8. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида»ги Қонуни. 14 июн 1991 й.
9. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 19 ноябр 1991 й.
10. Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. 6 май 1993 й.
11. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. 29 август 1998 й.

12. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий тадбиркорлик кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонуни. 25 май 2000 й.
13. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 26 август 2004 й.
14. Ўзбекистон Республикаси “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 27 август 2006 й.
15. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. 6 январ 2012 й.
16. Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. 26 апрел 2012 й.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь.
18. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 2003 йил 11 декабрь.

II. Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Илм-фанни ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида. 1992 йил 8 июль. ПФ-438- сонли Фармони.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ПФ-3226-сонли Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли Қарори.
24. “Ўзбекистон Республикаси президентининг 15 июл 2008 йил ПҚ-916-сонли “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори. / Халқ сўзи. -2008 йил. 16 июл.
25. «Иқтисодийнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган 288-сонли Қарори.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 15 июл, ПҚ-916- сонли Қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли Қарори.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида” ПҚ-1046 – сонли Қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3512- сонли Қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида. 2011 йил, 7 феврал, ПҚ-1474- сонли Қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-

2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли Қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ““Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -4478-сонли Қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли Қарори.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013 - 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

34. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. -Т.: Ўзбекистон, 2006. - 280 б.
35. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳот-ларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т. 15. –Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.
36. 31. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т. 16. –Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.
37. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
38. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.

39. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т., “Халқ сўзи”. 2013 йил 19 январ, № 13.
40. Каримов.И.А 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т., “Халқ сўзи”, 18 январь 2014 й.

III. Китоблар ва туркум нашрлар

Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплам

41. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт) –Т: Мехнат, 2004. 604-б.
42. Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.:Fan va texnoloqiya, 2007. – 288-б.
43. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учебное пособие. – М.: – Аспект – Пресс, 2005. – 63 с.
44. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. /А.Б. Борисов. – М.: Книжный Мир, 1999. –825 с.
45. Кэмбел Р. Макконелл. Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. 1-2 книги - М.: Республика, 1993.
46. Маршалл А. Принципы политической экономии. Пер. с англ. Т. 1-3. – М.: Прогресс, 1984.
47. Макконелл К.р., Брю С.А. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: республика, 1992. Т.1. 77 с.

48. Мексон М., Алберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. - М., 1992. -566 с.
49. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы проблемы и политика. Т.1. - М., 1992. –390 с.
50. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. - М., 2000.
51. Романов Ж.А. Сервисная деятельность - М.: Дашков-К, 2006. -399 с.
52. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998 й.й.
53. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 178 б.
54. Фермер хўжаликлари учун бозор инфраструктурасини ривожлантириш. / ЮСАИДнинг “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар” лойиҳаси кўмагида тайёрланган ИТМ маърузаси. – Т., 2004. – 76 б.
55. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. -Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 16 б.
56. Муқимов З.М. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминотини тизимини такомиллаштириш йўллари (Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари мисолида) – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2009 – 24 б.
57. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. / Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.
58. Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантириш. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2013. – 160 б.
59. Самуелсон П. ”Экономика”. М.: Алгон, 1992, т.2. 14 б
60. Чернявский Н.Ф. “Инфраструктура сельскохозяйственного производства. 13 б.”
61. Селезнев А. “Становление рынка и его инфраструктуры” Экономист.1993.№9
62. Говорин А.А. Инфраструктура современного предпринимательства: проблемы, теории и практики. М.: 340 “Финстатинформ”, 1999,55б
63. Пчелинцев О.С. Региональная инфраструктура как условие экономического

роста.// Проблемм прогнозирования.-2004.-№6. жойда.

64. Салимов Б. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков.-М.:Тандем,1998 .
65. Коваленко Н.Я. Инфраструктура сельского хозяйства. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков.-М.:Тандем,1998.
66. Миначов М. Стратегия устойчивого развития АПК.// АПК: экономика, управление, 2004.№9
67. Экономика сельского хозяйства/ Под ред. В.А.Добрынина - М.:Агропромиздат, 1990. - С. 240, 476 с.
68. Мюллер Д.К. – Англо-русский словарь – М.: «Русский язык» 1992 . –С. 233-234.
69. Кравченко С.А. Социально-экономический русско-английский словарь – М.: Астрель, 2004. –С. 511.
70. Борисов А.Б. Большой экономический словарь/А.Б. Борисов – М.: Книжный Мир, 1999. –С. 825.
71. Абдукаримов Б.А ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (олий ўқув юртлири учун дарслик) -Т.: Фан, 2005. 122-123. –б.
72. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций. - М.: ЭКМОС, 1999.-448 с.
73. Васильева Е.С. Сельскохозяйственные кооперативы США.- М.:Издательство «Колос», 1994. -244 с.
74. Зияходжаев М.З. Программирование урожайности хлопчатника. - Т.: Фан, 1982. –84 с.
75. Саттаров Д. Сорт, почва, удобрение и урожай. – Т.: Мехнат, 1988. –188 с.
76. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. -Питер, 2010. С. 59
77. Яковец Ю. Стратегия стабилизации и развития производства Ж-ль. Экономист, 1999, № 10.
78. Каменецкий М. И. Инвестиционная сфера и строительный комплекс: ситуация, государственное регулирование и рыночное взаимодействие

//Проблемы прогнозирования, 1997, N. 6.

79. Белявский И.К. Маркетинговые исследования: Информация, анализ, прогноз. Учебное пособие. М.,2007. С.63.
80. Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари. Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури “Матадор - 2000” лойиҳаси, 2004, -Б.98.
81. Афонин И.В. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. М., 2005. С.78.
82. Парпиев О.Р. Основные факторы дальнейшего развития инновационной научно-технической деятельности в Узбекистане //http://www.uzscience.uz/system.phtml?action=2-7-5.

Кўп томлик китоблар

83. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. - 273 б.
84. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тарибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Илмий монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 232 б.
85. Чориев Қ., Хушматов Н. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. -29 б.
82. Макконел Кэмпбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2–х т. – М.: Республика, 1992. – 388 с.
83. Федко В.П., Федко Н.Г. “Инфраструктура товарного рынка”. Ростов н/Д: Феникс, 2000-512с. 14 б.
84. Ўлмасов А.,Тўхлиев Н. Иқтисодий луғат..Т.1995. - Б. 43.
85. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.
86. Белокрылова О.С., Германова О.Е., Солдатова И.Ю. Институциональные

основы рыночной экономики в России.-М.:Наука,1996.с.43-47.

87. Ўлмасов А.,Н.Тўхлиев. Иқтисодий луғат..Т.1995. - Б. 43.
88. Овчинников В.Н., Ахохов М.Х. Рыночная стратегия материально-технического обеспечения регионального АПК.-Нальчик Издательский центр «ЭЛЬ-ФА», 1994
89. Кочанов М.А., Семенов П.К. Бурланков С.П. Оптимальные формы объединений в АПК //Достижения науки и техники АПК.-2002. №5с.34.
90. Салимов Б.Т. ..Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ. 2004 –Б. 21-22.
91. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.1992. - БЛ 06-107.
92. Абдуғаниев А.А., Абдуғаниев А.А.Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2004. –Б. 274 б.
93. Власкин Г.А., Ленчу к Е.Б. Промышленная политика в условиях перехода к инновационной экономике: опыт стран Центральной и Восточной Европы и СНГ. Серия №2,3-М.: Экономика, 2007. С. 195.

IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари

94. Турсунов А.Ф. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш: Автореф. Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.:БИИТИ, 1998й.-17 б.
95. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши. Автореф. иқт.ф.докт.. – Т.:ЎзБИИТИ, 2001й – 11 -12 б.
96. Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Автореф. дис.канд. экон. наук.. – Вологда: РГБ ОД, 2002. – 18 с.
97. Нигмаджанов У.Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистане в переходный период к рыночной экономике. Автореферат

диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук, Т.: 2002. -Б.10.

98. Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари: Дис. .. иқт.фан.номз.–Т.:БИИТИ, 2004. – 78 б.
- 99.Эргашева Ш.Т. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш.: Иқт.ф.н. дис. авт. – Т.: ТДИУ, 2004. -25 б.
100. Иванова Н.В. Формирование и развитие социальной и производственной инфраструктурн: автореферат дис.канд.э. наук.-Саратов, 2005.
101. Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Дис...канд. экон. наук. – Санк – Петербург: 2006. - 19с
102. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: ЎзР Банк-Молия академияси, 2008.-39 б.
103. Қувондиқов Ш.О. Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. - Самарқанд: СамИСИ, 2008. - 23 б.
104. Тошпўлатов Д.Ш. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ахборот таъминоти тизимининг функционал таркибини ишлаб чиқиш.: Иқт.ф.н. дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2006. -23 б.
105. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида) .: Иқт.ф.н. дис. автореф. – Т.: ЎзР Банк- Молия академияси, 2009. -22 б.
106. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такоммиллаштириш. 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг”.Иқтисод фанлари номзоди

дис.автореферати.Тошкент,2010. 9-10-б.

V. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

107. Исақов Ж. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши. №4. 2012.- Б.44.
108. Муқимов З. Фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш ва моддий техника таъминоти тизимини ривожлантириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №6.2008.- Б.19.
109. Саидова Д. Фермер хўжаликлари барқарорлиги асоси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №8. 2008. Б. 9.
110. Раҳимов Б. Моддий техника ресурслари таъминоти муаммо ва таклифлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2.2007. –Б 56.
111. Раҳимов Б. Моддий техника ресурслари таъминоти муаммо ва таклифлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2.2007. –Б 56.
112. Джалилова Н. Тадбиркорликда даҳқон ва фермер хўжаликлари ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5 . 2011. Б.26.
113. Қаюмов Н. Фермер хўжаликларига янги билимлар ва инновацион технологиялар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №1. 2010. - Б. 31.
114. Қутбиддинова М. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори ва маркетинги. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №3. 2010. Б.31.
115. Саидова Д. Фермер хўжаликлари барқарорлиги асоси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №8. 2008. Б. 9.
116. Джалилова Н. Тадбиркорликда даҳқон ва фермер хўжаликлари ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5 . 2011. Б.26.
117. Алимқулов И.,Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси Ж-л. “Иқтисодиёт ва таълим” 2013 й. №2 – Б. 26-30.
118. Ортиқов И. Аграр соҳада инновациянинг аҳамияти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент,2009. - №2. - Б.29.
119. Хусанов Р., Холмирзаев И., Бабаджанов А. Қишлоқ хўжалигида

- инновация. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. - № 2. - Б.29.
120. Хушматов Н., Файзуллаева Т. Инновация ва қишлоқ хўжалиги // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2009. №12. -Б. 47-48.
121. Шадманов Ш. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиши. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2012.- Б. 37.
122. Расулов Ш. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2012. Б.
123. Жумаев У. Ветеринария: эҳтиёжни қондириш бош мезон. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №10. 2010. Б. 21.
124. Махмудов Н, Ишбаева Ш. Инфратузилма корхоналарини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш омиллари. Ж-ль “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2012 й. №4. – Б.33.
125. Воронин С. “Финансирование механизации сельскохозяйственного производства”. “Бозор, Пул ва Кредит”. .№3. 2008 й. 34-36 б.
126. Султонов Д. Комплекс сервис хизмати кўрсатиш субъектларини такомиллаштириш. Ж-ль “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2012 й. №11. – Б.42.
127. Халилов Х. Ахборот маслаҳат хизмати ва тадбиркорлик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2011. - Б. 35.
128. Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси Ж-л. “Иқтисодиёт ва таълим” 2013 й. №2 – Б. 26-30.
129. Ортиқов И. Ахборот маслаҳат марказларининг АСМда инновацион фаолликни оширишдаги ўрни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2009. Б. 28.
130. Бабаджанов А . Аграр соҳа илмий таъминотида инвестиция ва инновация. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №4. 2010. Б.33
131. Шадманов Ш. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши. Ж-л Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012 йил. №2. – Б.37.

132. Исаков Ж. Хизмат кўрсатиш тизимини кредитлаш ва лизинг қонунчилигини такомиллаштириш. Ж-ль. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012 йил. №8. - Б. 44.
133. Сотволдиев Х. Инфратузилма шаҳобчаларини ривожлантиришда давлатнинг роли. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №6. 2008. -Б. 39.
134. Маркова М.Д. Маркетинг услуг. -М.: Финансы и статистика, 1996.
135. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Давлатнинг бош ислохотчилик роли. –Т.: //O`zbekiston iqtisodiy axborotnomasi, 2009. 2-сон.

VI.Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

136. Синякина Н.Б., Сафаров А. Роль малого бизнеса в развитии инновационной деятельности//”Инновация фаолиятини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада кенгайтиришнинг муҳим омиллари” Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 13 апрел 2011 йил. Тошкент, 2011. С.100-101.
137. Хаитбаев М.М. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ҳуқуқий масалалари // «Инновация фаолиятини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада кенгайтиришнинг муҳим омиллари» Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 13 апрел 2011 йил. Тошкент, 2011. 78-81-б.
138. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш гарови. // Бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш илмий-амалий семинар маърузалари тўплами. А Тошкент, 1998.- Б. 13-16.
139. Қосимов А. Ва бошқалар. «Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги илмий-амалий конференция. Тошкент. ЎзБИИТИ, 2013. – 232 б.

140. Доклад о мировом развитии. Развитие и новое поколение. 2008 год. С.50 .

VII.Статистик маълумотлар

140. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005-2013 йиллар бўйича маълумотлари.

141. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 128-бет .

142. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2012. –356 б.

143. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2013. –345 б.

VIII.Интернет маълумотлари

144. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. – 2012. -Т.: 2013.

145. www.uza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлигининг расмий сайти.

146. IV Республиканской ярмарки инновационных идей, технологий и проектов //http://www.mineconomy.uz/innovation

147. http://www.usda_programs. Один из важнейших факторов развития сельского хозяйства США – государственное регулирование

148. <http://expert.ru/expert/2013/02/poterya-kapitala/>.

149. www.bafuture.org/sites/default/files/Report_0.pdf.

150. <http://news.olam.uz/business/1785.html>.

151. <http://www.uz/iqtisod/>.

152. www.uzreport.com .